

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

ОКТАБРЬ-ДЕКАБРЬ
2017 ЙИЛ
№5 (7)



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабop журнал

2017 йил №5 (7)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди

Ҳамкорларимиз: Андижон давлат университети, Андижон вилоят телерадиокомпанияси

«Андижоннома» газетаси тахририяти

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

Тахрир ҳайъати:

Абдулхамид Анорбоев

Екатерина Смесова

Мамбет Койгелдиев

Маъмуржон Саидхонов

Махбуба Темирова

Мирсодиқ Исҳоқов

Муҳаммадҷон Исомиддинов

Наим Каримов

Поён Равшанов

Ташманбет Кененсариев

Шамсиддин Камолиддин

Шухрат Ризаев

Техник муҳаррир:

Беҳзодбек Қаҳҳоров

Жамоатчилик кенгаши:

А.Расулов

Абдинаби Кадыров

Абдумухтар Исроилов

Бахтиёр Аминов

Бахтиёр Ҳасанов

Б.Абытов

Дилмурод Қуროнов

Маҳмуд Ҳасанов

Мансур Хужаев

Сойибжон Ҳошимов

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2016 йил 18 майда № 04-049 рақам билан руйхатга олинган

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Тахририят манзили: 170100, Андижон шаҳри Университет кўчаси 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@inbox.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ Босма тобоғи: 13,5

Офсет босма. Офсет қоғози.

Адади: 1 500 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар тахририят нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr NNM» МЧЖ томонидан тайёрланган «Akademnashr NNM» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани

20^а-мавзе 42-уй

Ўзбек-қирғиз дўстлиги тарихида янги босқич	2
Эътироф.....	5
Аҳмадҷон Мелибоев	
Бир эл, бир дил бўлиб	8
Мирзоҳалим Каримов	
Икки эл бахти учун порлаган юлдуз	11
Дўстлик ва қардошлик тантанаси	13
Қирғизистонлик оқинга Президент совғалари – «Малибу» ва уй калити топширилди.....	16
Фарҳодҷон Чўтбоев	
Йўлларимиз қисқа ва равон бўлди	17
Акмал Саидов	
Конституция ва мустақил давлат рамзлари	18
БҮЮК ТАРИХИЙ ШАХСЛАР	
Акмал Саидов, Люсен Керен	
Амир Темур – ўзбек ва француз олимлари нигоҳида.....	28
Наим Каримов	
Назир Туракулов – биринчи ўзбек дипломати	32
Рустамбек Шамсутдинов	
Абдуллаев Ҳабиб Муҳаммедович (1912 – 1962).....	34
Қўқон Хонлиги Даври	
Меҳроҷиддин Амонов	
Лангар азизлари зиёратгоҳи ёхуд Атоуллоҳ Хўқандийни биласизми?	37
РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ	
Рустамбек Шамсутдинов,	
Туркистон мухторияти – миллий давлатчилигимизнинг ёрқин саҳифаси.....	42
М.К.Койгелдиев	
Муҳамеджан Тынышпаев: Я служил народу	61
Манзура Акбарова, Беҳзодбек Қаҳҳоров	
Муҳаммадҷон Тинишбоев ҳаёти ва тақдиридан лавҳалар	68
Озод Шарафиддинов	
Мустафо Чўқаев – Туркистон мухторияти Бош вазири.....	73
М.Х.Эрктурк, Р.Шамсутдинов	
Саид Носирхон тўра – маориф вазири	83
Рустамбек Шамсутдинов	
Штрихи к портрету военного министра Туркестанской автономии Убайдуллы Ходжаева	87
Шамсутдин Темиров, Сойибжон Ҳошимов	
Алаш мухторияти	93
ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР	
Рустамбек Шамсутдинов	
Советларнинг Ўзбекистондаги миллий сиёсати ўзбек зиёлилари талқинида (ОГПУ материаллари асосида)	96
ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР	
Аҳмад Заки Валидий Тўғон	
Хотиралар	101
ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА	
Абдураҳмон Исҳоқов	
«Куйлайвер, Санобар!»	104



ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ ДЎСТЛИҒИ ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроа асосида ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди.

Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди.

Томонлар ўз сиёсий иродасини, ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга тайёр эканини намоён этгани туфайли ўтган йигирма олти йил давомида биринчи марта ушбу гоят нозик масала бўйича катта натижага эришилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан.
Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 – 6 сентябрдаги Қирғизистонга давлат ташрифи маъно-мазмуни жиҳатидан бу икки қондош ва жондош халқлар тарихига муҳим тарихий воқеа сифатида муҳрланди. Олий даражадаги музокараларда икки мамлакат, икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги сифат босқичига кўтарила олди. Бу икки халқ юртбошилари Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекистон – Қирғизистон чегараси тўғрисида шартномани имзоладилар. Андижон ва Ўш, Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкор-

лик тўғрисидаги, икки давлат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги, солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги илмий-техникавий, олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, чегарадош минтақалар ўртасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича 2017 – 2019 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси, парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум каби кўплаб муҳим ҳужжатлар эълон қилинди. Ҳар икки Президент ўртасидаги музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч руҳида ўтди. Эришилган тарихий келишувлар ўзбек-қирғиз ҳамкорлиги ва дўстлиги сифат



жиҳатидан янги босқичга кўтарилганининг ёрқин исботи бўлди.

Шавкат Мирзиёев бу учрашувимиз, қабул қилинган келишувларимиз 26 йиллик тарихимизда янги саҳифа бўлганини алоҳида таъкидлаб, бу тарихий кунни кўриб қирғиз эли, ўзбек эли қувончларга тўлганини қайд этиб, ҳар икки халқни чин қалбдан табриклади.

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев ўз нутқида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга қилган ташрифи ҳар икки халқ ҳаётида жуда катта тарихий воқеа бўлгани, уни халқимиз 20 йилдан кўпроқ кутиб келгани, икки қардош халқ муносабатларида янги эра, янги даврни бошлаб берганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари, ҳукумат делегациялари учрашувидан кейинок Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Дўстлик» чегара мажмуасида Андижон вилояти ҳамда Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти вакилларининг учрашуви бўлди. Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдурахмонов, Ўш вилояти губернатори Талаайбек Сарибашев, Ўш шаҳри мэри Айтмамат Қадирбоев, Андижон

шаҳар ҳокими Дилмурод Раҳматуллаев ўзбек ва қирғиз халқи ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик ришталари узоқ тарихга эга эканлиги, давлатларимиз раҳбарлари учрашуви нафақат ана шу дўстликни, балки икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида янги саҳифа очганлигини таъкидладилар. Бу учрашув чинакам дўстлик байрамига айланди.

– Бугунги учрашув икки қўшни халқ ўртасидаги ҳақиқий дўстлик байрамига айланди, – дейди тадбир иштирокчиси, Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўш» халқаро альманахи бош муҳаррири Салима Шарипова. – Мана шу кунни халқларимиз узоқ йиллар кутиб яшади. Ишонаманки, энди қўшничилик муносабатларимиз, ҳамкорлигимиз янада юқори босқичга кўтарилади. Бундан барчамиз фақат фойда кўраимиз.

– Вилоятимизда жуда кўп қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайди, – дейди Андижон вилояти Қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Обиджон Носиров. – Миллий анъаналаримизни ривожлантириш, ўз она тилимизда ўқиш учун барча шароитлар яратилган. Айни кунда 20 дан



ортиқ умумтаълим мактабларида қирғиз тили ўқитилмоқда, Андижон давлат университети филология факультетининг қирғиз тили ва адабиёти йўналишида 70 дан ортиқ ёшларимиз таҳсил олмоқда. Икки қардош халқ ўртасидаги қўшничилик муносабатлари тикланганлигидан, айниқса, биз жуда ҳам хурсандмиз. Бунинг учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз.

– Ҳақиқатан ҳам, икки қўшни халқ ўртасидаги тўсиқлар сабабли қариндош-уруғларимиз билан борди-келди узилиб қолган эди, – дейди Хўжабод туманидаги Солпи маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Қундузхон ая Ғоппорова. – Ахир биз асрлар давомида қўшни бўлиб яшаганмиз, Қирғизистонга қиз бериб, қиз олганмиз. Халқларимизни янада яқинлаштирганлиги учун икки давлат раҳбарларидан, хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан чексиз миннатдормиз.



ЭЪТИРОФ

Муҳтарам Шавкат Миромонович жаноби олийлари!

Қирғизистон Республикасининг меҳнат фахрийлари, жамоат арбоблари Сизни Марказий Осиёдаги халқаро майдонда нуфузи баланд йирик давлат раҳбари сифатида яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Ўзбекистон Республикаси халқи демократик тамойилларга асосланган ҳолда Сизни мамлакат Президенти этиб сайлаганда биз ҳам бу хабарни мамнуният билан қабул қилганмиз.

Давлат раҳбари сифатида иш бошлаганингизнинг дастлабки пайтидан бошлаб икки давлат ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, маданий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганингиздан Сиздан беҳад миннатдормиз.

Маълумки, санъат ва маданият халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Бунинг далили сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фаргона водийси вилоятларида Бобур номли Ўш давлат академик ўзбек мусиқали драма театри ижодий жамоасининг гастроли ўтказилиши, санъат аҳлига кўрсатилган эътиромдан кўлимиз кўксимизда.

Шу йилнинг 5 сентябрь куни Бишкек шаҳрида Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Шаршенович Атамбаев билан бўлган расмий учрашувда мамлакатимиз Президентини тилимиз, динимиз бир эканлигига алоҳида ургу бериб, ҳатто яқин ўтмишда Кўқон хонлиги таркибида давлатимиз бир бўлганлигини айтган эди.

Мазкур учрашув Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида янги даврни бошлаб берди. Айниқса, 6 сентябрь куни Қирғизистон – Ўзбекистон давлат чегарасининг Қирғизистон Республикасидаги Ўш вилояти

ва Ўзбекистон Республикасидаги Андижон вилояти ўртасида жойлашган «Достук» (Дўстлик) назорат-ўтказиш масканининг расман очилишини фахрийлар, қолаверса, оддий элимиз вакиллари кўзларида мамнуният ёшлари билан қабул қилганликларининг гувоҳи бўлдик. Бу ҳам бўлса Сизнинг олиб бораётган доно сиёсатингиз натижасидир.

Анъанавий ўтказилиб келинган маданият кунлари, декадалар, театр гастроллари икки давлат ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда улкан аҳамият касб этади деган умиддамиз. Икки давлат театрлари билан тажриба алмашиш ва ижодий мулоқотда бўлиш мақсадида ўзаро гастролларнинг амалга оширилиши учун маънавий ва моддий кўмак кўрсатаётганлигингиз катта эътирофга сазовордир.

Муҳтарам Шавкат Миромонович жаноби олийлари!

3017 ёшни қаршилаётган қадимий ва навқирон Ўш шаҳри аҳли, меҳнат фахрийлари Сизга мамлакатлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик сиёсатини оқилона амалга оширишингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

Б.А.НУРУНБЕТОВ,

Қирғизистон Республикаси халқи Ассамблеясининг Ўш вилояти бўлими раиси, тарих фанлари доктори, профессор,

П.С.САБИРОВ,

Қирғизистон Республикаси халқи Ассамблеясининг Ўш вилояти бўлими раисининг маслаҳатчиси, меҳнат фахрийси,

Б.Ж.ЖўРАЕВ,

Ўш шаҳар миллий маркази Оқсоқоллар Кенгашининг раиси, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенгашининг собиқ депутати,

Р.Х.ХОДЖАЕВ,

Ўш шаҳар ўзбек миллий маркази президенти



Профессор, Қирғизистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Балтагулу Нурунбетов



Таниқли давлат ва жамоат арбоби Бўрибой Жўраев



Қирғизистон Республикаси халқ Ассамблеясининг Ўш вилояти бўлими раиси, тарих фанлари доктори, профессор Пулат Собиров



Ўш шаҳар ўзбек миллий маркази президенти Р.Х.Ходжаев

Камил Атаханов: Благодаря политической зрелости Президентов двух соседних стран Кыргызстана Атамбаева А.Ш. и Узбекистана Мирзиёева Ш.М. 6 сентября 2017 г. восторжествовала историческая справедливость. Открылся КПП «Достук», многолетняя мечта двух братских и других народностей Кыргызстана и Узбекистана.

Добрые люди наших дружеских стран, в связи с открытием дороги мира, дружбы и солидарности встретили со слезами на глазах двухстороннее открытие границы, и были благодарны Президентам Кыргызстана и Узбекистана.

От города Ош до города Андижан рукой подать. Эти два города всегда были близкими соседями, жили в дружбе и братстве, сватались, были рады встречи друг с другом, делились хлебом и солью.

Я понимаю, что в истории человечества бывают различные политические, социально-экономические, культурные недоразумения. В конце-концов настает время, все восстанавливается благодаря мудрости, терпению и толерантности народа, старанию лидеров государств.

Хочется отметить, что наши предки завещали нам жить в мире и дружбе. Нам всегда надо придерживаться этим заветам. Я уверен в том, что открытие КПП «Достук» проложит дорогу мира нашим извечно дружеских народов – кыргызов и

узбеков, и даст импульс процветания других этносов проживающих в этих двух странах.

Да здравствует дружба народов, мир и солидарность!

Пусть процветает Кыргызстан и Узбекистан! Спасибо Вам дорогие Президенты Атамбаев А.Ш. и Мирзиёев Ш.М. за вашу политическую мудрость, за преданность своему народу и своей стране. Живите долго, здоровья Вам, личного и семейного счастья.

Арсланбек Байўглиев: Я, мои братья и сестры турки. Наши родители, родившиеся, и живущие в независимом Кыргызстане безгранично рады открытием КПП «Достук». Дорога Ош – Андижан извечно была дорогой жизни, дорогой братства и солидарности. Эта дорога символизирует крепкие узы дружбы двух братских народов Кыргызстана и Узбекистана, в том числе турков и других этнических групп проживающих в этих странах.

Я бизнесмен. Волею судьбы возглавляю турецкий национально-культурный центр Ошкой области. Самой главной задачей считаю укреп-



Ўш области турк миллий-маданий маркази президенти Арслонбек Байўглиев



ление дружбы народов и межэтнических отношений. Открытие центрально-пропускного пункта «Достук» будет способствовать развитию моего бизнеса, моего вклада в дальнейшее экономическое развитие братского Кыргызстана и Узбекистана, улучшению уровня жизни моей семьи. У меня появятся новые друзья в братском Узбекистане, а это дорогого стоит!

Я выражаю свою благодарность нашему Президенту Атамбаеву А.Ш. и Президенту Узбекистана Мирзиёеву Ш.М. за их заботу о своем народе, за их мудрое решение – дать возможность осуществить в жизнь мечту и чаяния людей встречаться с близкими родственниками, своими однокурсниками, коллегами по специальности, свободно ездить в братский Узбекистан и Кыргызстан, посещать такие замечательные исторические города как Самарканд, Бухара, Ош, озера Иссык-Куль, общаться друг с другом и обогащаться знаниями и мудростью братских народов Кыргызстана и Узбекистана...

Аҳмад полвон Раҳимов: ... Ўрта Осиёдаги



Ўзбек миллий маданий маркази президенти, Қирғизистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси Аҳмад полвон Раҳимов

давлатлар мустақилликка эришганларидан сўнг чегаралар ва улар атрофидаги чалкашликлар, муаммолар туғила бошлади. Маълум муддатгача ўзаро қатновлар қисқартирилди, ҳатто тўхтатилди. Бу ҳолат ўзаро дўстона алоқаларга, айниқса, қариндошлар ўртасидаги муносабатларнинг илиқлашувига

салбий таъсир кўрсатди. Аммо ҳеч қандай сунъий тўсиқлар дўстлик ришталарини уза олмади.

Қуни кеча Бишкек шаҳридаги Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари расмий учрашуви тарихий воқеадир. Бу тадбир юртининг келажагини, ўз халқининг ҳар томонлама ўсиб-унишини ўйлаган ва истаган икки давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати натижаси бўлди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара муаммолари дўстона вазиятда ҳал этилди.

Савдо-сотиқ ва маданий алоқалар йўлга қўйилганлиги ҳар иккала давлатлар ўртасидаги

иқтисодий, илмий ва маънавий ривожланишнинг барқарорлашувига ижобий таъсир этиши шак-шубҳасиздир. Ўзаро тажриба алмашинувлар жаҳон иқтисодиётидаги энг синалган усуллар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада икки Президентнинг доно сиёсати таҳсинга лойиқдир.

Оддий фуқаро тинчлик, хотиржамликни истайди, фарзандлар келажагидан-да муҳимроқ нарсани тасаввур этолмайди. Шундай экан, келинлар, биз ҳам Президентларимизнинг муборақ имзолари туширилган тарихий битимларнинг бажарилишига лаббай деб жавоб беришга шай турайлик. Яхши ният, эзгу ҳаракатларимиз билан дўстона алоқаларнинг жипслашувига ўз ҳиссамизни қўша олсак мақсадга мувофиқ бўлади. Ўш вилоятининг меҳнатсевар халқи бу чақириқларга чин дилдан ҳисса қўшишга маҳкам бел боғлаган.

Халқларимиз ўртасидаги ўзаро биродарлик, дўстона иттифоқ ҳар иккала давлат ўртасидаги иқтисодиётнинг, фан ва маданиятнинг, ички туризмнинг ривожига муҳим ва мустақкам кўприк бўла олади, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Евгений Бреславский:

...Исстари мы дружили и работали вместе. Проводили различные мероприятия как со стороны Русского центра Андижанской области, так и со стороны Ошского областного объединения этнических россиян «Содружество». Дружили и областные газеты «Андижанская правда» и «Эхо Оша». Почти ежемесячно организовывали совместные летучки, обменивались творческим опытом, делились новостями на своих совместных страницах. Это служило укреплению связей, добрососедских отношений. И надеюсь, что ныне все старое и доброе возродиться и приобретет новые перспективы, которые позволят открыто вести диалоги, обмениваться полезной информацией и, наконец, просто дружить и радоваться каждой встрече.



Президент Ошского областного объединения этнических россиян «Содружество», экс-главный редактор областной газеты «Эхо Оша» Евгений Бреславский



БИР ЭЛ, БИР ДИЛ БЎЛИБ

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яқин қўшничилик алоқаларини янги маъно-мазмун билан бойитиш борасида муҳим аҳамият касб этди. Олий даражадаги музокаралар давомида икки мамлакат, икки қардош, қондош халқ манфаатларига мос алоқаларни кенгайтириш билан боглиқ масалалар атрофича кўриб чиқилди. Ташриф якунлари бўйича Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида қўшма баёнот ва Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегараси тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Азалдан ёнма-ён, ҳамжихат бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қирғиз халқларининг орзуниятларини рўёбга чиқариш, уларнинг яқин қариндошлик асосидаги ўзаро алоқаларини янада ривожлантириш йўлида зарур бўладиган барча шарт-шароитни яратиш учун бор имконият ва салоҳиятимизни ишга соламыз» деган самимий сўзлари мезбонларни руҳлантириб юборди. Андижон ва Ўш шаҳарлари ўртасида имзоланган савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Музокараларда транспорт коммуникациялари, сув ва энергетика масалаларига алоҳида эътибор берилди. Маданий ва гуманитар ҳамкорликка оид кўплаб шартномалар имзоланди, биргина экспорт контрактларининг ҳажми 150 миллион долларга етди.

Ҳар икки Президент қайта тикланаётган манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш асосида шартномаларни бемалол 500 миллионга ҳам, 1 миллиардга ҳам етказиш мумкинлигини таъкидладилар. Чунки транспорт коммуникациялари очилганида икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ янада юришиб кетиши аниқ. Шу боис «Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой» темирйўл магистрალი лойиҳаси амалга оширилишидан томонларнинг манфаатдорлиги таъкидланди. Минтақа ва давлатлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга имкон берадиган ҳамда уларнинг иқтисодий тараққиётига замин яратадиган «Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой» янги автомобиль йўлини шакллантириш муҳимлиги эътироф этилди. Ташриф доирасида бир гуруҳ ўзбекистонлик тадбиркорлар Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган бизнес-форумда иштирок этдилар.

Ташриф натижалари ҳар икки томонда ҳам зўр мамнуният, хурсандчилик билан кутиб олинди. Шавкат Мирзиёевнинг «Қирғизистон билан Ўзбекистон чегараси дўстлик ва ҳамкорлик чегараси бўлиши керак» деган сўзлари ташрифнинг асосий шиорига айланди десак муболага бўлмайди. «Агар Президентимизнинг Қирғизистонга давлат ташрифига сиёсий баҳо бермоқчи бўлсак, бу чиндан ҳам тарихий ташриф бўлди», – деди Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов «Ўзбекистон» телеканалига берган интервьюсида.

Ташриф муносабати билан маҳаллий матбуотда эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение орқали берилган шарҳларда Ўзбекистон раҳбари яқин қўшнилари билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга алоҳида эътибор бераётгани, бу борадаги дастлабки амалий қадамларнинг ижобий самаралари ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташлана бошлагани ургуланади. Дар-



ҳақиқат, Ўзбекистон раҳбарининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» шиори остида олиб бораётган янги сиёсати, мамлакатни 2017 – 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишидан иборат Ҳаракатлар стратегияси, «Одамлар давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари одамлар учун ишлаши керак», «Биз қўшнилар билан рақобатчилар эмас, ҳамкорлармиз» деган даъватлари, одамларни тинглаш, муаммоларини ҳал этиш, ҳар бир инсон бу ҳаётда ўз умридан рози бўлиб яшашига эришиш сиёсати нафақат минтақада, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Тарихий илдизлари, тили ва дили бир, асрлар давомида ҳаётнинг не-не синовларидан ўтган, дўстлик, биродарлик, қуда-андалик қон-қонига сингиб кетган қондош ва тақдирдош ўзбек ва қирғиз халқини бири-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Буни мозийнинг табаррук нафаси уфуриб турадиган тугилиб-ўсган қишлоғим Сафед Булон мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қишлоғимизга келган киши бу ернинг тубжой аҳолиси ўзбеклар, аммо каттаю кичик қирғиз тилида ҳам бийрон сўзлашаётганига гувоҳ бўлади. Меҳмон кутиш, дастурхон ёзиш одоблари, айниқса, қўноқларнинг қўнглини олишда ўзбекча-қирғизча расм-русумлар қўшилиб, бир-бирини тўлдириб, ажиб яхлитлик касб этган. Тўй маросимларида ўзбекча-қирғизча қўшиқлар, айтишув-тортишувлар биргаликда янграйди, мусибат кунлари ўзбекнинг уйига қирғиз биродари, қирғизнинг овулига ўзбек қадрдони «бовурим», «жигарим»лаб етиб келади. Ён-атрофимиздаги Оқтом, Ёшасолди, Подак, Оққўргон, Қўргонча, Қашқалоқ, Қўшолмурут қишлоқларида ҳам бундай ҳамдардликни кўриш мумкин. Чунки бу қишлоқларда азалдан икки туркий қавм вакиллари ёнма-ён, бир-бирларига елкадош, тақдирдош бўлиб яшаб келадилар. Бозорлари, мазорлари, ҳосил далалари, қир-ўрлари, яйлов-ўтлоқлари, сой-сўқмоқлари, тоғ-тошлари, ов қиладиган даралари, қиш кечалари кўрган-кечирганларини бир-бирларига ошириб-тошириб айтиб берадиган чойхона, меҳмонхоналари бир. Қирғизларнинг тўйларида ҳам карнай-сурнай чалинади, бир қозонда йилқининг гўшти қайнаса, иккинчисида палов дамланади. Меҳмонларнинг елкасига тўн ёпилиб, бошига қалпоқ кийгизилади. Ўзбек тўйларида кўпқари-улоқ чопилади, дас-

турхонга қозони нон, қазичучук, бўғирсоқ қўйилади, қимиз тортилади.

Сафед Булонлик таниқли болалар адиби, қирғиз тилида ҳам бийрон сўзлайдиган ва ёзадиган, бу истеъдоди билан устоз шоир Миртемирнинг эътиборига тушган Турсунбой Адашбоев бутун умри давомида ўзбек-қирғиз адабий-маданий алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшди, машҳур «Манас» эпосининг таржимонларидан бири бўлди, қирғиз адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига, ўзбек адибларининг сара асарларини қирғиз тилига маҳорат билан таржима қилди.

Сафед Булондаги ўзбек мактабларида қирғиз халқи тарихи ва маданияти, тили ва адабиёти ҳам чуқур ўрганилади. Ўқувчилар «Алпомиш», «Гўрўгли», «Равшан ва Зулхумор» каби достонлар билан бирга «Манас» эпосини ҳам қунт билан ўрганадилар. Икки ва кўп тиллилик эса бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир.

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ўзбек китобхонларининг ҳам сеvimли адиби эди. Унинг деярли барча асарлари ўзбек тилига ўтирилган ва ўқувчиларга ўз вақтида етиб борган. Бунда маҳоратли таржимонлар Асил Рашидов ҳамда Иброҳим Ғафуровнинг хизматлари, айниқса, катта. Юксак маҳорат билан ёзилган қиссалар, дунё адабий жамоатчилиги эътиборини қозонган романлар бизни йигирманчи асрнинг буюк истеъдод эгаларидан бири – ёзувчи, публицист ва жамоат арбоби, дипломат Чингиз Айтматовнинг бадиий олами, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-эстетик қарашлари билан ошно этди. Таниқли таржимашунос олим Ғайбулла Саломовнинг адиб ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги тадқиқот мақолалари Чингиз огага муҳаббатимизни янада оширди. Икки ёндош мамлакат халқлари орасидаги азалий дўстлик ришталари, маданий-маънавий, адабий-маданий алоқалар Чингиз Айтматовнинг фусункор ижоди, серқирра ижтимоий фаолияти боис янада ривож топди.

«Айтматов ижоди бизга кўп жиҳатдан сабоқ бергулик мактабдир, – деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. – Менинг учун Айтматов сабоқларидан бири қуйидагича: Чингиз ога ўзининг бениҳоя жасур истеъдоди билан ҳар қандай маҳдуд, қийин шароитда ҳам ҳақиқатни қиёмига етказиб, ўринлатиб айта билишини исботлади. Адибнинг «Алвидо, Гулсари» асарини эсланг. Асар



қахрамони Танабойнинг ҳам, унинг содиқ йўлдоши Гулсари лақабли отнинг ҳам навқирон чоғлари жамият хизматига сарф бўлди. Бироқ улар қартайгач назардан, эътибордан қола бошладилар. Ёзувчи мана шу фикрни мураккаб шароитда катта маҳорат билан бадиий асарга айлантирди. Бу гап бугунги кунда ҳам ўз актуаллигини, ҳаётий қимматини йўқотган эмас. Албатта, ҳар қандай буюк адибнинг ҳам ўз услуби, оҳанги бўлади. Толстойни Достоевскийдан фарқлашда доҳиёна белгиларни илгаш мумкин бўлганидек, Айтматов ижодини кузатганда ҳам фақат унга хос бўлган фазилатларни дарҳол топа оламиз. Булар чуқур инсоний фалсафа ҳамда гоят гўзал поэтик руҳдир».

Ёзувчи халқимиз тарихи ва маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши билади, чуқур ҳис этади, буюк алломаларимиз билан ўзбек халқи каби фахрланади. Унинг қисса ва романларида, публицистик мақолаларида Ўзбекистон, ўзбек халқи, қадим тарихимиз, аждодларимизнинг буюк маънавий мероси, Самарқанд ва Бухоро тарихи билан фахрланиш, Орол кўлининг тақдири билан боғлиқ ўринлар кўплаб учрайди.

1974 йил февраль ойида Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битираётиб «Чингиз Айтматов – журналист» мавзуда диплом иши ёзиш учун ҳозирги Бишкек шаҳрига бориб, Чернишевский номидаги республика кутубхонасида рус ва қирғиз тилида чоп этиладиган газета-журналларни варақлаб тегишли материалларни тўпладим, Чингиз Айтматов билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Номи оламга машҳур адибни кўрмаган бўлсам-да, «Жамила», «Эрта қайтган турналар», «Момо ер» қиссаларини ўқиб, истеъдодли ёзувчининг чинакам мухлисига айланган эдим. Ўша пайтлари қирғиз киночиларига бош бўлиб турган Чингиз ога кутубхона раҳбарларига «Ушул жигитге жардам берингиз» деган икки энлик хат ёзиб берди. Ишим битгач, ийманибгина у кишининг идорасига келдим. Шоир Жўлон Мамитов Чингиз Айтматовнинг ёрдамчиси экан, менинг Турсунбой Адашбоевга ҳамқишлоқ эканимни билиб, ёзувчи билан яна бир бор учрашишимга кўмаклашди. Минг хижолат билан ичкарига кирдим. Чингиз ога муқовасига «Бунин» деб ёзиб қўйилган китобни ўқиб ўтирган экан.

– Хўш, йигитча, ишларинг битдими? – сўради у мен билан қўл бериб сўрашар экан ва жавобимни кутмай: – Мага қандай суроо бар? – деди.

Биринчи учрашувимизда мен у киши билан қирғиз тилида сўзлашишга ҳаракат қилган эдим. Бундан у киши хурсанд бўлиб: «Тил билуу абдан жақши. Арекет қил», – деди ва янги чиққан китобига: «Иним Ахматжан Мелибаевга журналистик майданда ийгилик тилеймин», – деб дастхат ёзиб берди. Ушбу дастхатни улуғ устоздан олган фотиҳа сифатида ҳамон сақлаб келаман.

Икки туркий халқ тарихи ва тақдирининг елкадошлиги Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовга йўллаган мактубида ёрқин акс этган. «Бугун мен чуқур мамнуният билан, виждон амрига итоат этган ҳолда сенга аллақачон йўллашим лозим бўлган ушбу хатни ёзмокдаман, – деган сўзлар билан бошланади ушбу мактуб. – «Улугбек хазинаси»ни, гарчи бироз кечикиб бўлса-да, зўр қизиқиш ва мароқ билан ўқиб чиқдим. Яхши китоб ҳақида завқ билан ёзиш мумкин. Сенинг асаринг юксак проза намунасидир. Бадиий жиҳатдан баркамол бўлган бу тарихий роман мени чинакамига ларзага солди. Ўқувчини тўлқинлантира олиш мумтоз санъат асарига хос бирламчи аломатдир. Ва яна мен бу сафар туркий халқлар вакили сифатида чуқур мамнуният ва ғурур-ифтихор ҳиссини туйдим. Улугбек бизнинг бебаҳо ўтмишимиз бўлибгина қолмай, мана шу табаррук заминда биз эгаллаган ўрнимизни оқловчи сиймо ҳамдир. Улугбек бизга дунёни муҳокама этиб, ҳукм чиқариш учун ҳуқуқ ва ваколат берадиган, дарду ҳасратимиз, чеккан алам ва изтиробларимизни ифода этувчи унутилмас зот десам муболага бўлмаса керак... Улугбек мен учун фақат ўрта асрда яшаб ўтган тенгсиз аллома сифатидагина эмас, шу билан бирга, бизнинг тарихимизда, улуг туркий аждодларимиз орасида фавқулодда мураккаб ва жуда огир кулфатларни ўз юрагидан ўтказган ёрқин сиймолар сифатида ҳам буюқдир. Ҳар қандай даврнинг, ҳатто энг маърифатли замонларнинг ҳам ўз Улуғбеклари бўлган ва бўлади...»

Халқларимиз олис мозийдан то бугунги кунларга қадар ҳамнафас, ҳамдарад бўлиб, ҳаётнинг огир синовларидан ўтиб келдилар, эрк ва озодлик учун кураш йўлларида бир-бирларига елкадош бўлдилар. Бугун эса улар тарихий бирлик ва биродарлик ҳисси билан бир-бирларига қўл бериб, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ўз келажаклари сари дадил қадам ташламоқдалар.



ИККИ ЭЛ БАХТИ УЧУН ПОРЛАГАН ЮЛДУЗ

**ёки давлат чегараларини очиб, кўзларимиздан қувонч ёшларини оқизган
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВга мактуб**



Қирғиз Республикаси Миллий ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
фахрий журналист Мирзахалим Каримов

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Сизнинг донишманд сиёсатингиз туфайли Ўшдаги «Дўстлик» чегара пости очилган куни чорак асрдан буён шу кунни интизорлик билан кутган халқларимизнинг қувончи ичига сигмай, кўзларидан севинч ёшлари оққанлигини оммавий ахборот воситалари орқали кўриб ва ўқиб бошим кўкка етди. «Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, вақт-соати келиб адолат қарор топар экан. Борди-келдилар йўлга қўйилиши билан икки давлатда истиқомат қилаётган бир-бирига ташна инсонларнинг юраклари таскин топиб, барча

муаммолар ечилиши муқаррар. Бу инсон бутун Ўрта Осиё халқларининг бахти учун порлаган юлдуз каби чақнаб тураверсин», – дея менинг ҳам беихтиёр кўзларимда ёш қалқиди. Сизнинг шарофатингиз туфайли чегара очилган кун икки халқнинг унутилмас, энг бахтли куни бўлиб тарихда муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Президентлик вазифасини бажаришга киришган кунингиздан буён Сиздаги юрт бошқариш донишмандлиги, тадбиркорлик, тўғри тафаккур юритиш каби фазилатларни бутун дунё кузатиб ва билиб турибди, ҳатто сиздек юртбошиси бор давлатга ҳавас кўзлари билан боқиб, кўп нарсаларни ўрганишаётгани сир эмас.

Сизнинг ижодкорларни қўллаб-қувватлашингиз менга қаттиқ таъсир қилди. Хорижда даволанган ва ўша ерда вафот этган таниқли ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповни тугилиб ўсган юртига келтириб дафн этиш маросими бутун умр ёдимдан чиқмайди. Сабаби, ўзбек назмини дунёга танитган ҳассос шоирни сўнгги манзилга кузатиш ва бошқа ўзбеккона расм-русумларни адо этишда Сиз ўзингиз бош-қош бўлиб юришингиз кўз олдимда муҳрланиб қолди. Сизга ўзим ва бутун ижод аҳли номидан миннатдорчилик билдираман.

Адабиётни, маданиятни, ижодкор инсонларни қадрлайдиган раҳбар эканингизни ўшанда юракдан ҳис этган эдим. Сизда кенг-



феъллик, донишмандлик, адолатпарварлик, одамгарчилик каби сифатлар борлигини ўшандаёқ пайқагандим.

Икки давлат ўртасидаги илгаридан давом этиб келган дўстона алоқаларни қайта жонлантирган, одамлар қалбидаги умид чироқлари пилигини кўтариб, қалбларда келажакка бўлган ишончни ўт олдирган Сиздек раҳбарнинг одил сиёсати ҳақида батафсил ёзадиган бўлсам, қогоз етмаслиги аниқ. Шулардан бирига тўхталишни жоиз топдим.

Сиз, ҳурматли Шавкат Миромонович, бир-бирларининг дийдорларига ташна икки элнинг борди-келдисини қайта тиклаб ҳамманинг дуосини олганингизнинг ўзи улкан маррани забт этганингиздир. Кўпни кўрган қариялар Сизни дунёга келтирган ота-онангизга раҳмат айтиб, умрингиз узоқ бўлишини, улкан режаларингиз амалга ошишида Сизга куч-қувват, метин ирода, сабр-тоқат ёр бўлишини тилашмоқда. Албатта, ўша оқсоқоллар қаторида мен ҳам ҳақингизга дуо қиляпман. Сизга, Олатогдай «оқ олтин» хирмонларини уюшга қодир меҳнаткаш ўзбек халқига оппоқ тилакларим, яхши ниятларим бисёр. Ёзувчи бўлганлигим учун дунё сахнасида ўз ўрни, ўз овози бор ўзбек адабиётининг, кўплаб таниқли ёзувчи, шоирларнинг сермазмун ижоди билан яқиндан танишиб, ўзбек тилини яхши ўзлаштириб олганман. Тошкентнинг Наққошлик кўчасидаги хонадонлардан бирида яшаб ўтган устозим Ўткир Ҳошимов, шунингдек, Абдулла Қаҳҳор, Саида Зуннунова, Учқун Назаров ва бошқа қаламкашларнинг асарларини қирғиз тилига таржима қилиб, нашр этиришга му-

ваффақ бўлганман. Қирғизистонлик Абдугани Абдугафуров, Мўйдинжон Абдумажидов, Қурбон Саттор сингари ўзбек қаламкашлари билан ижодий алоқаларим бор.

Ўзбек ва қирғиз халқларининг аҳил ҳамда дўстона маданий, иқтисодий алоқаларини қайта жонлантиришдаги улкан саъй-ҳаракатингизни биз каби қаламкашлар ўз ижодлари орқали тарихга муҳрлайди деб ишонаман.

Энди, Шавкат Миромонович, савобли ишингизни ўз назоратингизга олишингиз, давлат хизматларига метин иродали, нафсини жиловлай оладиган, қонун устуворлигига амал қилиб икки давлат тинчлиги, осойишталиги, одамларнинг эмин-эркин борди-келдисини таъминлайдиган кадрлар келиши таъминланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, эл-юрт шаъни, юртбошининг обрўси, Ватан номусидан ўз нафсини устун қўювчи кадрлар келгудек бўлса, одамлардан ва чегарадан ўтадиган йўловчилардан пора тама қилиб, бора-бора порахўрликка қайта йўл очилиб халқларимиз қийналиши, бу ҳол Сизнинг шаънингизга ҳам доғ бўлиб тушиши эҳтимол. Бу масалада қирғиз томони ҳам ҳушёр туришига тилакдошман.

Тинчликни, дўстликни, биродарликни ёқловчи икки халқимизнинг бахтига, доим соғ бўлинг, ҳурматли Шавкат Миромонович! Сизга мустаҳкам соғлиқ тилайман, номингиз тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилишига тилакдошман.

**Мақолани қирғизчадан ўзбекчага
Раънохон МАМИТОВА таржима қилган.**



ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ТАНТАНАСИ



Суратда (чапдан) Максатбек ЖУСУПБЕКОВ Жалолобод шаҳрининг фахрий фуқароси, Ботиржон ҒОЗИБОВЕВ журналист, «ҚР Маданият аълочилиси» кўкрак нишони соҳиби, Абдулҳамид АБДУРАСУЛОВ Жалолобод шаҳар маҳалла оқсоқоли, Носиржон ҚОРАБОЕВ меҳнат фахрийси, Жалолобод шаҳрининг фахрий фуқароси, Салибраим ТАШБАЕВ Сузоқ тумани ва Жалолобод шаҳрининг фахрий фуқароси, халқ томонидан берилган «Сали ака» унвони соҳиби, Адил КАНГЕЛДИЕВ «Барпи» жамоат жамғармасининг раиси.

Носиржон ҚОРАБОЕВ. Мен Қирғизистонда туғилиб, шу юртда катта бўлдим. Педагогика соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилдим. Бир неча йил колхоз раиси лавозимида ишладим. Мана,

ёшим саксонга бориб қолганига қарамай, ҳали ҳам таълим соҳасидан йироқлашганим йўқ.

Болалигимдан Жалолобод шаҳрида яшаб келмоқдаман. Биз яшаётган маҳаллада ўзбек



ва қирғиз оилалари бир оиланинг фарзандларидек бир-бирлари билан иноқ яшашади. Бир-бирларимизга қиз бериб, қиз олиб қариндошуруғ бўлиб кетганмиз.

Қўшни Ўзбекистонда ҳам қариндошларимиз кўп. Шахсан менинг бир ўғил, бир қизим, саккиз нафар невара ҳамда олти нафар чевараларим Ўзбекистоннинг Андижон шаҳрида яшайди. Сўнгги 7-8 йилдан буён қўшни Ўзбекистонга қатнаш анча мураккаблашиб кетган эди. Худога шукрки, энди бундай муаммоларга чек қўйилди. Бу ҳам бўлса жонажон Қирғизистонимиз Президенти ҳурматли Алмазбек Шаршеневич Атамбаев билан Ўзбекистон Президенти муҳтарам Шавкатбек Миромонович Мирзиёевнинг ўзаро бир фикрга келганлиги деб биламиз. Бунинг учун мен оила аъзоларим номидан бу икки давлат раҳбарларига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Салибраим ТАШБАЕВ. Икки қўшни давлат ўртасида маълум бир муддат ёпилиб қолган чегаранинг қайта очилиши ҳақидаги хушхабарни қалпоқларни кўкка отиб қувонганимизча қарши олдик. Эндиликда мен ва менинг яқинларим қувончларимизни ичимизга сигдира олмай юрибмиз.

Ўзбекистон шахсан мен учун бегона ўлка эмас. Отамизнинг, бобомизнинг қариндошлари ҳаммаси Андижон вилоятида яшаган, уларнинг авлодлари ҳозир ҳам ўша ерда яшашмоқда. Ўйлайманки, улар ҳам биздан кам қувонишмаётган бўлсалар керак. Қувончли сўз қулоққа ёқимли эшитилади, ҳозирда ҳамманинг оғзида чегаранинг очилиши тўғрисидаги гаплар.

Бу қувончимизнинг сабабчилари, албатта, икки мамлакат Президентлари Алмазбек Шаршеневич Атамбаев билан Шавкат Миромонович Мирзиёевдирлар. Бу икки инсонга миннатдорчилигимиз чексиз.

Максатбек ЖУСУПБЕКОВ. Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги чегаранинг очилиши барча қирғизистонликлар

қатори менинг ҳамшаҳарларим қалбига ҳам қувонч нурини сочди. Чунки қадим-қадимдан олиш-бериш, борди-келди қилиб, бир-бирларисиз ҳаётларини тасаввур қила олмайдиган икки халқ ўртасида маълум муддатли тўсиқ пайдо бўлган эди. Ана шу тўсиқни Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев биргаликда олиб ташлашди. Бунинг учун менинг ҳамшаҳарларим ушбу икки Президент номига миннатдорчилик сўзларини айтишмоқда.

Ўртадаги чегаранинг очилиши нафақат икки мамлакат қариндош оилаларининг дийдор кўришишига, балки икки давлатнинг иқтисодий, маданий ва маънавий алоқалари яхшиланишига ҳам имкон яратади деб ўйлаймиз.

Адил КАНГЕЛДИЕВ. Қўшни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 5 – 6 сентябрь кунлари расмий сафар билан Қирғизистонга ташрифи ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев билан дўстона учрашуви, қолаверса, чегараларнинг очилиши икки қардош ва қондош халқ қарийб чорак аср кутган энг қувончли тарихий саналардан бири бўлиб қолди. Газеталарда ёзилганидай, Бишкек учрашуви асрлар оша бир дарёдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олган, қадимдан бир-бирга қиз бериб, қуда-анда бўлиб келган, тили ва дини бир икки давлат муносабатларининг янги уфқлари сари йўл очди.

Икки давлат Президентлари таъкидлаб ўтганларидай, ўзаро борди-келди, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланса, ўзбек ва қирғиз халқларининг турмуш фаровонлиги ортади. Зеро, дўстлик бор жойда тинчлик-товуқлик, қут-барака бўлади, эллар эмин-эркин яшайди.

Чегараларнинг очилиши икки халқ дўстлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Ҳозирданоқ борди-келдилар жонланиб, кўпдан бери қавм-қариндошлари



билан ҳол-аҳвол сўраша олмаган, бир-бирларининг тўй-маъракаларига бора олмаган жигаргўшалар қайта дийдорлашиш бахтига эришдилар. Буларнинг барчаси учун Қиргизистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарларига миннатдорчилик билдирамыз. Икки қардош халқ ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари бардавом бўлаверсин, чегаралар ҳеч қачон ёпилмасин!

Ботиржон ҒОЗИБОВЕВ. Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Қиргизистонга нисбатан дўстона муносабати туфайли икки қўшни давлат журналистлари учун ҳам янги уфқлар очилмоқда. Медиа алоқаларни кучайтириш, ижодий борди-келдиларни қайтадан йўлга қўйиш пайти келди. Бугунги кунда қиргизистонлик ўзбеклар учун иккита нашр – «Ўш садоси» ва «Жалолобод тонги» газеталари чиқиб турибди.

Университетда мен билан бирга ўқиган ўзбекистонлик собиқ курсдошларимни кўрмаганимга 35 йилдан ошган бўлса-да, уларнинг бир қанчаси вилоят ва туман нашрларида, тармоқ газеталарида, телерадиокомпанияларда ишлаётганидан хабарим бор.

Олий маълумотни Тошкент шаҳрида олганимга қарамай, уни 27 йиллик соғинчдан сўнг қайта кўролдим. Шу йилнинг март ойида Ўш ва Жалолободдан етти киши Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, тарихий обидалар, хусусан, Имом ал-Бухорий мажмуаси билан танишиб қайтдик. Бу сафардан олган таассуротларим «Зиёратнома» деб номланган йўл очеркимда ўз аксини топди.

Ш.Мирзиёев шу йил 5 – 6 сентябрь кунлари Қиргизистонда давлат ташрифи билан бўлган чоғида чегара муаммоларини ҳал қилиш, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ

ҳажмини 500 миллион долларга етказиш, шунингдек, «Қамбарота-1» ГЭСини биргаликда қуриш масалаларини кўтарди. Демак, муносабатларимиз янада яхшиланиб бораверади.

Абдулҳамид АБДУРАСУЛОВ. Қиргизистон Президенти Алмазбек Атамбаевнинг таклифига биноан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қиргизистонга ташрифини икки мамлакат фуқаролари, айниқса, биз, чегара ҳудудида яшовчи аҳоли, кўзларимизда ёш билан телевидение ва интернет тармоқлари орқали кузатиб турдик. Улкан тарихий воқеага айланган бу учрашувнинг энг катта ютуқларидан бири чегара масаласининг деярли ҳал этилиши ва «Дўстлик» чегара масканининг очилиши бўлди. Илгари ҳар икки мамлакат фуқароларидан тўй, мотам ёки бошқа маросимларга келишлари учун таклиф қилувчининг телеграммаси талаб қилинарди. Расмийлар энди бундай телеграммаларга ҳожат йўқлигини билдиришди.

Журналистларга берган интервьюсида Шавкат Мирзиёев: «Халқимизнинг орзу-ниятлари амалга ошадиган бу кунни биз 25 йил кутган эдик», – деб баёнот берди. Мирзиёев Ўзбекистон узоқ йиллардан бери қарши чиқиб келаётган Қамбарота ГЭСи лойиҳасини Қиргизистон билан бирга амалга оширишга ҳамда Хитойдан Ўш орқали Андижонга автомобиль йўлини ҳамкорликда қуришга тайёрлигини ҳам билдирди. Сўнг Хитой – Қиргизистон – Ўзбекистон йўналиши бўйлаб темирйўл қурилиши ҳам амалга оширилади. Худо хоҳласа, иккала давлат раҳбарларининг ниятлари пок, халқ манфаатлари йўлида эзгу ишларга астойдил бел боглаганлар. Биз, оқсоқоллар, уларга фақат оқ фотиҳа берамыз, маънавий қўллаб-қувватлаймыз.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЌИНГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ –

«МАЛИБУ» ВА УЙ КАЛИТИ ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти қўшни Қирғизистонга қилган расмий сафари давомида оқин Идрис Айтибаевга машина ва квартира совга қилди. Андижонда Президент совгаларини ўз эгасига топшириш маросими бўлиб ўтди.



«Санъат инсонларни эзгуликка етаклайди», – дейишлари бежиз эмас. Ўш театри оқини Идрис Айтибоевни ўтган йили Қирғизистон делегацияси билан Андижонга ташриф буюриб, ўз санъатини намойиш қилганида бутун зал тик туриб олқишлаган эди. Санъаткор икки давлат ўртасида бўлиб ўтадиган барча расмий тадбирларда иштирок этиб жуда кўп мухлисларга эга бўлди.



Идрисжон туркий халқларнинг қадимий санъат тури бўлган оқинликни танлаган. Яна у замонавий оқин. Ирларини қирғиз, ўзбек, рус, инглиз ва турк тилларида мукамал тарзда ижро этади. Асли, Андижоннинг Қўргонтепа туманида туғилган санъаткор ҳозирда Қирғизистонда яшаб ижод қилади. «Дўстлик» чегараси очилишига бағишлаб икки тилда айтилган қўшигини куйлаганида барча унинг маҳоратига қойил қолди.

Президент совгаларини топшириш маросимида Андижон ва Ўш вилояти жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов икки давлат ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Президент томонидан берилган совгаларни қирғиз оқинига тантанали тарзда топширди.



ЙЎЛЛАРИМИЗ ҚИСҚА ВА РАВОН БЎЛДИ

Фарҳоджон ЧЎТБОЕВ,
шоир, Олабуқа туманидаги Оққўрғон қишлоғи

Ҳар бир нарсанинг вақти-соати бўларкан, Президентларимизнинг келишиб олишлари, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизга сафари натижасида чегара постлари бирин-кетин очилиб, фуқаролар учун қулайликлар яратилмоқда. «Дўстлик-автойўл» постидан кейин бизнинг туманимиз ва Наманган вилоятига қарашли Косонсой тумани ўртасидаги «Баймак-автойўл» постининг очилиши олабуқаликлар учун зўр қувонч олиб келди. Бу пост биз яшаб турган Оққўрғон қишлоғидан 30 чақирим нарида жойлашган. Агар Ўзбекистонга ўтмоқчи бўлсак постга ярим соатга қолмай етиб борамиз. Бир неча кундирки олабуқаликлар кўшни давлатга шу постдан ўтиб, анча йиллардан бери кўрмаган ўз яқинлари билан дийдорлашиб келмоқдалар.

Она авлодларимизнинг кўпи Косонсойда истиқомат қилишади. Акам Зоҳиржон умр бўйи Андижондаги олийгоҳда ўқитувчи бўлиб ишлади. У 2015 йили вафот этганда дафн маросимида катта қийинчилик билан бориб келдик. Бир синглим Наманганда яшайди. Ҳозир саккиз фарзанддан бешта қолганмиз. Чегаралар ёпилгач, бир-биримизни йўқлашимиз муаммога айланган эди. Бизни шундай азобдан қутқарган мамлакатларимиз раҳбарларига раҳматлар айтамиз.



Қирғизистонлик ўзбекларнинг турмуши Ўзбекистон билан чамбарчас боғланиб кетган. Айниқса, ижодкорларнинг у томонларга кўп иши тушиб туради. Масалан, мен 2006 йили Маргилонда «Кўнгил дафтари», 2013 йили Тошкентда «Ҳаёт кўшиқлари» шеърый тўпламларимни чоп эттирдим. Давлатларимиз ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун имконият эшиклари қайтадан очилган экан, буни биз чин юракдан олқишлаймиз.

Асрлар синовидан ўтган, ота-боболаримиз ардоқлаб келган дўстликни ҳеч нарса бука олмайди. Шунинг учун ҳам борди-келдиларимиздаги бир муддат танаффус дўстлик ришталаримизни уза олгани йўқ.

КОНСТИТУЦИЯ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Акмал САИДОВ,
юримдик фанлар доктори, профессор

Конституциямизда белгилаб берилган қоида ва тамойиллар негизда мамлакатимизда самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётгани, айниқса, аҳамиятлидир.¹ Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги фармойишида қайд этилган.

Ушбу фармойиш билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури»** доирасида юртимизда Асосий Қонунимизнинг чорак асрлик тўйига бағишланган турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, ҳаётимизнинг Бош қомуси бўлмиш Конституциямиз мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотларнинг мустақкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши // Халқ сўзи. 2017 йил 21 июнь.

Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган **2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларида белгилаб берилган демократик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний, изчил ва узвий давомидир. «Ҳаракатлар стратегияси»² давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Айни чоғда, Ўзбекистон Конституциясининг тарихий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва халқаро аҳамиятини ҳамда конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш самараларини тартиб ва ташвиқ қилиш мамлакатда демократик ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий-маърифий омили бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, Конституциянинг яратилиш тарихини атрофлича ўрганиш, бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини чуқур талқин ва таҳлил этиш мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқиб-ўрганишнинг таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Негаки, аслида ҳам, Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва ривожлантирилиши жараёнлари мамлакат мустақил тарихининг бевосита узвий қисмидир. Ўз навбатида, Конституциямизнинг яратилиш тарихи мустақил Ватанимизда давлат рамзлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилини-

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.



шидек гоят муҳим тарихий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумки, ҳар қандай мустақил давлатнинг муҳим белгилари жумласига унинг тимсолий рамзлари ҳам киради. Хўш, **рамз нима дегани?** Рамзлар бу – шартли белгилар бўлиб, улар қадим замонлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаган. **Рамзлар бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, халқ оғзаки ижоди (фольклори), тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.**

Давлат рамзлари мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. **Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, эзгу ниятлари, бугунги ҳаётининг мазмун-моҳияти акс этади.**

Давлат рамзларига нималар киради? Фикримизча, давлат рамзлари байроқ, герб ва мадҳия билангина чекланмайди. **Мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзларига қуйидагилар киради.**

Биринчи рамз – мустақил ўзбек давлатининг номи. Конституциямизнинг 1-моддасида: «Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади»³, – деб ёзиб қўйилган. Ҳар бир инсоннинг бошқалардан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исм-шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас ташқи белгиларидандир. Мустақил ўзбек давлатининг номи халқаро шартномаларда, давлат органларининг муҳрларида, хизмат ҳужжатлари ва гувоҳномаларда ифодаланади.

Иккинчи рамз – мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси. Ўзбекистон халқининг истиқлолга эришганлиги унинг Қомуси бўлмиш Конституциясида мустаҳкамланган. Конституция дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини акс эттиради.

Конституция халқнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш

тўғрисидаги азалий орзусини ифодалаган. Конституцияда мустақил ўзбек давлатининг моҳияти, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний кадриятларга содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан қатъий белгилаб қўйилган. Шу маънода, **Конституция истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзидир.**

Учинчи рамз – Ўзбекистон Республикасининг давлат тили. Тил ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгиси. Умуман, 1989 йилнинг 21 октябрида она тилига давлат тили мақомининг берилиши истиқлол сари қўйилган энг муҳим амалий ҳуқуқий қадамлардан бири бўлган эди. Конституциямизнинг 4-моддасида ўзбек тили мустақил ўзбек давлатининг расмий тили сифатида Асосий Қонун ҳимоясига олинган.⁴

Давлатга ном берган халқнинг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини намоён этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тилидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш ҳар бир инсон учун конституциявий бурч ва вазифадир. **Давлат тили – бу мустақил давлат белгиси, рамзидир.** Зотан, давлат тилида қонунлар ёзилади, халқаро шартномалар имзоланади, анжуманлар олиб борилади ва расмий ҳужжатлар юритилади.

Тўртинчи рамз – Ўзбекистон Республикасининг давлат байроги, давлат герби ва давлат мадҳияси. Ҳар бир мустақил давлат ўз байроги, герби ва мадҳиясига эга бўлади. Конституциямизнинг 5-моддасида давлат байроги, герби ва мадҳиясининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.⁵

«Давлатимиз рамзлари – байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради»⁶ ва улар ҳақида махсус қонунлар қабул қилинган. «Ўзбекистон Республикасининг давлат байро-

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.4.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.4 – 5.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.5.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.84.



ги тўғрисида»ги Қонун⁷ 1991 йил 18 ноябрда, «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида»ги Қонун⁸ 1992 йил 2 июлда, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун⁹ 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

Бешинчи рамз – мустақил давлат пойтахти. Конституциямизнинг 6-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳридир»¹⁰, – деб ёзиб қўйилган. Давлат пойтахти тўғрисидаги модда, собиқ совет Конституцияларидан фарқли ўлароқ, Асосий Қонуннинг 1-бобида берилган.

Пойтахт шаҳар ҳар бир мустақил давлатнинг юзи бўлиб, бир қатор хусусиятларга эгадир. Хусусан, мамлакат пойтахти давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари, давлат бошлиги қароргоҳи, давлатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий тадбирлари амалга ошириладиган, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашадиган шаҳардир.

Олтинчи рамз – мустақил давлат фуқаролиги. Фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгисидир. У шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлайди. Шунингдек, давлат шахсни Конституцияда мустақамланган ҳуқуқ ҳамда бурчлар билан таъминлайди. Фуқаролик – бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади.

Конституциянинг 21-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилди».¹¹ Бу дегани, мустақил Ўзбекистон давлати ягона ва яхлитдир. Барча фуқаролар ягона сиё-

⁷ «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. №51. 514-модда; 2010. №51. 484-модда.

⁸ «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. №51. 514-модда; 2010. №51. 484-модда.

⁹ «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. №51. 514-модда; 2010. №51. 484-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.5.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.9.

сий-ҳуқуқий мақомга эга, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат муҳофазаси билан таъминланади.

Еттинчи рамз – давлат мукофотлари ва унвонлари. Ҳар бир мустақил давлат ўз мукофотлари ва унвонларини таъсис этади. Конституциянинг 78-моддасида Олий Мажлиснинг давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш ҳуқуқи мустақамланган.¹² Ўзбекистон Республикасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак давлат унвони ва олий нишон – «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», Амир Темури, «Жалолиддин Мангуберди», «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шуҳрати», «Соғлом авлод учун» (биринчи ва иккинчи даражали), «Шон-шараф» (биринчи ва иккинчи даражали), «Дўстлик» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун», «Шуҳрат» медаллари ва бошқа юксак мукофотлар ҳамда унвонлар таъсис этилган.

Фуқароларнинг меҳнатда кўрсатган хизматлари, давлат, жамоатчилик олдидаги ва ижоддаги самарали фаолиятини рағбатлантиришда бу мукофотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Конституциянинг 93-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари давлат бошлиги – Президент томонидан берилди.¹³

Саккизинчи рамз – миллий валюта. Ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий валютасига, миллий пул бирлигига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – «сўм» муомалага киритилган. Миллий валюта мустақилликнинг муқаддас белгиси, давлат рамзидир.

Тўққизинчи рамз – умумхалқ байрамлари. Давлат рамзларига қонун билан мустақ-

¹² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.27.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.47.



камланган, мамлакатда нишонланадиган умум-халқ байрамларини ҳам киритиш жоиз. Хусусан, 1 сентябрь – Ўзбекистоннинг **Мустақиллик куни**, 1 октябрь – **Ўқитувчи ва мураббийлар куни**, 8 декабрь – **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун**, 21 март – **Наврўз байрами**, 1 январь – **Янги йил байрами**, 8 март – **Хотин-қизлар куни**, 9 май – **Хотира ва қадрлаш куни**, 30 июнь – **Ёшлар куни**, **Ийд ал-Фитр** – Рамазон ҳайитининг биринчи куни, **Ийд ал-Адҳа** – Қурбон ҳайитининг биринчи куни Ватанимизнинг улуғ саналари сифатида нишонланади. **Умумхалқ байрамлари давлат ва халқнинг рамзий кунлари сифатида кўп миллатли Ўзбекистон халқига тааллуқлидир.** Улар Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар томонидан нишонланади ва дам олиш куни ҳисобланади.

Ўнинчи рамз – Ўзбекистон Республикасининг давлат бошлиғи – Президенти. Давлат бошлиғи – бу миллат тимсоли, давлат рамзидир. Чунки ҳадиси шарифларда таъкидланганидек, **«Султон ер юзида Аллоҳнинг соясидур»**, унга адолатни таъминлаб, Яратганнинг бандаларини зулму ситамдан қутқариб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш вазифаси топширилган.

Улуғ ўзбек шоири ҳазрат **Алишер Навоий** ўз асарларида Соҳибқирон Амир Темурнинг **«Куч – адолатдадир»** деган шиорига таяниб адолат тимсоли бўлган давлат бошлиғини яратувчи зотнинг бир кўриниши деб баҳо берган. Навоий давлат раҳбари кучли идрок ва ёрқин юрак соҳиби бўлиб, отга минганда уфқларни ўз таъсири остига олиш қобилиятига эга, адолатда Наврўз каби файзли бўлиши кераклигини уқтирган.

Демак, **Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, уларда моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадий ифода сифатида маълум бир кўринишларда акс этади.** Бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва бошқа турли шаклларда бўлиб, халқимизнинг ўтмиши, бугунги куни, интилиши, орзу-умидлари, истиқболи, гурури ва фахрини ўзида муҳассамлаштиради.

Ҳуқуқий адабиётларда давлат рамзлари тushunchасига турлича таъриф берилади. Замонавий сиёсий-ҳуқуқий лугатларнинг бирида қайд этилишича: **«давлат рамзлари давлат мустақиллигини шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир, булар муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадҳияси. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиатменталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади».**¹⁴

Иккинчи гуруҳ адабиётларда берилган таърифга кўра, **давлат рамзлари – бу суверен давлатни ажратиб турувчи белгилари.** Улар мустақиллик атрибутларидир. Давлат рамзлари Конституцияда мустаҳкамланган давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси, шунингдек, давлатнинг номи, пойтахти, тили, валютаси, мукофотларидир. Шунинг учун уларни янада аниқроқ қилиб **«Давлат мустақиллигининг конституциявий рамзлари»** деб аташ мумкин.¹⁵

Бошқа манбаларда эътироф этилишича, мустақил давлатнинг белгиларига мустақил давлатнинг ўзи таъсис этган номга эга бўлиши, Конституцияни мустақил равишда қабул қилганлиги, ўз ҳудудида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириши, ўз давлат фуқаролигининг мавжудлиги, ўз давлат тилига эга бўлиши, ўз бюджети ва пул бирлигига эга экани, ўз давлат пойтахтига эгалиги, ўз давлат байроғи, давлат герби ва давлат мадҳиясини қабул қилганлиги ва бошқа белгилар киради.¹⁶

Шу ўринда мустақил давлат рамзларини фақат давлат эмблемалари – давлат байроғи, давлат герби ва уларнинг муסיқий муқобили бўлмиш давлат мадҳияси билан чегаралаш мумкин эмаслиги ҳақида илгари билдирилган фикрни яна бир бор таъкидлаш лозим. Яъни **давлат рамзларини кенг маънода – муста-**

¹⁴ Давлат рамзлари // Мустақиллик: илмий-оммабоп лугат. – Тошкент, 1998. – Б.45.

¹⁵ Таджиханов Б.У. Государственные символы Республики Узбекистан. Лекция. – Ташкент, 1995. – С.4.

¹⁶ Қаранг: Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. – Ташкент, 1994. – С.7 – 12; Қайюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент, 1997. – Б.89 – 92.



қил давлатнинг мазмунини ифодалайдиган шартли белгилар маъносида ҳам тушуниш лозим.¹⁷

Айни чоғда, «**миллий рамз**» тушунчасига ҳам изоҳ бериб ўтиш жоиз. Миллий рамз деганда ҳар бир мамлакатнинг миллий тарихи, маданияти, анъаналари, қадриятлари, мамлакат аҳолисининг ҳурмат ва эътиқод ҳислари билан боғлиқ бўлган, унинг орзу-интилишларини ифодалайдиган, мамлакат ичкарасида умумтушунарли бўлган ва қўшимча талқинни талаб қилмайдиган, лекин мамлакат ташқарисида қисман тушунарли ёки умуман тушунарсиз тасвирлар, ранглар, белгилар ва тушунчаларни англаш даркор. Миллий рамзлар маъноси хорижлик фуқароларга маълум бўлмайди. Давлат эмблемалари тасвирларининг миллий рамз сифатидаги мазмуни халқ эпослари, афсоналар ёрдамида талқин қилинади.¹⁸

Ҳозирги кунда жаҳондаги аксарият давлатлар эмблемаларининг мазмунини ташкил қилувчи тасвирлар миллий рамзлардан иборат. Бу эмблемалар миллатнинг хусусиятлари, унинг тарихи, маданияти ва қадриятларини ифодалайдиган маъно билан бирга халқаро аҳамиятга эга гералдик маънони ҳам англатади.¹⁹ Миллатни ифодалайдиган тасвирлар гералдик шакллардан иборат бўлиб, ундаги тасвирлар халқаро тан олинган маънода талқин қилинишини таъкидлаш лозим. Албатта, гералдик шакл деганда халқаро тан олинган ва умумтушунарли бўлган умумбашарий қадриятларни ифодалайдиган тасвир, белги ва тушунчалар назарда тутилади.

Ўз навбатида, **давлат эмблемасининг тавсифи – бу давлат эмблемаси мазмунининг юридик ҳужжат матнида махсус терминология ва тил воситасида ифодаланиши-**

¹⁷ Саидов А.Х. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // *Ҳуқуқ. Право. Law.* 2001. №1. – Б.11 – 13; Саидов А.Х. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // *Хуррият.* 2001 йил 3 – 16 январь.

¹⁸ Қаранг: Похлебкин В.В. *Словарь международной символики и эмблематики.* – М., 1995. – С.408; Соколов В.А. *Символы государственного суверенитета.* – Саратов, 1969. – С.17; Мамаев К. *Флаги рассказывают.* – Л., 1972. – С.11.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат рамзий белгилари тавсифининг миллий рамз сифатидаги маъноси // *Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ.* – Тошкент, 2001. – Б.37.

дир.²⁰ Давлат рамзларининг давлат суверенитети рамзлари эканлигидан келиб чиқадиган қуйидаги белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчи белгиси. Давлат рамзлари давлат суверенитетининг, яъни олий сиёсий ироданинг шартли белгиларини ташкил қилар экан, улар маълум бир ҳудудда олий ирода эгаси бўлган халқ билан бирга таъсис этилади. «Суверенитет умумий иродани амалга ошириш бўлиб, ҳеч қачон бегоналашмайди ва суверен коллектив мавжудот бўлиб, – деб ёзган Ж.Ж.Руссо, – халқнинг ўзига тегишли. **Ҳокимият берилиши мумкин, лекин олий ирода эмас.**»²¹ Шунинг учун **суверенитет ва унинг рамзлари ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан абадийдир.**

Давлат суверенитети шакли, яъни олий ҳуқуқий ирода ўзгаришига қараб маълум даврдаги давлат ҳокимияти томонидан ўрнатиладиган давлат рамзлари шакли ҳам ўзгартирилиши мумкин. Масалан, давлат номи шакли, давлат ҳудуди шакли, давлат бошлиғи лавозими шакли, давлат байроғи ёки герби шакли ва бошқалар ўзгарувчан, лекин давлат суверенитети мазмуни каби унинг рамзлари моҳиятан ўзгармасдир. Давлат суверенитети каби давлат рамзлари ҳам фақат олий иродага эга бўлган халқ ва унинг ҳокимияти ўз аҳамиятини йўқотгандагина ўзгариши мумкин. Агар халқ ўз иродасининг олийлиги мақомидан маҳрум бўлса, давлат суверенитети тугайди, давлат рамзлари ҳам ўз моҳиятидан маҳрум бўлади. Халқ иродаси олийлиги мақомининг тикланиши эса давлат суверенитети ва унинг рамзлари тикланишига олиб келади.

Иккинчи белгиси. Бир жамиятда фақат бир олий ирода бўлиши мумкин. Иккинчи олий ироданинг пайдо бўлиши давлат суверенитети йўқолганлигини билдиради. «**Ирода ёки умумий бўлади, ёки умумий бўлмайди, у ёки бутун халқ иродаси, ёки унинг фақат бир қисми иродаси бўлади.**»²² Шу билан боғлиқ

²⁰ Очилов Ў.С. *Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари.* – Тошкент, 2007. – Б.57.

²¹ Руссо Ж.Ж. *Об общественном договоре // Трактаты.* – М., 1969. – С.168.

²² Руссо Ж.Ж. *Об общественном договоре // Трактаты.* – М., 1969. – С.168.



равишда суверенитет мазмунини белгилайдиган рамзлар ҳам фақат бир олий иродани ифодалаш мумкин. Яъни суверенитет рамзлари олий иродани ифодалаш вазифасини монополия қилади. Бир давлат ҳудудида икки олий ирода эгасини ифодаладиган рамзлар мавжуд бўлолмайди. Уларнинг фақат бири олий ирода субъектини ифодаладиган рамзлар бўлиши, иккинчиси эса олий ирода субъектидан қуйи мақомда турувчи ташкилотни, масалан, давлатнинг маъмурий-ҳудудий бирликларини ифодалаш мумкин.

Жамиятда олий сиёсий ирода субъекти мақомига эга халқ иродаси ягона ва бўлинмасдир. Демак, уни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти ҳам битта, ягона ва бўлинмасдир. **Давлат ҳокимияти бўлинмайди ҳам, тақсимланмайди ҳам.** Агар давлат ҳокимияти бўлинганида ёки тақсимланганида эди, амалда бир-биридан мустақил уч олий ирода ва уни амалга оширувчи бир-биридан мустақил уч давлат ҳокимияти тўғрисида гапиришга тўғри келарди. Шундай қилганимизда, ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили давлат суверенитети мазмунига қарши қўйилган бўлур эди. Бу ерда гап ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилининг мазмуни ҳақида бормаяпти, балки мазкур мазмунни тўғри ифодалаш шакли ҳақида бораяпти.

Фикримизча, ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили мазмунини давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши ёки тақсимланиши кўринишида эмас, балки давлат ҳокимияти ваколатларининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари ўртасида бўлиниши ёки тақсимланиши кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқ. Давлат ҳокимияти органларининг бу уч тармоги ягона олий сиёсий иродани ягона давлат ҳокимияти таркибида уларга берилган ваколатлар орқали амалга оширади.

Ҳокимиятнинг уч тури ёки тармоги бўлмайди, балки давлат ҳокимияти ваколатларининг уч тури ва уларни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органларининг уч тармоги бўлади. Худди шундай, ҳокимиятларнинг ўзаро тенглиги ва бир-биридан тўла мустақил-

лиги тўғрисидаги ифода ўрнида давлат ҳокимияти органлари уч тармогининг ўзаро тенглиги ва тўла мустақиллиги, ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиши ва қарама-қарши таъсир этиш тизими кўринишидаги ифода ўрнида давлат ҳокимияти органлари уч тармогининг давлат ҳокимияти ваколатларини узурпация қилишдан ўзаро бир-бирини тийиб туриши ва қарама-қарши таъсир қилиш тизими ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ваколатларини амалга ошириш давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг, яъни объектив-ижтимоий иродани ижобий ҳуқуққа айлантириш жараёнининг таркибий қисмларидир. Давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари уч тармогининг ягона ва бўлинмас давлат ҳокимиятига тааллуқлилиги, ягона олий сиёсий иродани ижобий ҳуқуққа айлантириш ҳуқуқи давлат рамзлари воситасида ифодаланади. Давлат рамзлари шу асосда қонуннинг олийлиги ва давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар уч тармогининг уларга тегишли давлат ҳокимияти ваколатлари ҳажми жиҳатидан ўзаро тенглигини ифодалаб туради.

Учинчи белгиси. Жамият турли қисмлар, тоифалар, гуруҳлардан иборат бўлади. Ҳар бир жамият қисми, тоифа ва гуруҳларининг бошқаларидан фарқ қиладиган иродаси бўлади. Лекин бутун жамият иродаси унинг алоҳида бир қисми иродасидан устун бўлади. Давлат рамзлари халқ ва давлатнинг ана шу мақоми фуқароларнинг бошқа ташкилотлари мақомидан устуворлигини ифодалаб туради.

Давлат ижтимоий келишув, зиддиятларни юмшатиш ва олдини олиш дастагидир. Шу йўлда турли тоифа, қатлам, миллий, маданий, касб гуруҳларига бўлинган жамиятни бирлаштирувчи белги давлат рамзларидир. **Давлат рамзлари жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун унга аъзолик белгисидир.** Давлат рамзлари давлат ҳудудидаги устувор рамзлар сифатида давлат ҳокимиятининг суверенитети остидаги субъект ва объектларни кўрсатиб туради. Давлат ҳудудида яшовчи фуқаролар ҳамда ҳудудни ташкил қилувчи маъмурий-ҳудудий бўлин-



маларнинг бирлашуви ва муҳофаза қилиниши давлат рамзлари воситасида махсус усулда ифодаланади.

Тўртинчи белгиси. Давлат суверенитетини ва унинг рамзларини таъсис этган давлат ўз рамзларининг шаклини ишлаб чиқади ва ҳуқуқий мустаҳкамлайди. **Давлат томонидан тан олинган ва ҳуқуқий тасдиқланган рамзларгина давлат рамзлари бўла олади.** Давлат рамзларининг шакллари давлат томонидан ўрнатилади ва ҳар қандай тажовуздан кўриқланади. Давлат рамзлари мақомини мустаҳкамлаган ҳуқуқий меъёрлар давлат ҳокимияти иродасини ифодалайди ва давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланади. Давлат рамзлари давлат ҳокимияти томонидан жамиятда устувор бўлган рамзлар сифатида олий юридик кучга эга меъёрлар: Конституция ва конституциявий қонунлар, конституциявий одат қоидалари билан мустаҳкамланади.

Давлат рамзлари давлат ҳокимияти томонидан давлат суверенитети атрибутлари сифатида таъсис этилганидагина ўз вазифасини бажаради. Бошқа томондан, давлат ўзининг зарурий атрибутларини таъсис этиш орқали мустақил давлат мақомини ола билади. Бу алоқадорлик давлат билан давлат рамзларининг ҳуқуқ сингари бир вақтда пайдо бўлишини ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигини кўрсатади. Давлат рамзлари умумий ирода асосида давлат томонидан расмий тан олинган ва фойдаланиш тартиби қонун билан белгиланган рамзлардир.

Давлат рамзларининг қатор бошқа белгиларини ҳам санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, давлат рамзлари устувор иродани ифодалайди ва жамиятдаги бошқа рамзлардан устуворлиги таъминланади;

Иккинчидан, давлат рамзлари маълум бир суверен давлатга тааллуқли бўлади, давлат томонидан таъсис этилади, мустаҳкамланади ва кўриқланади;

Учинчидан, давлат рамзларининг ортида давлат ҳокимияти туради ва керак бўлган тақдирда давлат рамзлари мақомини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга мажбур қила олади;

Тўртинчидан, фуқароларнинг у ёки бу ташкилотларини ифодалайдиган рамзларидан фарқли ўлароқ, давлат рамзлари давлатнинг бутун ҳудудида умуммажбурий қўлланилиш тартибига эга;

Бешинчидан, давлат рамзлари давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларни маъновий-кўринишли тартибга солувчи воситалардир.

Давлат рамзларининг ижтимоий вазифаси, умумий хосса ва белгилари улардан фойдаланишнинг умумий йўналишларини, давлат рамзлари вазифаларини аниқлашга ёрдам беради. Давлат рамзлари вазифалари давлат рамзлари хоссаларининг улардан фойдаланганда намоён бўлишидир. Сиёсатшунослар давлат рамзларининг номинатив, ахборот етказиш, коммуникатив, ривожлантирувчи, инсон тафаккурининг иррационал қатламларига таъсир ўтказиш, умумийликни белгилаш ва инсон онгига мафкуравий таъсир кўрсатиш вазифаларини асосий вазифалар деб ҳисоблайди.²³

Давлат рамзлари турли-туман ва қўп сонли хоссаларга эга бўлиши мумкин. Лекин давлат рамзларининг ижтимоий вазифасидан келиб чиқадиган, яъни давлат ҳудудида олий иродага эга субъект мақоми тўғрисида ахборот етказиш жараёнида намоён бўладиган хосса ва белгилари давлат рамзларининг асосий вазифаларини аниқлашда муҳим саналади деб ҳисоблаймиз. Шу асосда **давлат рамзларининг асосий вазифаларини** қуйидагича белгилашни таклиф қилиш мумкин.

Биринчи вазифа – давлат рамзлари давлат ҳудудида олий ирода субъекти мақоми тўғрисидаги ахборотни маъновий-кўринишли ифодалаш вазифасини бажаради.

Иккинчи вазифа – давлат рамзлари давлат суверенитети мазмунини умумлаштириш вазифасини бажаради. Давлат рамзлари давлат фаолиятининг олий иродадан келиб чиққанлиги ва унга тааллуқлилигини ҳуқуқий мустаҳкамланган тартибда ифодалайди.

²³ Мисюров Д.А. Политика и символы. – М., 1999. – С.9 – 10; Попов В.А. Символы власти и власть символов. – М., 1996. – С.12.



Учинчи вазифа – давлат рамзлари давлат суверенитети тўғрисидаги тарқоқ ахборотни умумлаштирилган ва тартибга солинган ҳолда етказиш вазифасини бажаради. Давлат рамзлари олий иродани амалга ошириш механизм-жараёнлари таркибий қисмларининг тартибга солинган ҳолатда идрок қилинишини таъминлайди.

Тўртинчи вазифа – давлат рамзлари давлат суверенитети остидаги субъект ва объектларни ажратиб турувчи ташқи белгилар вазифасини бажаради. Давлат рамзлари олий иродага эга субъектнинг ва олий иродани амалга ошириш механизми таркибий қисмларининг бошқа ижтимоий бирликлар иродасидан ажралиб туришини ҳуқуқий мустақамланган тартибда ифодалаб туради.

Бешинчи вазифа – давлат рамзлари фуқароларни жамиятнинг умумий иродасига ҳурмат руҳида тарбиялаш вазифасини бажаради.

Давлат рамзлари давлат мазмунининг аниқ маъновий-қўринишли белгиларда конкретлашиши (муайянлашиши), яъни жамиятда олий иродага эга субъект мақомининг муайян давлат суверенитети институтлари шаклларида ифодаланишидир. Давлат рамзларининг алоҳида шаклларида мустақил давлат мазмунининг фақат маълум бир томони ифодаланиши мумкин, давлат суверенитети мазмуни тўлалигича ифодаланиши учун давлат суверенитети рамзларининг ягона умумийликка бирлашган тизими амал қилиб туради.

Давлат рамзи деганда фақат бир шартли белгини, давлат рамзлари деганда давлат мазмунини ифодалайдиган бутун бир шартли белгилар тизимини тушуниш керак. **Давлат рамзларини мустақил давлатни ифодалаш вазифаси бирлаштиради.** Уларнинг мазмуни ва шакли, олий ирода субъекти мақоми тўғрисидаги ахборот етказилишини таъминловчи воситалар сифатида вазифалари уйғун, бирини иккинчисидан ажратиш мумкин бўлмаган бутун бир рамзлар тизимини ташкил қилади.

Давлат рамзлари тизими таркибий қисмларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. **Давлат номи** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган олий этнонимик ва топонимик ном институти шаклидаги давлат рамзи.

2. **Давлатнинг Конституцияси ва қонунлар тўплами** – олий ирода субъекти мақомини устувор меъёрлар сифатида ифодалайдиган олий юридик ҳужжатлар институти шаклидаги давлат рамзи.

3. **Давлат ҳудуди** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган жойни ташкил этган ҳудуд институти шаклидаги давлат рамзи.

4. **Давлат бошлиғи** – олий ирода субъекти мақомини олий иродани ифодалайдиган олий мансабдор шахс лавозими (монарх, президент) институти шаклидаги давлат рамзи.

5. **Давлат пойтахти** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган сиёсий марказ – пойтахт-шаҳар институти шаклидаги давлат рамзи.

6. **Давлат тили** – олий ирода субъекти мақомининг расмий атамалар йигиндисини ташкил қилган тил институти шаклидаги давлат рамзи.

7. **Давлат фуқаролиғи** – олий ирода субъекти мақомини, унинг аъзолари, бутун жамият, халқни ифодалайдиган фуқаро институти шаклидаги давлат рамзи.

8. **Давлат пули (миллий валюта)** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган қиймат белгилари мажмуи – миллий валюта институти шаклидаги давлат рамзи.

9. **Давлатнинг миллий байрамлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган расмий маросим – умумхалқ байрами институти шаклидаги давлат рамзи.

10. **Давлат мукофотлари ва унвонлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган, унга хизмат қилишга қўшилган салмоқли ҳиссани ажратиб турадиган белгилар институти шаклидаги давлат рамзи.

11. **Давлатнинг расмий рамзлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган маҳсул рамзий белги мазмунига эга давлатнинг расмий рамзлари (демакки, давлат байроғи, давлат герби ва давлат мадҳияси) институти шаклидаги давлат рамзи.



Алоҳида олинган бир шартли белги олий ирода субъекти мақомининг маълум жиҳатини ифодалаш мумкин, давлат рамзлари тизими эса унинг барча жиҳатлари тўғрисидаги ахборотни қамраб олади. Бунда давлат рамзлари тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлмаса, мазкур ташкилотнинг олий ирода субъекти мақомига эга эканлиги шубҳа туғдиради. Мустақил давлатни ушбу шартли белгиларсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, **кенг маънода давлат рамзлари** деганда давлат ҳудудидаги олий ирода тўғрисида умумий ахборотни инсон онги учун ҳиссий-образли ва маъновий-қўринишли шаклда етказадиган, мустақил давлат билан бирга унинг институт-атрибутилари сифатида таъсис этиладиган, умумлаштирувчи, тартибга солувчи ва ажратиб турувчи шартли белгилар тизимини тушуниш мумкин. Шунингдек, **давлат рамзлари фуқароларни суверенитетга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.**

Давлат суверенитетини ифодаладиган шартли белгилар тизимида давлатнинг расмий рамзлари – рамзий белгилар алоҳида ўрин тутади. Рамзий белгилар давлат суверенитети институт-атрибутиларининг тасвирий-образлигини махсус кўргазмали усулда таъминлайди. Шунинг учун давлат рамзий белгиларини суверенитетни ифодаладиган институт-атрибутилардан ажратиб бўлмайди. Давлат рамзлари тушунчасини расмий маънода таърифлаганда, уларни Конституцияда мустақамланган давлатнинг расмий рамзлари, рамзий белгилар – давлат байроги, давлат герби ва давлат мадҳияси сифатида тушуниш лозим.

Расмий рамзларнинг давлат суверенитетини ифодаладиган шартли белгилар тизимига кирувчи институт-атрибутилардан ажратиб турадиган алоҳида рамзий белги-хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, давлатнинг рамзий белгилари олий ирода субъектини ифодалашнинг идрок қилиниши қулай бўлган қонун билан тасдиқланган тасвирий воситалардан иборат махсус шаклидир. Рамзий белгилар давлат ва жамият иродаси, мақсади ва интилишлари тўғрисидаги умумий ахборотни умумтушунарли

тасвирилар воситасида етказилади. Рамзий белги тузилишини ташкил этган ҳар бир тасвирий-образли элемент ўзининг маъносига эга, бу маъноларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган умумий мазмун халқ ва давлат ҳокимияти иродасини ўқишга имкон беради.

Иккинчидан, давлатнинг рамзий белгилари халқаро амалиётдан келиб чиқадиган ва миллий қонунчилик билан тасдиқланган тасвирилардан иборат давлат эмблемалари (байроқ ва герб), уларнинг муסיқий эквиваленти (давлат мадҳияси), шунингдек, алоҳида шаклларида (давлат бошлигининг рамзий байроги – штандарти, давлат муҳри ва консуллик қалқонидан) иборат. Бу шакллар жамиятдаги олий ирода эгасини ифодалаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш мақсадида қонунда белгиланган тартибда яратилган.

Учинчидан, давлатнинг рамзий белгилари тавсифи Конституция ва махсус қонунлар билан тасдиқланади. Рамзий белгилар тавсифи рамзий белги мазмунининг қонунда тасдиқланган ва махсус терминология асосида ишлаб чиқилган матн кўринишидир. Рамзий белги тавсифини қонун билан тасдиқлаш улар мазмунини ҳуқуқий мустақамлашдан иборат рамзий белгиларни яратиш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир.

Тўртинчидан, давлатнинг рамзий белгилари ва улар тавсифини яратиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Давлатнинг рамзий белгиларини яратиш жараёни қонун ижодкорлиги фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, ваколатли давлат органининг рамзий белгиларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. Рамзий белгилар мазмунида давлат иродаси ўз ифодасини топади. Шунинг учун рамзий белги ва унинг тавсифи тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш махсус юридик техникани талаб қилади. Лекин бу юридик техникани қонунчилик техникаси билан аралаштириб юбориш ярамайди.

Рамзий белги халқ ва давлат ҳокимияти иродасининг нима қилиш мумкин ва нима қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулқ-атвор қоидалари мазмунидаги ифодаси эмас, балки



унинг чизилган тасвирлар ва куйланган образлардаги ифодаси бўлиб, у кузатувчига халқ ва давлат ҳокимияти иродаси, мақсадлари ҳақида умумий ахборот беради. Шунинг учун ҳам рамзий белги тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш усули меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат тузилиши ҳамда мазмунини ишлаб чиқиш усулидан ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бешинчидан, давлатнинг рамзий белгиларидан фойдаланиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Рамзий белгилардан олий иродани амалга ошириш жараёнларини расмий ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ва жойларда фойдаланилади ҳамда рамзий белгилар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича жавобгар субъектларнинг ваколатлари белгиланади.

Олтинчидан, рамзий белги таркибини ташкил этган тасвирлар халқнинг миллий-тарихий қадриятлари ҳисобланиб, одамларга яқин туради ва умумтушунарли бўлади. Ана шундай тасвирлар мазмуни орқали халқ ва давлат ҳокимияти иродаси, мақсадларининг ифодаланиши фуқароларда бу ирода-мақсадларга нисбатан ҳурмат, эътиқод руҳини шакллантиришга хизмат қилади. Рамзий белгилар ягона мақсад йўлида бутун халқни жипслаштириш,

обод ва озод Ватан, фаровон жамият қуриш учун бутун халқни ортидан эргаштириш каби инсон онгига мафкуравий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Давлат рамзий белгиларининг юқорида санаб ўтилган хусусиятларини умумлаштириб расмий маънода давлат рамзларини қуйидагича таърифлаш мумкин: давлат байроги, герби ва мадҳияси давлат суверенитети мазмунини ифодалайдиган давлатнинг расмий рамзлари бўлиб, улар барқарор, ҳуқуқий тасдиқланган тавсиф, қонун билан белгиланган яратилиш ва фойдаланиш тартибига эга. Давлат байроги, давлат герби, давлат мадҳияси миллий ва тарихий қадриятларга айланган тасвирий образлардан тузилган бўлиб, мазмунида мустақил давлат ва жамиятнинг иродаси, мақсади ва интилишлари тўғрисида умумий ахборот сақланади.²⁴

Шундай қилиб, санаб ўтилган миллий давлат рамзлари оламшумул воқеа, улар мустақил Ўзбекистон давлатининг ёрқин тимсолларидир. Бу муқаддас тимсоллар эл-юртнинг бугуни, эртанги куни ва буюк келажаги учун муносиб хизмат қилади. **«Шу рамзларни эъзозлаш – ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демақдир».**²⁵

²⁴ Қаранг: Очилов Ў.С. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Тошкент, 2007. – Б.21 – 28.

²⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сийёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.84.



Акмал Саидов ва Люсен Кереннинг «Амир Темур ва Франция» китобидан

АМИР ТЕМУР –

ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Бу ҳақда гап борганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган давримда мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида, шунингдек, юртимизда ўтказилган бир қатор илмий-амалий анжуманларда, турли мулоқот ва учрашувларда Л.Кереннинг фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу фикримнинг тасдиғи сифатида биттагина мисол келтириш билан қифояланаман.

Гап шундаки, 1995 йил 30 июлда Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида профессор Р.Шамсутдинов билан профессор Л.Керен илмий-ижодий учрашувини уюштиргандик. Бу ҳақда Р.Шамсутдинов шундай эслаган: «Учрашувдан сўнг 5 август куни элчи жанобларининг уйида Л.Керен, мен ва рафиқам Фотимахон меҳмон бўлганмиз, андижонча ош тановул қилганмиз, Л.Керен китобларидан бизга тақдим этган, ўз навбатида, биз ҳам унга иккита китобимизни тақдим қилганмиз. Суҳбат Амир Темур, Бобур, бобурийлар авлодидан Ислombек ҳақида борган. Л.Керен ўз маслақдоши, дўсти Ислombекнинг кексалик даврида тушган мана бу суратини бизга тақдим этган. Бу учрашув тафсилотлари ҳақида «Фан ва турмуш»нинг 1995 йил 11 – 12-сонларида «Тарих. Соҳибқирон хотираси (Франция таассуротлари)» номли мақолаимиз босилган.

Орадан кўп ўтмай, яъни 1995 йил 9 декабрда «Андижонда Соҳибқиронни хотирлаб» мавзуида ўтказилган илмий-назарий анжуманга Л.Керен ҳам «**Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурбек элчи Клавихо нигоҳида**» мавзуида маъруза қилиб бериш учун таклиф этилди.

Ўшанда Л.Керен бу тадбирда қатнашишни жуда хоҳлаган. Аммо оилавий шароити боис боролмаганидан афсусланиб анжуман қатнашчиларига хат йўллаган. Иккимизнинг ҳам маъруза матнларимизни Андижонга юборишимизга тўғри келган эди. Орадан сал фурсат ўтиб Л.Кереннинг ушбу хати ва маърузаси Амир Темур ҳаётига бағишланган ўша анжуманда ўқиб эшиттирилгани ва анжуман материаллари тўпламида эълон қилингани ҳақидаги хабарни айтганимда у ниҳоятда мамнун бўлган».¹

Ўша йиллар Л.Керен билан ўзаро ҳамкорликда Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихининг Францияда ўрганилиши бўйича бир қатор тадқиқотларни амалга ошириб, ҳаммуаллифликда китоб ва мақолалар ҳам чоп этдик.² Унинг ташаббуси асосида Франциядаги «**Осиё жамияти**»³ аъзоси бўлганимдан фахрланаман. Л.Керен

¹ Андижонда Соҳибқиронни хотирлаб: Илмий-назарий анжуман материаллари. – Андижон, 1996. – Б.21.

² Қаранг: Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996.

³ «Осиё жамияти» (фр. «Societe asiatique») – 1822 йили Сильвестр де Саси ва Гарсен де Тасси томонидан асос солинган олимлар жамияти бўлиб, унинг мақсади Шарқ тилларини рағбатлантириш, шарқшуносларнинг маърузалари ва илмий ишларини чоп этиш ҳамда ҳар ой ўтказиладиган конференция атрофида фарангзабон илм-фан ҳамжамиятини жамлашдан иборат. «Осиё жамияти»нинг ташкил топиши қирол фармони билан 1829 йил 15 апрелда тасдиқланган бўлиб, унинг биринчи раиси этиб Антуан-Исаак Сильвестр де Саси, унинг котиби этиб Жан Пьер Абель Ремюза тайинланган. Биринчи аъзолари эса Жан-Франсуа Шампольон ва Эжен Бюрнуф бўлган. 1910 йилга келиб уюшмага айланган ва 1965 йилда ўз мақомини янгилаган. Фаолияти давомида «Осиё жамияти» қароргоҳи Институт саройида (Palais de l'Institut), яъни Бадиий адабиёт ва қўлёзмалар



томонидан 1995 йилнинг 23 июнида каминага йўлланган қуйидаги самимий мактуб матнидан ҳам ўша даврнинг қизгин ижодий ҳамнафаслиги яққол уфуриб турибди:

«Жаноб элчи ва мухтарам дўстим,

Ушбу гўзал вилоятда жойлашган кичик оромгоҳимдаги дам олишдан сўнг якшанба – 25 июль куни Париж дарвозаси бўлган Севрга қайтиб, 1-2 ой ўша ерда қоламан. Шу боис «Амир Темур» лойиҳаси бўйича ишлаш учун Сизнинг тасарруфингизда бўламан. Буюк Соҳибқиронга тегишли бўлган бюст ва айрим муҳим ҳужжатларни Сизга кўрсатмоқчиман. Сизни яна кўришдан шод бўламан.

Чуқур эҳтиром ила

Л.Керен» .

Шунга ҳам йигирма йилдан зиёд вақт бўлибди. Л.Керен 2013 йил июнь ойида 92 ёшида оламдан ўтди, лекин унинг Амир Темурга оид тадқиқотлари Ўзбекистонда ва дунё миқёсида қизиқиб ўрганилмоқда.

Орадан йигирма йил ўтганига қарамай, ўша мулоқотда муҳокама этилган масалаларнинг бугунги кунда ҳам долзарб ва аҳамиятли эканлигини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистонга ва Амир Темур шахсига ўз умрининг катта қисмини бағишлаган фидойи темуршунос, салоҳиятли ҳаммуаллиф, кадрдон дўст Л.Кереннинг порлоқ хотираси олдида ҳурмат бажо этган ҳолда суҳбат матни ўзгартириш ва қисқартиришларсиз тақдим этилмоқда.

А.САИДОВ: тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида ёзиш, хоҳ улар узоқ ўтмишга, хоҳ яқин даврга тааллуқли бўлсинлар, ниҳоятда мураккабдир. Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуг давлат арбоби ва музаффар саркарда, Шарқ меъморчилиги, илмфан ва маданият ҳомийси бўлмиш ҳазрати Амир Темур тўғрисида холисона ёзиш эса минг чандон оғирроқдир. Шунга қарамай, Сиз, ҳур-



Исломбек Худоев

матли профессор, темуршунослик мавзуга қўл ургансиз. Бунинг сабаби нимада ва Сизни бобокалонимиз ҳақида кўп йиллар мобайнида тадқиқотлар олиб боришга нималар ундади?

Л.КЕРЕН: Жуда тўғри. Ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини асосли талқин қилиш ниҳоятда қийин. Зеро, бу ишни ўша замон руҳида, улар яшаган давр урфодатлари, эътиқоди ва ҳис-туйғуларини эътиборга олиб адо этишга ҳаракат қилиш даркор. Яна бир томони, очиги, Темурбекка келганда фақатгина ҳали йўқ бўлиб кетмаган, дўстлари ёки муҳолифлари томонидан ёзилган, қарама-қарши далилларга асосланган ҳужжатларгина мавжуд, холос.

Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳаётини ўрганишга киришишдан аввал мен шахсларнинг мозий йўригини ўзгартиришга қодир эканини исботлаган буюк музаффарларнинг таржимаи ҳолларини ўқишни ёқтирар эдим. Бу борада, айниқса, буюк Искандар, Ганнибал, Цезарь, Аттила, Чингизхон, Наполеон ҳаёти ҳақидаги китобларни ўқиб чиққан эдим.

Амир Темур тўғрисида онда-сонда учраган маълумотлар менга кам сонли ва кўлами тор кўринар эди. Ниҳоят, мен аслида камтарин, қарийб

академияси биносида жойлашган бўлиб, унинг ҳар ойлик мажлиси ойнинг иккинчи жумаси соат 17:00 да бўлиб ўтади. Унинг тасарруфида 100 000 томдан ортиқ адабиёт ва 200 га яқин даврий нашрлар мавжуд. Ҳозирги кунда Франция ва дунё бўйлаб «Осиё жамияти»га 500 дан ортиқ киши аъзо бўлиб, унинг нашри – «Осиё журналы» («Journal asiatique») 1822 йилдан бери ҳар олти ойда бир марта чоп этиб келинади. Илмий тадқиқотлар миллий маркази (Centre National de la Recherche Scientifique) кумагида чиқадиган ушбу журналга 1935 – 1946 йилларда машҳур темуршунос олим Рене Груссе бош муҳаррирлик қилган.



бутун Осиёни эгаллаган, ҳеч қачон маглубиятга учрамаган, ажойиб меъморий ёдгорликлар қурдирган ва Европани босиб олиш хавфини солиб турган Боязидни маглуб этган инсонни яхшироқ англаш истагида ёзилган барча манбаларни қидириб топишга жазм қилдим.

Мен Темурбек авлодидан бўлмиш Парижда яшаётган Исломбек Худоёрхон ўгли билан танишиб қолдим. Бу ажойиб зиёли билан дўстлашиб кетдим. У менга темурийлар маданиятининг инқирозига гувоҳ даврлар ҳақида сўзлаб берди ва тадқиқотларимни давом эттиришга ундади.

Лекин мени Темурбек таржимаи ҳолини ёзишга даъват этган яна бир нарса 1961 йили Самарқандга сафар қилиб, темурийлар ёдгорлигига маҳлиё бўлиб боққан онларим бўлди. Менга, айниқса, ёққани ва ҳануз қалбимни ром этиб тургани Амир Темур мақбарасидир. Самарқандда ўтган бир ой ичида тез-тез уни томоша қилишга бориб турдим. Менга шу нарса аён бўлдики, санъатнинг шундай шоҳ асарини қурдирган инсон, баъзи таржимаи ҳолларда тасвирланганидек, «ёввойи ва вайронкор истилочи» бўлиши мумкин эмас эди.

Мен ўз олдимга Темурбекнинг ҳаққоний таржимаи ҳоли ҳақида асар ёзиш ва чоп эттириш вазифасини қўйдим. Бу режам Амир Темур мақбарасини диққат билан томоша қилиб, ўрганиб чиққанамдан кейин тугилди. Европага қайтгач ишга киришдим ва кейинги йиллар ичида бу мавзу бўйича ўқиганларим менга режамни амалга оширишга имкон берди.

Темур маҳобатли саркарда, шу билан бирга, буюк ташкилотчи, санъаткор ва олимлар раҳнамоси, мозий йўригини ўзгартира олган шахсларга йўлдош сеҳрга эга бўлган зотдир.

Мен бир неча ўн йил давомида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўргандим ва 1978 йили унинг таржимаи ҳолини, сўнгра 1990 йили Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур саройига ташрифи ҳақидаги изоҳли асарни, темурийлар мавзусига багишланган бир неча мақолаларимни чоп қилдирдим ва ҳозир ҳам Амир Темур тўғрисидаги тадқиқотларимни давом

эттирмоқдаман. Темурийлар даври тарихчилар, файласуфлар, иқтисодчилар, илоҳиётчилар ва ҳарбийлар учун ҳали-бери туганмас ва серзавқ бир мавзудир, зеро, Темурбек фаолияти мазкур соҳаларнинг барчасини кенг қамраб олган.



Исломбекнинг кексаликдаги сурати

А.САИДОВ: Чиндан ҳам, Соҳибқирон бутун бир янги тарихий даврни, яъни Шарқ Уйғонишининг иккинчи босқичини яратган оламшумул шахс (Шарқ Ренессансининг биринчи босқичи IX асрнинг иккинчи ярмидан то XIII аср – мўғуллар истилосигача бўлган даврни ўз ичига олади).

Шунинг учун «Темурийлар Ренессанси», яъни Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида Марказий Осиё, умуман, жаҳон цивилизациясига қўшилган улкан ҳисса ҳақида бемалол гапириш мумкин.

Л.КЕРЕН: Темурийлар ёдгорликлари Шарқда меъморчилик ва наққошлик санъатининг юксак чўққисидир. Темурбек бутун Осиёнинг энг яхши наққошларини Самарқандга йигиб, уларни ўз салтанатидаги уста ва наққошлар билан биргаликда ишлатиб шу ёдгорликларни яратган. Амир Темур даврининг санъат намуналарини унинг ворислари, айниқса, Мирзо Улугбек, кейинчалик эса бошқа авлодлари давом эттирганлар.

А.САИДОВ: Амир Темур тарих бунёдкори бўлган. У буюк меъморчилик ёдгорликларини барпо этган, улкан боғу роғлар яратган, сув иншоотлари қурдирган, шаҳар ва қишлоқларни тиклаган.

Соҳибқирон ўз она юрти Шаҳрисабздаги машҳур Оқсаройнинг кошинкор ва ганчкор юксак пештоқи гулдор нақшлари орасига **«Бизнинг куч-қудратимизга ва кароматимизга шубҳаланганлар иморатимизга назар этсинлар»** деган сўзларни ёздирган экан.

Таниқли академик В.Бартольд таъкидлаганидек, «мусулмон меъморчилигидаги энг яхши давр Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ». Руи Гонсалес де Клавихо Оқсаройнинг гўзаллигидан ҳайратланиб: **«Ҳатто моҳир усталари билан жаҳонга машҳур Парижда ҳам бу иш жуда гўзал ҳисобланган бўлур эди»**, – деб ёзган.



Л.КЕРЕН: Темурийлар санъати бошқа санъат шакллари билан уйгунлашиб кетган. Чунки Амир Темур Самарқандга Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мусулмон юртларининг рассом, ёзувчи, кулоллари ўз салоҳиятларини ишга солишга ва шогирдлар етиштиришга чорлаган.

Уларнинг асарларидан кўплари йўқолган, лекин бизгача етиб келганлари (ва бахтга қарши, жаҳон бўйлаб тарқаб кетганлари) жуда юксак даражадаги асослар сифатида тан олинган.

А.САИДОВ: Гапингизнинг яққол тасдиғи сифатида таниқли ёзувчи, Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича мутахассис М.Беррининг сураткашлар Р.Мишо ва С.Мишо билан ҳамкорликда Франциянинг энг йирик ва машҳур Миллий нашриётида чиқарган «**Мовий нақшлар**» номли китобини кўрсатиш мумкин.

Бу китобни ота-боболаримиз кўп асрлар давомида ривожлантириб келган ганчкорлик санъатининг қомуси деса бўлади. Бу санъат XV асрда Амир Темур ва темурийлар даврида ўзининг юксак чўққисига кўтарилган.

Сизга маълумки, бу китобда мусулмон меъморчилигининг Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Шероз, Табриз ва Исфаҳондаги бебаҳо ёдгорликлари ва «Шарқ Рафаэли» номи билан жаҳонга машҳур рассом – ватандошимиз Камолиддин Беҳзод асарлари аниқ рангларда тасвирланган.⁴

Амир Темур даврида Шарқда азалдан кенг тарқалган кандакорлик, ганчкорлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, металлга ишлов бериш, кулолчилик, хаттотлик, монументал рангтасвир ва халқ амалий санъатининг бошқа турлари кенг ривожланган.

Умуман, Темурийлар Уйғониш даври бутун инсониятга Мирзо Улугбек, Мир Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Камолиддин Беҳзод, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Мирхонд, Атойи, Саккокий, Лутфий каби номдор алломаларни берган. Улар ўз фаолияти, ёзган асарлари билан башарият маънавияти хазинасига салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг нафис ва нозик санъати инсонлар қалбини ҳамон тўлқинлантириб келмоқда.

Л.КЕРЕН: Ҳа, Амир Темур авлодларининг деярли барчаси зиёли ва мусаввир кишилар бўлиб, мавжуд миниатюра санъатини янгилаб ва

бойитиб, ўзлари яшаб ҳукмронлик қилган даврнинг «Темурийлар Уйғониш даври» деб аталиши ва юксакликка кўтарилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Темурийлар жаҳон санъати ривожига салмоқли улуш қўшган сулолалардан ҳисобланади.

А.САИДОВ: Темуршуносликдаги энг катта муаммолардан бири – бу манбалар муаммосидир. Соҳибқирон тўғрисида ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда жуда кўп асарлар битилган. Бу улуг зот шахси ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчилар диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Аммо бу борада яратилган ҳамма тарихий солномаларни, илмий асарларни, бадиий китобларни бир хилда баҳолаб бўлмайди. Шундай эмасми?

Л.КЕРЕН: Темурбек шахси ва «Тузуклар»ига келганда энг мушқули (аслида, барча тарихий таржимаи ҳолларда ҳам) уларни ўша давр руҳида ўрганишдир. Амир Темур таржимаи ҳоли яна шу билан мураккабки, у ҳарбий, бошқарув, санъат ва сиёсат каби турли жабҳаларда фаолият кўрсатган ноёб, ўта қобилиятли шахс.

Агар унинг наслий камтаринлигини ва ўша Мовароуннаҳрдаги тахт учун шиддатли курашлар даврида ҳукмдорликни қўлга киритишда қанчалик куч сарфланганини олиб қарайдиган бўлсак, ўзининг барча режаларини амалга оширишдаги зафарлари нақ мўъжизанинг ўзи бўлиб кўринади. Бунда ўтмишдаги воқеа ва шахслар ҳаётидан намуналар келтириш ва қиёслашга асосланувчи тарихчилар эътиборини тортадиган алоҳида бир ҳолат бор.

А.САИДОВ: Менимча, ҳар бир изланувчи учун энг мушқули – бу ўша даврнинг ўта зиддиятли бўлганидир. Темурийлар даври кўчманчилик ва ўтроқ ҳаёт, мажусийлик ҳамда ислом дини тўқнаш келган мураккаб даврдир. Замонасининг фарзанди бўлган Амир Темур мавжуд муаммолар қаршисида довдираб қолмаган. Шундай бир ички ва ташқи қарама-қаршилиқларга тўла макон ва замонда Амир Темур бекликдан музаффар жаҳонгир даражасига кўтарилган. Шунинг учун у тартиб-интизомни ҳамда маҳобатни ёқтирадиган диди билан сугорилган феъл-атвори туфайли тарихда чуқур из қолдирган.

(Давоми келгуси сонда)

⁴Fainces d'azur. – Paris, 1995. – P.315.



НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ – БИРИНЧИ ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИ

Маориф ва матбуот жабҳаларида

(Давоми. Боши журналнинг 2017 йил 4-сонида)

Наим КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Туркистоннинг XX асрдаги ижтимоий-маданий ҳаётини матбуотсиз тасаввур этиш маҳол. Аср бошларида жаҳид маърифатпарварларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан «Тараққий», «Хуршид» (1906), «Шуҳрат», «Тужжор» (1907), «Осиё» (1908) сингари газеталарнинг ташкил этилиши ўзбек халқи маданияти тарихида муҳим воқеа бўлди: ўзбек миллий матбуоти дунёга келди. Ўзбек матбуоти шу даврдан бошлаб Туркистон халқлари ҳаётини кўзгу ўлароқ акс эттирибгина қолмай, балки уларни мудроқ ҳолатдан уйғотувчи, уларнинг диққат-эътиборини дунёда рўй бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеаларга қаратувчи, улар қалби ва онгига янги давр гоёларини пайванд этувчи қуролга айланиб борди. Масаланинг эътиборли томонларидан бири шунда эдики, мазкур асрда яшаган қарийб барча давлат ва жамоат арбоблари, маориф, фан ва маданият намояндалари бирор нашрга ё раҳбарлик қилиб, ё унда публицистик мақола ва бадиий асарлари билан иштирок этиб миллий матбуотнинг шаклланиши ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар. Назир Тўрақулов ҳам шу сирадаги давлат ва жамоат арбобларидан бири эди.

Матбуот ишига қизиқиш, матбуотнинг халқ ва жамият ҳаётидаги катта ролига ишонч Назир Тўрақуловда бундан анча илгари уйғонган. У 1917 йили Оренбургда бўлиб ўтган умумқозоқ қурултойига Фаргонадан сайланган делегат сифатида иштирок этгач қурултой қарорларини

амалга ошириш мақсадида Тўрғай даштларига борган ва 1918 йил мартда вилоят инқилобий комитетининг «Қозоқ мунги» газетасига муҳаррирлик қилган. Бундан хийла аввал эса Минскдаги талабалар ва муаллимлардан таркиб топган «Эркин дала» жамиятининг мурожаатномаларини шапирографда босиб чиқарган.

1918 йил 4 декабрда Қўқонда шаҳар миллий ишлар комиссари Аҳмад Девишев муҳаррирлигида «Халқ газети»нинг биринчи сони босилиб чиқади. Қўқон Ишчи-деҳқон ва қизил аскар мусулмон вакиллари шўъбаси муассислигида нашр этилган газетанинг таҳрир ҳайъатида Назир Тўрақуловдан ташқари Ҳоди Файзий билан Исмоил Беришев бўлишган, газета идорасида эса Ашурали Зоҳирий, Ғани Тинчурин ва Рауф Ёқубов хизмат қилишган. Газета муаллифлари орасида Шокир Сулаймон, Абдулла Бегий, Қамчинбек (Абдулла Айнуллин), Абдуллабек Мусабеков ва бошқалар ҳам бўлиб, улар газетанинг муштарийлар эътиборини қозониши йўлида қизгин иш олиб борганлар. Кези келганда айтиш жоизки, шу йилларда инқилобий талатўплар авж олганига қарамай, таниқли журналист ва адабиётшунос Ашурали Зоҳирий ўша йилиёқ газета саҳифаларида имло масалаларига бағишланган баҳс-мунозарани бошлаб боши балога қолади: у тавсия қилган янги имло лойиҳаси қаттиқ танқидга учрайди. Лекин 20-йилларнинг бошларида ўзбек тили имлосига оид масаланинг кўтарилиши бежиз бўлмаган: илгор маърифатпарварлар имлони янги-



ламасдан, соддалаштирмасдан туриб кенг халқ оммасини саводли ва маърифатли қилиш осон кечмаслигини яхши билишган. Назир Тўрақулов кейинчалик СССР халқлари ёзувларини лотинлаштириш марказий комиссиясининг аъзоси сифатида фаолият олиб борганида «Халқ газети»нинг имло масаласидаги чиқишларида йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка интилди.

Ўзбек журналистикаси билимдонларидан бири муҳтарам Бойбўта Дўстқораев берган маълумотга қараганда, Назир Тўрақулов мазкур газета саҳифаларида сиёсий аҳвол, Шарқ мамлакатларидаги инқилобий ҳаракат, шунингдек, совет ҳокимияти олиб борган тадбирларни тарғиб қилувчи мақолалар билан чиққан.

Таир Мансуровнинг Москвадаги «Молодая гвардия» нашриётида босилган китобида қайд этилишича, Назир Тўрақулов 1918 йил октябрь ойида большевикларга қўшилиб, қизил армияга кўнгилли бўлиб кирган ва Туркистон отлик армияси сиёсий бошқармасида бошлиқ бўлиб хизмат қилган. Аммо Н.Тўрақуловнинг биз бир неча бор мурожаат этган анкетасидаги маълумотларга қараганда, у 1918 йил октябридан 1919 йил майга қадар Скобелев (Фаргона) вилояти инқилобий комитетида ҳайъат аъзоси ва халқ маорифи бўлими мудир бўлган, 1919 йил майдан ноябрь ойига қадар эса Ўлка мусулмон бюросида ишлаган, айти пайтда, «Иштирокиюн» газетасига муҳаррирлик қилган. Ҳолбуки, Н.Тўрақулов «Иштирокиюн» газетасига ишга ўтгунига қадар «Янги Шарқ» газетасида бир неча ой муҳаррирлик вазифасини адо этган. Зиё Саид берган маълумотга қараганда, «Янги Шарқ» газетаси 1919 йил 8 июлдан чиқа бошлаган.

Н.Тўрақуловнинг журналистик фаолиятини чуқур ўрганган Б.Дўстқораев «Мухбир» журналида эълон қилинган мақоласида шу ҳақида аниқ маълумот бериб ёзади: «Назир Тўрақулов 1919 йили Фаргона «облревком»ига ишга ўтади. Фаргонада партия ўз кадрларини саводсизликни битириш, мактаб ва маориф ишларини йўлга қўйишга жалб этади. Н.Тўрақулов область маориф мудирлигига тайинланади. У бу лавозимда ишлар экан, мактаблар ташкил этиш, са-

водсизликни битириш ишларига киришиб кетади. Айти пайтда, ўзи ҳам Скобелев (Фаргона) шаҳрида ташкил топган муаллимлар курсида сиёсий аҳволдан лекция ўқийди.

Н.Тўрақулов маориф соҳасида ишлаш билан бирга Фаргона областининг миллий ишлар мудирияти нашри афкори «Янги Шарқ» газетасининг редколлегияси составига киради. Мазкур газета саҳифаларида «Шарқ боласи» имзоси билан Шарқ мамлакатларида империалистик колонизаторларга қарши олиб борилаётган миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида мақолалар ёзади. «Янги Шарқ»нинг 10-сонидан бошлаб эса у муҳаррир этиб тайинланади». ¹

Фаргона вилояти миллий ишлар мудириятининг нашри афкори бўлган бу газета ўзига «Бирлашингиз, бутун дунё меҳнаткашлари!» ва «Яшасин Шарқ озодлиги!» деган сўзларни шиор қилиб олган. Газетага Ҳоди Файзий муҳаррирлик қилган вақтда унинг саҳифаларида Булат Солиев, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон, Абдулла Бегий қатори Назир Тўрақулов ҳам ўз мақолалари билан иштирок этган. Миллий ишлар мудирияти тугатилганидан сўнг газета Россия коммунистлар партияси ва Фаргона вилоят мусулмонлар бюросининг нашри афкори сифатида нашр этилган ва шу вақтда Н.Тўрақулов мазкур газетада муҳаррир бўлиб ишлаган.

Б.Дўстқораевнинг ёзишича, Н.Тўрақулов ўз мақолаларида халқ ва партиянинг бирлиги масаласига алоҳида тўхталган. У Биринчи жаҳон урушининг халқ учун ўта мушкул йилларида большевиклар партиясининг «Халққа тинчлик, ихтиёр ва нон берингиз!» деган шиор билан чиққанидан ҳайратга тушиб, халқда партияга ишонч ва ҳурмат туйғуларини уйғотишга ҳаракат қилган. «Н.Тўрақулов, – деб ёзади Б.Дўстқораев, – большевиклар сиёсатининг туб моҳиятига тушунмади ва тўла тушунолмасди ҳам». ²

(Давоми келгуси сонларда)

¹ Дўстқораев Б. Назир Тўрақулов – журналист ва редактор // Мухбир. 1979. №12. – Б.42.

² Дўстқораев Б. Истиқлолга ташна ўтган // Миллий тикланиш. 1995 йил 21 ноябрь.



АБДУЛЛАЕВ ҲАБИБ МУҲАММЕДОВИЧ

(1912 – 1962)

Рустамбек Шамсутдинов

(Давоми. Боши 2017 йил 1 – 3-сонларида)

Аллома Ҳабиб Абдуллаев ҳақида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Шароф Рашидовнинг Бюро мажлисидаги нутқи ва Бюро аъзоларининг чиқишларини ҳозирги давр нуқтаи назаридан шарҳлаш, изоҳлаш, умумлаштириш, хулосалаш устида фикр юритар эканмиз, ҳаёлан 1955 – 1957 йилларда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган Нуриддин Акрамович Муҳитдинов билан 90-йилларда бир неча бор учрашиб, суҳбатлашиб, ҳатто Наманган область партия комитетининг биринчи котибининг иш кабинетига бу ажойиб инсоннинг қарийб 2,5 соатлик суҳбатини видеокамерага ёзиб олганим, унда, жумладан, Ҳабиб Абдуллаев ҳақида айтган фикрлари ёдимга тушди. Тез орада Н.А.Муҳитдиновнинг «Кремлда ўтган йилларим» номли китоби нашрдан чиқди. Бу китобнинг бир фасли «Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлиси» деб номланган. Унда Н.А.Муҳитдиновнинг академия президенти Ҳ.М.Абдуллаев ҳақидаги ажойиб эсдалиги ҳам келтирилган. Эсдаликни келтиришдан олдин Н.А.Муҳитдиновнинг сиёсий портретига кичик бир чизги келтиришни лозим билдик. Бу йил ўзбек халқининг ажойиб фарзанди таваллуд топганига (1917 йил 19 ноябрь) 100 йил тўлиши ҳам рамзий маънога эгадир.

Нуриддин Акрамович Муҳитдинов Ўзбекистонни мустамлака асоратида сақлаётган ва унинг

эркин тараққиётини занжирбанд қилган советлар салтанати ва Компартиянинг Ўзбекистондаги ишончли давлат ва сиёсий арбоби, дипломати эди. У халқ ва миллат учун жон куйдирадиган виждонли шахслардан бири бўлган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси, Ўзкомпартия марказий комитети биринчи котиби лавозимла-



Нуриддин Акрамович Муҳитдинов
(1917.19.11 – 2008.27.08)

рида фаолият кўрсатган, ўзининг ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги, чуқур билими, нотиқлик санъати, эл ва миллат иши учун фидойилиги билан халқимизнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромини қозонган. Совет тузуми қобигида туриб халқ ва миллат манфаатини имкон даражасида ҳимоя қила олган омма етакчиси Н.А.Муҳитдиновнинг шахсан ташкилотчилиги ва раҳбарлигида 1956 йил 11 – 13 октябрда Ўзбекистон тарихида биринчи марта республика зиёлиларининг қурултойи ўтказилган. Катта маъруза билан чиққан Ўзбе-

кистоннинг биринчи раҳбари ўз мафкуравий дунёқараши доирасида илму фан равнақи, кадрлар тайёрлаш, маданий-тарбиявий фаолият, адабиёт ва санъат, байналмилал тарбия муаммоларини тилга олган, И.Сталин шахсига сизиниш давридаги мафкуравий ишларни, партиявий раҳбарликда йўл қўйилган хатолик ва нуқсонларни атрофлича танқид қилган.

Ўзбекистон халқи ўртасида Н.А.Муҳитдинов обрў-эътиборининг кўтарилиб бориши Марказ



раҳбариятини ташвишга солиб қўйган эди. Чунки Москва Муҳитдинов сингари истеъдодли ва миллатпарвар арбобларнинг умумхалқ суянчигига айланганини совет режими учун хавф деб билган, у ҳамма – оддий халқдан тортиб барча маҳаллий раҳбарларгача мутелик руҳида тарбияланишидан манфаатдор эди. Шу боисдан ҳам Москва устаси фаранглик билан Муҳитдиновни КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолиги ва Марказий Комитет котиблигига «сайлаб» юқорига кўтарди. Шу кўтарганича 30 йил мобайнида Ўзбекистонга қайтишга изн бермади. Бу амал Н.А.Муҳитдиновга сургун билан тенг бўлиб, Ўзбекистон учун жуда катта йўқотиш ҳисобланар эди.

КПСС XXII съезди вақтида Тожикистон партия ташкилотигаги турли этник гуруҳлар вакиллари ўртасидаги можароларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга раҳбарлик қилишга розилик бермагани учун Н.А.Муҳитдинов барча лавозимлардан олиб ташланди. Ҳатто Хрушчев бу миллий арбобнинг партия аъзоси сифатида ёмон тарбияланганлигини, у ҳақида адашганлигини айтиб, Муҳитдинов шаънига бир қанча ҳақиқатга хилоф даъволар қилишгача борди.

Н.А.Муҳитдинов республиканинг биринчи раҳбари лавозимидаги академик Ҳ.М.Абдуллаевга нисбатан жуда ҳам самимий, одилона муносабатда бўлган. Бундан ҳужжатлар гувоҳлик бериб турибди.

Ўзкомпартия Марказий Комитети Бюросининг 1955 йил 2 декабрдаги қарори билан Ҳ.М.Абдуллаев ЎзССР Министрлар Совети раиси ўринбосари этиб тайинланган. 1956 йил 31 октябрдаги Бюро қарори билан Ҳ.М.Абдуллаев Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти этиб тайинланган.

Қуйида Н.А.Муҳитдиновнинг Ҳ.М.Абдуллаев ҳақидаги эсдалигидан айрим лавҳаларни келтирамиз:

«Ҳабиб Абдуллаев 1912 йилда Қирғизистоннинг Аравон туманида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Ҳабиб Тошкентда таҳсил олиб, умрини геология фанига багишлади. 1940 йилда Москвада таҳсилни тамомлаб, ўша ерда фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди ва Тошкентга қайтди. У дарҳол давлат ҳамда партия фаолиятига жалб этилди.

Улуг Ватан урушининг турли йилларида у Давлат режа комитети раиси, партия Марказий Комитети бўлими мудир, Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. У Россия, Украина, Белоруссиянинг босиб олинган қисмидан кўчириб келтирилган 95 та йирик завод ва уларнинг жамоаларини; 700 га яқин илмий, маданий ва бошқа муассасаларни, 200 мингдан зиёд етим болаларни жойлаштиришга доир барча тайёргарлик ишларига шахсан етакчилик қилди. Бу масалалар бўйича ҳамма таклифларни Ҳ.Абдуллаев бошчилигидаги мутахассислар тайёрлаган. Бу таклифлар Марказий Комитет ва Ҳукумат томонидан маъқулланган ва муваффақиятли амалга оширилганди.

Ана шундай мисли кўрилмаган, бир кечакундузда 16 – 17 соатдан ишлашга, кўпинча кабинетда боши тагига китоб қўйиб бирозгина ухлашга тўғри келган шароитларда ҳам у илм билан шугулланишда давом этди. 1947 йили Иттифоқда ва чет элда юксак баҳоланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бироқ айнан ана шу диссертация Тошкентдаги баъзи бир кишиларга уни маҳаллийчи, умумдавлат манфаатларини унутган, буржуа илм-фани қаршида тиз чўккан, Франция, Англия ва бошқа мамлакатлардаги илмий анжуманларда иштирок этган чоғларида Ғарб олимлари билан шубҳали алоқа қилган деган айблар қўйилишига баҳона бўлганди. У уч карра Марказком Секретариати ва Бюросида муҳокама қилинди, баъзи шахсий камчиликларини тақиқлаб, унга қўйилган сиёсий айбларни олиб ташлашга муваффақ бўлинди, чунки бу айбларни ҳеч ким исботлай олмаганди.

Фанлар академиясининг ўша даврдаги президенти Теша Зоҳидов ўз вазифасидан бўшатишларини ва асосий диққат-эътиборини илм-фанга қаратишни қатъий илтимос қилиб ариза берганди. Шунда барча доираларда президентликка Ҳ.Абдуллаевнинг номзоди кўрсатилди. Уни бир овоздан академиянинг президенти этиб сайлашди. Эътиборга лойиқ далил: у 1943 йили мазкур академияни ташкил қилишда бевосита иштирок этганди.

1958 йилда Ҳ.Абдуллаев СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. 1960



йилда СССР Министрлар Совети қошидаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари бериш комитетининг аъзоси, Франция Геология жамияти аъзоси, Буюк Британия Минералогия жамияти ҳақиқий аъзоси бўлди.

Биз Москвада яшаб турган йилларимизда у Олий Совет сессияларида, Умумиттифоқ академиясининг мажлисларида қатнашиш учун келганида ёки шунчаки йўли тушиб қолганида бизникига ташриф буюрарди. Шу ерда икки далил келтираман.

1959 йилнинг ёзида, жума куни эди, Никита Сергеевич уйимизга қўнгироқ қилиб:

– Уйимдаги аёллар менга ҳужум қилиб, ўзинг Ўзбекистонда тез-тез бўлиб турасан, у ерда палов ва кабоб ейсан, биз эса бунақа таомларни тановул қилмаганмиз деб ҳол-жонимга қўйишмаяпти. Бутун оила аъзоларимиз билан Сизникида меҳмон бўлмоқчимиз, – деди.

– Сизларни бажонидил меҳмон қиламиз, – дедим мен.

– Бўлмаса, эртага кундузи катерда етиб борамиз, – деди у.

Кечқурун Ҳ.Абдуллаев қўнгироқ қилиб қолди: «Ҳозиргина Москвага келиб тушдим, Сизни кўриб кетмоқчи эдим». Унга эртага эрталаб келишни таклиф қилдим. Унга ҳеч нарса демасдан биз, тўрт киши – Мукаррам (рафиқам), катта қизим Санобар, Ҳ.Абдуллаев ва мен бандаргоҳда Хрущевларни кутиб олдик. Ўша ерда Ҳабиб Абдуллаевни Никита Сергеевич билан таништирдим. Н.С.Хрущев шу заҳотиёқ вазифаларни тақсимади: аёллар хонада газак тайёрлашади, биз эса уч эркак ошхонада палов пишириш билан машгул бўламиз. Тушлик яхши, қувноқ вазиятда ўтди.

Биз, эркаклар, айвонда ўтириб олиб кўк чойни чанқовбости қилардик. Никита Сергеевич Ҳ.Абдуллаевга Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг табиий бойликларига доир саволлар берди. Уларнинг суҳбати узоқ давом этди. Кейин у: «Бу йигит менга Ўрта Осиёни кашф этди», – деганди. У минтақанинг ерусти, хусусан, ерусти бойликлари хусусида батафсил ва далиллар асосида сўзлаб берганди.

1961 йили Ҳабиб Абдуллаев 49 ёшга тўлди. В.В.Кириллин билан суҳбатлашиб унга Абдуллаев ҳақида сўзлаб бергач: «Балки, унинг 50

йиллик тўйини Ўзбекистон билан биргаликда Москвада, бошқа шаҳарларда ҳам ўтказармиз?» – дедим. У менинг фикримни қувватлаб М.Келдиш билан гаплашиб кўришга ваъда берди. Сўнг улар икковлон менинг ҳузуримга киришиб, Ҳ.Абдуллаевнинг 50 йиллик тўйини СССР Фанлар академиясининг умумий мажлисида, Ленинградда нишонлаш ва буни матбуотда кенг ёритиш режаси борлигини айтишди. М.Келдиш Украина, Франция, Англиядаги ҳамкасблари билан – у ерларда ҳам мазкур санани нишонлашлари учун – гаплашиб кўришга ваъда берди.

Кўнларнинг бирида биз, Марказком Президиумининг бир неча аъзолари, Кремлда, одатдагидек, тушлик қилиб ўтирардик. Дастурхон устида мен Ҳабиб Абдуллаевнинг бўлажак 50 йиллиги ҳақида гап очдим.

– У академиянгиз президентими? – сўради Никита Сергеевич.

– Ҳа.

– Жуда ақлли, билимдон киши.

– Балки, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш керакдир? – дедим фурсатдан фойдаланиб.

Улар масалага ижобий қарашиб, менга СССР Фанлар академияси Президиуми, Ўзбекистон раҳбарияти билан гаплашиб кўриш, масалани биргаликда Марказком Президиуми ва Олий Советга қўйишни топширишди.

В.В.Кириллинни хонамга таклиф қилиб, ана шу суҳбат ҳақида сўзлаб бердим. М.Келдиш билан телефон орқали сўзлашдим, у фикримни қўллаб-қувватлади. Тошкент билан боғландим. Шароф Рашидов ҳам бу фикрга ижобий ёндашди. Ҳужжатни уч имзо билан киритишга келишдик. Хат матни, Марказий Комитет Президиуми ва Олий Советнинг қарори лойиҳасини В.В.Кириллин тайёрлашни зиммасига олди. Унинг мазмуни қандай бўлиши хусусида гапни бир жойга қўйдик. Ҳаммаси кўнгилдагидек бо-раётган эди. Кўтилмаганда Тошкентдан даҳшатли хабар келди: 20 июнь куни Ҳабиб Абдуллаев тўсатдан вафот этди. Унинг 50 ёшга тўлишига атиги 7 ой қолганди (унга нима бўлгани ҳақида кейинги бобларда сўзланади)...»

(Давоми келгуси сонларда)



ЛАНГАР АЗИЗЛАРИ ЗИЁРОТГОҲИ

ЁХУД АТОУЛЛОҲ ХЎҚАНДИЙНИ БИЛАСИЗМИ?

Меҳрожиддин АМОНОВ,

Самарқанд вилоят Тойлоқ иқтисодий сервис касб-хунар коллежи
маънавий-марифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Юртимиз тарихига оид жой номлари ҳақида сўз кетганда бир хил ном билан аталувчи бир нечта масканларни учратиш мумкин. Жумладан, «Лангар» номи ҳам кўп учрайдиган жой номларидан биридир.

Фаргона вилояти Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) туманидаги қишлоқ номи ҳам Лангар деб юритилади. Туманнинг маъмурий маркази. Вилоят маркази Фаргонадан 25 км. Аҳолиси 1,5 минг киши (2002). Катта Фаргона каналидан сув олади. Қишлоқ ҳудудидан Маргилон, Фаргона, Андижон шаҳарлари йўналишида автомобиль йўллари ўтган. Маргилондан Марказий Фаргонага, чўлдан Маргилонга келувчилар ўша жойда тўхтаб, дам олиб, сўнгра йўлга тушганлар. Шу боис «Лангар» (йўловчи ёки карвон тўхтайдиган манзил) сўзи кейинчалик вужудга келган қишлоқ номига айланган.

Юқорида келтирилган Лангар атамаси таърифига эътибор қаратсак, Лангар маълум бир асбоб ва машҳур жой номи сифатида юртимиз тарихидан муҳим ўрин эгаллаган.

Бухоро Лангарида Абдулхолиқ Ғиждувоний (хожагон тариқати вакиллари) шогирдлари, Қашқадарё Лангарида Муҳаммад Содик (1465 – 1545), Абул Ҳасан (1491 – 1492) ишқий шогирд ва авлодлари фаолияти маркази бўлган.

Фаргона вилояти Қўштепа тумани Лангар қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли Тепатаги қишлоғида ҳам нақшбандия-муҷаддия тариқатининг забардаст вакилларида бири халифа Атоуллоҳ Хўқандий номи билан эл аро машҳуру манзур бўлган сўфийлар йўлбошчиси, ўз даврининг дурдонаси, араб, форс тиллари билимдони, шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат асрорларидан баҳраманд этувчи шайхи мазкур қўним топган тарихий маскандир.

Ушбу шайхи бузруквор тўғрисида айрим тарихий манбаларда зикр этилган.

Халифа Атоуллоҳ Хўқандий тарихига унинг шогирдларидан бири Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозиқ орқали йўл топишга ҳаракат қилсак.

Мирзо Жунайдуллоҳ ибн Ислом шайх Каррухий Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хоразм хонликларида «Ҳозиқ» тахаллуси билан ижод этган, тугилган йили аниқ эмас, вафоти 1843 йил эканлиги саҳиҳ манбаларда айтилган. Тарихий ва жалибий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, XVIII асрнинг охириларида таваллуд топганлиги маълум бўлади. Яъни домла Пўлотжон Қаюмов берган маълумотга кўра, Мирзо Ҳозиқ «Билимни Ҳиротда олиб, Бухорода таҳсил кўрган, табиати шеърियाи ўткур шоир бўлуб, 1810 йилларда Хўқандга»¹

¹ Қаюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти / Нашрга тайёрловчи академик А.Қаюмов. – Тошкент, 2011. – Б.36.

келганли таъкидланади. Мирзо Жунайдуллоҳ бу пайтда 22 ёшда эканлигини инобатга олсак, XVIII асрнинг 80-йилларида таваллуд топганлиги маълум бўлади.

Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тоҷик» асарида, Абдулгани Мирзоев каби олимларнинг тоҷик адабиётига доир дарсликларида, Н.Маъсумийнинг «XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида тоҷик адабиёти» рисоласида Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик тўғрисида маълумотлар бериб ўтилган. Пўлатжон Қаюмов Мирзо Ҳозикни қаландарона вазиятда бўлган диловар киши сифатида таърифлаб, унинг форсий газалларидан намуналар бериб ўтган. Академик Азиз Қаюмов ўзининг «Ҳозик» номли рисоласида Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб, бир қанча газалларини келтириб ўтган.

Субҳонқул Амиркулов Ҳозикнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонини илмий тадқиқ қилган бўлса, Ҳ.Ҳикматуллаев Мирзо Ҳозикнинг моҳир табиблардан бири бўлгани ва тибга оид «Таҳқиқ ул-қавоид» асарини ёзганлигини таъкидлаб ўтган. Тиббиёт фанлари доктори А.А.Қодиров XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон тиббиёт тарихида Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик муҳим ўрин эгаллаган деган.

Мирзо Ҳозик ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган «Ҳозик куллиёти», «Ҳозик ҳақида янги маълумотлар» номли мақолаларда Мирзо Ҳозик ҳаёти ва асарларининг қисқача мазмуни, отаси Исломи шайх тўғрисида бирмунча фикр-мулоҳазалар юритилган. Бундан ташқари, «Ўзбек адабиёти тарихи» номли мажмуада ҳам юқоридаги тадқиқотлар умумийликда бериб ўтилган.

Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик тўғрисида маълумотлар камлиги боис унинг ҳаёти ва фаолиятини кенгроқ ёритиш имкони бўлмаган. Шу сабабли ҳам Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик шахси тўғрисида деярли бир хил маълумотлар учрайди. Аҳад Бердиев Китоб туманида

жойлашган Ҳозик қабри жойлашган маскан юзасидан тадқиқот олиб бориб, мулоҳазали маълумотлар бериб ўтган.

Тасаввуф силсиласининг Сўфи Оллоҳёр тармоғини² давом эттирган, Маснавийдин илҳом олиб, сўфийлик сарҳалқасида Сўфи Исломи Каррухий номи билан машҳур бўлган шайх, машҳур табиб ва шоир Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозикнинг отаси ва силсилада пири шайх халифа Атоуллоҳ Хўқандийнинг устози бўлган.

Ҳозик ўзининг «Воқеоти Исломия» рисоласида Сўфи Исломи шайх Каррухийнинг устозлари қаторида Сўфи Муҳаммад Ризо (Қоратоқий), (Халифаи замон) шайх Ғойибназар (Миёнқолий) каби тасаввуф намояндларини санаб ўтган бўлса, шайх Мавлоно Неъматуллоҳ маҳви-қайсарий, Доруломон Балхий, Азизи Хузорий (Қамариддин), Олим хожа Қаршигий, Муҳаммад Сайид хўжа (Сайидои) Каррухий, Ўзбакхўжа Шаҳрисабзий-Ургутий каби элликдан ортиқ шогирдлари тўғрисида бевосита суҳбатда бўлиб, уларнинг тилларидан воқеалар келтиради.

Силсилада Сўфи Исломи Каррухийнинг Қўқондаги шогирдлари Мавлоно Атоуллоҳ, Фахриддин Хўқандий номлари ҳам зикр этилган.

«... Ҳазрат халифа Атоуллоҳ зоҳирий ва ботиний илмда камолот ва мақомот соҳиб эрдилар, ул зот Лангар мавзесини маскан тутгандилар ҳамда Маргинон, Андижон ва Хўқандга тегишли ҳудудларда ерлари жуда кўп эди. У киши билан бўлган суҳбатларимда каромот ва хавориқ одатларига кўп гувоҳ бўлганман. Шу пайтда мен 22 ёшда эдим, валиий комил, орифибиллоҳ Эшони мазкурдан араб тили ва сарфу наҳв илмларидан баҳраманд бўлганман...»³ – деб маълумот бериб ўтган.

Мавлоно Атоуллоҳ ёшлигида дастлабки

² Сўфи Оллоҳёр халифа Ғойиб Назар Миёнқолий Исломи шайх Каррухий халифа Атоуллоҳ Хўқандий руҳах ул-азиз.

³ Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик. Воқеоти Исломия (ёки «Рисолаи Маноқиб Шайхулислом Ҳиротий»). ТошДШИ ШҚМ №12240, Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик, Воқеоти Исломия. Ҳижрий 1293/1875 йил, 30-варақ, Мирзо Абдулҳақ (Ҳирот шаҳри) шахсий кутубхонасида. Асарнинг факсимил нусхаси муаллиф шахсий кутубхонасида.



илм таҳсилани водий диёрида олиб, нақш-бандия-муҷаддидия тариқатининг муршидларидан бири, Хирот шайхулисломи Сўфи Исломи шайх Каррухий корхонасида (тасаввуф мактабида) тарбия топади.

Исломи шайх ўз шогирдларига иршод бериш мақсадида одатий ўтказадиган синовлардан бирида хонақоҳ остонасида намат-гиламча остига қозоғга оят ёздириб қўйдиради ва бирма-бир корхонада хизматда турган шогирдларини хонақоҳнинг бир эшигидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетишларини буюради. Мавлоно Атоуллоҳ Хўқандий хонақоҳ остонасида яқинлашгач остона остидидаги қозоғда ёзилган оятни такрорлаб, остонадан ҳатлаб ўтмайди. Шунда устози унинг камолотга етганини айтиб, бошига хирқаи муборак – «шайдойи»ни (бош кийим) кийгизиб, қўлига асо беради ва ушбу асо қаерда кўкарса, ўша жой иршод маконингиз бўлади деб хати иршод ёзиб беради...

Мавлоно Атоуллоҳ Хўқандга қайтгач Маргинон яқинидаги ҳозирги Лангар ҳудудига келиб, масжидли хонақоҳ барпо этадилар. Ул зот халойиқни ўз илмларидан баҳраманд этиб, беваю бечора, етим-есир, қаландар-дарвешлар учун тўхтайдиган ва озик-овқат билан таъминладиган махсус «Лангар» ташкил этадилар.

Ул зотнинг ҳузурларига бек, амир, амалдор, мулкдорлар келиб, кўпдан-кўп назр-ниёз қилишар, мазкур назр-ниёзлар олдиндан тайинланган шогирдлар томонидан Лангарга келганларга тарқатилар эди. Мазкур Лангарнинг кўп вақф мулклари мавжуд бўлиб, ундан келган даромад қозию муфтилар кўрсатмаси билан тасдиқланган тарзда истифода қилинган.

Мавлоно Атоуллоҳ XIX асрнинг бошларида Лангарда вафот этган.

2016 йил 15 – 16 июль кунлари қадрдон дўстим, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих

институти илмий ходими Низомиддин Гулбоев ҳамроҳлигида Фаргона вилояти бўйлаб ўтказган тадқиқотимизда Қўштепа тумани Лангар ота қишлоғидаги мазкур зиёратгоҳ билан яқиндан танишдик. Бугунги кунда ушбу қабристон «Лангар азизлар» номи билан юритиларкан. Қабристон қоровули Ғофуржон ака (58 ёшда) билан ўтказган суҳбатимизда ушбу жой тарихи ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлиги тўғрисида ўз фикрларини айтиб ўтдилар.

Мақбаранинг олд тепа қисмининг ўртасида 1333 рақами келтирилган, бу ҳижрий 1333, милодий 1913 йил ҳисобини беради. Мақбаранинг олд қисми (яъни шимол томони) баландлиги⁴ 6,66 метр, икки ёнбошидаги устунлар баландлиги ҳам 6,66 метр, олд қисмида 80 см лар чамаси ичкарига киргизилган ҳолда эшик мавжуд, эшик юқориси арк кўринишида, эни 4,50 метр, икки ёнбоши қуббагача баландлиги 2,80 метр, эни 5,75 метр, мақбаранинг юқориси купала (қалпоқ) шаклида бўлиб, гумбазни маҳобатли кўрсатиб турибди.

Мазкур мақбара ва унинг атрофларида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ободонлаштириш ишлар олиб борилган, аммо мақбара ташқи таъсирлар натижасида нураб бормоқда, буни тегишли ташкилотлар ўз назоратига олиб, таъмирлаш ишларини йўлга қўйишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Зеро, Мавлоно Атоуллоҳ Хўқандий юртимизда фаолият олиб борган улуг олимлардан бири сифатида эътиборлидир. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбия топишида ушбу зиёратгоҳ муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги тадқиқотлар Мавлоно Атоуллоҳ Хўқандий тўғрисида батафсил маълумотлар беради деган умиддамиз. Азиз юртдошларим, аждодлар изидан бориб юртимиз осойишталиги, ободлигию фаровонлиги йўлида хизмат қилишлик барчамизга насиб этсин...

⁴ Мақбаранинг ўлчови иморатдаги гиштлар сонига нисбатан олинди ва тахминий ўлчовни бериб утишни лозим топдик.



Зиёратгоҳнинг кириш дарвозаси



Зиёратгоҳ ҳовлиси ва узоқдан кўриниши



Олд томондан кўриниши



Мақбара ичкарасида жойлашган қабр



Ғарб томондан кўриниши



Шарқ томондан кўриниши




Мавлоно Атоуллох Хўқандий ҳасабномаси¹



Мирзо Жунайдуллох Ҳозик. Куллиёт. 4⁶ – 5^а-варағида Атоуллох Хўқандий номи келтирилган



Силсилада «Халифа Мавлоно Атоуллох Хўқандий куддиси сир-руҳ» деб келтирилган



Халифа Атоуллох Хўқандий қ.с.

¹ Ушбу «Силсилаи шариф» Муҳаммад Ҳайдар қаламига мансуб бўлиб, настаълиқ хатида хижрий 1299 (1881) йили ёзилган. Муаллиф шахсий кутубхонасида.



ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ – МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ

Рустамбек Шамсутдинов, Шоди Каримов



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Республика ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузасида катта гурур ва фахр билан: **«Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор»**, – дегани барча-барчани беҳад қувонтириб юборди. Тарихимизга берилган бу ҳаққоний баҳо чиндан-да асослидир. Шу ўринда бундан 100 йил аввал Туркистон сарҳадида миллатимиз сарварларининг машаққатли кураши туфайли тарих саҳнасида муносиб ўрин олган, аммо большевизм томонидан бешикдалигидаёқ бўғизланган Туркистон мухториятини эслаб ўтиш жоиз.

Маълумки, Ўрта Осиё ва Қозогистон Республикалари халқлари яқин ўтмишда ўзларининг миллий давлатчилигини бой бериб, қарийб 130 йил мобайнида чор Россияси ва совет мустамлакачилиги исканжасида азоб-уқубатда,

қарамликда, миллий ва ижтимоий зулм остида, ўзлигидан, тарихий қадриятларидан бегоналашган мудҳиш, огир шароитда кун кечирдилар. Ана шу зулм ва истибодда қарши бу халқлар қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб кураш олиб бордилар. Бу жараёнда кўплаб қурбонлар берилди. Озодлик, хуррият учун кураш кенг қўламда олиб борилди. Натижада тарихий, афсонавий Туронзаминда бирин-кетин мустақил давлатлар Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон номи билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олди. Эл-юрт равнақи йўлида бу республикалар халқлари буюк бунёдкорлик фаолиятини олиб бормоқдалар.

Бу халқларнинг ўз миллий давлатчилиги, бой ва бетакрор тарихга эгалиги жумлаи жаҳонга маълум. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари эл-улуслари ибрат олса арзигулик миллий давлатчилигимиз бўлган. Аммо юртимиз узок



тарихий жараён мобайнида ўзга салтанатлар тажовузи, босқинига кўп марта дуч келди. Ҳар бир ёв босқини даврида давлатчилигимизга катта путур етказилди. Айниқса, чор Россияси ва совет босқини миллий давлатчилигимизга кучли зарба бўлди. 1876 йили Қўқон хонлиги, 1920 йили Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тугатилиб, миллий давлатчилигимизга барҳам берилди. Аммо халқимиз қарийб 130 йил давомида истиқлол учун, миллий давлат қуриш учун мардонавор кураш олиб борди. Бу йўлда мислсиз қурбонлар берилди. Ниҳоят, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, давлатчилигимизнинг минг йиллик тарихи Россия империясига зўрлик билан қўшиб олинишимиз натижасида узилиб қолган эди. Бу узилиш совет даврида ҳам давом этди. «Фақат, – деб кўрсатади Ислоҳ Каримов, – мустақилликка эришилгандан кейингина халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган суверен Ўзбекистон янги давлатчилигини қуриш ва ривожлантиришга киришди». Фақат истиқлолгина ўз миллий давлатчилигимизни шакллантириш имконини берди. Бу жараёнда биз давлатчилигимизнинг узоқ ва яқин ўтмиши тажрибаларидан самарали фойдаланмоқдамиз. Бунинг ёрқин мисоли 100 йил муқаддам Туронзамин узра қад кўтарган Туркистон мухториятидир. Бу давлат чор Россияси қулаб, совет ҳукмронлиги ўрнатилаётган даврда майдонга келиб, бор-йўти 2,5 ой умр кўриб, бешиқдалигидаёқ большевиклар томонидан бўғизлаб ўлдирилган эди. Туркистон мухторияти Марказий Осиёдаги ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар, қорақалпоқлар ва бошқа маҳаллий халқларнинг миллий, мустақил, демократик давлати сифатида пайдо бўлди.

Таниқли адабиётшунос олим, танқидчи, профессор, «Жаҳон адабиёти» журнали собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг «Мустафо Чўқаев» номли мақоласидан кичик бир парча келтирамиз: «Маълумки, 1917 йилдан кейин большевиклар барпо этган йўқсуллар ҳукмронлиги салтана-

тида ҳукмрон мафкура фақат бир мақсадга – янги тузумни ҳар жиҳатдан оқлаш ва улуглашга хизмат қилди. Бу йўлда у ҳар қандай воситалардан, ҳатто зўравонликдан ҳам, ошқора ёлгон, сурбетларча сохтакорликлардан ҳам қайтгани йўқ. Ҳукмрон мафкура, айниқса, большевикларнинг миллий сиёсатини «улуглашда» зўр жонбозлик кўрсатди. «Октябрь ўтмишда эзилган халқларни озодликка олиб чиқди, улар улуг оғамизнинг ёрдами билан бахтиёр ҳаёт қурдилар, улар ўтмишда хор ва қашшоқ эдилар, фақат совет давридагина маданиятли, фаровон турмуш кечира бошладилар, бунинг учун улар партиядан ҳар қанча миннатдор бўлсалар арзийди. Кимда-ким бу гапларга қўшилмаса ёхуд қарши бўлса, у гоёвий маҳдуд, муртад, халқнинг ашаддий душмани, разил миллатчи!». Ўнлаб йиллар давомида ана шу «ҳақиқат»ларини халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилишди. Афсуски, ижтимоий илмлар турли тазйиқлар ва маъмурий жазолар таъсирида мустақиллигини йўқотиб, нобоб тузумнинг хизматкорига айланди. Оқибатда олис ўтмиш ҳам, яқин тарихимиз ҳам бутунлай сохталаштирилиб, бузиб, ёлгон-яшиққа, уйдирмаларга қориштириб талқин этила бошлади.

Бу ўринда Туркистон мухторияти тарихини сохталаштиришга мажбур бўлган таниқли тарихшунос олимларимиздан фақат иккитасининг фикрини қисқача келтирамиз. Тарих фани бешигини тебратиб ўзгаларга «ибрат» бўлиш даъвосидаги шахс Қўқон буржуа мухториятчилари Қашқардаги Англия консуллигидан тўғридан-тўғри ёрдам олиб турган, «Қўқон мухторияти» ўзининг таркиби ва мақсади билан халққа қарши бўлган эди, у совет ҳокимиятини ағдармоқчи, ўлкада эксплуататорлик тузумини реставрация қилмоқчи эди, Туркистонни Англия мустамакасига айланттиришга ҳаракат қилган, маҳаллий миллатлар меҳнаткашларининг кенг оммаси буржуа мухториятчиларига қарши чиқиб, советларни қўллаб-қувватлаганлар деб ёзган. «Қўқон мухторияти» буржуа миллатчи қирғиз-қозоқлар комитети «Алашўрда» билан иттифоқда бўлгани, 1918 йил 1 январда Туркистон шаҳрида алашчиларнинг қурулто-



йида Алаш ташкилоти Қўқон буржуа мухторияти билан яқиндан алоқа ўрнатганлигини афсус-надоматлар билан қайд қилган.¹

Нуфузли олимлардан яна бири Туркистонда советларга қарши ички ва ташқи контрреволюция занжирининг муҳим ҳалқаси миллий буржуазия, феодал-клерикаллар, рус оқ гвардиячилар, рус буржуазияси билан биргаликда ташкил топган «Қўқон мухторияти» дир деган хулосага келган.²

Совет салтанатидан ташқарида – хорижда Туркистон мухторияти ҳақида бор ҳақиқатни ёзган олимлар, тадқиқотчиларга большевик мафкура буржуа сохталаштирувчилари деган ёрлиқ ёпиштирган эди. Яна Озод Шарифдиновдан мана бу иқтибосни келтирамиз: **«Буни қарангки, муайян йилларда ана шундай «аксилтаргиботчилик», чет эллардаги ўзбек муҳожирларини ёки бошқа миллатларга мансуб шарқшунос олимларни фош қилиш айрим «олимлар» учун тирикчиликнинг осон йўлига айланди. Анча-мунча одамлар бу йўлдан бориб мансаб пиллапояларидан кўтарилдилар ва сохта шухрат эгаларига айландилар. Бугун буларнинг ҳаммаси ёлгон бўлиб чиқди. Ўша «фош этилган», урилган, сўкилган советшуносларнинг кўп гаплари тўғри экан – улар четдан туриб Туркистоннинг заволли аҳволи, аччиқ тақдири тўғрисида бизга қараганда тўғрироқ фикр юритишган экан. Замон ўзгарди, катта қийинчиликлар, талафотлар эвазига бўлса ҳамки ошкораликка эришдик, аста-секин сўз эркинлиги кириб келяпти. Бугун Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит, Булоқбоши, Темирхўжа каби ўзбек муҳожирларининг номи бемалол тилга оладиган, асарларини чоп этадиган бўлиб қолдик».**

Туркистон мухторияти тарихини янгича тадқиқ этган Саидақбар Аъзамхўжаев мазкур мавзунинг ишлаб чиқилишида хориждаги ўзбек олими Боймирза Ҳайитнинг салмоқли ҳиссаси борлигини эътироф этди. Унинг 1956 йили

нашр этилган «Туркистон XX асрда», «Туркистон Россия билан Хитой ўртасида», «Қўқонда миллий мухторият», «Алашўрда ҳукумати» номли асарларидан фойдаланганлигини ўз асарида қайд этган.³

Доктор Боймирза Ҳайитнинг немис ва турк тилларида нашр этилган «BASMATSCHI» («Босмачилар») асарида Туркистон мухторияти муаммолари, туркистонликлар уни ёқлагани, руслар эса қарши тургани, Қўқонда Туркистон мухторияти, Оренбургда «Алашўрда»нинг ташкил топиши, 1917 йил 13 декабрда Тошкентда мухториятга қарши қон тўкилиши, Қўқонда мухтор ҳукуматни эгаллаш учун советлар тайёргарлиги, советларнинг ёвузлиги, Қўқондаги арман дашноқлари ваҳшийликлари каби тарихий воқеаларнинг ҳар бири алоҳида параграфларда таҳлил этилган.

Туркистон мухториятининг хорижий таърихшунослигида Мубошир Косоний, Муса Туркистоний, Али Бодомчи, Усмонхўжа ўгли Пўлатхўжа ва бошқаларнинг асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Туркистон мухторияти тарихига янгича ёндашувнинг асосий концептуал масалалари истиқлолимиз арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бошланган. Бу М.Ҳасанов⁴, Н.Норқулов⁵, Ш.Дониёров⁶, Ҳ.Содиқов⁷, С.Аъзамхўжаевнинг⁸ мақола ва асарларида ўз ифодасини топган. С.Аъзамхўжаев 1996 йили «Туркистон мухторияти: озодлик ва мустақиллик учун кураш (1917 – 1918)» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Унинг **«Туркистон Мухторияти – миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси»** номли материали «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» китобидан

³ Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006.

⁴ Хасанов М. Кокандская автономия и некоторые её уроки // Общественные науки в Узбекистане. 1990. №2; Ўша муаллиф: Туркистон мухторияти // Фан ва турмуш. 1990. №8, 12.

⁵ Норқулов Н. Мухториятнинг тугатилиши // Фан ва турмуш. 1990. №8.

⁶ Дониёров Ш. Мухторият қисмати // Шарқ юлдузи. 1991. №12.

⁷ Содиқов Ҳ. Хуррият Мухториятгача // Фан ва турмуш. 1993.

⁸ Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун. – Тошкент: Фан, 1995; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000; Ўша муаллиф. Из истории борьбы за автономию Туркестана. – Ташкент: Фан, 1996.

¹ Турсунов Х. Национальная политика коммунистической партии в Туркестане. (1917-1924 гг) Ташкент – «Узбекистан». 1971. Стр 123-124.

² Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. Москва «Мысль», 1984. Стр 22-23.



ҳам ўрин олган.⁹ Тадқиқотчининг рус тилида нашр этилган монографияси ҳам катта илмий қимматга эга.

Туркистон мухторияти тарихи олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртлари талабалари учун мўлжалланган Ўзбекистон тарихидан ўқув қўлланма ва дарсликлардан ҳам муносиб жой олган

Аммо, бизнингча, Туркистон мухторияти фаолиятининг бутун бўй-басти, муаммолари, йўналиши, мақсади, енгиллиги сабаблари, ҳар бир мухториятчининг шахсияти, таржимаи ҳоли, тақдири ўрганилганича йўқ. Мавзуга дахлдор манбалар, архив ҳужжатлари, матбуот материаллари, эсдаликлар, хориждаги манба ва адабиётлар ҳанузгача бизга маълум эмас. Мухторият ва унинг фидойилари номларини абадийлаштириш, бу мавзу бўйича бадиий, драматик асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратишдек машаққатли, шарафли вазифалар мавжуд.

1. Мухториятнинг туғилиши

1917 йил февралда юз берган чинакам халқ инқилоби сайёрамиздаги энг катта империялардан бири – чор Россиясига барҳам берди. Бутун мамлакатда, жумладан, мустамлака Туркистонда ҳам бу воқеа зўр шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Ҳуррият, озодлик, тенглик тўлқини узоқ Туркистонни ҳам инқилобий ларзага келтирди. Бор-йўти 20 баҳорни қаршилаган Абдулҳамид Чўлпон февраль инқилобини 1789 – 1793 йиллардаги буюк француз инқилобига ўхшатган эди. Бу инқилоб улғумидлар туғдирган эди. Шу боис ўлка аҳолисининг илгор қисми – жадидлар, руҳоният, зиёлилар бу инқилоб гоёсини ҳаётга татбиқ қилишга ўзларини сафарбар этдилар. Улар Россия таркибида бўлса ҳам миллий, ҳуқуқий, мухтор давлат қуриш учун астойдил курашдилар. Аммо октябрь тўнтариши Туркистон халқларининг умидини йўққа чиқарди. Чунки бу тўнтариш ва унинг гоёлари, сиёсати ўлка

аҳолиси, жумладан, ўзбеклар учун тушунарли бўлмаган. Ҳали октябрь тўнтариши юз бермаган 1917 йил ёзидаёқ бир гуруҳ андижонлик жадидлар ўлкадаги большевиклар, меньшевиклар, эсерларга хат йўллаб, уларнинг гоё ва дастурлари мусулмон халқига сингмаслигини, уларни қабул қила олмасликларини баён этган эдилар. **«Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирларига сира тўғри келмайди, – дейилган ўша хатда, – шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип, андозани бу ерда қўллаб бўлмайди... Бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ, гарбий европача маънодаги фермерлар ва ижарачилар ҳам йўқ. Шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип, андозани бу ерда қўллаб бўлмайди. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас, балки ижарачи фермер ҳам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб келган. Муқаддас Ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган, шунинг учун ҳам бизда синфий кураш учун асос йўқдир. Зотан, барча мусулмонлар, улар хоҳ фуқаро ё мулкдор бўлишидан қатъи назар, тенгҳуқуқлидирлар».**

Октябрь тўнтариши Туркистоннинг объектив тараққиёт қонунларига зид суратда ўлкага четдан – Россиядан келган бир гуруҳ шахслар томонидан зўрлик билан амалга оширилди, яъни зўрлик йўли билан экспорт қилинди. Уни маҳаллий халқ қабул қилмади.

Туркистон ўлкаси ишчи, аскар ва крестян депутатлари совети III съезди 1917 йил 15 – 22 ноябрда бўлиб, унда улғу давлатчилик ва шовинистик руҳдаги қарорлар қабул қилинди. 15 кишидан иборат Халқ Комиссарлари Совети ва комиссарликлар таркиби юз фоиз оверуполик аҳоли вакиллари билан сайланди. Бу совет ҳукумати таркибида ўлка аҳолисининг 96 фоизини ташкил этган маҳаллий миллатлар вакиллари билан биронта ҳам вакил йўқ эди. Буни большевик арбоблардан бири Д.И.Манжара ҳам фаҳмлаб биринчи Туркистон ҳукумати

⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.



Туркистон муваққат ҳукумати аъзолари
Қўқон шаҳридаги йиғинда

таркибида бирон-бир ўзбек, туркман, қозоқ, киргиз, тожик бўлмаганидан (ваҳоланки, шу съездда 50 нафарга яқин маҳаллий миллат вакиллари қатнашганди) хижолат тортган. Туркистон ўлкасидаги ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи бошқарув органи – Туркистон ўлка халқ комиссарлари совети бўлиб, унинг раиси давлат ва ҳукумати бошлиғи сифатида 26 ёшли большевик Ф.Колесов сайланган. 1918 – 1920 йилларда Туркистон компартияси Марказий Комитетида И.О.Тоболин, А.Ф.Солькин, П.А.Кобозев, Марказий Ижроия Комитети раиси лавозимида П.А.Кобозев, В.Д.Вотинцев, А.А.Казаков, И.А.Апин, Халқ Комиссарлари Советида Ф.И.Колесов, В.Д.Фигельский, И.Е.Любимов, Я.Э.Рудзутак фаолият олиб борганлар. Бутун Фаргона водийсида совет ҳокимиятига большевик П.Д.Крутиков, Андижон уезди советига большевик Д.С.Урюпин, Қўқон уезди советига большевик Е.А.Бабушкин, Наманган уезди советига большевик С.Г.Дадасянц раҳбар этиб тайинланди. Ўлканинг Сирдарё, Самарқанд, Каспийорти, Етгисув вилоятларида ҳам худди шундай аҳвол эди. Туркистондаги совет бошқарув тизимидаги давлат раҳбар органи таркибига маҳаллий миллат вакиллари мутлақо яқинлаштирилмади.

Давлат бошқарув органи 100 фоиз Туркистонга Россиядан юборилган оврупалик шахслар билан тўлдирилди. Улар эса маҳаллий халқнинг на тилини, на динини, на маданиятини, на миллий урф-одатини, на бу ерда асрлар оша таркиб топган тарихий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларини би-

ларди. Хуллас, советлар чоризмдан мерос қолган улуг рус шовинизми сиёсатини ўз ҳукмронликларининг биринчи кунидан бошлаб зўрлик йўли билан давом эттирдилар. Бу нарса ўлка советлари III қурултойи (1917 йил 15 – 22 ноябрь) қабул қилган қарорида ҳам ўз аксини топди. Қарорда «**маҳаллий аҳоли ўртасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмаганлиги сабабли улар вакилларининг ўлкадаги ҳокимият органида ишлашларига йўл қўймаслик керак**»лиги таъкидланган. Бундай улуг давлатчилик ва шовинистик руҳдаги қарор туб ерли аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларига мутлақо зид эди. Шу боис февраль инқилоби туфайли тарих майдонига чиққан ўлкадаги «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», Мусулмон ишчилар совети сингари демократик ташкилотлар большевоилар доҳийси Лениннинг ўзи эълон қилган «**Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси**»си (1917 йил 15 ноябрь) ва «**Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига мурожаатномаси**» (1917 йил 22 ноябрь) каби ҳужжатларга асосланиб миллий истиқлол муаммосини ўзлари ҳал қилишга киришдилар. Мазкур муаммо 1917 йил 26 – 29 ноябрда Қўқонда иш олиб борган Ўлка мусулмонлари советининг IV қурултойида ҳал этиладиган бўлди. Қурултойнинг Қўқон шаҳрида ўтказилишига қатор сабаблар бор эди. **Биринчидан**, Қўқон шаҳри, умуман, Фаргона водийсида большевизмнинг таъсири анча заиф эди. **Иккинчидан**, водийда чор мустамлакачилигининг зулми ниҳоятда кучли бўлган. **Учинчидан**, водий халқининг мавжуд тузумга нисбатан қаҳр-газаби бениҳоя кучли эди. Шу боис бу ҳудудда мустамлакачиликка қарши қўзғолонлар сиратинмаган. **Тўртинчидан**, водий бошқа ҳудудларга қараганда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган. **Бешинчидан**, интеллектуал салоҳият ҳам кучли бўлган. **Олтинчидан**, Қўқон шаҳри бир вақтлар Қўқон хонлигининг пойтахти бўлган. **Еттинчидан**, водийда эндигина шаклланиб келаётган миллий буржуазиянинг таъсири кучли бўлган. Энг муҳими, Қўқон ўша вақтда бутун Фаргона водийси ша-



ҳарлари ичида анча катта нуфузга эга эди. Ҳатто эсерлар партияси аъзоларидан В.П.Наливкин, Вадим Чайкин ҳамда яҳудий партияси аъзоларидан С.Герцфельд Туркистон миллий мухториятини тузиш ва унинг пойтахти этиб белгилаш учун энг қулай жой деб Қўқон шаҳрини топганлар. Қурултойни ўтказиш учун маблагни Қўқон бойларидан Мир Одил ўз зиммасига олганди. Умуман, Фаргона водийси шаҳарларидаги тадбиркор, мулкдор, бойларнинг нуфузи катта эди. Масалан, Андижонда Миркомилбой Мирмўминбоев, Аҳмадбек ҳожи

Темирбеков, Рўзи Охун Назаров жадидларга ҳомийлик қилганлари маълум. Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида 200 дан ортиқ вакиллар қатнашди. Улар ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, татар, яҳудий ва бошқа миллатлар вакиллари эди.

Қурултойни Мустафо Чўқаев очиқ деб эълон қилган ва у гоётда таъсирчан нутқ сўзлаган. Бу нутқ 2016 йили Алматида нашр этилган 2 жилдлик «Мустафа Чокай. Избранные труды» номли ҳужжатлар ва материаллар тўпламидан жой олган. Уни айнан келтирамиз:

«РЕЧЬ М. ЧОКАЯ НА IV ОБЩЕМУСУЛЬМАНСКОМ СЪЕЗДЕ В КОКАНДЕ

1917 г. 26 ноября

То, что творится сейчас в центре, заставляет окраины самим заботиться о своем собственном спасении и о спасении великой нашей родины России в целом. И Туркестану, пережившему октябрьское кровопролитие, нужно позаботиться о своей собственной судьбе.

Тяжесть положения усугубляется продовольственной нуждой, грозящей перейти вследствие прекращения подвоза хлеба из Оренбурга в голод.

Как выйти из создавшегося положения?

Путь к созданию существующей советской власти орошен кровью невинных жертв. Объясняется это тем, что власть создавалась без участия мусульман которые могли бы предотвратить кровопролитие. И после переворота предложение мусульман вместе с представителями съезда самоуправления организовать власть на началах участия нам в равном числе мусульман и европейцев, съездом русских советов солдатских и рабочих депутатов было отклонено. Таким образом, Туркестан остался без хлеба, без настоящей народной власти, без представительства в ней мусульман, право которых советом народных комиссаров Туркестанского края совершенно игнорируется.

*Туркестанский вестник. Ташкент.
1917 г. 10 декабря»¹⁰.*

Мандат ҳайъати аъзоси ҳуқуқшунос Тошпўлат Норбўтабеков анжуман иштирокчилари таркиби билан таништиради: қурултой очилиши пайтида Фаргонадан 150, Сирдарё вилоятидан 22, Самарқанд вилоятидан 21, Каспийорти вилоятидан 1, Бухородан 4 вакил ҳозир бўлган эди. «Улуг Туркистон» газетаси маълумоти бўйича, қурултой қатнашчилари миқдори 250 кишигача етган. Мустафо Чўқай бу қурултой

Туркистон миллий бирлигини тўлалигича намойиш этганини таъкидлаган.

Қурултой тўла байналмилалчилик руҳида ўтди. Миллий зиёлиларимизнинг демократик руҳдаги бир қатор вакиллари чиқишлари бунинг ёрқин мисолидир. Маҳмудхўжа Беҳбудий ушбу қурултойда Туркистон ҳамда Европа аҳолиси вакилларининг иштирок этишининг ўзиёқ, бу қурултойнинг обрўси эканини ва

¹⁰ Речь М.Чокая в пересказе корреспондента газеты «Туркестанский вестник, Ташкент, 1917. 10 декабря Мустафа Шокай. Избранные труды. Том первый. – Алматы: Арыс, 2016. – С.23.



унинг қабул қилган қарорлари нақадар ҳаётий эканлигини қайд этган эди. Шу сабабдан М.Беҳбудий қурултой ҳайъати шундай шаклланиши керакки, унда турли номусулмон гуруҳлардан ташқари руслар, яҳудийлар ва бошқалар ҳам бўлсин деб ҳисоблайди. Андижон ва Қўқон вакилларининг диний ва миллий белгиларига қараб эмас, балки билимдонлигига, ижодкорлигига, ишбилармонлигига қараб сайлашни таклиф қилдилар.

Очиқ овоз бериш йўли билан қурултой ҳайъатига Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Обиджон Маҳмудов, Юргули Огаев, Солмон Герцфельд, Ислом Шоаҳмедов, Камол Қори, С.Акаев, Кишчинбоев, Абдурахмон Ўразаев, Абдул Бадин, Тилиев, Каримбоев, Маҳмудхўжа Беҳбудий сайландилар. Қурултой ўлкани бошқариш шакли, Туркистоннинг «Қазақ аскарлари, кавказ тоғликлари ва ёрқин чўл одамларининг Жануби-Шарқий Иттифоқи (ЮВС)»га кириши, ижроия қўмитани сайлаш, унга бериладиган топшириқлар (наказлар), Туркистон Марказий Мусулмонлар Советини қайта сайлаш, ҳозирги аҳвол, Туркистон таъсис мажлиси, милиция, молия ва бошқа масалаларни муҳокама қилди.

Туркистон ўлкасининг бўлгуси сиёсий тугуми жуда катта баҳс ва тортишувлар билан муҳокама этилди. Бутунроссия мусулмонлар кенгаши Марказий Қўмитасининг аъзоси, ноиб Убайдулла Хўжаев, Тошкентдаги сентябрь воқеалари қатнашчиси Собир Юсупов, андижонлик вакил Латифжон Содикбоев, ноиб Алихон Тўра, муфти М.Беҳбудий ва бошқаларнинг нутқлари қурултой қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Убайдулла Хўжаев маърузасида, Россияда ҳозир ҳақиқий ҳукумат йўқ, Россия салтанати музофотида ҳамма миллатлар большевойларга қарши курашга бел боғлаганлар, бутун Россия таъсис мажлисининг чақирилишига ҳеч қандай умид йўқ, шу боис зудлик билан Туркистон мухторият бошқарувига ўтиши зарур, деди. Ўзи большевик бўлишига қарамай, Собир Юсупов большевойларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, зўравонликларини айтиб, озод яшашни хоҳлар эканмиз, дарҳол Туркистон-

ни мухторият деб эълон қилишимиз керак, - дея таъкидлади.

Андижонлик вакил Латифжон Содикбоев шундай деди: **«Большовойлар Туркистонни мухтор жамият деб эълон этмас эканлар, унда мухтор жумҳурият деб эълон қилишимизга қаршилик кўрсатмасинлар. Чунки ислом дини давлатни демократик тарзда бошқаришга қарши эмас-ку»**. Аминхон Тўра эса: **«Туркистон 50 йилдан буён Россия ҳукумати қўли остида. Руслар босиб олгач, ерли аҳоли диний, миллий суд ишларига дарров аралашмаса-да, аста-секин ўлка ҳаётининг ҳамма жабҳаларига қўл чўза бошладилар. Февраль инқилобидан сўнг Туркистон халқи озодликка эришдик деб хурсанд бўлганди. Большевойлар ҳокимият тепасига келгандан сўнг зудлик билан мухторият эълон қилиш зарурияти туғилди. Айтишларича, большевойлар уруш эълон қилармиш, майли, лекин улар туркий мусулмонлар диний, миллий**



Латифжон Содикбоев (чапдан биринчи)



ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўлимдан кўрқмаслигини унутмасинлар», – деди.

Қурултойда қатнашган яна бир андижонлик вакил Ҳаққул Ҳусанбоев Туркистон мухторияти эълон қилиниши муносабати билан суратга тушгани учун кейинчалик 1938 йил 23 февралда ҳибсга олинган эди. У терговчининг саволига шундай жавоб қилган: **«Ҳа, мен Қўқон (Туркистон) мухторияти съездида иштирок этганимни инкор этмайман. Съезд кетаётган кунларнинг бирида Қўқон мухториятчиларининг раҳбарларидан бири Ҳожи Сафо Жўрабоев иштирок этиб, у «Забирай чемодан, освободи Туркестан» деган аксилинқилобий шиорини айтган эди».**

Сўзга чиққанларнинг аксарияти Туркистонга мухторият мақоми беришга қаршилик кўрсатаётган большевикларнинг сиёсатига қарши кескин танқидий фикрлар билдириб, мухторият ва мустақилликни ҳимоя қилиб чиқдилар.

Қурултой Туркистон тараққиёти ва истиқболини белгилаб берувчи тарихий ҳужжат қабул қилди. Деярли яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда (2 киши қарши) шундай дейилган: **«Ўлка мусулмонларининг фавқулоддаги IV қурултои Туркистонда яшаб турган элатларнинг Улуғ Россия инқилоби эълон қилинган асосларда ўзи ўзини белгилашга бўлган истак-иродасини ифодалаб Туркистонни Россия Федератив Демократик Республикасига бирлашган ҳудуддий мухторият деб эълон қилади ва мухторият шаклини белгилашни энг яқин муддатда чақирилиши керак бўлган Туркистон таъсис мажлисига ҳавола этади ҳамда тантанали суратда шуни маълум қиладики, Туркистонда яшаб турган майда миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай йўллар билан ҳимоя этилади».**

Қурултойнинг 28 ноябрдаги мажлисида таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи «Туркистон мухторияти» бўлади деган қатъий фикрга келинди. Туркистон ўлкаси халқлари таъсис қурултои чақирилгунга қадар ҳокимият батамом Туркистон Муваққат Кенгаши ва

Туркистон халқ (миллий) мажлиси қўлида бўлади деган гоё илгари сурилди.

Муваққат кенгаш аъзоларидан ҳукумат тузилиб, унинг таркиби 12 кишидан иборат бўлиши белгиланди. Муваққат кенгаш аъзолари сони 32 кишидан, Халқ мажлиси таркиби 54 номзоддан иборат бўлди. Унинг таркибига шаҳарлар маҳаллий бошқармаларидан 4 вакил киритилди. Халқ мажлисидаги ўринларнинг учдан бир қисми – 18 киши оврупо миллатига мансуб халқ вакилларига ажратилди. Бу ҳол мухториятчиларнинг инсоф, диёнат ва иймон асосида ҳақиқат, адолат ва демократиянинг юксак чўққисиди туриб фаолият кўрсатганларининг ёрқин намунасидир. Чунки ўша даврда оврупа миллатига мансуб аҳоли сонига нисбатан 4,5 – 5 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Халқ мажлисида уларга 1/3 қисм ўрин ажратилган эди. Туркистон ўлкаси таъсис мажлисига сайловлар ҳақидаги низом лойиҳасида номзодлар умумий сони 234 та бўлгани ҳолда, унинг икки гуруҳга – мусулмонлар ва номусулмонлар гуруҳига ажратилиши ҳам ана шу ўлчов ва андозадан келиб чиққан.

Қурултой 8 кишидан иборат муваққат ҳукуматни сайлади. Бу таркибга яна 4 киши оврупа миллатларига мансуб аҳоли сафидан киритилиши лозим эди. Бош вазир қилиб йўл муҳандиси Муҳаммаджон Тинишбоев, унга ўринбосар қилиб Ислоҳ Шоаҳмедов сайланди. Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев, Ҳидоятбек Агаев, Обиджон Маҳмудов, Абдураҳмон Ўразаев, Соломон Абрамович Герцфельд ҳукумат аъзолари этиб сайландилар. Доҳилия вазири Абдураҳмон Ўразаев, ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев, молия вазири Ислоҳ Шоаҳмад ўгли, озиқ-овқат вазири Обиджон Маҳмуд ўгли, зироат вазири Ҳидоят ога ўгли, маориф вазири Носирхон Тўра бўлди. Муваққат ҳукумат кенгаши (миллий мажлис)нинг таркибига Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддин Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Хожинов, Исматилла Убайдулин, Саидносир Миржалилов, Саид Шоаҳмедов, Абдураҳмонов Ўразаев, Ҳидоятбек Агаев, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Миродил Мирзааҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдуқодир Қушбеғиев,



Обиджон Маҳмудов, Жамшидбек Қорабеков, Соломон Герцфельд, Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дорибислин, Мусо Анчурин, Мустафо Мансуров, Маҳмудхўжа Бехбудий, Иброҳим Давлетшин, Муҳаммаджон Тинишбоев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Алихонтўра Шокирхонтўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров, Мустафо Чўқаев, Шерали Лапин кирдилар. «Шўрои Уламо»нинг раҳбари Шерали Лапин кенгаш таркибига раис сифатида киритилди, аммо у бу таклифни рад этди. Қурултой иқтисодий масалаларга ҳам эътибор берди. Мухтор республика Англия ҳукуматидан ҳарбий ёрдам билан бир қаторда иқтисодий ёрдам олиши ҳам таъкидланди. Чунки ўлкада очлик ҳукм сураётган эди. Нон маҳсулотларини пахта ва жунга алмаштириш масаласида бир фикрга келинди.

Туркистон мухтор жумҳурияти мафкура-сининг негизини ислом дини гоялари ташкил этиши қурултойда махсус кўрсатилди. Бу ўлка мусулмонларининг II ва III қурултойида ҳам таъкидланган эди.

Туркистон мухторияти халққа қарата 1 декабрь куни мурожаат қилди, у «Улуг Туркистон» газетасининг 8 декабрь сонида босилиб чиқди.

Унда ҳукумат зиммасига имкон қадар тезроқ Туркистон таъсис мажлисини чақириш кўрсатилган эди. Аммо депутат Убайдулла Хўжаев ўз нутқида ҳозирда Россияда ҳақиқий ҳокимият йўқ, империядаги барча миллатлар большевикларга қарши умумий кураш олиб боришмоқда, шу боис Бутун Россия таъсис мажлиси чақирилишига умид йўқ деб чиқди. У вакилларни тезлик билан ўлкани мухторият асосида бошқаришга ўтиш ва большевикларга қарши шиддатли кураш олиб боришга чақирди. Туркистон халқини озиқ-овқат билан таъминлаш чораларини кўриш, шу мақсадда «Жануби-Шарқий Иттифоқ»қа кириш масаласи муҳокама қилинди. Мухториятчилар Оренбург казаклари атамани, генерал-лейтенант, Оренбург армияси қўмондони А.И.Дутов билан дипломатик алоқа ўрнатган эдилар. Атаман Дутовнинг фикрича, «Алашўрда», Бошқирдистон, Туркистон, Бухоро, Хива ва Оренбург

казакларидан иборат «Жануби-Шарқий Иттифоқ» ташкил этиш мақсадга мувофиқ эди. Унингча, бундай федерация мазкур ҳудудларни Россия большевиклари тажовузидан ҳимоя қилиши мумкин эди. Қурултой мазкур масала 1918 йил мартида бўладиган мажлисда кўриб чиқилишига қарор қилди.

Қурултойда ўлка мухторияти молия ишларини таъсис қилишга киришиш, халқ милициясини ташкил этиш, маҳаллий миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тадбирлар белгилаш, аскар ташкил қилиш ва бошқа вазифалар юклатилганлиги айтилди. Бирлик, Хуррият, Тенглик, Тугонлик асослари тасдиқланди. Туркистоннинг барча фуқароларини, мусулмонларини, руслар, яҳудийларни, ишчи, аскар ва овруполик деҳқонларни, ўлкада яшовчи ҳамма элат, халқларни, шаҳар ва земство идораларини, умумий ва хусусий муассасаларини эътироф этиб, уларга ўз зиммаларига олган огир вазифаларини ҳал қилишга ёрдам бериш ҳам мурожаатда кўрсатилди.

«Биз, – дейилган унда, – олдимизда турган масалаларнинг муҳимлигини комил суратда англаб ҳам ишлаган ишларимизнинг ҳақлигига ишониб, худодан мадад тилаб иш бошлаймиз».

Мурожаат ўлка халқларини беҳад қувонтирди. Улар орзу қилиб келган миллий давлатга эга бўлганидан беҳад шод эди.

Янги ҳукумат омма ўртасида сиёсий фаолиятни авж олдириди, мусулмон сиёсий ташкилотлари, улар ихтиёридаги тарғибот ҳамда ташвиқот ишларини кучайтирди. Ёшлар уюшмалари мухториятини кенг тарғиб этдилар. Тошкентда Акмал Икромов бошлиқ «Ишчилар тўдаси», Андижонда Усмонхон Эшонхўжаев бошлиқ «Маориф ҳаваскорлари» уюшмаси жамиятлари катта иш олиб борди. Мухторият ўзбек, рус ва қозоқ тилларида газета чиқара бошлади.

Ҳукумат уездлар комиссарлари, мансабдор шахсларга фармойишлар, телеграммалар, кўрсатмалар юбориб, Туркистон мухторияти бирдан-бир қонуний ҳукумат эканлиги, шу боис фақат унинг кўрсатмаларини тан олиш лозимлигини таъкидлади. Шошинч равишда 30 миллион сўмлик заём чиқарилди. Бун-



дан мақсад ҳукуматни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва миллий армия тузиш эди. Аввалида ҳукумат ихтиёрида 60 ёлланма аскар бўлган бўлса, қисқа фурсатда унинг ихтиёрида 2 минг кишилик қўшин ҳозир бўлди. Қўқон милициясининг бошлиги Эргаш қўл остида эса анчагина кучлар бор эди. Миллий армияда хориждан чақирилган ҳарбий кишилар, аксарият ҳолда турк зобитлари йўриқчилик ишларини олиб бордилар. Аини вақтда, милиция қисмлари тузишга ҳам киришилди. Бунда ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев катта ишлар қилди. Пул ислоҳоти ўтказишга киришилди. Хорижий мамлакатлардан ҳам моддий, ҳам ҳарбий ёрдамлар олишга муваффақ бўлинди. Мухториятни Англия, Франция, Германия, Туркия қўллаб-қувватлади. 1918 йил январида Тошкент Жомеъ масжидидаги йигинда нутқ сўзлаган Шукурхон ҳазратлари мухториятчилар ёлғиз эмаслар, уларни Англия ҳимоя қилаётир, деган эди.

II. Мухториятдан эл-юрт шоду хуррам

Турли шаҳарлар ва туманларда Туркистон мухторияти баланд ва кўтаринки руҳ билан кутиб олинди. Уни қўллаб-қувватлаб жойларда митинг ва намойишлар ўтказилди. 1917 йил 6 декабрда Тошкент шаҳрида, Эски Жўвадаги Бекларбеги жомеъ масжидидаги йигинда 60 минг фуқаро қатнашди. Йигинни «Шўрои Исломчилар» ва «Шўрои Уламочилар» уюштирган эдилар. Йигин Туркистон мухториятидан бошқа ҳукуматни тан олмаслик тўғрисида қарор қабул қилди.

6 декабрь куни Андижон уезди Хонобод кишлоғида оммавий намойиш бўлди. Бир неча минг намойишчилар Фозилмон ота мазоридан то бозор жойга қадар йигилиб турди. Абдулла Эшон ва Хусайн Валидий намойишчилар олдида сўзга чиқиб, халққа мухториятнинг ташкил этилиши ва унинг мақсадлари ҳақида гапириб бердилар. Намойиш қатнашчилари мухториятни моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида 500 сўм маблағ тўплаган эдилар.

Андижон тараққий-парварларидан Маҳмудбек Қозиев Туркистон мухториятига моддий ёрдам бериш ва маблағ тўплаш бўйича газначилик қилган. Мухтор ҳукуматнинг «миллий аскар» (миллий гвардия) ташкил этиш учун Маҳмудбек Қозиев Андижон уезди бўйича аҳолидан тўпланган маблағни Қўқонга олиб бориб мухториятчиларга топширган.



Маҳмудбек Қозиев
(1890 – 1937)

Миллий истиқлолчи, ватанпарвар, маърифатпарвар М.Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқалар халқни мухторият атрофида бир ёқадан бош чиқариб бирлашишга чақирдилар. Фитрат «Мухторият» мақоласида, жумладан, шундай ёзган: «Туркистоннинг тарихан пойтахтларидан иккинчиси бўлган Хўқанд шаҳрида Туркистон қурултойи 27 ноябрнинг (миллий лайлатулқадримиз) ярим кечасида Туркистон мухториятини эълон қилди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлғиз бир қурултойнинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керакдур. Қурултой ўз ишини қилди. Қолганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бошқармоқ учун ақча керакдур. Буларни миллат ҳозир қилсун».

Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқидан юртдошимиз Абдулҳамид Чўлпонни эслаб, унинг шаънига шундай таъриф берганди: **«XX аср бошларидаги миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожеаларни, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас»**. Эндигина 20 баҳорни қаршилаган ҳамшаҳримиз Абдулҳамид Чўлпон Туркистон мухториятини табриклар «Оллоҳу акбар», «Озод Турк байрами» каби шеърларни битди. Унинг



«Озод Турк байрами» деган шеъри Туркистон мухториятининг мадҳияси сифатида қабул қилинган эди.

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Қардошлар, қандай замон!
Шодликка тўлди жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!

Нақарот:

Туркистонлик – шонимиз,
туронлик – унвонимиз,
Ватан – бизнинг жонимиз,
фидо ўлсун қонимиз!

Бизлар темир жонлимиз!
Шавкатлимиз, шонлимиз!
Номусли, виждонлимиз!
Қайнаган турк қонлимиз!

Нақарот.

Бўлди кенглик, зўрлик йўқ.
Берилди бизга ҳуқуқ!
Тараққийга йўл очиқ!
Жаҳолатга йўл ёпиқ!

Нақарот.

Мухторият олинди,
Ишлар йўлга солинди,
Миллий маршлар чолинди,
Душман ўртанди энди!

Нақарот.

Шодлик, хурсандлик чоғлар.
Кетсун юракдан доғлар,
Ватан боғиндан зоглар!
Селкулласун байроғлар!

Нақарот.

Ҳуррият – байрогимиз,
Адолат – ўртогимиз,
Хурсанд бўлган чоғимиз
Мевалансун боғимиз.

Нақарот.

Турк бешиги – Туркистон!
Ери олтун, тоғлари қон!
Болалари қаҳрамон!
Ватан учун берур жон.

Нақарот:

Туркистонлик – шонимиз,
туронлик – унвонимиз.
Ватан – бизим жонимиз,
фидо ўлсун қонимиз.¹¹

Халқимизнинг мухторият учун кураши тарихида 1917 йил 13 декабрда Тошкентда содир этилган қонли фожеалар, айниқса, аянчли ва даҳшатли из қолдирди. Чунки худди шу куни Тошкент шаҳар советининг буйруғи билан қизил гвардиячи аскарлар мухторият талаб қилиб чиққан Тошкент шаҳар мусулмон аҳолисини беаёв қиргин қилди, гуноҳсиз аҳолининг қутлуг қонлари тўкилди. Туркистон халқларининг истиқлолчилик ҳаракатлари тарихида бу куннинг ўрни катта эканлигига эътибор бериб 1959 йил 17 июлда АҚШ Конгресси мазлум халқлар ҳафталигини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганда 13 декабрни Туркистон куни деб белгилади.

13 декабрдаги Тошкент фожеаси муносабати билан Туркистон мухторияти раҳбарлари халққа қарата мурожаат қилдилар. Унда шундай дейилган: «Биз халқ совети ва Туркистон мухторияти муваққат ҳукуматининг аъзолари чин юракдан таассуф билдирамыз ва туркистонлик мусулмонларнинг эзгу ҳис-туйғуларини ҳақоратловчи бу воқеаларга қарши чиқамиз. Ана шу муносабат билан бизлар мамлакатда тартиб ва осойишталик ўрнатилиши учун зарурий чоралар кўрилиши йўлида барча кучларимизни ишга соламиз. Ҳозирча эса Туркистон халқидан собитлик ва хотиржамлик ўрнатилишини сўраймыз. Бу энг оғир кунларда мусулмонларнинг тинчликни сақлаб қолишлари ниҳоятда зарурдир».

Ўлка совет ҳукумати воқеа содир этилган куниёқ Петроградга Халқ Комиссарлари Со-

¹¹ Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. Асарлар. I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 5.22.



ветига телеграмма йўллаб, унда Туркистон мухториятини қоралаб, унга нисбатан муносабат билдиришни сўрайди. Петрограддан эса «Жойларда ҳокимият сиз, ўзингиз, демак, сиз ўзингиз буйруқларни ишлаб чиқинг» деган жавоб Тошкентга келади. Бу билан Ленин бошлиқ совет раҳбариятига ўлкада демократик йўл билан маҳаллий мусулмон аҳолиси манфаатини ифодаловчи қонуний Туркистон мухториятини эътироф этмаслик, уни қонундан ташқари деб эълон қилиш учун ваколат беради.

Туркистон Халқ Комиссарлар Совети бу масалани махсус кўриб, Туркистон таъсис мажлиси чақирилади ва фақат шундагина мухторият эълон қилиниши мумкин деган қарор қабул қилади. Ўз-ўзидан равшанки, большевойлар Туркистон мусулмонларининг фавқулодда чиқарилган IV қурултойи томонидан эълон қилинган Туркистон мухториятини тан олмадилар. Улар ўзларига ёқадиган мухториятни келажакда ташкил этишни режалаштирдилар. Большевойлардан фарқли ўлароқ, кадетлар, эсерлар, меньшевиклар партияларининг ҳамда муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси вакиллари Туркистон мухториятини ёқлаб чиқдилар. Минг афсуски, шундай бир огир вазиятда Туркистон мухторияти масаласида туб ерли мусулмон халқларининг истиқлолчилик ҳаракати фидойилари сафларида ўзаро бирлик, ҳамдардлик ва ҳамкорлик бўлмади. Туркистон эсерлари 1918 йил 8 – 10 январдаги II қурултойида Туркистон мухториятининг муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаб, ҳатто халқ мажлисига ўз вакиллари Скоромороховни юборишга қарор қилганлари ҳолда, «Шўрои уламо»чилар Тошкентдаги Жоме масжидида йигин ўтказиб Туркистон умуммусулмонларининг жабҳасини бўлиб юбориш йўлидан бордилар. Ҳатто шу йигинда Тошкентда алоҳида мухторият эълон қилиниб, унинг номидан иш кўришга қарор қабул қилинади. Бу кенг жамоатчилик ўртасида парокандаликка сабаб бўлди. Тошкент уламози жумҳурияти ҳақидаги хабар фаргоналик уламочилар қулогига етиб боргач, улар тўпланиб бу масалани муҳокама қилишиб, тошкентлик

уламочиларнинг бундай хатти-ҳаракатидан норози бўлиб Тошкент «Шўрои уламо»сига мурожаат этадилар. Мурожаатномани Тошкентга қўқонлик уламочи Мулла Камол Қози ва маргилонлик домулла қози олиб келган эди. Мурожаатномада фаргоналик уламочилар ўз маслакдошларини умумтуркистон иттифоқидан ажралмасликка даъват этдилар. Унда қуйидаги сатрлар бор эди: «Рус золимларидан халос бўлмоқлик учун Туркистон аҳли ва унинг вакиллари мухторият эълон қилдилар. Шундай муҳим ва масъулиятли вазиятда биз ихтилоф ҳолатида бўлишимиз яхши эмасдур. Муборак ватанимизнинг ва динимизнинг саломатлиги иттифоқ ва иттиҳоддадир». Фаргона уламочилари ўз мурожаатларида «ҳадис»дан мусулмон уммати бирлиги тўғрисида айтилган сўзларни намуна тариқасида келтириб умуммусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш ва Туркистон мухторияти атрофида янада кучлироқ жипс-лашишга даъват этдилар.

Туркистон мухториятини ҳимоя қилишда Қўқон шаҳрида чақирилган мусулмон ишчи ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда қурултойи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда 200 га яқин вакил қатнашди: 93 киши Фаргона вилоятидан, 40 киши Самарқанд вилоятидан, 30 киши Сирдарё вилоятидан, 5 киши Каспийортдан, 4 киши Бухородан ва ҳоказо. «Улуғ Туркистон» газетаси большевойларнинг бу қурултойини ҳам тан олмасликларини билиб бу ҳақида шундай ёзган эди: «Большевойлар бунга қадар Қўқонда бўлгон 4-фавқулодда мусулмонлар съездини бойлар ила муллалар «буржуйлар» қурултойи деб қарадилар ва шул баҳона ила идорани мухторият ҳукуматига бермийлар эди. Энди бу баҳонага жой қолмаган бўлса керак. Чунки ҳозир Туркистон мухторияти рабобий, деҳқон ва улар тарафидан буюк бир миқдорда вакиллар сайланиб, мухторият идораси тамомила демократия асосида қўйилди. Бундан сўнг большевойлар қандай бир баҳона топиб мухториятга қарши турарлар экан?»

Қурултой иштирокчилари 13 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган хунрезлик ва фожеалар муносабати билан қурбон бўлганлар хотирасини ёдга олдилар ва Қуръони каримдан ти-



ловатлар ўқидилар. Қурултой ҳайъатига Абдулла Авлоний, Санжарбек Асфандиёров ва бошқалар сайландилар. Кун тартибидаги бош масала – Туркистон мухториятига муносабат бўлиб, кескин баҳс, мунозаралар ва тортишувлар билан бир неча кун қурултойда муҳокама қилинди. Ниҳоят, қурултой Туркистон мухторияти муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қурултой Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И.Ленин номига телеграмма юборишга қарор қилди. 1917 йил 27 декабрда жўнатилган бу телеграммани айнан келтирамиз: «Халқ Комиссарлари Совети эълон қилган шиорлар Туркистонда жорий этилмоқда. Бутун Туркистон халқи иккала қурултойда Туркистонда мухториятни бир овоздан эълон қилди ва Туркистон таъсис мажлисига ўлкани бошқаришнинг сўнгги шаклини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Барча шаҳар ва қишлоқларнинг турли ташкилотлари намойишлари ва қарорларида мухториятнинг эълон қилинишини қўллаб-қувватлаётдилар. Сайланган Халқ советига, руслар ва оврупаликлар шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг 2 фоизини ташкил этса-да, биз томонимиздан 33 фоиз ўрин ажратилган, халқларнинг урушига чек қўйилиши, аннексия ва контрибуциясиз сулҳ тузилишига бир овоздан қўшиламыз.

Мусулмон пролетариатининг фавқуллода қурултойи Халқ Комиссарлари Совети томонидан Туркистон мухториятининг мустақамланиши учун ҳақиқий чоралар кўрилади, шу билан халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши тўғрисидаги шиорининг қатъийлиги ва бунга чин дилдан интилаётганлигини намойиш этади деб ишонади. Туркистон мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларнинг I фавқуллода қурултойида қабул қилинган қарорлар ҳақида маълумот бериб, сизлардан Россия демократик республикасининг олий ҳокимияти сифатида Тошкент Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни Туркистон муваққат ҳукуматига топшириш тўғрисида фармойиш беришингизни сўраймиз. Бу билан сиз Туркистонни жуда катта фалокатга олиб келувчи анархия ва қўш-ҳокимиятчиликдан қутқарган бўлур эдингиз».¹²

¹² Ишчилар дунёси. 1918. №2. – Б.22 – 23.

Мазкур телеграммага 1918 йил 5 январда миллатлар иши бўйича халқ комиссари И.В.С-талиндан мана бу жавоб келади: «Тошкентдаги совет комиссариатини йўқ этиш ҳақида Петроградга мурожаат қилишнинг эҳтиёжи йўқ, агар комиссариатни истамасангиз, уни куч билан йўқота биласиз». Бу телеграмма ўз моҳият-мазмунига кўра советлар ҳукумати зўрликка таянувчи мустамлакачилик сиёсатининг ёрқин кўриниши эди. Чунки унинг мазмунига кўра, советлар Туркистон ўлкасидаги туб ерли мусулмон аҳоли истак-хоҳиши билан ҳисоблашмас, ўз тақдирини ўзи белгиламоқчи бўлган ўлка халқларини советлар Россияси билан тўғридан-тўғри қон тўқишга, урушга чорлар эди. Петроградда ўтирган мустамлакачи большевой корчалонлар бу урушда албатта галаба қозонажакларини яхши билар эдилар. Туркистон мухториятида куч йўқ эди, у ҳали яхши ҳокимият ўлароқ батамом шаклланиб улгурмаган эди.

Тошкентдаги советлар ҳукумати Туркистон мухторияти тимсолида ўзининг асосий рақибини кўрди ва уни йўқ қилиш учун тайёргарликни бошлаб юборди. Тошкент советлари Туркистон мухториятини яқкалаб қўйиш мақсадини кўзлаб ўз қўлидаги барча имкониятларни ишга солдилар. Тошкент шаҳар думаси тарқатилди, «Туркестанский вестник» газетаси ёпилди ва ҳоказо. Советларнинг шу ва шунга ўхшаш тadbирлари Туркистон мухториятига нисбатан амалий ва режали ҳужум бошланганидан далолат беради.

III. Мухториятга большевойлар тажовузи

1918 йил 19 – 26 январда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси советларининг IV қурултойида Туркистон мухториятини тугатиш масаласи очиқдан-очиқ кўрилди. Қурултойда сўзга чиққан, ўзини «Ўрта Осиё Ленини» деб ҳисоблаган, Тошкент совети раиси И.О.Тоболин шундай деган эди: «Биз нафақат Россия ҳақида, балки меҳнаткашлар тўғрисида қайгурамыз, агар халқ хоҳиш-иродаси бу ўлканинг Россиядан



ажралиб чиқишини референдум орқали ҳал этишни истаса, унинг ажралиб чиқиш ҳуқуқини сақлаб қоламиз».

У Туркистон мухториятига қарши фикрини яшириб ўтирмайди: «Бироқ мухториятни ҳозир, зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Зеро, мухториятнинг энг биринчи шартига кўра, бу ўлкадан ҳарбий қўшинлар олиб чиқиб кетилиши керак. Агар бу мухторият тушунчасидан келиб чиқадиган ана шу асосий ҳолатни амалга оширадиган бўлсак, унда инқилоб биқинига зарба берган бўлур эдик, ўлкада эса яна аксилинқилобчилар ҳокимияти қарор топар эди». Бу қурултой Туркистон мухторияти ҳукуматини тан олишдан бош тортади, унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилади, ҳатто уларнинг бошлиқларини қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилади. Большевикларнинг ишчи ва аскар депутатлари советининг «... бойлар томонидан эълон қилинган Қўқон ҳукумати тан олинмасин, унинг аъзолари эса қонундан ташқари деб топилсин, бошлиқлари қамоққа олинсин!» деган талаби масалани янада ўткирлаштириб юборади.

Қурултой инқилобий социал-демократлар партияси бир тўда рус ва мусулмон пенсионерлари бошчилигидаги буржуа мухториятига қарши шафқатсиз кураш эълон қилади ва ўлкада пролетар мухторияти тузишга интилади деган қарор қабул қилади.

Туркистон мухториятини тугатишнинг оташин ва фаол ташкилотчилари И.О.Тоболдин, Ф.Колесов, Е.Бабушкин, Туркистон ҳарбий комиссари Е.Перфилев ва бошқалар бўлдилар. Улар ўз фаолиятларида қизил салтанат йўл-бошчилари Ленин, Сталин ва бошқа жаллодларнинг тўғридан-тўғри буйруқ ва кўрсатмаларини адо этдилар.

Туркистон мухторияти раҳбарлари 1918 йил бошларида Тошкентда ўзларига қарши катта қиргинга тайёргарлик кетаётганида зўр матонат ва иродани ишга солиб мухториятни мустаҳкамлаш йўлидаги қийинчиликларга қарши сабр-тоқат билан ишлаётган эдилар. Бу қийинчиликлар нималардан иборат эди? Энг асосий қийинчилик маҳаллий туб ерли аҳоли сиёсий

савиясининг миллий истиқлол даражасида ривожланмаганлиги эди. Бу Туркистон мухториятини ҳимоя қилиш, уни қўллаб-қувватлашда истиқлолчи кучларнинг ягона жабҳа, якмушт бўла олмаганлигида кўринди. Янада каттароқ қийинчилик Туркистон мухтор ҳукуматининг яшаб қолишининг шарти бўлган моддий етишмовчилик эди. Бу ҳам, албатта, яна биринчи қийинчиликка бориб тақалади. Большовойлар октябрь тўнтаришини Германия ҳукуматининг берган бир миллиард немис маркаси эвазига амалга оширган эди. Моддий маблағсиз эса ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Туркистон мухториятига яҳудийлар ярим миллион сўм ёрдам тариқасида беришган. Наманган ва Андижон банклари жуда катта қийинчиликлар билан 500 минг сўм ажратганлар. Албатта, бу маблағлар мухтор ҳукумат сарф қилиши лозим бўлган харажатлар олдида урвоқ ҳам бўлмасди. Чунки биргина «Бирлик туги» газетасини молиявий қўллаб туриш учун 5 минг сўм, «Свободный Туркестан» учун 50 минг сўм харажат қилинар эди. Қўшинни таъминлаш учун кетадиган молиявий харажат тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Учинчи энг муҳим қийинчилик Туркистон мухториятини кўкрак кериб ҳимоя қилиб оладиган миллий қўшиннинг йўқлиги эди. Асосан таёқ, болта, кетмон, ошпичоқ, қилич, айримлари пилта милтиқ билан қуролланган 2 минг кишилик қўшин билан узоққа бориб бўлмас эди. Чунки тиш-тирногигача замонавий қуроллар, самолётлар, ўзиюрар танклар, бронепоездлар, найзали бешотар милтиқлар, пулемётлар билан қуролланган қизил каллакесарларга қарши туришнинг ўзи бўлмас эди. Бунинг устига, 1918 йил 19 январда қизил қўшинлар Оренбургни қўлга киритгач Москва билан Тошкент ўртасида узилиб қолган алоқа тикланди. Натижада марказдан Туркистонга қўшимча кучлар ва қурол-аслаҳа юбориш имконияти туғилди. Бу ҳол, ўз навбатида, миллий истиқлолчиларнинг вазиятини янада огирлаштирди.

Тошкент советлар ҳукумати 1918 йил январининг охирларидан қуролли ҳужумга тайёрланди ва игвогарлик билан турли баҳоналар излай бошлади. Қўқонга советлар ҳукумати ихтиёрига энг ашаддий қизил гвардиячилар, австро-



венгер ҳарбий асирлар, асосан, армани дашноқлардан ташкил топган каллакесар қисмлар юборилди.

29 – 30 январда Қўқонда фавқулодда вазият мислсиз даражада кескинлашди. Бу вазият арзимаган бир баҳона учқуни ила алангаланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Ана шундай бир шароитда 30 январда Қўқон ишчи ва аскар депутатлари советининг мажлиси бўлиб, унда мухториятни даф этишни амалга оширувчи орган – инқилобий қўмита (революцион комитет) тuzилди. Унинг раиси этиб большевик Е.Г.Бабушкин сайланди. Инқилобий қўмита таркибига туб ерли аҳоли вакилларида бирор киши киритилмаган.

Қўмита ўз қўлида чекланмаган ҳокимиятни мужассамлаштирди, унга катта ваколатлар: фавқулодда чоралар кўриш, ҳамма нарсани советлар ҳокимиятини ҳимоя қилишга бўйсундириш ва сафарбар этиш ҳуқуқи берилди. Инқилобий қўмита олдидаги энг асосий вазифа мухторият ҳукуматыни тугатиш, шаҳар аҳолисини қуролли куч билан совет ҳокимиятини тан олишга мажбур қилиш, «инқилобий тартиб» ўрнатишдан иборат эди. Инқилобий қўмита ишни оврупалик ишчилар ва темирйўлчиларни қурол билан таъминлашдан бошлади.

Шаҳардаги арман миллатига мансуб дашноқларни қуроллантиришдан разил ва жирканч мақсад кўзланган эди. Тошкент, Скобелев, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардан ҳарбий мадад келди. 30 январга ўтар кечаси номаълум кишилар Қўқон станциясига, Қўқон советлар биносига ҳукум уюштирдилар. Бу ҳужум Қўқонда қизил қўшин жаллодларининг омманни ваҳшийларча қиргин қилишни бошлаши учун шунчаки бир баҳона бўлди. Шу куни инқилобий қўмита Тошкентга И.О.Тоболинга, Ф.Колесовга ва Скобелев шаҳрига телеграф орқали уланиб зудлик билан ёрдам беришни сўради. Инқилобий қўмита аҳолига қарата мурожаат қабул қилиб, унда содир этилган воқеалар учун барча айб мухториятчиларга қўйилди. Инқилобий қўмита ўз таркибидан махсус гуруҳ тузди ва унинг олдида мухторият ҳукумати аъзоларини ҳибсга олиш вазифасини қўйди.

Инқилобий қўмита Туркистон мухторияти аъзоларига 31 январда ультиматум топширди ва 2 соат муддат билан таслим бўлишни талаб қилди. Мустафо Чўқаев шундай хотирлайди: «31 январь кундуз соат 12 да Хўқанд большевикларининг бизга берган ультиматумини текшириб ўтирганимизда тўхтовсиз милтиқ ота бошладилар. Бу милтиқ отувчилар большевиклар бўлиб чиқди. Большевикларнинг ультиматумида бизга 2 соат муддат тайин этилган ва ул муддат 2 соат 20 минутда тўлар эди. Нечундир алар шартномасини хилоф ҳаракатга киришиб муомала йўлин кесдилар».

«Шўрои Исломия юртинда ҳукумат қўшинлариндан бошқа халқда жийилган эди. Большевик солдатлари яқинлашиб келарлар деган хабарни эшитиб бошқа халқ тарлан кибиқ ҳукумат кишиларида иккинчи бош қўшурга йўл қолмагач тарқалишдилар. Чунки халқ муваққат ҳукуматнинг (Қўқон мухторияти-муаллифлар) алида бўлса келишурмиз, большевикларга қарши қурол кўтармангиз» деган сўзига қулоқ солмай, ҳар қайси боринча сугиш асбобларини олиб ўрамга чиқдилар. Большевикларнинг ваъдалариндан илк ота бошловлари халқнинг кўнглина, алар муваққат ҳукуматыгина тугил, бутун халққа қарши ҳаракат бошладилар деган қўрқув солди. Бу вақт муваққат ҳукуматынинг йўли бутунлай кесилган эди.

Қўқонда бўлган бу кўнгилсиз воқеани сиёсий сабабларидан бошдан-оёқ ёзувни ҳозирги замон кўтармий».¹³

27 ёшлиқ Туркистон миллий ҳаракатининг олдинги сафларида бўлган Мустафо Чўқаев Туркистон миллий мухтор ҳукуматынинг энг асосий ва кучли аъзоларидан бири эди. Самарқанд, Тошкент ва Фарғонадан келган Қўқон шаҳрини қамал этган большевиклар раҳбарлигидаги ҳарбий куч пулемёт, замбарак, граната ва минглаб милтиқлар билан ўша вазиятда ҳукумат бошлиги Мустафо Чўқаевга мана бу ультиматумни қўйган: 1. Мухтор ҳукумат совет ҳокимиятини таниши. 2. Туркистон халқини совет ҳукуматыга бўйсунтиришга чақирувчи баённома чиқаришини. 3. Аҳоли қўлидаги қуролларни

¹³ Улуғ Туркистон. 1918 йил 2 март.



йигиб олиб, большевикларга таслим этишини.

4. Миллий ҳукумат миллий ташкилотининг тарқатилишини ва ҳоказоларни талаб қилганларида Мустафо Чўқаев уларга шундай жавоб берган:

– Куч сизлар тарафда. Биз эса ҳозирча ўз миллий халқларимизни таниганмиз ва идрок этганмиз. Шундан бошқа кучимиз йўқ. Бу курашда бизни енгасиз, бунга ҳеч шубҳа қилмайман. Шундай бўлса ҳам, биз на сизнинг ҳокимиятга келиш ҳақингизни, на-да Туркистонда совет ҳукуматини асло танитаймиз...

Шу жавобдан сўнг 20 дақиқа ўтгач, яъни кечаси соат ўн биру қирқда большевиклар миллий ҳукумат арқони биносини оташладилар.

Ана шу тариқа Қўқон шаҳрида большевойлар мусулмон халқларни қириб ташлашдан иборат даҳшатли фожеани бошлаб юборди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети Туркистон мухториятига четдан келадиган ҳар қандай ёрдамнинг олдини олиш чораларини кўрди. 1918 йил 14 февралда Бутун Фаргона водийсида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Фаргона темир йўлида эса қамал ҳолати жорий этилди. Тошкент, Самарқанд, Наманган шаҳар думалари ёпилди ва фаолиятлари тўхтатилди. Собиқ генерал-губернатор канцелярияси тугатилди. Пахта захиралари мусодара этилди, нефть қазиб чиқариш, балиқ саноати ва бошқалар миллийлаштирилди. Дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилганлиги эълон қилинди.

Албатта, бундай огир шароитда Туркистон мухторияти ўзини ўзи ҳимоя қилишга ожиз эди. У бошланган даҳшатли қиргинга қадар тинч воситалар йўли билан ҳокимиятни қўлга олишга ишонар эди. Шунга қарамай, Туркистон мухторияти қўшинлари оддий қуроллар билан бўлса-да шаҳарни уч кун давомида ҳимоя қилдилар. Мухториятчиларнинг шиори «Туркистон – туркистонликлар учун» эди.

Мухтор ҳукумат вазиятнинг ниҳоятда огир эканлигини ҳисобга олиб сўнгги имкониятни ишга солди ва большевойлар билан бошланган музокара ташаббускори бўлди. Бу музокара 17 февралда бошланди. Музокарада мухториятчилар қуйидаги талабларни ўртага қўйдилар:

1. Шаҳарни биргаликда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлишини таъминлаш.

2. Ҳарбий қалъани шу органнинг назорати остига олиш.

3. Милициядан бошқа барча кучларни қуролсизлантириш. Ўлка советлар ҳукуматининг шариятга зид декретларини бекор қилиш.

Аммо большевик Е.Г.Бабушкин раис бўлган инқилобий қўмита мухториятчиларнинг бу таклифларини қатъиян рад этди. 18 февраль куни музокара яна давом эттирилди. Мухтор ҳукумат нима бўлса бўлсин-у, аммо ўртада қон тўкилмаслиги учун ҳаракат қилди. Ҳарбий вазир полковник М.Чанишев инқилобий қўмитага ультиматум қўйиб, соат 4 гача қалъани топширишни талаб этди.

Лекин мусулмон ишчи ва деҳқонлар конференцияси қатнашчилари ультиматумни қайтариб олишни талаб этдилар.

«Шўрои Уламочи»лар ўз тарафдорлари билан бунга қаттиқ норозилик билдириб ультиматумни қайтариб олишга қаршилик қилдилар. Мухторият ҳукумати аъзолари ўртасида ихтилоф келиб чиқди. Ҳукумат раҳбари Мустафо Чўқаев истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Унинг ҳукумат маҳкамаси ағдарилди, ўзи эса яқин кишилари билан ҳукуматни ташлаб Қўқонни тарк этишни лозим топди.

Мухтор ҳукумат Ҳарбий кенгаш раиси М.Чанишев ва унинг энг яқин сафдошлари – рус офицерлари қамоққа олинди. «Уламо»чиларнинг ёрдами билан мухторият ҳукумати милициясига бошчилик қилувчи Эргаш ҳукумат раҳбари ва бош қўмондон этиб тайинланди. Ана шу тариқа мухтор ҳукуматда давлат тўнтариши юз берди. Ҳокимият ашаддий мурасасиз кучлар қўлига ўтиб қолди. Туркистон мухториятидаги бу бўлиниш советларга қўл келди. Улар бу қулай вазиятдан фойдаланиб Қўқон шаҳрига ҳужумни янада кучайтирдилар. 18 – 19 февралда Тошкентдан Е.О.Перфильев Қўқонга етиб келгач, босим янада кучайди. Унинг ихтиёрида 2 эшелон ҳарбий қисмлар бор эди. Отлиқ аскарлар, артиллерия ва пиёда қисмларига эга бўлган Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари, сўл эсер, ваҳший генерал Қўқонни уч тарафдан қуршаб олди.



Қизил кўшинлар Эски шаҳар ҳудудига бостириб кирдилар. Даҳшатли ва мислсиз киргин бошланди. Қўқон ўт ичида қолди. Қўқондаги хунрезлик, геноцид даҳшатларини амалга оширганларнинг ўзлари ҳам эътироф этганлар. Ўша пайтда 28 ёшда бўлган ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев жанг тафсилотларини шундай ҳикоя қилди: «Ма-читларни яна бир неча маротаба тўпдан ўққа тутишга тўғри келди. Қизил гвардиячилар бўғизланган оврупаликларнинг жасадаларини кўрганда шундай тутақиб кетдиларки, уларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди, аскарлар олдидан чиққан ҳамма нарсани яксон қилиб кетавердилар. Ҳатто шундай ҳолат рўй бердики, 5 та қизил гвардиячи ерли бандитларнинг 200 тасини олдиға солиб қувлади. Отряд катта қаҳрамонлик кўрсатди. Жанг иштирокчилари орасида бирорта ҳам кўрқоғи йўқ эди. Биз қийинчилик билан Тошкўприкни қўлга киритдик ва Эски шаҳарга ёриб кирдик. Исёнчилар тўдаси Скобелев томонга чекинишди. Бадавлат кишилар қимматбаҳо бойликларини, пулларини ўзлари билан олиб қочдилар, лекин нарсалари ўзларига насиб этмади. Қочаётганларни тезотар тўпдан ўқ узиб янчиб ташладик, бир қисмини эса орқага чекинишга мажбур этдик. Уларнинг кўрпа-ёстиқлари, гиламлари, қимматбаҳо нарсалари йўлда сочилиб қолди».¹⁴

Қўқонда даҳшатли фожеалар ва қиргинларни ўз кўзи билан кўрган ва унинг шахсан иштирокчиси М.К.Шкорупанинг иқрори, айниқса, диққатга лойиқдир: «Тинч аҳолининг уйлари, Туркистон, Россия учун ҳам тансиқ бўлиб қолган мануфактура, галла омборлари ёнарди. Қўқон уч кун ўт ичида қолди».¹⁵

«Ўша кунларда, – деб ёзади тарихшунос олим Ш.А.Шомагдиев, – талончиликлар ҳам авж олган. Аскар, қизил гвардиячиларга бўйсунмай қолган оломон майда буржуазияда нима бўлса, шуни талаб, ташиб кета бошлади... Эски шаҳар ва барча дўконлар, тижорат фирмалари, савдо қаторлари, банклар, майда хонадонлар талон-торож қилинди. Талончилар талаган мулкларини

ни аравага ортиб вокзал ва қалъага ташидилар. У ерда бегона мулкни бўлиб олиш бошланди».¹⁶

1918 йили Қўқонга келган инглиз капитани Брун шаҳарни ярим бўш ҳолида кўрган. Унинг ёзишича, шаҳар босқинида иштирок этган немис, австриялик ва венгер асирлардан ёлланган аскарлар 100 минг сўмдан ортиқ пулни ўмаришган. Айниқса, армани миллатига мансуб дашноқлар Қўқон шаҳрида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни амалга оширдилар. Қўқон фожеаси қатнашчиларидан яна бири, Туркистон халқларининг жаллоди А.Т.Каравайцев ўз эсдаликларида бундай деб ёзади: «Коновалов тўдасидаги арман дашноқлари ўзбошимчаликни ҳаддан ошириб юбордилар. Улар Қўқонга келгунча тинч аҳолини талаб, қиргин қилганлар. Улар, хусусан, Эски шаҳарни, айниқса, савдо тармоқларини, дўконлар, расталарни, омборларни таладилар, қолганларига ўт қўйиб ёндириб юбордилар. Дашноқи арманлар мусулмонлар яшайдиган хонадонларга бостириб кирдилар, ҳеч кимни аямасдан қиргин қилдилар, ҳатто чолу кампирларга ва ёш гўдакларга ҳам раҳм қилмадилар. Ҳомиладор аёлларнинг қоринларини ёриб туғилмаган гўдакларини қиличлар тигидан ўтказдилар, ёш, норасида гўдакларни беда қирқадиган жодида бурда-бурда қилиб ташладилар. Ёш қизларнинг номусларини топтадилар, аёлларни эса эрлари кўз олдида зўрладилар. Ибодатхоналар, масжид ва мадрасаларнинг кули кўкка совурилди. Ҳамма ерда қамоққа олишлар бошланди, айгоқчилар мухтор ҳукумат аъзоларидан Ҳидоятбек Огаев, Миродил Мирзааҳмедов қатл этилган. Маҳаллий аҳолини қамоққа олиш тўғрисидаги ордер бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ҳибсга олавердилар. Қамоққа олинганларнинг кўплари суд ва терговсиз отиб ташланди. Қўқонни ташлаб кетишга мажбур бўлган мухтор ҳукумат аъзолари Фаргона шаҳрига бориб халқни намоишга чорладилар. Уларни туб ерли аҳоли қўллаб-қувватлади. Лекин советлар ҳукумати бу ҳаракатни бостирди. Носирхон Тўра Наманганда, С.Герцфельд Самарқандда, Обиджон Маҳмудов Бухорода қўлга олинган.

¹⁴ Шарқ юлдузи. 1931. №12. – Б.168 – 169.

¹⁵ Каримов Ш. Қафасдаги қуш орзуси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.52.

¹⁶ Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долины. – Ташкент, 1961. – Б.64.



Убайдулла Хўжаев, Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон) Қўқондаги фожеавий ҳодисаларни Ашхободдан Самарқандга келаётганларида йўлда эшитадилар ва улар ўз йўлларини ўзгартириб Оренбург томон йўл оладилар. Бу ерда улар Аҳмад Закий Валидий Тўгон билан учрашадилар. У Оренбургда Бошқирдистон мухториятининг ички ва ҳарбий ишлари билан банд эди».

Хуллас, ҳамма аломатларга кўра тарихга Туркистон мухторияти номи билан кирган Қўқон мухторияти тор-мор қилинди ва тарқатиб юборилди. Қадимги маданий ва бой савдо шаҳри бўлган Қўқон таг-туғи билан вайрон қилинди, қонга ботирилди. Қўқон халқ милициясига бошчилик қилган Эргаш ўз кучлари билан шаҳарни ташлаб чиқди ва советларга қарши курашни давом эттирди.

Раҳбарсиз ва ташкилотсиз қолган Қўқон шаҳри мудофаачилари фожеанинг янада огирроқ тус олмаслиги мақсадларини кўзлаб советлар раҳбарияти билан музокаралар бошлашга мажбур бўлдилар. Ниҳоят, 22 февралда (9 февраль) большевойлар томонидан тақдим этилган ва маҳаллий мусулмон халқининг миллий манфаати ва иззат-нафсини камситувчи «Тинчлик шартномаси»га имзо чекдилар. Шартноманинг биринчи моддасида: «Аҳоли Халқ Комиссарлари Советининг ҳоқимияти ва маҳаллий совет муассасаларини тан олади», – дейилган эди.

Шундай қилиб, Туркистон мухторияти ҳукмати бешиклигидаёқ бўғиб ўлдирилди ва тугатилди, мустамлакачи босқинчи советлар ҳукмати ўз галабасини тантана қилди. Туркистон мухторияти сингари 1918 йил декабрда қозоқ миллий демократлари томонидан Оренбургда ташкил этилган Алаш мухторияти ҳам тор-мор қилинди. Аммо зўрликка, босқинчиликка асосланган ва Туркистон мухториятини тугатишга қаратилган советларнинг шармандали ва адолатсиз сиёсати меҳнаткаш халқ оммаси кўзи олдида бу ҳукуматнинг асл мақсади ва моҳиятини очиб ташлади. Натижада бутун Туркистон халқлари истиқлол учун, эрк ва миллий озодлик учун курашга отландилар.

Большовойларнинг Қўқон шаҳрида амалга оширган даҳшатли қиргинларидан ҳатто Тур-

кистонда яшаётган Оврупо аҳолисига мансуб эсерлар, кадетлар ва меньшевикларнинг вакиллари ҳам нафратланган эдилар.

Меньшевик-интернационалистлар фракциясининг бошлиғи Вайнштейн Тошкент шаҳар советининг 1918 йил 23 февралдаги йигинида республика ҳарбий комиссари 26 ёшли Е.Перфильевнинг қизил гвардиячи жангчилари билан Қўқонда даҳшатли хунрезликлар қилганини тафтиш этиш керак ва айбдорлар жавобгарликка тортилиши лозим деб талаб қилди.

Туркистон мухториятига нисбатан адолатсиз сиёсатни баъзи бир большевик арбобларнинг ўзлари ҳам танқид қилган эдилар. Жумладан, Д.Манжара шундай деган: «Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди... Уни йўқотиш пайти яна бир хатога йўл қўйдик. Қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига биз тўп-лардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-торож, номусга тегиш, қиргин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта зарар кўрди».

Умуман олганда, Туркистон мухторияти қонга ботирилишининг бош айбори В.Ленин бош бўлган советлар ҳукумати, қолаверса, марказий ҳукуматнинг Туркистон филиали ва унинг жаллод малайлари бўлмиш эндигина 26 ёшга тўлган Колесов раҳбарлигидаги Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва унинг аъзоларидир. Бу ҳукумат аъзоларининг деярли барчаси маҳаллий мусулмон халқларга нафрат ва шовинистик руҳ билан суғорилган, онги заҳарланган шахслар эдилар.

Гарчанд Туркистон мухторияти большевизм ёвузлиги билан йўқ қилинган бўлса-да, унинг гоёси, амалиёти, руҳи сўнмади, истиқлол курашчилари томонидан Туркистон мухториятини тиклаш учун шиддатли кураш кетди. Туркистон мухториятини янгитдан тиклаш, миллий давлатчиликни оёққа турғизиш борасида совет режимига қарши, қизил армия тажовузига қарши кураш давом этди. 1919 – 1921 йилларда Фаргона водийсида олиб борилган



кураш жараёнида иккита муваққат ҳукумат – муваққат Фаргона ҳукумати, Туркистон муваққат ҳукумати ташкил этилган. 1919 йил 22 октябрда истиқлол учун кураш ҳаракати кучларини тиклаш ва уни янада мустаҳкамлаш мақсадида Эргаштомда қўрбошилар қурултоғи чақирилган. Қурултоғда муваққат Фаргона ҳукуматини тузишга қарор қилинган. Ҳукумат бошлиги ва бош қўмондонликка Мадаминбек сайланган. Ҳукумат бошлиги ўринбосари полковник Константин Монстров, ҳарбий вазир генерал Муханов, ички ишлар вазири адвокат Нюнсберг, молия вазири Ҳакимжон Азизхонов бўлган. Мазкур ҳукумат 24 кишидан иборат бўлган, шундан 16 нафари туб ерли аҳоли вакиллари, 8 киши Оврупа миллатларига мансуб халқларнинг вакиллари (Плотников, полковник Феник) бўлган. Қирғиз миллатига мансуб капитан Сулаймон Кучуков ҳам ҳукумат таркибига киритилган. Мадаминбек шахсида давлат ва сиёсий арбобга ҳамда саркардага хос хислатлар мужассамлашган эди. Мадаминбек Фаргона водийсида совет ҳукумати органларига муқобил бўлган сиёсий бошқариш тизимини жорий этган эди.¹⁷

1920 йил 2 майида Шермуҳаммадбекнинг қароргоҳи Ғорбувада истиқлолчи қўрбошиларнинг қурултоғи чақирилди. Қурултоғда янги муваққат ҳукумат масаласи кўрилди. 3 май куни Туркистон муваққат ҳукумати тузилганлиги расман эълон қилинади, бошқарув, ҳарбий ва бошқа зарурий идоралар ташкил қилинади. Янги ҳукумат тузилганлиги ҳақидаги хабар Фаргона водийсининг ҳар томонига чопарлар воситасида билдирилади. Туркистон муваққат ҳукумати раҳбарияти ва таркиби Туркия тарихчиси Али Бодомчи ва хориждаги

ватандошимиз Боймирза Ҳайит асарларида келтирилган.¹⁸ Биз Али Бодомчи келтирган маълумотни беришни лозим билдик: **«Маркази Ғорбува бўлмиш миллий ҳукумат қуйидаги зотлардан ташкил топди:**

1. Шермуҳаммадбек – бош қўмондон, ҳукумат раиси, амири лашқари ислом.

2. Нурмуҳаммадбек – ҳарбий қисмлар муфаттиши, ҳукумат раисининг вакили.

3. Муллажон Қори – ички ишлар вакили, милиция мудури.

4. Акбар Эшон – шайхулислом.

5. Абдусалом Қори – бош котиб, мирзабоши.

6. Назиржон – молия вакили.

7. Мулла Ҳожи Ниёзий – воқеанавис.

8. Тошмуҳаммадбек – миллий ҳукуматнинг Афғонистондаги вакили.

Шунингдек, ўн икки кишидан иборат бўлган маслаҳатчилар ҳайъати ҳам сайланди. Бундан ташқари, озод қилинган ва қилинажак минтақа, қишлоқ ва кентларга қози, амир ва эликбошилар тайинланди»¹⁹.

Бизнингча, Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек раҳбарлигидаги бу муваққат ҳукуматларни 1917 йил ноябрида Қўқон шаҳрида ташкил топган Туркистон мухториятининг давомчилари сифатида қараш, бу ҳукуматларни Туркистон мухторияти тарихининг ажралмас қисми ва давомчиси сифатида тан олиш керак. Шу боис 1917 – 1920 йилларда фаолият кўрсатган Туркистон мухторияти, муваққат Фаргона ҳукумати ва Туркистон муваққат ҳукуматини бир тарихий жараённинг қонуний 3 босқичи деб қараш ва бу масалани комплекс тарзда, катта ва кенг режада тадқиқ этиш тарихшунослигимизнинг ҳозирги вақтдаги энг долзарб мавзуларидан биридир.

¹⁷ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). – Андижон, 2004. – Б.166 – 167.

¹⁸ Али Бодомчи. 1917 – 1934 йилларда Туркистонда миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. 1-жилд. – Истанбул, 1975; Боймирза Ҳайит. «Босмачилар». 1917 – 1934 й. – Кёln, 1992

¹⁹ Ҳужаев М. Шермуҳаммадбек қўрбоши / Профессор Р.Шамсутдиновнинг сўзбошиси ва таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.176 – 177.



МУХАМЕДЖАН ТЫНЫШПАЕВ: Я СЛУЖИЛ НАРОДУ

Академик НАН РК
М.К.Койгелдиев



Мухаммаджон Тынышпаев

Сто лет тому назад, т.е., 27 ноября 1917 года IV Краевой Мусульманский съезд объявляет Туркестан автономией и избирает правительство в составе из 8 человек. Начавший свою работу 5 декабря этого же года в г. Оренбург, второй общеказахский съезд принимает решение о создании казахской автономии в составе Российской Федерации и избирает временное правительство из 15 человек. Здесь необходимо заметить, что решениями Туркестанского съезда для представительства в составе правительства от европейской части населения было оставлено 4 места, а общеказахского съезда для представителей не казахской части населения 10 мест.¹ Нельзя не обратить внимание и на такой факт: и Мухамеджан Тынышпаев, и Мустафа Чокай были избраны в состав правительства Туркестанской автономии и Алаш-Орды.

Этот факт можно комментировать по-разному, однако, он свидетельствует о единстве судеб народов Туркестана и Казахстана, а также о близости целей и задач национально-освободительного движения народов региона в этот исторический период.

Советская историография извращала суть политических образований 1917 года в Туркестане и Казахстане, придав им «контрреволюционный», реакционный характер. На самом деле, как это подтвердил исторический опыт, и Туркестан мухтариаты, и Алаш-Орда отражали стремление коренного населения центрально-азиатского региона самим определить свой путь социального освобождения, утвердить самостоятельное национально-государственное устройство.

В резолюции, состоявшейся в этом году международной научной конференции «Алашорда, Туркестан мухтариаты: взгляд через столетия, позиции, выводы» (г. Алматы), отметили, что «большевистское руководство с самого начала не признавало самостоятельный характер национально-освободительных движений, считав их резервом пролетарской революции в России. Отталкиваясь от данного постулата, большевистское руководство навязывало национально-освободительным силам, с одной стороны, отказаться от основной цели – возрождение национальной государственности, с другой, требовало встать на путь классового расслоения, тем самым выхолащивая с него антиколониальное содержание. Между тем, в этот исторический период для народов региона принципиальное значение имело не размежевание на основе классовых различий, а национальное единство для возрождения национальной государствен-



Академик НАН РК
М.К.Койгелдиев

ности и сохранения территориальной целостности».²

Одной из колоритных исторических фигур, принимавших активное участие в политических событиях 1917 года и последующих лет в Туркестане является Мухамеджан Тынышпаев. В казахстанской историографии о нем написано

немало. В этой небольшой статье мы бы хотели ознакомить узбекских читателей с основными этапами жизни и деятельности этого выдающегося человека, первого председателя правительства Туркестан мухтариаты.

М.Тынышпаев о себе писал мало, лишь по необходимости, по требованию следователей ОГПУ ему приходилось скупно излагать мысли о своей политической позиции по тем или иным вопросам. Судя по этим и другим источникам, он был человеком немногословным и избегал дискуссий, всегда был занят конкретным делом.

В своем показании Туркестанскому генерал-губернатору в связи с событиями 1916 года, инженер М.Тынышпаев о себе писал следующее: «Я происхожу из киргиз Макалчи-Садыровской волости Лепсинского уезда; поступил осенью 1889 г. в младшее отделение подготовительного класса Верненской гимназии, каковую окончил в 1900 г.; в этом же году поступил в Петроградский институт инженеров путей сообщения и окончил курс института в 1906 г.; в 1907 г. выборщиками туземного населения Семиреченской области был избран членом II Государственной думы, после роспуска коей поступил на службу на Среднеазиатскую служебную дорогу, откуда в начале 1914 г. перешел на постройку Семиреченской железной дороги». Здесь же он отмечал, что «будучи гимназистом старших классов и студентом, понимал уже нужды киргизского (казахского – ред.) населения, стал постепенно вникать во взаимоотношения между органами русской власти и киргиз, и по мере постепенно-

го изменения условий киргизской жизни приходилось сравнивать, что было с киргизами раньше и что происходит в данный момент».³

В дни первой русской революции 1905 года М.Тынышпаев находясь в Петербурге, стал непосредственным свидетелем политических событий в столице империи. Его, как человека особо одаренного, в этих условиях не могла не волновать судьба родного ему народа. Начиная с 1905 года, будучи студентом, он втягивается в политическую жизнь. На первом съезде автономистов, состоявшегося 19 ноября 1905 года, он выступает с докладом на тему «Киргизы и освободительное движение», где предельно ясно излагает свое видение положения казахского народа в составе российской империи: «Киргизы, принимая русское подданство, никогда не думали и даже не допускали мысль, что в семье русского народа они окажутся пасынками, не имеющими никакого права на материнскую любовь со стороны России. Политика правительства и современное состояние киргизов ясно показали, насколько обманулись киргизы в своих ожиданиях».⁴

В том же 1905 году студент М.Тынышпаев обращается с письмом в Комитет Министров, где подвергает аргументированной критике систему управления в казахских областях. Так, например, согласно «Временному положению» 1868 года казахи в духовно-религиозном отношении были подчинены общему гражданскому управлению, а через него министру внутренних дел. «Ввиду крайне сомнительной компетентности чиновников, – писал он, – разных учреждений в знании предписаний мусульманской религии» такая постановка дела начала порождать со стороны властей многочисленные циркуляры и распоряжения, несовместимые с принципом веротерпимости, и каждый чиновник считал своим долгом вмешиваться в религиозные дела казахов по своему усмотрению, закрывая мечети и молитвенные дома. Автор письма требовал, «чтобы в духовно-религиозном отношении киргизам была представлена полная свобода» и ведение этого дела должно быть передано особому казахскому духовному собранию.

Для М.Тынышпаева, как и для других представителей национальной интеллигенции это-



го периода, важнейшим вопросом казахской жизни являлся, конечно, земельный вопрос.

Так, например, по «Временному положению» (ст. 125, 129) переселенческие организации могли брать лишь свободные и лишние земли, находящиеся только в пределах летнего кочевания. А земли же обрабатываемые и занятые постройками и насаждениями, приравнивались к частной собственности местного населения. «На самом деле, – писал М.Тынышпаев, – у нас отбираются лучшие земли, как зимовки, пашни, сенокосные участки, места с постройками и насаждениями».

И он заключает, что казаки «с незапамятных времен владели нашей собственностью – нашей землей и ... приняли русское подданство не для лишения своих лучших земель и не для безмолвного перенесения обид и насилий, а для вселения среди нас спокойствия и мира, и защиты от притеснений».⁵

По мнению автора, письма российская администрация все решительнее внедряет свою систему управления, навязывая свои ценности, не считаясь с интересами казахского народа, лишая его самого главного – свободы. «Так, например, – писал он, – по 17-ой статье генерал-губернатор имеет право без всякого суда и следствия высылать неблагонадежных киргиз; по 70-ой статье военный губернатор имеет право не утверждать выбранных народом управителей и может назначить других по своему усмотрению».⁶

Таким образом, М.Тынышпаев уже в студенческие годы как зрелый политик отстаивал интересы своего народа, достаточно ясно понимая, что любой народ, любое общество существует только тогда, когда они сохраняют в неприкосновенности свою идентичность. Как и другие образованные соплеменники, понимал, что казахский народ без права идти своим собственным историческим путем безвозвратно утратит эту идентичность.

Как следствие проявленной политической активности над М.Тынышпаевым устанавливается негласный надзор. Однако это не помешало 28 летнему инженеру быть избранным депутатом во II Государственную думу от Семиреченской области. О своей позиции как депутата, он писал: «Я не (узкий) националист, как думают другие. Я

везде и всюду искал примирения интересов общегосударственных и киргизских, и программа кадетов вполне разрешает этот вопрос».⁷

II Государственная дума просуществовала также, как и первая – недолго. Она была распущена законом от 3 июня 1907 года. Этим же законодательным актом казахи были лишены права избирать в Государственную думу своих представителей.

После разгона II Государственной думы доступ в Семиречье для него был закрыт и только раза 3 он посещает родной ему край.

Вначале служит в Самаркандской области помощником областного ирригатора. После этого поступает на службу на Среднеазиатскую железную дорогу инженером по особым поручениям, принимает участие в строительстве моста через Аму-Дарью. В 1911 году был начальником и главным инженером железнодорожного строительства Урсатьевск – Андижан. Находясь на службе в Самарканде, Асхабаде, Ходженте, Ташкенте и Чимкенте почти все время находился под надзором жандармской полиции.⁸

После Февральской революции 1917 года М.Тынышпаев переходит в активную политическую деятельность. В апреле 1917 года Временное правительство был создан Туркестанский комитет по управлению Туркестанским краем. В состав комитета из 9-ти человек вошел и М.Тынышпаев вместе со О.А.Шкапским, также членом Туркестанским комитета, в начале мая прибывает в город Верный в качестве комиссара Временного правительства в Семиреченской области и до установления Советской власти находится в Семиречье.

Им было дано задание – остановить эскалацию межнациональных конфликтов, начавшихся в 1916 году, изыскать меры к возвращению казахов и кыргызов, откочевавших в Восточный Туркестан, а также к примирению с ними русского населения, пострадавшего также от восстания. М.Тынышпаев едет в Нарын (Кыргызстан) с целью снаряжения специальной экспедиции для отправки в Китай за беженцами, вытесненными царскими карательными отрядами, на той стороне, ограбленные китайскими военными частями у которых они искали убежища.



В материалах, опубликованных М.Тынышпаевым в газете «Казах» мы находим факты, помогающие понять глубину трагедии, постигшей беженцев.

Так он пишет, что в 44-х волостях Пишпекского, Пржевальского, Жаркентского и Алма-тинского уездов проживали 47 тысяч 759 семей, из которых в пределы Китая вынуждены были бежать 40 тысяч 250 семей.⁹

Общая численность беженцев составляет примерно 200 тыс. человек, из которых 95 тыс. 200 человек, т.е., половина погибла, вернулось около 90 тыс., остальные задержались в пределах Китая.¹⁰

М.Тынышпаев и О.А.Шкапский прилагают огромные усилия для организации необходимой помощи, бедствующему от последствий восстания, населению края. В июле 1917 года М.Тынышпаев едет в Петербург, чтобы просить у правительства средства для оказания помощи местному населению. Он также обращается в газете «Казах» оказать содействие в этом деле. При редакции газеты создается фонд помощи кыргызским беженцам. В октябре 1917 года Временное правительство принимает решение о выделении 11 млн. 150 тыс. руб. в целях оказания помощи пострадавшим от восстания жителям Семиреченской области.¹¹ Трудно сказать, что указанная сумма поступила в распоряжение местных властей. Этому помешал политический кризис в стране летом и осенью этого года.

21 – 26 июля 1917 года в Оренбурге проходит первый общеказахский съезд, на котором принимается решение о создании казахской политической партии Алаш. М.Тынышпаев по решению съезда входит в список кандидатов в депутаты Учредительного собрания от Семиреченской области. Газета «Казах» в этой связи публикует характеристику члену Туркестанского комитета М.Тынышпаеву, назвав его одним из виднейших политических деятелей казахского общества этого периода.

Здесь не лишне отметить, что М.Тынышпаев как и другие лидеры казахского освободительного движения к идее социализма относился критически, отдавая приоритет антиколониальной борьбе, отвечающей запросам казахского общества на этом этапе жизни – освобожде-

ние народа в целом, а не конкретного класса от колониальной зависимости. Эта была цель нового поколения национальной интеллигенции.

Данная мысль достаточно ясно была выражена в показаниях одного из лидеров движения Халела Габбасова. «Во все времена своей жизни (сознательной), – отмечал он, – я стремился быть полезным своему народу и искал путей для освобождения его от оков исторического гнета. Общая моя идеология в то время питалась и обуславливалась общественной психологией того времени, сформировавшейся на фоне исторической обстановки, векового гнета казахского народа и низком уровне культурно-экономического его бытия. Этим основным моментом определялось то, что народ в моем представлении тогда был целым и неделимым и то, что я в своей политической деятельности (совместно с другими) руководствовался исключительно общенациональными мотивами, хотя я внутренне сознавал и отчетливо знал и наличие внутри его (народа) социальных неравенств, и характерных черт классового общества».¹²

Об этом же говорил другой алашордынец Елдес Омаров: «... Я хочу, как и все националисты, мои единомышленники, чтобы казахскому народу жилось хорошо, чтобы казахский народ свободно развивал свою экономику и культуру».¹³

Как было отмечено выше, 27 ноября 1917 года четвертый чрезвычайный съезд мусульман в Коканде объявляет Туркестанский край национально-демократической республикой, Мухамеджан Тынышпаев избирается ее премьер-министром. Чуть позже, в декабре этого года в Оренбурге прошел второй общеказахский съезд, на котором было принято решение о создании казахской автономии, избрано ее правительство. М.Тынышпаев также вошел в состав этого правительства.

4 августа 1930 года, находясь под следствием, М.Тынышпаев дал показания о своем избрании в состав правительства Туркестан мухтарияты: «Еще в Алма-Аты, перед самым отъездом я узнал, что в Ленинграде, Москве и в других местах шли бои между большевиками и частями Временного правительства. Пробыв дня 3 – 4 в Пишпекке, я приехал в Аулие-Ата, где узнал, что



власть почти повсюду (и в Ташкенте) перешла к большевикам. Затем приехал в Ташкент, пробыв несколько дней, я поехал в Коканд, где находилась моя семья. Я приехал в Коканд под конец мусульманского съезда, на съезд я сам не пошел. Через 2 – 3 дня ко мне пришли со съезда 2 узбека, которых я не знал (обо мне, возможно, сказали там казахи) и пригласили на съезд. На нем из казахов были Чокаев, помощник присяжного поверенного Абдрахман Уразаев и казахи – представители Сыр-Дарьинской области. Из Семиреченской области никого не было. Когда выбирали членов правительства, выбрали и меня».¹⁴

М.Тынышпаев в должности председателя правительства находился всего две недели, после чего объявляет о своей отставке. В своем показании причину своего ухода с должности, он объясняет отсутствием четкой политической программы, а также финансовых средств, в силу чего «правительство было бессильно направлять умы в определенное русло».¹⁵

Такую оценку положения в определенной мере разделяет и Мустафа Чокай, заменивший М.Тынышпаева в должности председателя правительства Туркестанской автономии. В статье, написанной в связи с 20-летием Туркестанской автономии М.Чокай отмечал: «У правительства Кокандского не было ни одного солдата, ни одного офицера и ни одной копейки денег. Не было также технически подготовленных кадров. Почта, телеграф и железные дороги находились во враждебных нам руках... И весьма понятно и естественно, что в подобных условиях и в течение столь короткого времени Кокандское правительство ничего существенного, требовавшегося интересами страны, сделать не могло. Кажется даже чудом, что правительство это могло просуществовать 64 дня!..»

М.Чокай много писал о Кокандской автономии, глубоко и всесторонне раскрывая ее роль и значение для судеб народов Туркестана. Здесь нет возможности более подробно изложить его выводы относительно этой темы. Ограничимся выделением следующих наиболее важных положений М.Чокай об историческом значении Кокандской автономии. По его мнению, во-первых, Туркестан первый положил начало наци-

онально-государственного самоопределения. Во-вторых, мухтариат был конкретной формой Туркестанского национального объединения и имел чрезвычайно важное значение для внутритуркестанских отношений в тех условиях.

Свою статью, посвященную юбилею мухтариата, он заключает следующей мыслью: «В 20-ю годовщину Кокандской Автономии мы – туркестанцы должны особенно крепко вспомнить силу нашего единства и единения и усвоить раз и навсегда, что вне единства и единения нет и не будет никогда национального освобождения».¹⁶ Злободневность этой мысли и сегодня не вызывает сомнения.

Возвратимся к теме нашей статьи. После «амнистирования» советской властью алашордынцев М.Тынышпаев как и другие единомышленники предается мирному созидательному труду.

В 1921 – 1922 годах М.Тынышпаев возглавляет водное хозяйство Министерство земледелия Туркестанской республики. В 1923 году руководит городским водным хозяйством Шымкента, участвует в создании проекта Туркестанского канала. В связи с национально-государственным размежеванием в Средней Азии, М.Тынышпаев назначается в особую комиссию ЦИК по землеустройству в должности ст. специалиста по кочевому хозяйству и членом технического совета. В 1924 году в связи с открытием Казахского педагогического института народного образования в г. Ташкенте он был приглашен преподавателем математики и физики. В 1925 – 1926 годах Тынышпаев назначается главным инженером по благоустройству новой столицы республики Кызыл-Орды.¹⁷ К этому периоду относится его плодотворная работа в сфере исторических исследований. Его труды по истории Казахстана является серьезным вкладом в отечественную историографию. Основная его работа «История казахского народа» (объем 30 п.л.) на казахском и русском языках, к сожалению, из-за гибели архива автора, потеряна. В 1927 – 1930 гг. он выполнял работы по строительству Турксиба, куда пригласил его заместитель председателя Совнарком РСФСР, председатель Комитета содействия строительству Турксиба при СНК Т.Рыскулов.



Однако, служба М.Тынышпаева и других алашординцев в советских учреждениях прерывается грубым вмешательством со стороны властных структур.

Полностью расправившись со своими оппонентами в республиканском руководстве (С.Садвокасов, С.Ходжанов, Ж.Мунбаев и др.), первый секретарь партийной организации Ф.Голощекин практически прокладывает прямой путь к своей заветной цели. Теперь он без оглядки мог смело переходить в наступление против ненавистной ему и центру, так называемой, алашордынской интеллигенции.

Начиная с 1927 года в компанию против бывшей алашординской интеллигенции активно включается отдел ОГПУ в Казахстане. 1928 года по делу «казахских националистов» к уголовной ответственности привлекаются 44 человека, главным образом, лидеры и участники национально-освободительного движения. Следствие по этому делу состояла из двух этапов. На первом этапе, т.е., с октября 1928 года по июль 1929 года велось в Кызыл-Орде и Алматы, а на втором – в Москве.

Постановлением Коллегии ОГПУ от 4 апреля 1930 года 13 из 44 подсудимых были приговорены к расстрелу, семь человек – к высшей мере наказания с заменой заключением в концлагерь сроком на десять лет, пятнадцать человек – к заключению на срок от трех до шести лет. Двое подсудимых скончались в ходе следствия.¹⁸

Коллегия ОГПУ СССР в январе 1931 года, возвращаясь к своему постановлению от 4 апреля 1930 года, сочла возможным «смягчить» меру наказания обвиняемым. 28 из них были оправданы. Приговор к расстрелу в отношении А. Байтурсынова, М.Дулатова, М.Есболова и Г.Беремжанова был заменен на заключение их в концлагерь сроком на 10 лет.

Приходится констатировать также, что до настоящего времени много неясного в обстоятельствах выполнения приговора в отношении Ж.Аймаутова, А.Байдильдина и Д.Адилева.

Вторая волна репрессий алашордынской интеллигенции была осуществлена во второй половине 1930-х годов. После произведенных в сентябре и октябре арестов, примерно 20 ноября

этого года, в камерах тюрьмы ОГПУ в Алма-Ате сидели около 40 человек по делу №2370 о казахских националистах. В числе их М.Тынышпаев, Х.Досмухамедов, Дж.Досмухамедов, А.Ермеков, Дж.Акпаев, М.Ауезов, К.Кеменгеров и другие известные в народе общественные деятели, ученые, писатели, работники просвещения и т.д. Характер обвинений, предъявленных к ним, был примерно такой же, как и к первой группе.¹⁹

В отличие от первой группы следственное дело №2370 о казахских националистах с начала до конца велось в Алма-Ате, лишь определение окончательной меры наказания подсудимых решалось с участием головного учреждения ОГПУ в Москве. Однако и в этот раз допрос обвиняемых велся подчеркнуто пренебрежительно и предвзято. Большинство обвиняемых без допроса и предъявления каких-либо конкретных обвинений месяцами томились в камерах ОГПУ. В конце концов, после содержания чуть менее года под стражей были отпущены на волю 20 человек, и «следствие в отношении этих обвиняемых» было прекращено «за недостаточностью собранных по делу доказательств». Обвинительное заключение по делу оставшихся двадцати было передано на утверждение Тройки при ПШ ОГПУ в Казахстане. В свою очередь Тройка своим постановлением от 20 апреля 1932 года приговорила 15 из них к заключению в концлагерь на пять лет с заменой высылкой в Центральную Черноземную область (ЦЧО) на тот же срок. В числе их находились М.Тынышпаев, Х.Досмухамедов, М.Мурзин, Дж.Акпаев, С.Кадырбаев, Дж.Досмухамедов, Х.Кеменгеров, Дж.Кудерин и др.²⁰

Таким образом, в 1932 году М.Тынышпаев вместе со своими единомышленниками был сослан в Центральную Черноземную (ныне Воронежскую) области РСФСР сроком на пять лет. Находящегося в ссылке, М.Тынышпаева привлекают к строительству железной дороги Москва – Донбасс. Освобожден был М.Тынышпаев недолго. 21 ноября 1937 года он был вновь арестован и 3 июля 1939 году умер в тюремной больнице. Он прожил всего 59 лет. Это была жизнь, отданная борьбе за будущее своего народа, чтобы он жил своей жизнью, независимо от чего-либо диктата и определял свою судьбу сам.



Примечания

1. Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркестан Мухтарияты). – Ташкент, 2016. – С.193; Қойгелдиев М. Алаш қозғалысы. 1 т. – Алматы, 2008. – Б.432 – 433.
2. <http://vodiyнома.uz/blog/4-vodiy.html>
3. Тынышбаев М. Политические выступления, научные труды, документы. – Алматы, 2009. – С.33 – 34.
4. Там же. – С.26.
5. Там же. – С.15 – 17.
6. Там же. – С.17.
7. Там же. – С.261.
8. Такенов А.С., Байғалиев Б. Инженер и историк (о М.Тынышпаеве) // Тынышпаев М. История казахского народа. – Алматы, 1993. – С.7 – 8.
9. Газета «Казах». 1917. №254.
10. Центральный государственный архив РК. Ф. Оп. 91. Д. 79. Л.24.
11. Вестник Временного правительства. 1917 г. 6 октября. – С.170.
12. Архив Департамента Комитета национальной безопасности Республики Казахстан (АД КНБ РК по г. Алматы) по г. Алматы. Ф.6. Д.011494. Т.1. Л. 386.
13. Там же. Т.2. ЛЛ. 14 – 140.
14. Там же. Д. 060610. Т.2. ЛЛ. 92 – 107.
15. Архив ДКНБ РК по г. Алматы. Ф.6. Д. 06610. Т. 2. Л. 103; Состав Временного правительства Туркестанской автономии состоял из следующих лиц: Мухамеджан Тынышпаев премьер-министр, министр внутренних дел; Ислам Шаохмедов – заместитель премьер-министра; Мустафа Чокаев – министр иностранных дел; Убайдулла Ходжаев – военный министр; Юрали Агаев – министр земледелия и водных ресурсов; Обиджан Махмудов – министр продовольствия; Абдурахман Уразаев – заместитель министра внутренних дел; Соломан Абрамович Герцфельд – министр финансов. Еще 4 места были оставлены для представителей европейской части населения Туркестана. Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркестан Мухтарияты). – Ташкент, 2016. – С. 193–194.
16. Шоқай Мұстафа. Шығармаларының толық жинағы. Он екі томдық, 9 т. – Алматы, 2014. – Б.534 – 536.
17. Такенов А.С., Байғалиев Б. Назв. работа, С.11 – 13.
18. Архив ДКНБ РК по г. Алматы. Ф.6. Д. 011494. Т.2. ЛЛ. 242 – 278, 285 – 285 об.
19. Там же (дело по обвинению Тынышпаева М., Мурзина М. и др.). Д. 06610. Т.4. ЛЛ. 185 – 226.
20. Там же. ЛЛ. 263 – 263 об.



Академик Мамбет Кулжабаевич Койгельдиев в честь 100 летия движение Алаш посвятил двух томный монографический труд под названием «АЛАШ ҚОЗҒАЛЫСЫ» первый том (Алматы: Мектеп, 2008), «АЛАШ ҚОЗҒАЛЫСЫ» второй том (Алматы: Мектеп, 2017), общий объём который составляет 83 печатных листов. Редакция журнала «Водийнома» горячо и сердечно поздравляет академика Мамбет Кулжабайулы Койгельдиева с таким научным подвигом и желает ему крепкого здоровья и больших творческих успехов во всех сферах его жизни.



МУҲАММАДЖОН ТИНИШБОВЕВ

ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИДАН ЛАВҲАЛАР

Манзура Акбарова,

Тарих фанлари номзоди, Алматидаги халқаро илмий анжуман иштирокчиси,

Беҳзодбек Қаҳҳоров,

АДУ Ўзбекистон тарихи йўналиши 2-босқич магистранти

2017 йил 23 май куни Алматида «АЛАШ ЎРДА, Туркистон мухторияти: 100 йилдан сўнг янгича қараш, ёндашув, хулосалар» мавзuida ўтказилган халқаро илмий-назарий конференция иштирокчиси, Қозогистоннинг таниқли ёзувчиси ва олими, филология фанлари доктори Турсин Журтбай жаноблари ўз нутқида қардош ўзбек ва қозоқ халқлари давлатчилик тарихининг ёрқин саҳифалари бўлган Туркистон мухторияти, Алашўрда миллий демократик давлатлари ҳақида янгидан-янги манба ва материалларни илмий истеъмолга киритганлиги ҳақида қисқача ахборот берди. Узоқ йиллар давомида «Алашўрда»нинг тарихи ва тақдирини ўрганиш натижасида 2016 йил «Аударма» нашриётида чоп этилган 116 босма табоқдан иборат «БОЛЬ МОЯ, ГОРДОСТЬ МОЯ – АЛАШ! Трилогия» улкан китобини минбардан туриб Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қардош Ўзбекистонда ўтказаетган чуқур ислохотлар ва уларнинг моҳияти, айниқса, илму фан ривожига янгича муносабатда бўлаётгани, илм-фан кишилари ҳақидаги гамхўрликларини таъкидлаб ўтди. Бу қардош икки халқ, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик ришталари янада ривож-

ланишига ишонч билдирди. Профессор Турсин Журтбай ўзининг кўп йиллик илмий изланишлари натижаси бўлган юқорида келтирган улкан китобни анжуман минбаридан туриб профессор Рустамбек Шамсутдиновга тақдим этди.

Эсонбека хоним билан устоз 1995 йил январидида Анқарада Туркий дунё тарихини яратишга бағишлаб ўтказилган халқаро конгресни тайёрлаш ҳайъати йигилишида учрашган.

Туркистон мухториятининг 100 йиллигини нишонлар эканмиз, бу мустақил ҳукуматнинг биринчи Бош вазири ва ички ишлар вазири Муҳаммад-жон Тинишбоевнинг ҳаёти ва тақдири қардош ўзбек ва қозоқ халқлари учун ниҳоятда қадрли ва аҳамиятлидир. Ўзбекистон тарихшунослигида, жумладан, Туркистон тарихи билан машҳур бўлган олим-



Муҳаммад-жон Тинишбоев (1879 – 1937), биринчи қозоқ муҳандиси-темирйўлчиси, Туркистон мухториятининг Бош вазири

лар асарларида Муҳаммад-жон Тинишбоев ҳаёт йўли, тақдири ўз аксини топмаган. Профессор Саидакбар Аъзамхўжаев Туркистон мухторияти тарихига оид асарларида Муҳаммад-жон Тинишбоевнинг Туркистон мухторияти Бош вазири ва ички ишлар вазири бўлганлигини қайд этган, холос. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида бу сиймо ҳақида 5-6 жумладан иборат маълумотгина келтирилган. Шу боис



касбдошимиз Турсин Журтбайнинг юқорида номи келтирилган 1100 бетлик китобидаги Муҳаммаджон Тинишбоевнинг шонли, машаққатли, фожеали ҳаёт йўли ҳақида айрим лавҳалар келтирамиз.

Қозогистон ССР давлат хавфсизлик комитети раиси ўринбосари А.Тилеулиев 1972 йил 18 февралда Коммунистик партия институти директори С.Б.Бейсембаевга мана бу маълумотни ёзган: «Тынышпаев Мухамеджан, 1887 года рождения, казах, беспартийный, по специальности инженер. Органы ОГПУ в Казахстане его признали: одним из основателей партии «Алаш», членом Государственной думы Российской империи, членом правительства «Алаш-Орды», комиссар Временного правительства. Был арестован 3 августа 1930 года. Осужден 20 апреля 1932 года».

М.Тинишбоевга қўйилган айбловда унинг босмачилик ва контрреволюцион фаолият олиб боргани, яширин гуруҳда иштирок этгани қайд этилган.

Китобнинг иккинчи қисми иккинчи боби «ЕГО СЕРДЦЕ ЛЮБИЛО ПОКОЙ И ДРУЖБУ» (МУХАМЕДЖАН ТЫНЫШПАЕВ) деб номланган. Шу бобдаги айрим маълумотларни келтириш муҳимдир.

Профессор Турсин Журтбай Муҳаммаджон Тинишбоевнинг 1879 йили туғилгани, 1890 йилдан 1900 йилгача Вернийда (ҳозирги Алмати) таҳсил олгани, 1906 йили Санкт-Петербург транспорт ва коммуникациялар институтини битиргани, муҳандис-темирйўлчи касбини олгани, 1905 йили инқилобий ҳаракатда фаол иштирок этгани, шу билан бирга, Еттисув қозоқлари орасида тарғибот ишларини ва ташвиқотчилик фаолиятини олиб боргани, озодлик ва мустақиллик учун даъват этиб варақалар тарқатгани ҳақида катта меҳр билан ёзган. Муҳаммаджон Тинишбоев Жаноб Юренцев нашри – «Сын отечества», «Радикал» (ношир Маргулиев), «Речь» ва «Русский Туркестан» (издатель Морозов) газеталарининг муҳбири бўлгани ҳамда профессор Бодуэн де Куртенэ (поляк), А.Кусов (украин), журналист В.Жаботинский (яхудий) ва бошқалар билан биргаликда мухториятчилар ва федераллар



1995 йил январь, Анқара. Туркий дунё тарихини яратишга бағишланган халқаро илмий конгресс ташкилий қўмитаси аъзолари: Тинчтиқбек Чоратегин (Бишкек), профессор Рустамбек Шамсутдинов ва Эсонбека бегим.



Когда вышла в свет первая книга «Боль моя, гордость моя – Алаш!» («Ураным – Алаш!»), я поехал в Турцию на международную конференцию в университет города Малтобе, и там встретился с потомком главного персонажа нашего повествования – дочерью Заки Валиди Тогана Есенбике бегим. Что она говорит! Такая неожиданная и счастливая встреча бывает только раз в сто лет. Досточтимая бегим заплакала и сказала: «На конференции только вы рассказывали о моем отце и Башкортостане. Когда он говорил о Башкортостане и Казахстане, глаза его начинали сверкать. Когда вы говорили, я вспомнила об этой его черте».



Муҳаммаджон Тинишбоев фарзандлари:
Фотима, Искандар, Диналар билан



М.Тинишбоевнинг аёли
Амина Ибрагимовна Шайхали. 1930 йил

иттифоқи тузган. «Русский Туркестан» газетасидаги «Қозоқлар ва эрк учун ҳаракат» мақола-си ва қўлёзмалари Иттифоқ йигилишларидан бирида қаттиқ танқид қилинган. Муҳаммаджон Тинишбоев 1905 йил 19 ноябрда Давлат думаси депутатлари олдидаги маърузасида шундай деган: **«С тех пор, как киргизы¹ приняли русское подданство, не было ни одного светлого радостного дня, ни одной счастливой минуты! С тех пор никто, решительного никто не подумал о том, чтобы сделать для киргизов что-нибудь доброе или хотя бы что-нибудь похожее на доброе!»**

Ўз даврида совет тарихчилари қозоқ зиёлиларининг миллий озодлик ҳаракатини тўласинча инкор этиб, «Алаш» партиясининг ягона озодлик гоёсини тарихдан ўчириб юборишга ҳаракат қилганликлари маълум. Н.Г.редускула Давлат думасидаги қозоқ депутатлари ҳақида шундай ёзган: «О правах языка, о правах религии, о национальных школах, о праве наций на управление собой и о развитии независимости, одним словом, о животрепещущих вопросах нации и народа, о насущных проблемах народа ими не было сказано ни слова».² Бундай ҳақиқатга хилоф фикрни

¹ 1926 йилга қадар қозоқларни қирғизлар, қирғизларни эса қора қирғизлар деб аташган.

² Алаш қозғалысы – Движение Алаш. Сборник документов и материалов. – Алматы: Алаш, 2005. Т.4. – С.86.

Туркистон ва Қозогистоннинг таниқли ижтимоий, сиёсий, гоёвий арбобларидан Санжарбек Асфандиёров қатъиян инкор этиб бундай концепция нотўғри эканлигини асослаб, Қозогистон мустамлака эди, империалистик мамлакатларда буржуазия ҳеч қачон инқилобий ҳаракат қилолмайди, мустамлака буржуазияси маълум вақтда инқилобий рўл ўйнайди деб кўрсатган. Шунингдек, нотик мана бу фикрни айтган эди: «Миллий озодлик ҳаракати нимадан бошланади? Бизда, Қозогистонда эса буржуазия тугиляпти. Мактаб учун. Адабий тил учун кураш олиб боришдан иборат маҳаллий ҳаракат – жади́дчилик пайдо бўлди. Алашўрдачи зиёлилар чоризмга қарши курашда иштирок этмаган деб даъво қилувчилар, яъни Брайнен ва Шапиролардир».³

XX аср 30-йилларидаги сиёсий қатагон тўлқинлари юзага келган пайтда қозоқ зиёлиларининг айримлари «Алашўрда» партияси ва «Алашўрда» ҳукумати тарихда мавжудлигини эътироф этишдан хавфсираб қозоқ миллати оммаси орасида ленинча интернационализмни ўрнатиш сари йўл тутди. Қозоқ миллатчилиги ва унинг ўнг қанотига қарши кураш олиб бориш вазифаси қўйилган эди. Бу носоглом жараён Қозогистонга эндигина биринчи раҳбар бўлиб келган Қозогистон компартияси мар-

³ Курсатилган манба. – С.174.



казий комитети биринчи котиби Л.Мирзоян даврига тўғри келди. Сталиннинг Л.Мирзоянга йўллаган телеграммаси нухаси сақланиб қолган. Уни Турсин Журтбай айнан келтирган: «С великорусским шовинизмом ведут борьбу не только местные парторганизации, но, прежде всего ЦК ВКП(б) в целом, очередная задача казахских большевиков состоит в том, чтобы, борясь с великорусским шовинизмом, сосредоточить огонь против казахского национализма и уклонов к нему. Иначе невозможно отстоять ленинский интернационализм в Казахстане. Нельзя сказать, чтобы в Казахстане было интернационального воспитания масс больше, чем на Украине. Скорей наоборот. И если, несмотря на это, местный национализм не составляет в данный момент главной опасности в Казахстане, то это объясняется тем, что казахскому национализму труднее сомкнуться, благоприятное для Казахстана обстоятельство не должно вести к ослаблению борьбы казахских коммунистов против казахского местного национализма должна быть всемерно усилена, чтобы создать условия для насаждения ленинского интернационализма среди трудящихся масс национальностей Казахстана. Как материал для ориентировки посылаем постановление ЦК ВКП(б) о Таджикистане».

Шундай кўрсатма Филипп Исаевич Голошечкина ҳам ўз вақтида берилганди. Шундан алашўрдачиларни ёппасига таъқиб қилиш кампанияси бошланади.

Ф.И.Голошечкин ҳақида икки огиз. Ашаддий чекист, шовинист бу шахс 1918 йили подшоҳ Николай II ни бутун оиласи билан ваҳшийларча ўлдиришнинг ижроси бўлган. 1919 – 1920 йилларда РКП(б) Марказий Комитети, совет хукуматининг Туркистон комиссияси аъзоси сифатида Туркистон, айниқса, Фаргона водийсида маҳаллий миллат ва миллий кадрларни қатли ом қилишда ном чиқарган эди. Алашўрдачиларга қарши беаёв ҳужум ҳам ана шу Голошечкин бошчилигида юз берган. Шуни айтиш керакки, Давлат думаси аъзоси М.Тинишбоев чоризм давридаёқ халқ миллий озодлик ҳаракати гоёсини



Муҳаммадjon Тинишбоев сургун қилиниши олдидан ўғли Искандар билан

биринчи бўлиб тақдим этганда ўша Троцкий ва Голошечкин қувгинда эди. Ўшанда Муҳаммадjon Тинишбоев чоризмнинг маҳаллий аҳолига ўтказган мислсиз зулми, хўрлаш, камситиш сиёсати ва амалиётини баралла айтган эди: «**Ясно, что правительство стремилось: во-первых, дикими и варварскими репрессиями и преследованием языка, обычаев, религии и самобытного вообще уничтожить киргизов как самостоятельную национальность и обросить весь край; во-вторых, различными административными мерами, распоряжениями и положениями и обратить киргизов в бесправную, незаконную массу; в-третьих, лишить их собственных земель, упитанных их кровью и усеянных их костями, и выгнать в объятия смерти, на голые и бесплодные места. Так вот что получили киргизы взамен прежней независимости и свободы, и за то, что мирно и без кровопролития приняли русское подданство!**



Как можно после этого доверять правительству, обещающему все только на словах и ничего не показывающему на деле. Действия и распоряжения правительства во время всеобщего движения еще яснее показали киргизам, что они имеют полное право не верить всяким манифестам и рескриптам».⁴

XX аср 30-йиллари бошида яна миллий озодлик гоёси ва ҳаракатининг асосий лидери сифатида М.Тинишбоев советларнинг қатагон тигига дуч келди.

1930 йил 20 ноябрда ОГПУ доимий вакилиги Муҳаммаджон Тинишбоев бошлиқ 30 нафар қозоқ зиёлилари устидан 2370-сонли жиноий иш қўзгади. Терговда М.Тинишбоевга 1922 йилда миллий озодлик гоёси ва ҳаракати кучларини бирлаштириш учун ҳаракат қилганлиги айби тиркалган. Бунга жавобан у 1922 йилдаги биринчи йигилишдан сўнг Чимкентга, ўз оиласига боргани, нима билан машгул бўлгани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эканлигини билдиради. Унинг Чимкентга бориши жуда ҳам оғир мусибатга тўғри келган. Рафиқаси Гулбаҳром холера касалига дуч келганларга тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида заҳарланиб вафот этади. Муҳаммаджон норасида болаларини жойлаштириш учун кўп заҳмат чекади. Катта ўгли Искандар шундай хотирлайди: «Бизнинг онамиз Алматидаги таниқли фельдшер Боқи Шалимбековнинг қизи Гулбаҳром эпидемия вақтида одамларни даволаган, ўзи ҳам заҳарланиб вафот этган, унинг танасига кислота

қуйиб ёндириб юборишган. Кейин отам қумиқ профессор Шайхали синглиси Аминага уйланган, у жуда яхши аёл эди. 1932 йили отам Воронежга сургун қилинганда у отам билан бирга кетган».

«Алашўрда» арбоблари тақдири ҳақида тадқиқот олиб борган Гулжонбону Жугенбоевнинг ёзишича, аввалбошда М.Тинишбоев Воронеж шаҳрига сургун қилинган. Унинг олдига хотини Амина Иброҳим қизи Шайхали ва кичик ўгли Давлат борган, Муҳаммаджоннинг ўзи ўша вақтда Москва – Донбасс темир йўли қурилишида ишлаётган эди. Сургун муддати тугагач, 1935 йили аччиқ ҳаёти ҳали-бери тугамаслигини билиб хотини ва ўглини Уфа шаҳридаги Амина Иброҳим қизи қариндошлариникига юборган. Ўзи эса Гарбий Қозогистон ҳудуди орқали Тошкентдаги катта қизи Фотиабону ҳузурига келади. У Тошкентда кўп турмасдан Қандиагаш – Гурев темир йўли қурилишида ишга жойлашади. Аммо саломатлиги ёмонлашуви туфайли Тошкентга қайтиб келишга мажбур бўлади. Бу ерда уни 1937 йил 21 апрелда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари ҳибсга олади. Тошкент давлат университети профессори Ширинбек Ўразбоев Ўзбекистон Давлат хавфсизлик комитети архивидан қуйидаги хатни топган: «Дежурный врач Ташкентской тюрьмы Попов, врач Косолапенко, составили настоящий акт о том, что подсудимый стационара Тынышпаев скончался».⁵

⁴ Турсын Журтбай *Боль моя, гордость моя – Алаш! Трилогия.* – Астана, 2016. – С.344.

⁵ Турсын Журтбай *Боль моя, гордость моя – Алаш! Трилогия.* – Астана, 2016. – С.383, 388.



МУСТАФО ЧЎҚАЕВ – ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ БОШ ВАЗИРИ

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони



Озод Шарафиддинов
(1929 – 2005)

Қуйида таниқли адабиётшунос олим, танқидчи, профессор, «Жаҳон адабиёти» журнаlining собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Обидович Шарафиддиновнинг «Мустафо Чўқай» номли катта мақоласидан айрим лавҳалар келтирилмоқда: ...Мазкур иш

Мустафо Чўқай ҳақидаги илк мақола. Афсуски, қўлимда унинг чет элларда босилган кўпгина китоблари ва тадқиқотлари йўқ. Шундай бўлсада, Мустафо Чўқайнинг Туркияда босилган «1917 йил хотира парчалари» деган китоби ҳамда унга бағишланган альбом асосида ва газетада чоп этилган «Туркистон Шўролар ҳокимияти даврида» деган мақолага суяниб унинг ҳаёт йўли ва ижтимоий-сиёсий қарашлари тўғрисида фикр юритмоққа жазм қилдим. Шоядки, Туркистон мустақиллигининг атоқли курашчиси сифатида донг таратган юртдошимиз ҳақида илк тасаввур берувчи бу мақола бугунги ўзбек китобхонлари учун фойдадан холи бўлмас. Мустафо Чўқай 1890 йилнинг 17 январида Оқмачит шаҳрида туғилган. Оқмачит ҳозир Қизил Ўрда вилоятининг маркази. XIX аср ўрталарида бу шаҳар Қўқон хонлигига қарар, унинг чегарасида жойлашган овлоқ бир қалъа ҳисобланарди. Олма-отада истиқомат қилувчи русзабон ёзувчи Анов «Оқмачит» романида бу шаҳарнинг рус қўшинлари томонидан ишғол қилиниши воқеаларини батафсил ҳикоя қилган. Чўлпон ҳам «Кеча ва кундуз» романида Оқмачитга доир латифанамо бир гапни келтиради. Роман қаҳрамонларидан бири Ноиб тўра Мирёқубга дейди: «...Сенларнинг Ху-

доёрхонингга «ўрислар Оқмачитни олиб қўйди» деганлар. Худоёрхон «у юртим неча кунлик йўлда?» деб сўраган, «бир ойлик йўлда» деганлар. «Ундай бўлса, менга унақа олис юртнинг кераги йўқ. Олса ола берсин» деган...»¹

Инқилобдан олдин Оқмачит яна бир жиҳати билан машҳур бўлган – овлоқ жой бўлишига қарамай, Оқмачитдан жуда кўп тилмочлар чиққан. Яхшиси, бу хусусда сўзни Мустафо Чўқайнинг ўзига берайлик: «Эски Туркистон вилояти доирасидаги шаҳарлар орасида Оқмачитнинг баъзи ўзига хосликлари бор эди... Улардан бири, балки, энг муҳими, бу доирада фаолият кўрсатган тилмочларнинг кўпчилиги Оқмачитдан чиққани эди. Ёлғиз Сирдарё вилояти ҳудудидагина эмас, Самарқанд ва Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам губернатор, полиция маҳкамаларида оқмачитлик қозоқ тилмочлари хизмат қиларди... Оқмачит шаҳри котиб ва тилмочлар етиштириб берувчи бир макон бўлиб қолганди».² Мустафо ана шундай муҳитда дунёга келганди. Отаси Чўқайбей Тўрғай Додҳо ўгли (1811 – 1918) ўз даврининг кўзга кўринган арбобларидан бўлган. У ўглини илмли, маърифатли қилиб тарбиялаш йўлида қўлидан келган ишни аямаган. Мустафо бошланғич маълумотни Оқмачитда она тилида эски мактабда олади. Ўғлидаги иқтидорни ва илмга ҳавасни пайқаган ота эски мактаб таълими билан чекланиш мумкин эмаслигини яхши тушунади ва уни Тошкентга юборади. Бу ерда Мустафо гимназияда рус тилида таҳсил кўради. Уни аъло баҳода битиргач Петербургга йўл олади. Мустафо Петербург дорилфунунининг ҳуқуқ куллиётини ҳам зўр

¹ Чўлпон. Яна олдим созимни. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.144.

² Мустафо Чўқай. 1917 йил хотира парчалари. – Анқара: Ёш Туркистон, 1988. – Б.16.



муваффақият билан тугатади. Университетда ўқир экан, Мустафо фақат ҳуқуқшунослик илмларига қизиқиш билан кифояланмай, аини чоғда, тил ўрганиш бобида ҳам фавқулодда иқтидор эгаси эканини намоёйиш этади. Мустафо Чўқай ҳам бевосита сиёсий фаолият майдонига кириб қолади. Табиийки, ёш Мустафони ҳаммадан аввал она юрт тақдири қизиқтирар эди. У Туркистонни мустамлака кишанларидан халос кўришни истар, ўлка халқлари ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлган ҳолда тараққиёт йўлига чиқиб, бошқа илгор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини хоҳларди. У инқилоб арафасида ёзган мақолаларида Туркистон мустақиллиги учун кураш гоёларини кенг тарғиб эта бошлади. Шундай қилиб, Мустафо Чўқай Туркистон манфаатларини чуқур тушунадиган илгор фикрли зиёлиларнинг олдинги қаторидан ўрин эгаллайди. Фикри теран, қалами ўткир бўлгани учун уни ҳатто Россия Давлат думасига ишга олишади. «1917 йил инқилоби бошланган кезларда, – деб ёзади Мустафо Чўқай «1917 йил хотира парчалари» китобида, – мен Петербургда эдим. У замонда мен Россия Думаси (парламенти) Мусулмон фракцияси қошидаги бюрода Туркистон вакили эдим. Туркистон ҳақида материаллар тўплар ва Давлат думасидаги мусулмон миллат вакиллариغا Туркистон билан боғлиқ масалалар ҳақида керакли материалларни ҳозирлаб берардим». 1917 йил февраль инқилоби амалгашиб, подшо тахтдан воз кечиши ҳақидаги манифестни эълон қилган куни Мустафо Чўқайни Тошкентга таклиф этадилар. Бироқ Тошкентдан келган телеграммада 1917 йилнинг апрелида Оренбургда Умумқозоқ Конгресси бўлиши маълум қилинган ва унда Мустафо Чўқайнинг Туркистон вакили сифатида қатнашиши илтимос этилганди. Мустафо Чўқай Оренбургга йўл олади, бироқ манзилга етгунча йўлда – Пензада тўхтаб ўтишга тўғри келади. Пензадаги воқеа Мустафо Чўқайнинг она юртга муҳаббати



Туркистон мухторияти Бош вазири Мустафо Чўқоев (1890 – 1941)

мавҳум нарса эмас, балки ватаннинг хўрланган, қийналган, эзилган фарзандларига чинакам гамхўрлик тарзида намоён бўлганини кўрсатади. Мустафонинг ўзи қуйидагича ёзади: «Йўлда Пенза шаҳрида туркистонликларимизга дуч келдим. Бу ерда Туркистон ишчилари тўла ўнларча вагон бир чеккага чиқариб қўйилганди...³ Бу бечораларнинг турмуши ва оқибатидан хабар оладиган бирон кимса йўқ эди. Шу тарзда унутилган туркистонликлар нима қилишларини билмай ночор аҳволда қолган эдилар». Мустафо Чўқай Туркистон вакили сифатида бекат бошлигига мурожаат қилади, ундан иш чиқмагач, вилоят комиссари билан гаплашади. Бундан ҳам натижа чиқмайди. Ишга вилоят ишчи-аскар депутатлари совети аралашади ва Мустафонинг

қийин-қистови билан туркистонлик ишчилар тушган вагонлар она юрт томон йўл олади.

Мустафо Чўқай хотираларида келтирилган бу воқеа унинг табиатини, гайрати ичига сиймайдиган фаолият кишиси эканини, юртдошларининг тақдирига ҳеч қачон лоқайд томошабин бўлиб турмаганини кўрсатади. Мустафо Чўқай Оренбургда бир неча кун бўлади. У юқорида зикр этилган хотираларида Биринчи умумқозоқ қурултойи гоёт баланд руҳда ўтганини ёзади. Қурултой қозоқларнинг миллий уйғонишида катта аҳамият касб этиши билан бирга барча туркий халқларни Туркистон мустақиллиги гоёси атрофида бирлашишига ҳам ёрдам берган. Қурултой ишида Фотиҳ Карим, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби таниқли зиёлилар иштирок этган. Уларнинг нутқлари қурултой аҳлида катта таассурот қолдирган. Мустафо Чўқай буни ҳам ёрқин бўёқларда тасвирлайди: «Мунаввар қорининг «Ўзбек қардошларингиздан салом келтирдим» дея бошланган табрик сўзлари қозоқ бўзқирларидан келган вакилларда уйготган

³ Муваққат ҳукуматнинг қарори билан ўз она юрти Туркистонга қайтаётган ишчилар – «мардикорлар» назарда тутилмоқда. Улар 1916 йил сентябрида фронт ортидаги ишларга сафарбар этилган эди.



туйгулари, чуқур таъсири мен учун унутилмас бир хотирадир. Мунаввар қорининг илк жумласини оёққа туриб қаршилаган мажлис аҳли унга узоқ олқишлар билан жавоб берди. Кўпгина ёш вакиллар уни кўз ёшлари билан тингладилар. Қозоқ бўзқирларининг олис гўшаларидан келган вакиллар «энди биз ҳам қон ва жон бирлигимизни, қардошлигимизни очиқча сўйпай оладиган бўлдик» деяроқ кўзлари ёшланди. Оренбург ва умум турк-татарлар номидан Фотиҳ афанди Каримий қурултойни қутлади. Шундай қилиб, қурултой буюк турк халқининг уч кучли қўли орасидаги мустақкам боғлиқликни намоёиш этган бир саҳнага айланди».

Мустафо Чўқай Оренбургдаги ишларини битиргач Тошкентга келади. 1917 йилнинг баҳор кезларида Тошкентдаги сиёсий ҳаёт қайнаб турган қозонни эслатарди. Кураш жабҳасида ҳар хил ижтимоий тоифалар манфаатига хизмат қилувчи сиёсий кучлар фаолият кўрсатарди. Тошкентда ҳам қўшқоқимиятчилик давом этар, юртни муваққат ҳоқимият комиссари билан бир қаторда ишчи ва аскар депутатлари совети ҳам бошқарарди. Советнинг таркиби хилма-хил бўлиб, унда эсерлар, кадетлар, большевиклар ва мусулмонлар фракцияси мавжуд эди. Ўртада иноқлик йўқ эди. Шунингдек, шаҳарнинг сиёсий ҳаётида яна икки ташкилот – «Уламо жамияти» билан «Шўрои исломия» ҳам катта роль ўйнади. Бироқ булар ҳам аҳил бўлиб иш тутиш ўрнига ўзаро низоларга берилдилар ва кўп ўтмай ихтилофлар ошқора курашга айланиб кетди. Бундан фойдаланган большевиклар уларни тор-мор келтирди ва 1917 йилнинг ўрталарида бошқа партияларни Тошкентдан қувиб юборишди. Шу тарзда Мустафо Чўқай Қўқонга келади ва сиёсий-инқилобий фаолиятини давом эттиради. Бу пайтда у мусулмонлар ўлка советининг («Шўрои исломия») раиси эди. Қўқонда бироз бўлгач вазиятни ўрганиш, халқ кайфиятини билиш учун Маргилонга боради. Туркистон ўлкасининг Андижон, Тошкент, Самарқанд, Чимкент, Авлиё-ота каби шаҳарлари билан яқиндан алоқада бўлади. 1917 йилнинг 31 октябрида бир гуруҳ большевиклар Тошкентда ҳоқимиятни қўлга киритишади ва Туркистонда совет ҳоқимиятини эълон қилишади. Ўлкада сиёсий вазият фавқулодда тус олади. Бундай

шароитда Ўлка мусулмонлар совети ҳам ўз фаолиятини кучайтиради. 1917 йилнинг 9 декабрида эрталаб соат 10 да Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг фавқулодда қурултойи очилади ва Туркистон мухторияти эълон қилинади. Қурултойда мухториятни идора қилувчи Халқ Кенгаши сайланади. Кенгаш, ўз навбатида, мухторият ҳуқуматини сайлайди. Унинг биринчи раиси таниқли жамоат арбоби, Алаш Ўрда партиясининг раҳбарларидан бири Мухаммадjon Тинишбоев бўлган эди. Аммо у бор-йўги бир ҳафта раислик қилди. Ҳозирча бизга номаълум сабабларга кўра у истеъфога чиқади, ўрнига Мустафо Чўқай тайинланади. Бироқ унинг ҳуқумати ҳам узоқ яшаёлмайди – ордан уч ой ўтар-ўтмас большевиклар томонидан тор-мор этилади. Шу ерда андак тўхтаб, бошқа бир масалага эътиборингизни жалб қиламиз.

Сўнги 75 йил давомида Туркистонда совет ҳоқимиятининг ўрнатилиши, бу ердаги босқинчилик ҳаракати, фуқаролар уруши, Қўқон (аслида, Туркистон мухторияти – Р.Ш.) ҳақида юзлаб асарлар битилди. Шуниси қизиқки, уларнинг ҳаммасида мухториятни тор-мор келтирган большевиклар ва қизил аскарлар Туркистон халқига беқиёс яхшилик қилган буюк қаҳрамонлар сифатида таърифланади, Қўқон мухторияти эса энг ярамас, энг зарарли бир ҳодисадай талқин этилади. Мен бу ўринда фақат тарихшунос олимларнинг асарларини кўзда тутаётганим йўқ. Биз адабиётшунослар ҳам тарихни бузишда улардан қолишган эмасмиз. Адиблар, шоирлар, драматурглар, киночилар ҳам айнан шу ҳодисаларни ўта сохталаштириб тасвирлаганлари, «Яша, шўро!» деб ҳайқиришдан нарига ўтмаганлари бугун ҳаммага маълум. Гина-кудуратларни қўяйлиги бошқа бир саволга жавоб излайлик: нима учун мана шу асарларнинг ҳаммасида Мустафо Чўқай яқдиллик билан қораланади? Назаримда, советнинг нонини еб улгайган олиму фузало, адибу шуаро Мустафо Чўқайнинг инқилобгача бўлган фаолиятида ортиқча салбийликни кўрмайди-ю, лекин мухторият ҳуқумати раислигига сайланганлигини сира-сера кечиролмайди. Бунинг боиси шундаки, умри қисқа Туркистон мухторияти ўлка ҳаётида бирон-бир сезиларли бурилиш ясаб улгурмай тарих саҳнасидан чи-



қиб кетган эса-да, у Туркистон мустақиллиги йўлида ёқилган сўнмас юлдуз – халқ қалбида ёнган умид чирोगи эди. Уни ёққанлардан бири Мустафо Чўқай эди. Шунинг учун ҳам ҳукмрон коммунистик мафкура уни сира кечира олмади ва Туркистон мухториятини 20-йиллардан бери мутгасил қоралаб, «фош қилиб» келди. Унинг бўйнига тақилган тавқи лаънатлар эса ўша-ўша эски гаплар – мухторият аксилинқилобий ҳокимият, гўё бутун Туркистон октябрни қувончдан кўзда ёш билан чапак чалиб кутиб олган-у, мухториятчилар халқ иродасига қарши бориб буржуа ҳукумати тузган. Бу бошдан-оёқ туҳмат. Фирқа тарихчилари 20-йиллардаёқ Туркистонда маҳаллий аҳоли инқилобдан мутлақо узоқ бўлганини очик айтишган эди. Биргина мисол келтираман. Туркистон тарихига оид бир қатор асарлар эълон қилган П.Алексеев «Кўқон мухторияти» китобида маҳаллий ишчиларнинг инқилобга муносабати ҳақида ёзади: «Ишчилар синфининг миллий табақаларига нисбатан шуни айтиш керакки, уларнинг бир қисми ишлаб чиқаришдаги ўрни ва савиясининг ўта пастлиги важдан совет ҳокимиятини етарли даражада фаол қўллаб-қувватламайди, бошқа қисми эса ҳатто бетарафлик йўлида туради».

Деҳқонлар ҳам улардан ўтиб кетган эмас: «Ишчилар синфи томонида туриб (яъни инқилобчилар томонида дейилмоқчи – О.Ш.) фаол ва катъий чиқиш учун учта нарса етишмасди:

- 1) ўзининг асосий иқтисодий ва сиёсий манфаатларини билмаслик;
- 2) фаолият учун зарур бўлган уюшқоқлик;
- 3) ишчилар синфини етарли тушуниш ва деҳқонларни фаол курашга жалб қилиш лозимлигини англамаслик». Хўш, миллий зиёлилар-чи? «Миллий зиёлилар октябрь инқилобидан кейин буржуазия билан бирга кетди».⁴ Демак, ишчилар синфи ҳам, деҳқонлар ҳам, зиёлилар ҳам октябрь инқилобини амалга оширишда фаол қатнашмаган. Энди ўзингиз ўйланг – на ишчилар, на деҳқонлар, на зиёлилар қўллаб-қувватлаган ҳодисани «халқ инқилоби» дейиш мумкинми? Халқнинг унга ижобий муносабати қанақа бўлади? Советпараст олимнинг ўзи тан олган

далиллар октябрь инқилоби Туркистонга четдан келтирилганини яққол исбот қилмайдими? Бас, шундай экан, Туркистон мухторияти маҳаллий халқнинг инқилобий хоҳишига зид ўлароқ майдонга келган деб даъво қилиш бориб турган бир уйдирма, холос. Билъакс, далиллар ва ҳужжатлар шундан далолат берадики, Туркистон мухторияти бу ерда яшовчи маҳаллий халқларнинг энг теран орзу-ҳавасларига тўла мос бўлган. Кўп йиллар мобайнида расмий китобларимизда «Мухторият маҳаллий буржуа миллатчиларининг ҳокимиятидир. У Россияга қарши, русларга қарши қаратилган, Туркистонни Россиядан ажратиб олишга интилган» деган ақидалар олдинга суриб келинди. Бироқ бу даъволар ҳам пухта заминга эга бўлмаган, пуч ва уйдирма гаплардир. Буни исботлаш осон. Аввало, мухторият парламенти – **Халқ Кенгашининг миллий таркибига эътибор қилайлик. Унда ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар билан бир қаторда руслар, украинлар, яҳудийлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор эди. Унга 54 киши сайланган: 36 киши маҳаллий, 18 киши Оврўпо миллатларига мансуб бўлган. Шунинг ўзиёқ мухториятни барпо этган одамларда байналмилалчилик руҳи анча юксак бўлгани, ҳақиқий демократияни анча чуқур тушунганини кўрсатиб турибди. Шундай экан, бу мухториятни «маҳаллий буржуа миллатчиларининг ҳукумати» деб аташ тарихий ҳақиқатни сохталаштиришдан бошқа нарса эмас. Туркистонни Россиядан ажратиб олиш масаласига Мустафо Чўқай хотираларидан олинган бир жумла билан жавоб бериш мумкин. У ёзади: «Биз Россиядан айрилмоқни талаб этмадик. Фақат мухторият эълон қилдик. Натижа эса маълум...»**

Аслида, Туркистон мухториятининг барпо бўлишига инқилоб самараси сифатида қараш керак. Маълумки, янги ҳокимият илк фармонларидаёқ Россия тасарруфидаги халқларга озодлик ваъда қилди, уларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқига эгаллиги, ҳатто Россия таркибидан ажралиб чиқишлари мумкинлиги эътироф этилди. Бундан ташқари, янги ҳокимият бошлиги В.И. Ленин октябрь инқилобидан бир ой ўтар-ўтмас Россия ва Шарқдаги барча мусулмон

⁴ Алексеев П. Кокандская автономия. – Ташкент, 1931. – Б.14 – 16.



меҳнаткашларга мурожаат қилди. Унинг мактубида шундай гаплар бор эди: «Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштира берингиз, сизларнинг бунга ҳаққингиз бор... Сизлар ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим. Ўз расм-русмларингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз ўзингизнинг қўлингизда».⁵

Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбарлари, шу жумладан, Мустафо Чўқай ҳам бу гапларга чиппа-чин ишониб лаққа тушдилар. Улар большевиклар сиёсати биринчи қадамданок риёкорлик асосига қурилганини, огизда баландпарвоз ваъдалар бериб, амалда одамларнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдираверишларини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Ленин ҳам шундай қилди: бояги мурожаатномадан кейин кўп ўтмай Туркистон халқларининг қаршилигини ўта шафқатсизлик билан бостириш ҳақида «доҳиёна» кўрсатмалар бериб, баланд рутбалик вакилларини бу ерга жўнатди.

Бундан ташқари, мухториятнинг вужудга келишига янги совет ҳокимияти биринчи қадамлариданок миллий сиёсат бобида мудҳиш хатоларга йўл қўйган, маҳаллий халқни менсимай, ҳуқуқларини поймол этгани, шовинистларча муомала қилгани ҳам сабаб бўлди. Буни исботлайдиган далиллар ҳам кўп. Октябрь инқилобидан кейин Туркистонда тузилган биринчи совет ҳукумати таркибида биронта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг таркибида ҳам дастлабки босқичда маҳаллий миллатларга ўрин ажратилмади. Инқилобий раҳбариятнинг айрим ходимлари 1917 – 1918 йиллар мобайнида турли йигинлар ва анжуманларда сира тортинмай ерли халқ шаънига таҳқирли гаплар айтишган. Масалан, Туркистондаги ҳокимият аъзоларидан бири К.Я.Успенский 1918 йил январда ўлка советларининг қурултойида сўзлаган нутқида

шундай деган эди: «Ўртоқ мусулмонлар! Шуни билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз. Сиз кичиксиз ва, тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак».⁶

Совет ҳокимиятининг дастлабки даврларида большевиклар миллий сиёсат соҳасида жиддий шовинистик хатоларга йўл қўйишгани 20-йилларда эълон қилинган кўпгина тадқиқотлар ва китобларда очиқ тан олинган. Жумладан, П.А.лексеевков юқоридаги асарида шундай ёзади: «Октябрь инқилоби даврида ва ундан кейинги дастлабки ойлар мобайнида Туркистон партия ташкилоти миллий масалада қатор хатоларга йўл қўйди... Маданий жиҳатдан қолақ ва сиёсий жиҳатдан етарли даражада балогатга етмаган маҳаллий аҳоли инқилобда фаол иштирок этолмаслигига амин эдик. Шунинг учун инқилобни уларсиз давом эттиришга қарор қилдик» (Б.51 – 52).

Мана шундай камситишлар ва таҳқирлар оқибатида 1917 йилнинг 11 декабрь куни ўлка мусулмонларининг фавқулодда **IV қурултойи Туркистон мухториятини эълон қилди. Бинобарин, мухторият бир «ҳовуч фитнакорларнинг хуружи» туфайли эмас, маҳаллий халқларнинг кўпдан давом этиб келаётган орзу-истакларининг натижаси, октябрь инқилоби давридаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули сифатида майдонга келди. Майдонга келди-ю, кўп ўтмай большевиклар томонидан кунпаякун қилинди.**

Кўп йиллар мобайнида советпарастлик руҳи билан сугорилган асарларимизда Мустафо Чўқай Туркистонда босмачилик ҳаракатининг илҳомчиси ва ташкилотчиси сифатида қоралаб келинди. Бироқ бу айблов ҳам ҳеч қандай заминга эга бўлмаган ҳавойи гап. Тўғри, Мустафр Чўқай ҳукумат бошлиги сифатида ҳарбий вазир Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев билан бирга мухториятни қизил қўшин хуружидан ҳимоя қилиш учун баъзи тадбирларни кўрган. Жумладан, улар мудофаа ишларини уюштиришни Қўқон милициясининг бошлиги Эргашга топширган, Эргаш эса, ўз навбатида, унча кўп бўлмаса-да, қуролланган даста тузиб, советларнинг ҳарбий кучларига қарши жанг қилган. Шунга асосланиб

⁵ Шарқ юлдузи. 1991. №3. – Б.168.

⁶ Ўша жойда.



Мустафо Чўқайни босмачилик ҳаракатининг асосчиси сифатида қоралаш мумкинми? Ҳолбуки, расмий ҳужжатларда, кўпгина асарларда «босмачилик» деган таҳқирли ном олган, аслида эса моҳият эътибори билан мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган миллий-озодлик кураши бўлган бу оммавий ҳаракатни тугдирган ўзига хос сабаблар бор эди. Буларнинг энг асосийси ҳокимият вакиллариининг маҳаллий халқларга менсимай қараши, унинг миллий туйғуларини, инсоний гурурини таҳқирлаши, урф-одатлари ва расм-русумларини оёқости қилиши эди. Шу билан бирга, советчилар аксинчилобчиларга қарши кураш ниқоби остида маҳаллий халққа нисбатан шафқатсиз қиргинни амалга оширдилар. Тинч аҳолини қатагон қилиш Қўқонда февраль ойининг 17-куни бошланди. **Советпараст тарихчиларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, ўша кезларда уч кун давомида Қўқон ўт ичида қолди. Янги ҳокимият Қўқонни талон-торож қилиш учун дашноқларга тўла эрк бериб қўйди. Биргина Қўқоннинг ўзида 10000 дан ортиқ одам ўлдирилди. Қиргин шу билан тугагани йўқ. 1918 йилнинг биринчи ярмида Маргилонда 4500 одам ўлдирилди. Шу жараёнда 180 қишлоққа ўт қўйилди. Минглаб оилалар хонавайрон бўлиб, бошпанасиз қолдилар.**⁷

Бундай мислсиз ваҳшийлик, қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган зўравонлик сусайиш ўрнига борган сари кучайиб борди. 1919 йилда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам «босмачилик ҳаракати»ни бостириш учун келган Қизил Армия қисмлари, жумладан, қонхўрлиги билан донг чиқарган Будёнийнинг биринчи отлик армияси босмачилар қолиб, тинч аҳолини қириш, аёлларни таҳқирлаш, ҳатто гўдакларни чавақлаб, найзаларга илиш бобида мислсиз «қаҳрамонлик» намуналарини кўрсатдилар. Бу ваҳшийликларни ҳатто ҳозир ҳам баъзи қариялар эслаб қолишса, қалтироқ босиб, ранглари ўчиб кетади. Хуллас, Фаргона водийси 1918 йилнинг бошлариданоқ қонга беланиб, харобазорга айланди. Буни кўрган ҳар қандай инсофли одам даҳшатга тушиб, ёқа ушламаслиги, «Гўзал Фаргона, сенга не бўлди?» дея фигон қилмаслиги мумкин эмасди.

⁷ Шамагдиев Ш. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. – Ташкент, 1961. – С.54 – 60.

Айни чоғда, бу ёвузликларга қарши ҳаракат – исён тугилиши, халқ «бир бошга бир ўлим!» деб оёққа туриши табиий ҳол эди. Халқ исёнининг ҳақиқий сабаби мана шунда! Мустафо Чўқайга ўхшаш айрим одамларни «босмачилик ҳаракатининг асосий сабабчиси» қилиб кўрсатиш эса омманинг диққат-эътиборини тарих ҳақиқатидан чалгитишдан бошқа нарса эмас. Бу масалада ҳам ҳукмрон коммунистик мафқуранинг ўз душманларини ёмонотлиқ қилишда ҳеч нарсадан қайтмаслиги, ёлгон-яшиқ гапларни ва уйдирмаларни бемалол ишга солавериши, иккиюзлама сиёсати яққол кўриниб турибди.

Мустафо Чўқай Туркистонда «босмачилик ҳаракати»ни яна шунинг учун уюштира олмас эдики, у 1918 йилнинг ўрталаридаёқ Туркистондан чиқиб кетишга мажбур бўлганди. У бир неча муддат Кавказда Тифлис шаҳрида туради, кейин хорижга кетади. Чет элда Мустафо Чўқай Париж ва Берлин шаҳарларида истиқомат қилган, Туркияга тез-тез бориб-келиб турган. У муҳожирликда 20 йилдан ортиқроқ ҳаёт кечирди. Бу даврда самарали ижод қилди ва кўпгина илмий мақолалар, бир қатор тадқиқотлар яратди. Мустафо Чўқай Туркистондалигидаёқ ўткир мақоланавис сифатида кенг танилган эди. Дастлаб у «Улуг Туркистон» рўзномасида фаол қатнашади. Бу нашр 1917 йилда Тошкентда «Яшасин миллатлар мухторияти!» деган шиор билан чиққан ва у «халқининг юздан тўқсон саккизи мусулмон бўлган Туркистон ўлкасида халқ идорасининг хориждан келган аскар ва ишчилар қўлига ўтишига туркистонликлар рози бўлмаяжаклар» деб ёзганди. Мустафо Чўқай шу рўзноманинг энг мумтоз муаллифларидан бири эди. 1917 йилнинг ўрталарида Тошкентда «Бирлик туви» деган газета ҳам чиқа бошлайди. Мен салкам қирқ йил муқаддам аспирантурада ўқиб юрган кезларимда В.И.Ленин номидаги Давлат кутубхонасининг қироатхонасида ўтириб, бу икки рўзноманинг айрим сонларини варақлаб кўрган, ҳатто «Улуг Туркистондан Ҳамзанинг «Туркистон мухториятига» деган катта манзумасини тўла кўчириб олган эдим. Ўшанда бу рўзноманинг саргайиб кетган саҳифаларидан олис 1917 йилнинг олаговур садолари келаётгандай туюлганди менга. 1918 йилда Тошкентда яна бир нашр пайдо



бўлди. Бу «Свободный Туркестан» деган русча рўзномадир. Муҳими шундаки, бу рўзноманинг моддий таъминоти ҳам Мустафо Чўқай зиммасида эди. У турли тахаллуслар остида рус тилида мақолалар ёзиб, мазкур нашрда мунтазам қатнашиб турган. 1942 йилда Мустафо Чўқай вафотининг бир йиллиги муносабати билан Истанбулда Намуна матбаасида альбом чиқарган доктор М.Делил унинг мақоланавислик фаолияти тўғрисида гоят қимматли маълумотлар беради. Унинг кўрсатишича, адиб 1919 – 1920 йилларда Кавказда камида тўртта нашр чиқишида қатнашган. Булар 1919 йилда рус тилида Тифлисида чиққан ҳафталик «Вольные горцы» нашри – унда Мустафо бейнинг Туркистон масалаларига доир мақолалари бор; «На рубеже» – бу рўзнома эмас, мажмуа. У Тифлисида Туркистон ва Украина миллий марказларининг моддий ёрдами билан чиқарилган. Русча мажмуада Мустафо бей «М.Чанай» ва «Жалил» деган номлар билан мақола ёзган. Яна «Янги дунё» – 1920 йилда Шимолий Кавказия миллий ташкилоти билан Туркистон миллий маркази бирлашиб чиқарган рўзнома. «Шафақ» рўзномаси ҳам Тифлисида Мустафо бейнинг бош муҳаррирлигида чиқарилган. Табиийки, буларда ҳам унинг мақолалари мунтазам босилиб турган. 20-йилларнинг охирида Истанбулда «Янги Туркистон» деган ойлик мажмуа чиқа бошлади. У 1927 йилдан 1931 йилнинг июлигача нашр этилди. Сўнгра Мустафо бейнинг бош муҳаррирлиги ва сиёсий раҳбарлиги остида Берлинда 10 йил мобайнида (1929 – 1939) чиқиб турган мажаллани эсламоқ даркор. Доктор М.Делилнинг тасдиқлашича, бу мажалла «Чўқайнинг миллий мафкурасини ва Туркистон турклиги миллий ҳаракатини гоятда ойдин бир суратда акс эттира билмишдир».

Мустафо Чўқайнинг Туркистон тарихи, миллий уйғониш ҳамда озодлик ҳаракатининг долзарб муаммолари ҳақида баҳс юритувчи асарлари француз, инглиз, поляк тилларида ҳам босилган. Унинг мақола ва рисоалари Туркистон ҳақида шу қадар муҳим маълумотлар берганки, бу ўлка ҳаётини тадқиқ қилувчи олимлар уни четлаб ўтолмаганлар. Масалан, 1942 йилда немис тилида «Туркистон» деган ҳажман йирик бир асар чоп этилади. Муаллифлари Р.Олшша ва

Г.Клайновнинг таъкидлашича, 434 саҳифалик бу асарнинг 363 – 409-бетлари Мустафо Чўқай қаламига мансубдир. Бундан ташқари, «1917 йил хотира парчалари» китобидаги изоҳларда Калифорниядаги Статфорд университети қошидаги Рус инқилобини ўрганиш маркази «Туркистонда инқилоб ва совет ҳукуматига қарши халқ кўтарилишлари» деган мажмуа тайёрлаётгани, шу муносабат билан Мустафо Чўқайга мурожаат қилингани, у эса «Туркистонда инқилоб ва Қўқон мухторияти» деган мақола ёзиб бермоқчи бўлгани айтилади. Афтидан, бу мақола 1937 йилнинг бошида ёзилиб, Калифорнияга юборилган бўлса керак.

Кўриниб турибдики, Мустафо Чўқай муҳожирликда юрганида ҳам бирор дақиқа бўлсин Туркистон мустақиллиги гоёсидан чекинган эмас. У юзлаб мақолаларида бу гоёни тарғиб этган, бир кун келиб Туркистон осмонида озодлик қуёши нур сочажагига ишонишдан тўхтамаган. Бироқ, минг афсуски, биз бу улкан зотнинг ҳамма асарларини билмаймиз. 1950 йилда Истанбулда «Ёш Туркистон» нашриётида доктор А.Оқтой тугилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан «Туркистон миллий ҳаракати ва Мустафо Чўқаев» деган китоб чиқаришган экан. Биз ҳатто шу китоб билан танишиш имконига ҳам эга эмасмиз. Лекин, шунга қарамай, мен яна бир бор Мустафо Чўқайни ўткир нигоҳли тадқиқотчи, ҳаётни яхши биладиган, воқеалар замиридаги ҳақиқатни кўра оладиган, мантиқи чуқур, қалами ўткир бир олим деб ҳисоблайман. Унинг «Туркистон советлар ҳукумати даврида» деган мақоласи шундан далolat бериб турибди. Авваламбор, мақоланинг ижодий тарихи диққатга сазовор. 1927 йилда октябрь инқилобининг 10 йиллиги муносабати билан Москвага француз ишчилари делегацияси келади. Унинг бир қисми Ўзбекистонга сафар қилиб, бир неча кун республика ҳаёти билан танишади. Бу ерда франциялик вакиллар «Туркистон миллий жумҳуриятларидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган» ўзгаришлардан ҳайратланиб ҳаяжонга тушадилар. Уларнинг назарида, Туркистонда ҳаммаёқда эркинлик салтанати барпо этилган, миллий масала узил-кесил ҳал этилган, халқ фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечиради, ҳар қандай сиёсий, ижтимоий, иқтисодий



муаммолар тегишли ечимини топган. Делегация аъзолари «Правда Востока» газетасининг 1927 йил 30 ноябрь ва 2 декабрь сонларида ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар. Масалан, жаноб Шелино шундай дейди: «Биз шунга ишондикки, ёш совет Ўзбекистонини маҳаллий халқнинг ўзи бошқаради. Бизга берилган маълумотномаларда давлат органларининг раҳбар қисми асосан маҳаллий аҳоли вакиллари эканини кўрдик...» Делегация раҳбари жаноб Гаше дейди: «Бизни бу ёққа жўнатган француз ишчиларига совет давлатида миллатлар тенглиги қарор топган ҳаётни кўрдик деб етказамиз. Менинг ўзим бунга сираям шубҳа қилмайман». Француз делегацияси Ўзбекистондан жўнаб кетиш олдида декларация тайёрлайди. «Правда Востока» газетасининг 1928 йил 20 январидаги сониди эълон қилинган бу декларацияда «маҳаллий ўртоқларнинг миллий соҳадаги ютуқлари» бирма-бир санаб ўтилган. Делегация аъзолари Парижга қайтгач бу таассуротларини жамоатчиликка изҳор этганми-йўқми – маълум эмас. Лекин муҳожирликда яшаса ҳам Туркистон ҳаётини синчковлик билан кузатиб борган Мустафо Чўқаев мазкур фикр-мулоҳазалардаги бир томонламаликка сира тоқат қилолмаган. Натижада у «Туркистон советлар ҳокимияти даврида» деган каттагина мақола ёзади ва уни 1928 йилда эълон қилади. Мақоланинг Парижда француз тилида чоп этилган нусхасига таниқли жамоат арбоби Пьер Рендель сўзбоши ёзган. Пьер Рендель Мустафо Чўқаев билан 1920 йилда Тифлисда танишган экан. Ўшандаёқ Мустафо бей, француз арбобининг назарида, ўзюртининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашувчи изчил демократ сифатида таассурот қолдирган.

Пьер Рендель мақолани қисқача таҳлил қилиб, лўнда-лўнда жумлаларда фазилатларини санаб юқори баҳо беради ва уни Туркистондаги ҳақиқий аҳволни очиб берувчи қимматли ҳужжат деб ҳисоблайди. Мақоланинг аҳамияти ҳақида Пьер Рендель ёзади: «Бу рисола минг-минглаб туркистонликлар мустабид тузум қурбони бўлганлиги тўғрисида гувоҳлик беради; бу рисола бутун мамлакатни жаҳолат бошқараётгани, шу маънода, айрим большевикларнинг ўзлари ҳам эътироф этганлари

каби, марксизм-ленинизм деб аталмиш таълимот фақат сароб-найранг эканлиги тўғрисида гувоҳлик беради, бу рисола аграр революция ниқоби остида қишлоқ хўжалигини ёппасига жамоа-жамоа қилиб, ёппасига мажбурий эксплуатацияга тайёрлаётгани, бутун иқтисодиёт фақат алдовга ва ташиб кетишга мўлжалланаётгани тўғрисида гувоҳлик беради». Бу сўзлар бугун эмас, кеча эмас, 63 йил аввал – 1928 йилда ёзилган. Бугун эса биз бу гапларнинг мутлақо ҳақиқат экани тарих томонидан тўла тасдиқланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мустафо Чўқаев мақола бошида вакилларнинг «сафаримизда тўла эркин бўлдик, қаерни истасак шу ерни бориб кўрдик, ким билан истасак шу одам билан суҳбатлашдик» деган гаплари асоссиз эканини исботлайди. У делегация аъзоларининг биронтаси маҳаллий тилларни билмаслигини, ҳамма жойда тилмочлар орқали иш юритишганини айтади. Шундай экан, тилмочлар махсус тайёрлангани, ҳар хил ташкилотлардан муфассал йўриқлар олиб ишлагани аниқ. Ёхуд улар ўша ташкилотларнинг махфий ходимлари бўлишлари ҳам мумкин. Мафкура муассасалари бу ташкилотлар билан бирга ҳар қандай ҳолларда ҳам йўқни бор, оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатиш ҳавосини олган. Аслида, ҳаётга чуқур назар ташланса, ўша йилларда Туркистон ҳаётида на миллий эркинлик, на инқилобий фаровонлик йўқлиги яққол кўринадик-қолади. Шуниси муҳимки, Мустафо Чўқаев бу фикрларини далиллар экан, фақат партия ҳужжатларига, съездлар, пленумлар конференцияларнинг қарорларига, совет ҳокимиятининг ишончли одамлари айтган ва совет партиявий матбуотида эълон қилинган материалларга таянади. Масалан, «Туркистон советлар даврида чинакам эркинликка эришди, бу ерда миллий масала узил-кесил ҳал қилинди» деган фикрни рад этар экан, унга қарши «Тошкентлик большевикларнинг ўзига хос ҳокимлиги остида Туркистонда мустамлака режимнинг давоми ўлароқ янги давр бошланди...» деган фикрни олга суради. Бу даъво партиявий ҳужжатлардан ва совет матбуотидан олинган далиллар билан чуқур исботланади. Маълумки, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда даҳшатли очлик юз берган, оқибатда,



совет матбуотининг хабар беришича, 1 114 000 одам ўлган эди. Мустафо Чўқаев бу очликни большевиклар онгли суратда уюштирганини ва дунёнинг ҳеч бир бурчагида бундай мудҳиш тарзда синаб кўрилмаган «очлик сиёсати» орқали миллий озодлик ҳаракатига зарба бермоқчи бўлганини исбот қилади. Бунинг учун у ўша пайтда катта мансабларда хизмат қилган Турор Рисқулов китобидан парча келтиради: «Туркистондаги октябрь тўнтаришининг раҳбарларидан бири Тоболин Марказий Ижроия Қўмитаси мажлисларидан бирида тўғридан-тўғри «қирғизлар иқтисодий қолоқ бўлганлари учун ҳам, улар барибир, қирилиб кетишга маҳкумдир. Шунинг учун инқилоб бутун кучини очликка қарши курашга эмас, яхшиси, фронтни мустаҳкамлашга қарши қаратиш керак» деганди». Миллионлаб одамларнинг қирилаётганини, бутун ўлка аламли фарёдлардан бўғилиб ётганини кўра-била туриб шундай демоқ учун одам мутлақо виждонсиз, ўта беҳаё бўлмоғи керак. Фақат ўзига бино қўйган, ўзини дунёнинг устуни деб билган, бошқа халқларни менсимайдиган ашаддий шовинистгина шундай қилиши мумкин. Бундай шармандали қарашлар совет ёки партия ташкилотлари томонидан ва ўша кезларда, на ундан кейин қораланди. Аксинча, Тоболин ўлгандан кейин унинг номи абадийлаштирилди. Тарих киноясини қарангки, Тошкентнинг шундоққина биқинида, Чимкент вилоятининг Саригоч районидаги каттагина қишлоқ ҳозир ҳам Тоболин номида аталиб келинмоқда.

Туркистонда инқилобнинг дастлабки йиллариданоқ мудҳиш мустамлакачилик сиёсати олиб борилганидан Ленин ҳам, партия Марказий Қўмитаси ҳам яхши хабардор бўлган, бироқ улар бунга чек қўйиш борасида қўлини совуқ сувга урган эмас. Аксинча, бу ҳодисани эътироф этиш билан чекланишган. Мустафо Чўқаев буни РКП Марказий Қўмитасининг 1920 йил 29 июнида қабул қилган қароридан олинган парча билан исбот қилади: «Мустамлака психологияси билан заҳарланган, рус ишчилари қўлида бўлган Туркистондаги совет ҳокимияти даврида келгинди европалик аҳоли билан маҳаллий халқ ўртасидаги муносабат яхши томонга ўзгарди эмас, балки яна ҳам кескинлашди. Чор ҳукума-

ти даврида амалдорлар маҳаллий халқни асоратга солиш учун қандай йўл танлашган бўлса, бугунги «коммунистлар» ҳам худди шундай йўл танлашмоқда». Мустафо Чўқаев мақола давомида совет ҳокимияти Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини инқилобнинг дастлабки йилларидан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирганини таъкидлайди. Муаллиф кейинги йиллардаги айрим тадбирларни таҳлил қилар экан, улар гўё «яхши ният билан», камбағал ва қашшоқ деҳқонларга қайишгандай туюлса-да, аслида, меҳнаткаш халқни янада асоратга солажagini башорат этади. Масалан, мақолада ер ислохотининг моҳияти очиб берилган – ҳукумат асбоб-ускунасиз; от-уловсиз деҳқонларга мажбурлан ер бериб, уларни янада қарам қилади. Улар ёппасига пахта экишга мажбур бўладилар, бу эса галла экинларининг камайиб, чорвачиликнинг қисқаришига олиб келади. Озиқ-овқат таъминотида деҳқон тўлалигича четдан келадиган маҳсулотга қараб қолади, унинг турмуш даражаси бениҳоя тушиб кетади. 1928 йилда айтилган бу гапни Ўзбекистоннинг кейинги 60 йиллик тарихи тўла исботлади.

ВЦСПС ЎртаОсиёбюросининг 1927 йил сентябрида бўлган пленумида сўзлаган нотик «Ильич» номли завод маъмурияти «штат қисқарганини эълон қилиб, айна пайтда, Россиянинг ички музофотидан янги ишчи кучлари чақириб келишганини» айтади. Ҳолбуки, худди шу пайтда Ўрта Осиё бўйича 28 625 та ишсиз бор эди. Биз бу сиёсат ҳам фақат 20-йилларда амалга оширилган ўткинчи тадбир эмаслигини яхши биламиз. Бугунги кунда шу сиёсат туфайли бутун Ўрта Осиё иқтисодиёти жуда ночор аҳволга тушиб қолди, Ўзбекистонда эса миллионлаб одамлар жуда фақир ва қашшоқ ҳаёт кечирмоқдалар. Мустамлака сиёсатининг яна бир жиҳати кадрлар масаласи билан боғлиқ. Мустафо Чўқаев француз делегациясининг «Ўзбекистонда ҳамма муҳим лавозимларни миллий кадрлар эгаллаб турибди» деган гапини ҳам жуда асосли рад этади. У бунинг учун партия XVI съезди материалларига мурожаат қилади. Унда Оржоникидзе бошқа масалалар қатори Ўзбекистонда бошқарув аппаратининг миллий таркиби ҳақида гапирган экан. Унинг ҳисобига кўра, аппаратда руслар 61,9 фоизни, ерли миллат ва-



киллари эса 24,7 фоизни ташкил қилади. Бироқ ерли миллат вакилларининг малакаси ва сифати масаласи жуда ночор аҳволда бўлган. Мустафо Чўқаев буни ҳам «За партию» журналида босилган (1927 йил 3-сон) Хонсуворовнинг мақоласидан олинган қуйидаги парча юрқали далиллайди: «Округ ижроия комитетлари президиуми аъзолари ва раислари арифметиканинг оддий тўрт амалини ҳам билишмайди, ҳатто ўз тилларида ҳам қийналиб ёзадилар, Париж ва Лондон шаҳарлари қайси мамлакатнинг пойтахтлари эканини ҳам билишмайди, партия тарихидан мутлақо беҳабар, партия дастурини ўқиб ҳам кўришмаган. Савол тугилади: наҳотки, 20-йилларнинг ўрталари ёхуд охирларида, шунингдек, кейинги йиллар мобайнида бутун жумҳурият ҳудудида савияси баланд, юксак маданиятли, раҳбарлик ишларига иқтидори зўр одамлар топилмаса? Наҳотки, халқ ичидан чиқадиган истеъодлар булогининг суви тортилиб қолган бўлса? Йўқ, ундай эмас, албатта. Бироқ мустамлакачилик салтанатининг ўз қонун-қоидалари, ўз мантиқи бор. Унга кўра, кадр танлашда билимнинг кўпдан аҳамияти йўқ, юқори мансабни эгаллайдиган, номенклатурага киришга даъвогар одам юқорига садоқатли бўлса, буйруқни лом-мим демай бажарса, бўлар-бўлмас саволлар бериб, масалалар қўйиб бошни қотирмаса бўлди. Большевикларнинг кўзга кўринган арбобларидан бири Георгий Сафаров 1921 йилдаёқ мустамлакачиларнинг кадр танлаш мезонини жуда аниқ тасвирлаб берган. У «Мустамлака инқилоби. Туркистон сабоқлари» деган китобида ёзади: «Мустамлакачиларга ерли аҳолидан чиққан раҳбар, ўзлари билан бир сафда турадиган тенг ҳуқуқли ўртоқ керак эмас эди. Уларга тилмочлар ва ижрочи мишраблар зарур эди».

Бу парча ҳам Мустафо Чўқай тадқиқотидан олинди. Бундай мисолларни яна келтираверишга ҳожат йўқ. Юқоридагиларнинг ўзиёқ мазкур мақола нақадар кучли мантиққа эгалигини кўрсатиб турибди. У шўрпешона Туркистон шўро ҳукумати қўли остида янада мудҳиш асоратга тушиб қолганини, ўлка бошидаги булутлар янада қуюқлашганини, халқ тобора қашшоқлашиб, ҳуқуқлари поймол этилиб, тарихий меросидан, ёзувидан, тилидан мосуво бўлаётганини пухта

далиллар асосида исботлаб берди. Шу биргина мақолага қараб олимнинг қалами нечоғлиқ ўткирлиги, тафаккури қанчалар теранлигига амин бўлиш мумкин. Энг муҳими, Мустафо Чўқаев бу ва бошқа асарлари билан жаҳон халқларини Совет Иттифоқидаги мустабидлик салтанатида содир бўлаётган жиноятлардан, ўзбошимчаликлардан огоҳ қилиб турди. Эҳтимолки, худди шу хизмати билан Мустафо Чўқаев бугунги истиқлол кунларининг яқинлашишига ҳисса қўшгандир.

Қадимий Берлин шаҳрининг озода ва осуда кўчаларидан бирида қабристон жойлашган. Уни «Турк-ислом қабристони» дейишади. Унга севимли ватани –Туркистон мустақиллиги йўлида курашмоқдан толмаган, ўз ватандошларига қўлидан келган яхшилигини аямаган бир муборак зот – Мустафо бей Чўқаевнинг жасади ҳам қўйилган. Ҳатто унинг вафоти ҳам юртига, ватандошларига муҳаббатидан нишона бўлди. 1941 йилда фашистлар Совет Иттифоқига ҳужум бошлади. Урушнинг бошларидаёқ юз минглаб совет кишилари фашистлар томонидан асир олинди. Бу кезларда Мустафо Чўқай Парижда яшарди. Фашистлар уни зудлик билан Берлинга олиб келишади ва асир тушган туркистонликлардан ҳарбий қисмлар тузишни талаб қилишади. Мустафо Чўқай бу таклифни қатъиян рад этади, бироқ асирликдаги юртдошлари билан кўришиб, қандайдир йўллар билан уларнинг қисматини енгиллатишга ёрдам беради. Шу учрашувларда у сил касалини юқтириб олади. Касал зўрайиб, 1941 йилнинг 27 декабрида Мустафо Чўқаев оламдан кўз юмади.



Мустафо Чўқаевнинг Берлиндаги қабри



САИД НОСИРХОН ТЎРА – МАОРИФ ВАЗИРИ

(1871 – 1938)

М.Х.Эрктурк, Р.Шамсутдинов

Туркистон мухторияти тарихи, жумладан, бу миллий демократик ҳукуматни ташкил этган ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилган тарихий шахслар советлар даврида фақат салбий томондангина қайд қилиб ўтилган. Уларнинг барчасига аксилинқилобий унсурлар деган қора тамга босилган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимизни янгича англаш, қадрлаш, бузилган, сохталаштирилган воқеаларни ўз жойига қўйиш жараёни бошланди. Аммо тарихий аҳамияти, бўй-басти юксак бўлган Туркистон мухторияти давлати тарихи ҳали-ҳанузгача кенг ва атрофлича тадқиқ этилгани йўқ. Айниқса, Туркистон мухторияти билан бевосита боғлиқ бўлган тарихий шахслар ҳаёти ва тақдири тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортмаганлиги афсусланарлидир.

Туркистон мухторияти маориф вазири Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра тарихи ҳам юзага чиққанича йўқ. Шу боис бу инсон ҳақида мавжуд бўлган айрим маълумотларни келтиришни лозим билдик. Улардан бири, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 6-жилди 491-саҳифасидаги кичик бир маълумотни айнан келтира-

миз: «Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўгли (1871, Наманган – 1938.03.09) – Туркистон мухторияти ҳукумати маориф вазири (1917 – 1918), совет ҳокимиятига қарши олиб борилган ҳаракат раҳбарларидан бири, йирик уламо.

Бухорода, Кобул, Дехли, Багдод ва Ҳижоз шаҳарларида таҳсил олди. Туркистонга қайтгач (1912) Наманган шаҳар қозиси бўлган. 1913 йилдан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. «Шўрои исломия» ташкилотининг Наманган шўъбаси раҳбари, Наманган шаҳар думаси аъзоси (1917). Туркистон ўлка мусулмонлари фавқулодда IV қурултойи (1917 й. 26 – 28 ноябрь)ни ўтказишда жонбозлик кўрсатди. 1918 йил февралда мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечирган. У Косонсойда «Миллий иттиҳод» ташкилоти ячейкасини ташкил қилган (1919). Совет режими томонидан қамоққа олинади, сўнгра Оренбургга сургун қилинади (1924 – 1929). Сургундан қайтгач мавжуд тузумга қарши фаол ҳаракатни давом эттирди. Қатагон қилинган Носирхон Тўра қамоқда вафот этади. «Тарихи Туркистон» (15 бўлимдан иборат), «Оренбург мактублари» эсдалиги ва бошқа асарлари мавжуд».

1990 йиллар бошларида ва мустақилликка эришган йилларда биз ўша вақтдаги Давлат хавфсизлик комитети, ҳозирда Миллий хавфсизлик хизмати архивида советлар давридаги қатагон қилинган юртдошлар ва тарихимизнинг бошқа долзарб мавзулари бўйича ҳужжатлар билан танишганимизда, жумладан, Носирхон Тўранинг 3 жилддан иборат айблов



хужжат ва материалларини кўриб чиққан эдик. Унда унинг сурати ҳам бор эди. Кейинчалик архивдаги ишларимиз қатагон йўналишида бўлиб, 6 жилдлик 1937 – 1938 йилларда Ўзбекистонда қатагон қилинганлар тақдири, қисмати ҳақида китоб чиқаришимиз муносабати билан Носирхон Тўра ҳақидаги материалларни олиш имконига эга бўлмадик. Насиб бўлса, Носирхон Тўра ҳақидаги хужжатлар билан танишиш ва уларни илмий истеъмолга киритармиз. Бу архивдан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси ҳузуридаги учликнинг 1930 йил 27 октябрдаги 103-сонли кенгаш баёнмасини олган эдик. Ундан Носирхон Тўрага тегишли қисмини АндУ «Имй хабарнома»сидан (№4/2014. – Б.54 – 58) келтираамиз.

Кенгаш учлик раиси Мионов, аъзолари Берман, Бабкеевич, ЎзССР давлат прокурори, ОГПУ органлари устидан назорат олиб борувчи Саричев ва котиб Ковач иштирокида ўтган. Кун тартибида 5054-сонли айблов хулосасини муҳокама қилиш масаласи қўйилган. Айблов хулосасига асосан, учлик қарори билан 92 нафар маҳбуснинг бир қисми отувга, бир қисми камоқ жазосига ҳукм этилган, айримларигина камоқдан озод қилинган. Улар қаторида Саид Носирхон Тўра билан бирга 17 нафар маҳбус 5054-сонли айблов иши бўйича отувга ҳукм қилинган. Мана улар:

1. Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўраев – 56 ёшда, миллати тожик, бой, хўжалиги ер-сув ислоҳоти даврида тугатилган, таниқли мударрис, февраль инқилобидан октябрь инқилобигача Наманган шаҳар думаси раиси, аксилинқилобий Қўқон мухториятида вазир, Наманган диний бошқармасининг собиқ раиси, 1925 йилдан 1928 йилгача советларга қарши фаолияти учун сургунда бўлган.
2. Отантой Сотилганов – 56 ёшда, қирғиз, бой-чорвадор, хўжалиги ер-сув ислоҳоти даврида тугатилган.
3. Мулла Самиулла Сафиуллаев – 54 ёшда, татар, собиқ ер эгаси ва савдогар, ер-сув ислоҳоти даврида хўжалиги тугатилган.
4. Гумбин Игнатий Матвеевич – 38 ёшда, татар, собиқ офицер, оқларда буфет ижарачиси бўлган.
5. Эшон Дадахон Носирхонов – 24 ёшда, тожик, Носирхон Тўранинг ўғли.
6. Мансурбой

- Шергозиев – 63 ёшда, ўзбек, масжид оқсоқоли, аниқ машгулоти йўқ.
7. Хўжахон Қаноатов – 37 ёшда, ўзбек, эшон ўғли, ўзи имом.
8. Мадиброҳим Ўринбоев – 70 ёшда, қипчоқ, бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган.
9. Жўрабой Қори Миришхоқов – 39 ёшда, ўзбек, ўртаҳол.
10. Тўхтасин Болтабоев – 27 ёшда, ўзбек, бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган.
11. Исмоилхожи Саримсоқхожиев – 41 ёшда, тожик, имом.
12. Ҳамрахўжа Маллахўжаев – 48 ёшда, ўзбек, бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган.
13. Аббосхонқори Азизхўжаев – 26 ёшда, тожик, мадрасада ўқиган, қори.
14. Холмирза Умрзоқов – 47 ёшда, қипчоқ, бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган.
15. Мулла Абдулла Мадкаримов – 33 ёшда, ўзбек, собиқ имом, ўртаҳол.
16. Худайназар Умрзоқов – 37 ёшда, қипчоқ, диний маълумотли, хизматчи.
17. Ҳожибой Абдубоев – 42 ёшда, қипчоқ, бой, собиқ волост бошқарувчиси, собиқ оқсоқол, босмачилик кўмакчиси.
18. Ақрамхон Тўра Маллахўжаев – 76 ёшда, ўзбек, бой, хўжалиги ер-сув ислоҳоти бўйича тугатилган, босмачилик кўмакчиси, таниқли мударрис.

Саид Носирхон Тўранинг фожеаси хориж тарихшунослигида ҳам кенг ёритилган. Масалан, туркиялик тарихчи доктор М.Х.Эрктурк Женевада чиқаётган «Миллий Туркистон» журналининг 1952 йил 5-сонида «Саид Носирхон Тўра» номли мақола чиқарган. Ундан айрим лавҳаларни келтираамиз.

«... Чет мамлакатларда яшаган вақтинда мамлакатнинг тараққиёти учун унда туганмас қизиқишлар бошланди. Айниқса, унга Қоҳирада, Техрондаги ижтимоий, сиёсий ҳаёт, Ҳижоздаги тараққийпарвар оқимлар кўпроқ таъсир этган эди. Шунингдек, ул Туркиядаги ёш турклар ҳаракатини яқиндан кузатиб боргон эди.

Мамлакатга қайтгоч Наманган шаҳар қозиси вазифасида ишлади. 1913-нчи йилдан бошлаб Фаргона жадидчиларининг ёзма фикрларини тарқатар, отасининг босмахонаси орқали уларга катта ёрдам бера бошлагандир. 1916-нчи йил қўзғолони вақтинда Ўзганд, Косонсой ва Наманган атрофлариндаги қўзғолончиларга руҳий озик берувчи шул Носирхон Тўра бўл-



ган эди. Чор Россияси йиқитилгондан сўнг у Туркистон миллатчиларининг Фаргона вилоят шуъбасини бошқарди. Шул вақтдан бошлаб Носирхон Тўра халқ орасинда яна машҳур бўла бошлади. У 1917-нчи йилда Хўқанд мухтор ҳукуматини қурувда энг кўп ташвиш кўрсатганлардан бири эди. Фаргонадаги жадидчилик ҳаракатининг бошлиқларидан Ашур Али Зоҳирийнинг (1935-нчи йилда совет ҳукумати томонидан йўқ этилган) берган маълумотича, агар Носирхон Тўра Туркистон мусулмонларининг 4-нчи фавқулодда қурултойини чақириш устинда жон куйдурмаганда эди, балким, бу қурултой чақирилмай қолиши мумкин эди.

Большевиклар ҳокимият устига келганларидан кейин Туркистон миллий маркази шўросининг ўз бўлимларига: «Мухторият эълон қилиш керакми ёки Россиядан ажралиб чиқишни эълон қилиш керакми?» – деб берган телеграфномасига Фаргона шуъбасининг раиси Носирхон Тўра: «Туркистоннинг Россиядан ажралувини тездан эълон қилув керак», – деб жавоб берган эди. Унинг истиқлолчилик фикри қурултой қатнашчилари томонидан қарши олингон бўлса-да, бироқ бу масалани ҳал қилишлик Туркистон қонун чиқарувчи мажлисига қолдирилгон эди.

У Хўқанд мухторият ҳукуматининг маориф нозири вазифасига сайланди. У бу вазифада туриб мамлакатда маориф ва маданий оқартув ишларини ҳаракатга солди ва бу йўлда миллий зиёлиларнинг фаоллигини кучайтира бошлагон эди. Аммо унинг ҳаракати кўпга чўзилмади.

Хўқанд мухторияти большевиклар томонидан йиқитилди ва бунинг-ла баробар Носирхон Тўранинг маданий маориф соҳасидаги амалга ошироқчи бўлган режа ва истакларининг илдизига-да болта урилди. Бироқ умидсизланмади. У энди яширин ишга кўчди. У махфий равишда Омон Полвон, Муҳийиддинбек, Жонибек қози ва Раҳмонқул қўрбоши каби миллий мукодила қўмондонларига маслаҳатлар берар ва уларнинг ҳаракатларини марказлаштириш ташвишинда бўлар эди. Бунинг бу ҳаракатлари фақат 1919-нчи йилгача давом эта олди, холос. Большевиклар уни Хўқанд мухторият ҳу-

куматининг маориф нозири бўлганлиги учун қамоққа олдилар. У 1924-нчи йилда қамоқдан яна қайтиб келди... 1937-нчи йилда у НКВД томонидан яна қамалди ва қамоқда икки ой ётгач яна бўшаб чиқди. Унинг ҳаёти ниҳоят таҳлика остида қолган эди. 1937-нчи йилдан сўнг у омма орасинда ҳаракат қилув имкониятидан маҳрум этилган эди.

Натижада у ўзининг яқин дўстлари... билангина учрашиб турар эди. Носирхон Тўра бу дўстларнинг: «Тўрам, бир оз айланиб бошқа томонларга-да бориб келсангиз ёмон бўлмас эди. Ҳар томонда дўстларингиз сизни кутадириллар ва улар сизни кўрувга интизордиллар», – деб қилгон таклифларига: «Аллоҳ эгамдир, ҳаётимнинг қисқа вақтлари келаётгандек сезаман. Вақтим бўлмаётир, чунки келажак авлод учун, ҳеч бўлмаса, бизнинг имонимиз тоза эканлигини кўрсатадирган бир ёки бир неча ёзувларим қолсин. Шунинг учун-да бошлаб қўйгон ёзувларимни тамомламоқ истайдирман. Бундан ташқари, кўчага чиқиб қуриб кетгур русларни ва большевикларга сотилган баъзи бир имонсизларни кўргим-да келмайдир. Кўчага чиқиб нимани ҳам кўраман? НКВД жосуслариними, бузилгон масжид-да мадрасаларни, хонавайрон бўлган оилаларнинг дод ва фарёдлариними?.. Халқнинг кўрганлари, кўраётганлари менинг кўражакларимдан озми?» – деб жавоб берар эди.

У ўз болаларининг тарбиясига катта эътибор берар ва уларни Туркистоннинг ўтмиши билан таништирар эди. Унинг сўнгги вақтлардаги кундалик иши 7 хоналик уйга тўлиб ётгон китобларни мутолаа қилиш бўлиб қолгон эди. Унинг ёзиб тайёрлагон асарларидан бири «Тарихи Туркистон» бўлиб, бу асар 15 бўлимдан иборатдир. Аммо бул қимматли асарни босдириш имконияти йўқ эди.

Бир кун Наманган шаҳар сиёсий бўлимининг бошлиги Эришмат ўгли, балки, ҳазил билан бўлса керак: «Тўрам, бу асарни менга беринг, Тошкенда менинг кўп танишларим бор, уларнинг воситасида бостурайлик», – деганда у киши: «Мамлакатни буллаганларингиз етмасмиди, энди тарихимизни-да булгаш ҳаракатиндамисизлар? Уларнинг қўлинда бостирган-



дан кўра авлоддан-авлодга қўлёзма ҳолатинда шундай қолиб кетсин, шундагина фикрим тўғри ва тоза сақлангон бўладир», – деб жавоб берган эди. Носирхон Тўранинг Бузрукхон исмли ўгли 1938-нчи йилнинг тамуз ойида НКВД жосуслари томонидан Қашгар йўлида тутилиб қамоққа олиниб, НКВД кишилари ёнидан Носирхон Тўра томонидан Қашқардаги Оппоқ Хўжа авлодларидан бирисига ёзилгон бир мактуб топилгон. Бу мактуб сабабли Носирхон Тўра ҳозирон ойининг бошларинда қамоққа олинди. Қамалишдан бир кун аввал дўсти Аҳрорхўжа билан суҳбатда бўлган экан. Аҳрорхўжанинг айтилувида кўра, ул киши ниҳоят даражада нотинч бўлиб, фақат ҳар гапнинг орасинда дуо ўқув билан машғул бўлган экан. Носирхон Тўра Аҳрор Хўжага «Хожам, тириклигимда Ватанимиз озодлигини кўра олмайдургон бўлдим. Аллоҳ берган жонимни мендан ўз Ватанимда олувга насиб этса эди, бахтиёр бўлар эдим. Большевиклар на қилсалар-да ўз Ватанимдан чиқармасдан қилсунлар. Ўз болаларимни қандай севган бўлсам, халқимни-да шундай севаман. Бу халқнинг йўлини Аллоҳ очиб берсун. Миллатнинг йўли истиқлол. Истиқлол эса Ватаннинг истиқболидир. Болаларим ва набираларимнинг тарбиясига ўзингиз эътибор берингиз. Мен яна бир-икки кун бу ерда қолиб Бузрукхондан хабар кутаман. Асарларим беркитилган ер ўзингизга маълумдир. Ҳозирга қадар берган ёрдамларингиз учун миннатдорман... Эҳтиётлик, бирлик, фидокорлик, биродарлик туйгуларини кучлантириш ва ёшлар, хотин-қизлар орасинда ишлаш, диний ва миллий одатларимизни мустаҳкам тутиш, маданиятимизни сақлаб қолиш, тилимизни руслаштирмаслик, миллий ахлоқни тоза сақ-

лаш ва ҳар доим тарихимизга боқиб иш қилиш каби фактларга эътибор бериб борсаларингиз, Ватанимиз озодлиги йўлидаги ишларда ютуқларга эришилажақдир...» деган сўзларни айтган.

1938-нчи йили июль ойида Носирхон Тўранинг қизи Зулайхо хонимдан тезда Тўра Қўргонга келувим ҳақида бир мактуб олдим. Мактубда чақирилишим сабаби кўрсатилмаган. Тўрамнинг ҳузурига бормасдан олдин Аҳрор Хожа билан учрашдим. Ул киши менга Андижондан хабар келганлигини, тўрамнинг ҳозирга қадар ул ерда қамоқда бўлганлигини ва, ниҳоят, 3.9.1938-нчида қамоқда вафот этганлигини билдирди. Аҳрор Хўжага: «Тўрам қамалиш вақтинда хаста эдими?» – деб берган сўрогимга у: «Йўқ, хаста эмас эди. Бироқ ниҳоят даражада асабийлашган эди...» – деди. Марҳум Носирхон Тўранинг уйига кирдим. Хонимлар ва у кишининг қариндош-уруғлари билан бир неча соатлар суҳбатда бўлдим... фотиҳа ўқишиб барчамиз келган еримизга қайтдик. Вақт ниҳоят сиқик эди. НКВД кишилари кетимиздан пойлаб юрубдурми деб ҳар биримиз ҳадиксирар эдик. Бунинг учун дуо айлаб, аъзоларига хавфни кучайтирмайлик деган фикр билан тезда тарқалишдик. Марҳум Тўрамнинг жасадини кўра олмадик. Тўрамнинг бир қизи ва бир набираси Андижон турмасининг олдида ҳафталарча «дадамизнинг жасадини берингиз» деб йиглаб фиғонлар қилдилар. Лекин талаб оқибатсиз қолди...

Носирхон Тўра, бир томондан, маорифчи, диний олим, тарихчи, мусиқачи, наққош ва, яна бир томондан, сиёсатчи, миллатпарвар бир сиймо эди. Унинг сифати ҳар бир Туркистон истиқлолчиси учун намунадир».



ШТРИХИ К ПОРТРЕТУ ВОЕННОГО МИНИСТРА ТУРКЕСТАНСКОЙ АВТОНОМИИ УБАЙДУЛЛЫ ХОДЖАЕВА

Рустамбек Шамсутдинов

Всем известно, что каждое суверенное государство имеют свою неповторимую историю и культуру, подлинным творцом и создателем которых по праву является народ. Все мы хорошо знаем, какие сложные времена, какие нелегкие испытания пришлось пережить узбекскому народу в его многовековой истории. Новейшая история Узбекистана и достигнутые нами огромные успехи дают нам все основания с уверенностью сказать, что наш народ, обладающий мужеством и силой, нестигаемой волей и решительностью, способен преодолеть любые трудности и испытания на своем пути.

Мы будем бережно хранить в своем сердце и вечно чтить светлую память о наших предках.¹

Начальник политической полиции секретной службы Туркестанского края полковник Волков в письме от 21 сентября на имя военного губернатора Ферганской области отмечал, что с 1 июля 1916 года в городе Андижане стала выходить газета «Туркестанский голос», взявшая антиправительственный курс. Газета в силу нехватки материальных средств издается не только за счет Чайкина, но и за счет средств ассоциации издательских дел. Газета имеет большую поддержку со стороны местной интеллигенции, а господин Чайкин славится среди коренного населения, он взял на себя ответственность защитить интересы местного населения. В этом же письме Волков охарактеризовал состав редакционной коллегии этой газеты: редактор издатель – Анастасий Афанасьевич Чайкин, владеет домом, дачей, хозяин пчеловодческого хозяйства, председатель общества взаимопомощи, член городского военно-промышленного комитета.

Сотрудниками редакции были: Вадим Афанасьевич Чайкин (родной брат А.А.Чайкина), в период учебы в Уфимской гимназии пропагандировал политические идеи среди учащихся, соучастник покушения на уфимского губернатора, участник революционных событий 1905 года, а в 1908 году был арестован как социалист-революционер, летом 1916 года приехал в Андижан. Вторым сотрудником редакции был Убайдулла Асадулла Ходжаев, из ташкентских сартов, законовед, жил и работал в Андижане, сотрудник и пайщик газеты. Как преданный панисламист, в 1913 году районным отделом охраны он был арестован.

Одним из организаторов создания газеты «Туркестанский голос» был видный деятель джадидского движения Убайдулла Ходжаев. Он был высокообразованным, просвещенным, политически подкованным, обладавшим стойким национальным духом, безкомпромиссным борцом за дело трудового народа. У.Ходжаев вошёл в историю как борец колониального и национального рабства и гнёта.

¹ Шавкат Мирзиёев. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. – Тошкент: Узбекистон, 2016. – С.31.



Руководящие деятели царизма и Советов как в Туркестане, так и в Москве к нему относились очень осторожно и уважительно, а иногда уступали по отдельным вопросам жизни Средней Азии.

Известно, Сталин больше всего боялся независимости народов Востока. Поэтому он сам не переносил крепких духом национальных деятелей, ни одному из них он не верил и близко не подпускал к управлению государством. Мой коллега Турсын Журтбай правильно отмечает, что боясь независимых личностей, Сталин сам становится «личностью» безликих. Так он провозгласил: **«В номере 3 от 24 ноября 1918 г. Сталин пишет маленькую статью под заглавием «Не забывайте Восток», которую мы читаем: «Без этого (Востока – Т.Ж.) нечего и думать об окончательном торжестве социализма, о полной победе над империализмом. Задача коммунизма – развить вековую спячку угнетенных народов Востока, заразить рабочих и крестьян этих стран освобождающим духом революции, поднять их на борьбу с империализмом».**²

Убайдулла Ходжаев всю свою сознательную жизнь посвятил к освобождению своего народа от цепи социальной кабалы, невежества, мрачного прошлого и достижению лучшей, просвещенной, цивилизационной жизни. Ещё в 1914 году в своей газете «Маромнома» с большой горечью характеризовал весьма печальную, трагическую картину нравственной, культурной, духовной жизни туркестанцев: **«Биз, туркистонликлар, ўтган ҳаким ва олимларимизнинг бирини соҳирликка, иккинчисини кофирликка, тагин билмам, наларга иснод веруб исмларини авлодимиздан унутдирмақдамиз...»**

Бундан маълум бўладики, биз, туркистонликлар, ҳозирда на замонга қараб ҳаракат қилурмиз, на дин ва шариатимизга бўйсунурмиз ва на тарихимиздан ибрат олурмиз. Бизим шул қадар гафлат жаҳолатимизни кўра туриб янадан сабр ва таҳаммул ила су-

кут этмак муқаддас Ватанимиз ва меҳрибон онамиз бўлган Туркистонга кўп огир келди...»³

Не имея возможности охарактеризовать других сотрудников газеты «Туркестанский голос», мы начнем документальный рассказ именно об Убайдулле Ходжаеве.

Будучи в Москве, Ташкенте, затем в Германии, перелистывая архивные подшивки старых газет, имел возможность ознакомиться с жизнью и деятельностью одного из национальных деятелей Туркестана – Убайдуллы Асадуллы Ходжаева. Его имя в свое время было известно не только в Центральной Азии, но и даже во всей Российской империи. Он был известен и в странах Европы, Азии как один из лидеров туркестанских борцов за национальную независимость. Отрадно отметить, что с его именем связан и ряд исторических событий Андижана и газеты «Туркестанский голос», издаваемой в этом городе и являвшейся предшественницей «Андижанской правды».

Убайдулла Асадулла Ходжаев родился в Ташкенте в семье ремесленника. Следует отметить, что до революции во всем Туркестане узбеков, имеющих высшее школы, было всего лишь двое – Тошпулатбек Норбутабеков и Убайдулла Ходжаев. Оба они из Ташкента, первый окончил юридический факультет Саратовского университета. Будучи студентом, У.Ходжаев 29 мая 1909 года написал письмо Льву Николаевичу Толстому, который в ответ 5 июня 1909 года из Ясной Поляны отправил на имя У.Ходжаева уникальное письмо. Письмо Льва Толстого после его смерти по инициативе У.Ходжаева лишь один раз было опубликовано на страницах газеты «Туркестанский голос» (№136).

Окончив университет, он стал работать адвокатом в Ташкенте. Одновременно занимался пропагандистской работой, возглавлял общество прогрессивных мусульман под названием «Умид» («Вера»), впервые в Ташкенте организовал книжную торговлю. С 21 декабря 1913 года под его непосредственным руководством стала выходить газета на узбекском языке «Садои Туркистон» («Голос Туркестана»), которая но-

² Турсын Журтбай. Боль моя, гордость моя – Алаш! Трилогия. – Астана, 2016. – С.83.

³ Туркистон матбуоти тарихи (1870 – 1917). – Тошкент: Академия. 2000. – Б.123.



сила ярко выраженный джадидский характер, имела левацкое направление. Она пользовалась большим авторитетом среди местного населения. Поэтому вскоре выпуск газеты по приказанию генерал-губернатора был прекращен. Последователь новой, прогрессивной идеологии – джадидизма У.Ходжаев в 1914 году в Ташкенте поставил известный спектакль «Падаркуш» («Отцеубийца»), вел активную борьбу против колониальной царской администрации.

С 1916 года он работает в Андижане. Здесь с 1 июля стала выходить газета на русском языке «Туркестанский голос», в работе редакции которой активно сотрудничает и У.Ходжаев. Он проявил кипучую деятельность в создании в Андижане подпольной организации «Тараққийпарварлар» («Стронники прогресса»), разоблачал колонизаторскую политику царизма, произвол местной администрации, активно участвовал в восстании 1916 года, разоблачал антинародную политику местной колониальной администрации и ее приспешников из коренного населения по мобилизации на тыловые работы. Вместе с эсером Вадимом Чайкиным, местным миллионером Миркамилом Мирмуминбаевым он выехал в Петербург (июль 1916 г.) и поставил вопрос об отправке в Андижан членов Государственной думы для проверки незаконных действий местных властей во время проведения призыва на тыловые работы. Вскоре (23 – 25 августа 1916 года) в Андижан приезжают члены Государственной думы А.Ф.Керенский, Т.Б.Тевкелев в сопровождении известного Мустафы Чокаева, для проверки вышеуказанных злоупотреблений местной власти.

Поскольку У.Ходжаев хорошо владел русским языком и близко знал членов Государственной думы, он на русском языке написал ряд писем мусульман Андижана в вышестоящие инстанции.

Так, житель махалли «Дархан» Саъди Ходжа написал заявление, которое было переведено У.Ходжаевым на русский язык. В нем говорилось, что в Андижанском уезде для потребности фронта было собрано 200 тыс. рублей. Эту сумму, как налог, администрация собрала с условием, что на тыловые работы население этого уезда не мобилизуется. Однако 8 июля утром по при-

казу сверху у медресе Жами было собрана 200 – 300 человек. Начальник уезда полковник Бржезицкий, мотивируя тем, что собравшихся было мало, приказал согнать людей с базара в медресе и увеличить число участвующих в митинге. В результате собралось примерно 10 тысяч человек.

В дни уразы люди были нервными, усталыми, им надоело зря тратить время. От начальника уезда они стали требовать отмены приказа о мобилизации мусульман на тыловые работы. И было много людей со слезами на глазах обратившихся к начальнику уезда с просьбой не отправлять их детей, родственников на тыловые работы. А.Бржезицкий молча без всякой реакции сел в свой дилижанс и уехал. Спустя час с двумя взводами солдат возвратился к медресе Жами, где находилась огромная толпа, и мирный диалог перерос в перестрелку. Это одно из сотен писем, которые были написаны У. Ходжаевым в адрес вышей администрации.

Он и от своего имени обратился с письмом к генерал-губернатору Туркестана А.Н.Куропаткину, в котором указывал, что при начальнике уезда Бржезицком взяточничество, мошенничество, насилие чрезмерно усилились и стали системой. Он остро критиковал и разоблачал незаконные, антинародные действия чиновников разного ранга, вплоть до главного старосты города Андижана Шермата Алимкулова, начальника уезда и приставов на местах, указывал, что переводчик Бржезицкого Юсуфджан Хаджи Чаришев в таких злоупотреблениях и насилиях играет не последнюю роль. В результате этого у населения рухнули надежда и вера в установление справедливости в решении жизненных вопросов.

У.Ходжаев как лидер подпольной организации «Тараққийпарварлар» джадидов Андижана день ото дня становился все более популярным не только среди населения, но и даже среди





царской администрации уезда, области, края. Местная администрация была напутана его действиями. Так, начальник Андижанского уезда полковник Бржезицкий 13 сентября 1916 года в своем совершенно секретном письме на имя генерал-губернатора Ферганской области с болью и гневом вынужден был признать тот факт, что население перестало прислушиваться к голосу администрации, оно все больше прислушивается к господину Чайкину, Убайдулла Ходжаеву, Ахмадбеку Темирбекову, Падшаходже Умарходжаеву и их организации.

По сообщениям агентуры, У.Ходжаев является наиболее видным, страстным лидером молодежи Андижана и Ташкента. Он представляет местному населению работу администрации в превратном, искаженном виде и усиливает тем самым его недовольство. Люди в поисках справедливости стали обращаться не к администрации, а чаще всего к нему.

Глубоко вникая в повседневную жизнь населения Андижана, юрист по образованию, борец за справедливость Убайдулла Ходжаев вел большую работу среди коренного населения, вошел в тесный контакт с социалистами, революционерами.

Начальник Андижанского уезда полковник Ю.А.Бржезицкий 17 октября 1916 года в рапорте на имя начальника Туркестанского районного охранного отделения, указывая на революционную деятельность У.Ходжаева, прямо указывал: «Пока не будут высланы из края организаторы, руководители газеты «Туркестанский голос» (В.Чайкин, У.Ходжаев) и их газета не будет закрыта, то до тех пор будет бессильна наша борьба с их вредной деятельностью».

В декабре 1916 г. Главный начальник края приказал запретить Убайдулле Ходжаеву проживание в городах Ташкенте и Андижане.

С победой Февральской революции в России в Туркестане создаются различные организации и общества. В это время усилиями мусульманской интеллигенции возникли такие организации, как «Тараққийпарварлар», «Гайрат», «Турон», «Шурои исламия» и другие.

Это было ярким свидетельством того, что узбекские интеллигенты принимали активное

участие в общественной жизни, что их роль все возрастала. Это можно видеть на примере событий, которые происходили в Пскенте. Ночью 26 марта 1917 года руководители организаций «Тараққийпарварлар» Убайдулла Ходжаев, Тошпулат Норбутабеков, Собиржон Юсупов именем революционной демократии арестовали пристава участка Ковдышева. Здесь же собравшиеся выдвинули на эту должность прапорщика Бобобекова. Утром 26 марта в Пскенте состоялся большой митинг, где был избран районный исполнительный комитет.

На первом съезде мусульман Туркестанского края (14 – 22 апреля 1917 года, город Ташкент) У.Ходжаев избирается от организации «Шурои исламия» делегатом первого Всероссийского съезда мусульман. Съезд проходил в мае 1917 г. в Москве. Был избран «Миллий шуро» – Всероссийский мусульманский совет. У.Ходжаев был членом этого совета. С трибуны съезда он требовал предоставления народам Туркестана права на самоопределение. Он был в числе тех, кто считал целесообразным создание в рамках России Туркестанской автономии.

Здесь следует отметить, что У.Ходжаев был весьма объективным, интернациональным, национальным политиком среди руководящих работников того периода. Приводим лишь пример: Когда перед Временным правительством стал вопрос, кого назначать председателем Туркестанского комитета, была выдвинута кандидатура известного Вадима Чайкина, против его кандидатуры выступил большевик А.Я.Першин. Вот что он сказал: «Чайкин снюхался с мусульманами, везде и повсюду его Убайдулла Ходжаев рекомендовал как хорошего революционера и знатока края и что, мол, он очень любит туземцев и печалится о них. Товарищи! Я спрашиваю Вас, разве нам для края таких людей надо, которые любили бы только туземцев и обтирались бы об их халаты?». Узнав об этом У.Ходжаев и Шоахмедов из Петрограда Ташкент направили следующую телеграмму: «Делегаты из Ташсовета Булинский и Першин усиленно выставляют на должность председателя Турккомитета кандидатуру Наливкина. Если же пройдет Чайкин, то они, по их словам, отправят его в арестантском



вагоне. Поэтому Чайкин полностью отказался. По нашему мнению, кандидатура уважаемого Наливкина неприемлема». Примечательно то, что телеграммой, полученной от У.Ходжаев и И.Шоахмедова, Краймусовет ознакомил и членов Краевого совета рабочих и солдатских депутатов и также выразил недоумение по поводу самочинных действий Першина и Булинского. На это председатель Краймусовета Мустафа Чокаев отреагировал телеграммой Чайкину: «Туркестанский краевой мусульманский совет выражает категорический протест против тех, кто, называя себя демократами, угрожал Вам. Убедительно просим Вас вернуть отказ и остаться в Турккомитете. Ждем ответа».⁴

В мае 1917 года в Ташкенте проводились выборы в городскую думу, куда был избран и У.Ходжаев.

В июле Убайдулла Ходжаев участвует и во втором Всероссийском съезде мусульман. Его речь вызвала широкий резонанс не только в России, но и за рубежом. Так, «Новый Восток», издававшийся в Берлине в 1917 году, на своих страницах поместил речь У.Ходжаева, в которой он подвергал резкой критике политику Временного правительства в Туркестане. Как царизм, так и Временное правительство занимались истреблением мусульманского населения. Особенно генерал-губернатор Куропаткин, раздававший оружие колонизаторам, что способствовало кровопролитию. В апреле 1917 года безоружные женщины и дети, казахи и киргизы, в количестве 50000 человек, были истреблены. За это преступление мусульмане Туркестана подали на генерала Куропаткина в суд, но суд нового режима России оправдал его.

У.Ходжаев, приводя конкретные факты и цифры, резко критиковал антинародную политику Временного правительства, Советы рабочих и крестьянских депутатов и местные учреждения, положение на местах.

В сентябре 1917 года произошло слияние Советов солдатских, рабочих, киргизских, крестьянских и общемусульманских депутатов и был избран президиум, в состав которого вошел и У.Ходжаев. Затем при президиуме

было создано временное совещание, которое в свою очередь создало временное совещание при Туркестанском комитете в составе В.Н.Наливкина и Н.И.Шендрикова. Это совещание управляло краем до прихода генерального комиссара полковника Коровиченко, назначенного Временным правительством.

В сентябре 1917 года в Ташкенте проходил III съезд мусульман Туркестанского края, в работе которого активно участвовал и У.Ходжаев. Съезд обсудил и утвердил программу и положения об автономии Туркестана и национальной партии, в числе которых, вместе с пятью представителями Андижана (Мулла Мухиддин, Махмуд аьлам Мулла Мухаммад, Мулла Боқоихун домулла Одилбой ўғли, мударрис Мулла Нуриддин аьлам Йўлдошхўжа Эшон ўғли, Мулло Мухаммаджон бойвачча Камолжонбоев, Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қушбеғиев) был и Убайдулла Ходжаев. Эти программные документы явились основой для провозглашения независимости Туркестана на IV чрезвычайном общемусульманском съезде края, проходившем 26 – 29 ноября 1917 г. в Коканде.

В числе 200 его делегатов был и Убайдулла Ходжаев. Как вспоминал впоследствии известный эмигрант Вали Каюмхан, душой этого съезда были Убайдулла Ходжаев и Мустафа Чокаев. Открытым голосованием У.Ходжаев был избран в президиум съезда. В повестку дня были поставлены вопросы – «Вхождение Туркестана в Южно-восточный союз», «Об автономии Туркестана».

Депутат и член Центрального комитета Всероссийского мусульманского совета У.Ходжаев выступил на съезде с докладом. Он указывал, что ныне в Российской империи все нации активно включились в общую борьбу против большевиков, нет надежды на созыв Всероссийского учредительного собрания.

Оратор призывал делегатов в срочном порядке перейти к управлению краем на началах автономии и вести неустанную борьбу против большевиков. В таком же духе выступили и представители национальной демократии, такие, как Латибджан Садикбаев из Андижана, Аминхан Тура и другие. Съезд избрал правительство и парламент национального демократического

⁴ Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006. – С.92 – 94.



государства Туркестана. В этом первом правительстве Туркестана У.Ходжаев занимал пост военного министра внутренних дел Туркестанской автономии.

Но большевики как в центре, так и в Туркестане не признали это правительство, созданное на юридической, демократической основе. Наоборот, они в феврале 1918 года вооруженным путем свергли это законное правительство народов Туркестана.

Разгром советскими войсками Туркестанской демократической автономии положил начало возникновению так называемого «басмачества», которое как проявление борьбы за национальное освобождение продолжалось до 1934 года.

У.Ходжаев со времени разгрома так называемой «Кокандской автономии», а фактически, на деле – Туркестанской автономии ушел с политической арены, занимался просветительской, литературной деятельностью. Но ему пришлось жить и работать в невероятно тяжелых условиях, он стал объектом постоянного наблюдения, преследований. Тот же Вали Каюмхан вспоминал, что перед выездом в Берлин он встречался в Москве с У.Ходжаевым, а в 1922 году узнал о высылке У.Ходжаева в Сибирь.

С конца 20-х годов в Узбекистане, как и во всех регионах страны, началась новая волна репрессий. В числе многих представителей джадидской идеологии и политики У.Ходжаев обвинялся в принадлежности к так называемой националистической организации «Миллий истиклол» («Национальная независимость»).

В городе Самарканде 25 марта по 21 июня проходила выездная сессия Верховного Суда СССР. Рассматривалось дело номер 73 С – О председателя Верховного Суда УзССР Саъдулла Касымова и около 30 саучастников. В качестве государственного обвинителя Р.Катанян в своём выступлении коснулся вопросов личности известного адвоката Убайдуллы Ходжаева. Приводим выдержки из его выступления: «... Убайдулла Ходжаев – это знаменитый адвокат, с которым Касымов жил душа в душу в Андижане. Их называли двойниками, потому что они... и дневали, и ночевали вместе. И это в то время, когда в этом самом Андижане слушалось дело Исакулова

(тоже контрреволюционера), причем по делу председательствовал сам Касымов, а защитником выступал сам Убайдулла Ходжаев...»

Далее в протоколе судебного процесса мы читаем следующие строки: «Возьмем Убайдулла Ходжаева – приятеля и учителя, и друга Касымова. А кто такой Убайдулла Ходжаев? Не министр ли внутренних дел «Кокандского правительства», не один ли из организаторов басмачества? Здесь уже говорили о книжке «Вестник истории Туркестана»... В ней говорится, что басмаческие шайки организованы были впервые в Коканде и организатором их был некто Иргаш. Говорилось что этот Иргаш в царское время был осужден как разбойник с большой дороги и его сослали на каторгу. Но вот он появляется в Средней Азии, он бежал из Сибири, и приехав к Убайдулле Ходжаеву, становится главнокомандующим всех вооруженных сил Кокандского правительства. Вот какова физиономия этого человека, который вами руководил во время «Исакуловского» процесса. Вы не расставались друг с другом, вместе ходили по всем учреждениям, в баню, в столовую, в фотографию. В Андижане все говорили, что Убайдулла Ходжаев и Касымов – это два друга. Они хоть и сидят на суде на разных местах, но вместе делают одно и то же...»

Убайдулла Ходжаев был приговорен к 10 годам тюремного заключения, замененным высылкой в Северный край, а 25 мая 1934 года коллегия ОГПУ сократила срок высылки с 10 до 7 лет. В 1942 году Убайдулла Ходжаев умер в Северном крае.

Так ушел из жизни один из самых верных, стойких, мужественных борцов за национальную независимость в Центральной Азии. С тех пор прошло 65 лет, но светлая память о национальном, народном герое не забыта. И сейчас его славное имя и добрые дела служат могучим оружием в воспитании всех новых и новых борцов за укрепление независимости Республики Узбекистан. Ведь он всю свою сознательную жизнь без остатка посвятил делу независимости. Настало время увековечить память о нем в Узбекистане, подготовить и издать на языках народов Средней Азии сборники документов и материалов научных и популярных книг, видеофильмов, художественной литературы.



АЛАШ МУХТОРИЯТИ

Шамсутдин Темиров, Сойибжон Ҳошимов

Подшоҳ Николай тахтдан ағдарилгандан сўнг Алаш лидерлари Қозогистон ва Туркистондаги ўз маслакдошларига Минскдан мана бу телеграммани йўллаганлар:

Минск. 1917 йил 15 март. «Черняевдан Тинишбоевга, Петропавловскдан Косемосовга, Эмбадан Тлеулинга, Турлибоевга, Павлодордан Сотбоевга, Семейдан Марсековга, Тўракулга, Қорақарлидан Жакипга, Смаохунга, Ҳасанга, Қорақтолдан Райимбековга, Зайсандан Боштаевга, Отбосардан Султон Абилаевга, Саилбек Жонайдоровга, Совенкодан Сиздиқ Мишенбоевга, Жаҳонгир Букеевга, Жонибекдан Батигер Кулмановга, Орашу Шамбаловга, Красноярдан Орашу Шолтировга, Красникуттадан адвокат Ниёзовга, Ойилдан Халилга, Уралскдан Габидоллга, Перовскдан Бекҳожига, Иргиздан Ҳожа Ахмед Юсуфбекга, Шонановга, Туркистондан Утегеневга, Қўқондан Ақаевга, Скобеловдан Абдурахмон Ҳуроаевга, Тошкентдан врач Котибаровга, Андижондан Кожиковга (Хожиков)¹, Копалдан Турусбековларга, Октубадан Қосим Арингозиевга, Тўрғайдан Тўхтабоевга.

«Таъсис мажлисига ўтказиладигон сайловларда қозоқлар ҳам иштирок этишлари керак. Биз бошқарувнинг демократик тарзда бўлишини истаймиз».² Алихон, Мирёқуб, Мусо, Шоҳимардон, Мирзагози, Ҳасан, Шавкат, Султонбек, Иса, Муҳаммадқози, Хайралдин, Райимбек, Назир, Тамомдар.

Қозоқларнинг сиёсий мустақиллик учун кураши шундай бошланган эди. Мустафо Чўқай айтганидек, 1917 йил қозоқ сиёсати тугилган йил бўлди. Ҳа йилда миллий ҳукумат органлари шаклланишининг асоси – халқ вакил-

ларининг волост, уезд ва областлар курултойларида илк бор қозоқ комитетлари ташкил топди. Таъсис мажлиси арафасида «Алаш» партияси ташкил топди. Алашўрда ҳукумати ва Алаш мухторияти эълон қилинди.

Ҳа Минскдан 1917 йил 15 мартда юборилган телеграммада «Алаш» партиясига мансуб бўлганлар орасида Қўқондан Ақаев, Скобелевдан (Фаргона шаҳри) Абдурахмон Ҳуроаев, Тошкентдан Котибаров, Андижондан қозоқ миллатига мансуб Қўнғирқожи Хожиковлар борлиги аниқланди. Шу ўринда 1917 йил 23 июнда «Туркестанский курьер» газетаси ўз саҳифасида «Фаргона қозоқларида» (у Ферганский киргиз) номли хабар берган. Хабарда Фаргона области кўчманчи қозоқ аҳолиси вакилларининг мажлиси ва унда «Элёттиё» («Кочевник») жамияти тузилганлиги эълон қилинган.

Андижон шаҳрида 17 июнь куни кечқурун қозоқлар йигилиши бўлиб ўтади. Унда 50 га яқин киши иштирок этади. Фуқаро Қўнғирқожи Хожиков мажлисда маъруза билан чиқиш қилади. Фаргона областидаги кўчманчи қозоқ ва қипчоқларнинг кўпчилиги ҳозиргача 1917 йилдаги давлат тўнтариши тўғрисида ва унинг халқ учун аҳамияти ҳақида батафсил маълумотга эга эмаслиги қайд этилади. Шу боис Андижондаги қозоқлар ўз миллатдошларига ёрдам беришлари кераклиги, улар ҳам юзага келган аҳволдан воқиф бўлишлари лозимлиги айтилган. Буни амалга



Алихон Бўкейхон – Алашўрда, Алаш мухтор ҳукуматининг раиси

¹ Қўнғир Хожиков, қозоқ, Андижон шаҳар атрофида хизмат қиладиган комиссар, майда кредит инспектори бўлиб хизмат қилган.

² Алашорда уқиметинин қурылғанына 100 ЖЫЛ. АЛАШОРДА фотоальбомы. Ел-шежіре. – Алматы, 2017. – Б.61.



Петроградда Темир, Уилк, Иргиз, Жимпетинск, Кустанай ва Еттисув қозоқларининг намойиши. Олдинда байроқ кўтариб турган Мирёкуб Дулатов, байроқда рус ва араб имлосида «миллатлар ўз тақдирини ўзлари белгилашлари керак» деган ёзув

ошириш учун «Элётӣ» номи остида жамият ташкил этиш зарурлиги кўрсатилган. Шу заҳотиёқ бўлажак жамиятнинг мақсад ва вазифалари билан мажлис аҳли таништирилади. Бу мажлис бир овоздан «Элётӣ» жамияти тузишга қарор қилади. Бу жамиятнинг мақсади белгилаб берилади: 1) Фарғона области кўчманчиларини Россиядаги янги давлат гоёлари билан таништириш; 2) Уларни Таъсис мажлисига тайёрлаш; 3) Янги ижтимоий ва сиёсий тузумга таянчлар яратиш учун ижтимоий кучларни ташкил этиш; 4) Кўчманчилар орасида ҳуқуқий тартибни жорий этиш; 5) қозоқлар, қипчоқлар ва қирғизларни бирлаштириш гоёсини тарғиб этиш, ўзларининг сиёсий-миллий-иқтисодий манфаатларини биргаликда ҳимоя қилиш учун кураш олиб бориш.



Алаш чўл отлик полки штампи



Алашўрда ҳукуматининг штампи

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун жамият жамоат олдидан оммавий маърузалар билан чиқишлар ташкил этиш, тарғиботчи ва ташвиқотчилар мактабини асослаш, рисолалар нашр этиш, газеталар чиқариш билан машғул бўлган. Шунингдек, жамият ўз нашрига эга бўлиш учун Тошкентда чиқаётган «Бирлик туи» газетасида махсус бўлим очиш учун ҳаракат қилган.

Мажлисида «Элётӣ» жамиятининг раиси қилиб Қўнғирҳожии Хожиков, унинг ўринбосари қилиб Кенжаали Дўсов, газиначи этиб Сулаймон Келгинбоев³ ва котиби этиб Ботирхон Меирбеков сайланган. Жамиятнинг идораси Андижон шаҳри Скоболов проспекти (ҳозирги Навоий шоҳкўчаси), Электрический тор кўчадаги Келгинбоев уйида жойлашган, Жамият 1917 йил июль бошларида Андижон шаҳрида Фарғона области қозоқ-қипчоқлар қурултойини чақаришга астойдил киришган.⁴

Қозоқ тарихидаги 68 та тарихий қурултойлар ичида энг аҳамиятлиси 1917 йил 5 дан 13 декабрғача Оренбургда ўтказилган қурултойдир.

³ Сулаймон Келгинбоев 1913 – 1916 йилларда Андижон уезди бошлигининг тилмочи бўлган, кейинчалик миллий озодлик урушида ҳалок бўлган. Унинг қизи Хадича Сулаймонова 1923 йили Андижонда туғилган. ЎзСФСР Олий суди раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги бўлган.

⁴ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Том 1. – Ташкент, 1963. – С.145.



Қурултой қарор қилган «Букеев Ўрдаси, Урал, Тургай, Семипалатинск, Сирдарё, Фаргона, Самарқанд, Каспийорти областлари уездларидаги, Олтой губернасидаги қозоқлар яшаётган волостлар келиб чиқиши, маданияти, тарихи ва тили бир хил бўлган қозоқ аҳолиси ҳукмрон бўлган ёппа ҳудудлар асосида ҳудудий-миллий мухторият ташкил этилсин. Мухториятга «Алаш» номи берилсин. «Алашўрда» Халқ Кенгаши ташкил этилсин. «Алашўрда»нинг турар жойи Семей шаҳри деб белгилансин. Алашўрда қозоқ аҳолиси устидан ўрнатилган бутун ижроия ҳукуматни ўз қўлига зудлик билан олиши керак.

Алашўрда ҳукумати таркибига: 1) Бокеев Ўрдасидан Уалитхон Танашев; 2) Урал областидан Халил Дўсмұхаммедов; 3) Акмолинск областидан Айдархон Турдибоев; 4) Тўрғай областидан Ахмад Беремжонов; 5) Семипалатинск областидан Халил Ғаббосов; 6) Семиреченск областидан Содиқ Омонжўлов; 7) Сирдарё областидан Мустафо Чўқай.

Областлардан мустақил бўлган: 8) Алихон Букейхонов; 9) Жаҳоншо Дўсмұхаммад ўғли; 10) Олимхон Ермеков; 11) Муҳаммаджон Тинишбоев; 12) Бахтигерей Қулманов; 13) Бозарбой Маметов; 15) Ўтинчи Алжовов.

Алашўрда ҳукуматининг раиси қилиб Алихон Букейхонов сайланди.

«12 декабрь, ярим тундан кейин соат 3 га келиб Алаш мухторияти эълон қилинди. Бизнинг Ўрдамиз ташкил топди, Алаш байроги қад кўтарди. Қурултойга қозоқ чўлларида келганлар, оқсоқоллар кўзларида ёш билан мухторият эълон қилинишини табрикладилар. Яшасин Алаш мухторияти!» Бу тарихий воқеани Олимхон Ермеков ўзининг «Саримарка» мақоласида шундай ёзган эди:

«Гражданлар уруши даврида дарҳол Алаш мухторияти тўғрисида эълон қилиш имконияти йўқ эди. Шунга қарамай, 1917 – 1920 йилларда Алашўрда ҳукумати деюре-дефакто мақомида фаолият кўрсатган эди. Алашўрда мухторият



Алим Букейханга Семей (Семипалатинск) шаҳрида қўйилган ёдгорлик

ҳудудини бошқаради. Алаш маҳаллий советлар орқали областлар ва уездларни бошқаради.

Қозоқ большевикларига ҳеч қандай майдон берилмасин». Мазкур қарорни имзолаётган А.Букейхонов Алашўрданинг бутун қозоқ чўллари устидан сиёсий ҳукумат эканлигини қайд этди.

Большевиклар ҳокимиятга келиши билан Алашўрда Москва билан музокара олиб борди. Ленин ва Сталин билан музокара олиб бориш учун Алашўрда Москвага Жаҳоншо ва Халил Дўсмұхамедовни юборди. Бу музокаралар натижасида Алаш раҳбариятига телеграмма юборилган, унда Алаш мухториятини совет ҳокимияти тан олиши хабар қилинган. Бироқ кейинчалик большевиклар ўз ваъдаларида турмадилар.

Шундай қилиб, 1917 йил 12 декабрда эълон қилинган Алаш бор-йўғи икки йилу уч ой фаолиятда бўлди. Қозоқ инкилобий комитетининг 1920 йил 5 мартдаги қарори билан Алашўрда ҳукумати тугатилди. Совет ҳокимиятининг ўша даврдаги мухториятларидан биронтаси ҳам бу муддатдан кўп яшай олмаган.⁵

⁵ Алашорда уқитетинин қурылғанына 100 ЖЫЛ. АЛАШОРДА фотоальбомы. Ел-шежіре. – Алматы, 2017. – Б.90 – 93.

СОВЕТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ТАЛҚИНИДА

(ОГПУ материаллари асосида)

Рустамбек Шамсутдинов

(Давоми. Боши аввалги сонларда)

...17) Вақф бош бошқармасининг собиқ раиси **З.Носирий гапларидан:** «Маҳаллийлаштириш тўғрисидаги гаплар эски. 100 фоиз маҳаллийлаштириш учун ходимлар етарли эмас. Бир Тошкентнинг ўзи 100 фоиз учун етарли миқдорда ходим бериши мумкин деб айтишмоқда. Бунинг учун ижтимоий келиб чиқиши ва сиёсий эътиқодига эътибор берилмаслиги керак. Ўзи ўзбек бўлса ва оз-моз саводли бўлса бас. Агарда унинг русча маълумоти қанчалик заиф бўлса, шунчалик яхшидур; аппаратда европалликлар бўлса ва русча маълумоти паст бўлса, 100 фоиз зарурлигига тезроқ ишонч ҳосил қиладилар. Ёки бўлмасам русларга ўзбек тилини ўрганишга тўғри келса, унда ўрганиш имконига эга бўлмаганларнинг ўзлари аппаратдан кетадилар. Даставвалида бундай режа барча ўзбек ходимларини қониқтирганди ва маҳаллийлаштириш бўйича комиссия марказий муассасаларни 50 фоизга маҳаллийлаштиришга эришганди. Бироқ ўзбек ходимларининг бир қисми бундай усулни инкор этдилар (тайёргарлиги йўқ элементлар бу ҳолатга тушиб қолганлар) ва аста-секин практикантлар институт орқали бунга ўтишга қарор қилдилар. Аммо бунда европалликлар практикантларга етарли имконият бермадилар ва улар кетиб қолишган. Биз Украина, Озарбайжон ва бошқалар мисолидан ўрнак олишимиз керак. У жойларда бош ва техник аппаратдагилар ўзларидан бўлган. Бизларга эса юқоридан ва марказлардан келганларни юбормоқдалар ва улар бизларга хўжайинлик қилишмоқда, масъул мансабларни босиб қўлга олишмоқда.

Умуман, совет ашаратини маҳаллийлаштириш ҳозирги вақтда буржуа ва миллатчи доираларининг диққат марказида турибди. Шу йўл билан улар вақтинчалик совет ҳокимиятини қуролли ағдариларига кириб олиб фаолият кўрсатиб, энг асосий мақсади бўлган советларга қарши зимдан пинҳона кураш олиб боришни афзал билиб ёшларни ҳам шу тактика руҳида тарбиялашга чиранмоқдалар.

1. Бу масала бўйича, масалан, Мунавварқори шундай деган: «Бизлар устимиздан хўжайинлик қилмаслиги учун Туркистон бизнинг уйимиз экан – бегоналарни киритмаслик керак ва шундай руҳда ёшларни тарбияламоқ лозим».

«Мустамлакачилик хавфга қарши туришнинг ягона йўли – бу барча бирлашишлари керак, халқни маърифатли қилиш».

Бундай тахтиканинг амалга оширилишига партиялилар ҳам тортилмоқда. Масалан:

2. Бир партияли ўзбек шундай деб чиқди: «Биз хизматга яҳудийларни эмас, фақат ўзбекларни қабул қилишимиз керак».

3. Олий суд раиси ўрт. Қосимов ўз хатида шундай ёзган: «Тошкент округ суди етарли даражада ўзбек ходимларига эга эмас. Мен аллақачон ёзганман ва биз бу масалага жиддий қарамоғимиз керак ва тезкорлик билан округ суди ўзбек тартибини кучайтириши зарур. Мен бу соҳадиги сизнинг ишингизни биламан, аммо барибир европалликлар 6, ўзбеклар эса фақат 2 киши эканини кўрсатиб ўтишни лозим биламан. Суд шундай ҳолатда бўлишини мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайман.



Тафтиш комиссия юборамиз, тайёргарлик кўринг».

4. Андижон округи халқ таълими бўлими район инспектори, ўқитувчилар район конференциясида барча татар ўқитувчиларини ишдан бўшатишга мажбур қилган ва буни ҳаётга татбиқ этган.

5. Партияли ўзбек аризасидан: «Халқ маорифи комиссарлигида шу нарса ёмонки, бу жойдан руслар ҳайдаб чиқарилди. Бош сиёсий маорифда мен унга кун бермайман».

6. Бу ҳам партияли ўзбек аризасидан: «Бизнинг партиявий раҳбарларимиз маҳаллийлаштиришни кўздан кочириш учунгина илгари сурмоқда, ўзлари эса пайсалга солмоқда.

Агар ҳақиқатдан ҳам маҳаллийлаштиришни хоҳласалар, муассасаларни ўзбеклар билан тўлдириш керак, рус тилида иш юритишни тақиқлаб қўйиш керак».

«Маҳаллийлаштириш учун ягона йўл – рус мутахассислари хатоларидан фойдаланиш ва ишчанлик масалаларида рус мутахассисларини дискредитлаштиришдир.

Матбуотда ҳақорат қилиш. Биз ҳақ чиқамиз, омма эса ўзбеклаштиришни талаб этмоқда».

Марказий Комитет Ташкилий бўлим мудирлари қандай шароитда ҳам ўзбек бўлиши керак, чунки бундай таянчнинг мавжудлиги шароитида биз масъул лавозимларга ўзимизнинг ўзбекларни қўйишга эришамиз.

7. Партия Комитети томонидан конфискация қилинган Қўқон техникуми юбилей журналдан келтирилган: «Ёшлар ўқишни тугатганларидан сўнггина маҳаллийлаштириш ўтказилди: улар барча русларни Ўзбекистондан қувиб чиқарадилар, унганча мустамлакачи руслар кучда экан, ўзбек ходимлари қанчалик ҳаракат қилсалар ҳам, ҳеч қандай маҳаллийлаштириш бўлмайди».

8. Партия аъзоси гапларидан: «Ижроия Комитетида ҳаммани бир рус бошқармоқда, ҳаммаёқни руслар ва татарлар босиб кетган. Уларнинг ўрнига ўзимизникиларни қўйиш керак ёки улар бизга қулоқ солиши керак».

9. Кустарлар артели раҳбари: «Агар бизларнинг суиистеъмолларимизни очиб ташласалар, тезроқ Тошкент кустар-саноат иттифоқни маҳаллийлаштиришга эришиш керак».

Хулосада бошқа миллатлар – руслар, татарлар, уйгурлар ва, ниҳоят, аҳолининг батрак қисми ма-

саласи бўйича маҳаллийлаштириш тўғрисида қандай муносабатга тўхтаб ўтишига тўғри келди. Бунда батракларни ўзбеклаштиришга қарши турганини кўрамиз, чунки бу соҳада оқсуяк аслзода авлодлари «хўжа ва сайидлар» ўзларини намоён этадилар, батраклар эса, маҳаллийлаштириш ва ўзбеклаштириш шиорларига қарамай, амалда ташқарида қолмоқдалар.

«Ўзбеклаштириш – яхши гоё. Аммо нима учун хўжа ва сайидлар унга қарши турадилар? Шаҳардаги аслзодалар ўрнига қишлоқлардан қуйи табақалардан кўтариш керак».

Бош фанни маҳаллийлаштириш: Фитрат, Саид Аҳрорий, Абдулла Авлоний (ҳаммаси миллий зиёлилар).

Бошқа миллатларга келсак, уларнинг барчаси одатта кўра маҳаллийлаштириш бўйича тадбирларга салбий муносабатдадилар. Мисол учун:

1) Сурхондарёда татар ва уйгур ҳасрат-надомат билан: «Бизларни миллий адоват учун ҳайдаб чиқардилар. Совет-партия мактабларига фақат ўзлариникини қабул этишмоқда. Халқ таълими бўлими мудирлари бошқа масъул ходимлар каби буни қўллаб-қувватламоқда». Улар совет-партия мактабларидан бирга татарларни сиқиб чиқариши керак. Мудир-татарни ишдан олишди;

2) татарнинг хатидан: «Самарқандда руслар квартира топа олмаяптилар. Рус ва татарларни бўшатишмоқда, фақат ўзбекларнигина қабул этмоқдалар»;

3) руслар хатларидан: «Ишлашнинг имкони йўқ; сенинг устингда миллий киши турибди, қолмишига, овсар».

Халқ маорифи комиссарлигига маҳаллийлаштириш бўйича 30 киши сафарбар қилинди. Кечаги савдогарлар халқ маорифи комиссарлигини хоҳламаганлар, улар савдо ташкилотларида бўлгани аниқланди. Қолганлари хизмат сафарига тўланадиган пул учунгина келишган, бироқ улар ишчи факультетлари ва маориф институтларига кетиб қолишди. Чунки улар аппаратда ишлаш учун ўзларининг тайёр эмаслигини ҳис этганлар.

Кўпинча маҳаллийлаштириш бўйича текширганда комиссия юборилганлар тайёр бўлмаганликлари туфайли хизмат жойларидан кетиб қолишган, маоши оз бўлгани учун келиша олишмаган.



II. Панузбекизм¹

Помимо того, что панузбекизм довольно ярко проявляется в вопросе коренизации, его тенденции не менее ярко проявляются и во взаимоотношениях узбеков к нацменьшинствам. Здесь зарегистрирован ряд фактов, говорящих за то, что узбекские националистические круги стремятся к обузбечиванию нацменьшинств коренных народностей, что находит свое отражение и на деятельности советского аппарата и, особенно на деятельности народного образования, причем наиболее сильно это проявляется в отношении таджиков. Так, например:

1. Один из националистов-таджиков, Садретдин Айни, в разговоре с А.В.Бурхановым жаловался: «Стоило больших трудов ввести таджикский язык в некоторых таджикских школах: мешали националисты – узбеки, сидящие в обкоме. А таджики, работающие там, трусят за свою шкуру и против влиятельных узбекских работников ничего не говорят».

2. Видный националист, писатель-узбек, Чулпан, пишет: «Для изучения языка и происхождения таджиков, организована комиссия под председательством Бартольда, в которую входит и бывший миссионер Андижана Кузнецов. Комиссия нашла: таджикский язык схож с русским, таджики по происхождению очень близки к русским и иранцам. Таджики Ташкента – иранцы. Этот профессор на хорошем жаловании у советской власти. Любят сеять раздор среди национальностей».

3. На заседании исполбюро старгородского Самаркандского райкома один из узбеков-партийцев заявил говорившему по-таджикски таджику-партийцу: «Не говори по-жидовски».

4. Мунавар Кары рассказывал: «Заведующий Узженинпроса Насырова (узбечка) упрекала бывшего Наркомпроса Мумин Ходжаева в том, что он больше средств отпускает таджикскому Инпросу».

5. Из письма партийца, бывшего члена КНО: «Русские и евреи пусть идут своей дорогой, пусть даже сгорят, мне-то что?»

6. Председатель ЦЕКа союза «Кошчи», Одыли: «Узбекско-таджикский вопрос, благодаря политике ЦЕКа, стал принимать серьезный характер. Да,

в некоторых районах Узбекистана до 40% таджиков. Но некоторые наши молодцы, выдававшие себя до сих пор за узбеков, теперь стали выступать на арене таджиками. Хаджибаев без стыда превратился в узкого таджика, стал группировать своих людей. А в НКП Мумин Ходжаев пустил статью газете, снял маску и крутит «Караул» о таджиках».

7. На заседании исполбюро Самаркандского обкома, жалобы со стороны представителей нацмен: «Областные ОНО в таджикских школах заставляют учиться на узбекском языке».

8. Жалобы таджикского советского работника Нисар Мухамедова: «Раньше мы о шовинизме и не знали, но русские проявили его в Туркестане, а затем в Узбекистане научили нас узбеки, а теперь узбеки стали яркими шовинистами и угнетают таджиков».

9. Садруллин – таджик, заведомо нацмен Наркомпроса, говорит: «Заведующий Ходжентского окроно – узбек, зав. п/п – татарин. Они вовсе не интересуются таджикской нацией».

10. Из рассуждений одного партийца: «До размежевания – колонизаторская политика пришлых и казак-киргизское засилье. Интересы узбеков, как самостоятельной национальности, игнорировались. Казакские работники вершали судьбами Туркестана. Размежевание этот вопрос разрешило только частично, и борьба с казаками продолжается, но главным образом на экономической почве. Борьба с колонизаторством пришлых никогда не ослабевала и долго, вероятно, продолжится. Теперь ко всему этому и таджикская опасность, занятие таджиками всех командных высот в стране. В Узбекистане мы, узбеки, думали, что в стране узбеков господствующей нацией будет узбекская нация. Вместо же узбекизации – таджикизация. Целая дюжина таджикских наркомов».

11. Из постановления Наркомпроса Узбекистана, в связи с соответствующим постановлением ЦК КП(б) Узбекистана о выделении детей нацмен в отдельные школы, с преподаванием в таковых на родном языке: «Главная масса населения в городах: Ходженте, Бухаре, Самарканде – узбеки и даже лица, говорящие на таджикском языке, могут быть не таджиками, и таджикский язык может быть их неродным языком, а только разговорным. Так как 90% таджиков владеют узбекским языком, вопрос организации таджикских школ не является особо существенным...»

¹ Хужжат ОГПУ томонидан тайёрлангани ва матн рус тилида бўлгани учун уни айнан рус тилида беришни тахририят мақсадга мувофиқ деб топди. Чунки ўзбекчага ўгиришда хужжат маъносига бир оз пугур етиши мумкин деган мулоҳаза ҳам туғилди.



«...Во время Всесоюзной переписи (1962 г.) многие таджики были записаны узбеками...»

12. Редакция газеты «Аваз-Таджик»: «Узгиз игнорирует издание таджикской литературы, только «Среднеазиатская Книга» идет навстречу».

«Во время слияния Узгиза и «Среднеазиатской Книги» таджикские литературные работники были сильно встревожены, что Узгиз еще более сильно будет тормозить издание таджикских учебников и литературы».

13. Из заявления уйгурского работника: «Узгиз тормозит издание уйгурских учебников. В Акцентре заявили: уйгурских учебников вообще не нужно, могут принять узбекский язык».

Узгиз и уйгурские учебники литературы. По плану 15 печатных листов, заказ передали таджикскому издательству, но Ургиз вырвал от него этот куш. Ургиз выпустил все же. Но в Акцентре заявили: «Для чего уйгурцам отдельный язык и орфография? Для школ необходимо принять узбекскую орфографию, ибо уйгурский язык в основе является узбекским».

Ургиз не хотел издавать на уйгурском языке брошюру о 1-м мае: «Мы такими пустяками не занимаемся. Мы издаем только учебники». В Среднеазиатскую Книгу тоже нет смысла давать заказы. Она скоро присоединится к Узгизу и вообще она не имеет права издавать без согласия Ургиза».

14. Из докладной записки Наджиба: «Курьез с туземно-европейским шрифтом и учебниками: учебники печатаются в Ташкенте, а шрифт посылается в Самарканд, там он лежит на станции – «некому выкупить». Вновь отправляют в Ташкент, здесь также долгая задержка».

15. Из разговоров партийца: «Советский аппарат и школы очистить от других национальностей. Нельзя в председатели комиссии татарина. Это нарушение директив партии о коренизации. Нельзя киргиза в правление».

16. Из разговоров в Ходженте: «Узбеки запретили местным евреям хоронить своих около узбекского кладбища. Землю им не дают, на службу не принимают».

Вообще таджикский вопрос приобретает довольно большое значение, что можно объяснить нежеланием узбеков допустить национальное оформление таджиков, стремлением к их постепенной ассимиляции.

17. Из слов наркомфина Пулатова: «Узбекизации нет, засилие европейцев и таджиков».

18. Стремление таджиков к национальному оформлению в понимании узбека: «Такие-то и такие-то из-за портфеля, личных выгод и только превратились в ярых таджиков».

Особенно же много выступлений наблюдается в отношении Мумин Ходжаева – наркомпроса, таджика. Так, например:

1. Абдул Вахаб Бурханов, старый бухарский джадид, лидер антисоветских националистов в Бухаре, б/партийный, сейчас член УзЦИКа, говорит: «Мумин Ходжаев защищает таджиков, что видно из того, как он из 28 школ в Самарканде 20 школ перевел на таджикский язык. Но ведь в округе большая часть населения – узбеки».

2. Хашимов – руководитель Акцентре: «Мумин Ходжаев старается покровительствовать таджикам. Он форсирует вопрос о таджикизации самаркандских школ. Больше помогает таджикскому Инпросу, чем узбекскому. Ряд работников, именовавших ранее себя узбеками, сделались таджиками, яростно отстаивают таджикскую нацию. Это настроение охватывает и рабочих: на пивном заводе рабочие заявили, что они – таджики и требовали доклада на таджикском языке, хотя и владеют узбекским языком».

3. Один из тех же ответственных работников в НКП: «Большая часть ташкентцев против Мумин Ходжаева и критика его связана с предстоящим Пленумом УзЦИКа. Причина та, что М.Ходжаев, будучи близок к таджикам, ведет линию в пользу последних».

4. Ильбек в разговорах: «Нет ли предположений об изменении состава наркомов? Большинство до сих пор – таджики».

5. Бату – писатель, работает в редакции газеты, по вопросу Ильбека дает реплику: «Вопросы, заданные Ильбеком, задаются многими узбекскими работниками».

6. Заявление Одыли: «Всюду таджикизация, создалась целая национальная группа: Мумин Ходжаев, Ахмедбеков и т.д.».

7. Заведующий Самоно – узбек Атауллаев, старался тормозить таджикизацию 18-ти школ в Самарканде, отказывая в учебниках на таджикском языке под предлогом, что таджикских учителей нет, а таджикские дети уже свыклись с узбекским языком: «Мы по возможности постараемся уменьшить количество таджикских школ. Среди узбекских учителей провели агитацию и они

выскажутся за узбекизацию таджикских школ. Оставим им 4-5 школ».

8. Председатель бухарского окружного Ика А.Р.Мукамилов: «Конечно, если население Бухары потребует таджикские школы, партия не будет против, т.к. большинство населения – таджики».

«Во время Всесоюзной переписи в Бухаре проводилась кампания, что все узбеки. Все учреждения и школы – на узбекского языка. Женщины на собраниях требуют доклада на родном языке».

«Доклад Горсовета Бухары в одном из районов города Заворготом РК (узбек) был сделан на узбекском языке. Заворгот предлагал узбекский язык, а население потребовало перевода на таджикский язык. Это требование населения было поддержано присутствовавшими таджикскими работниками. В связи с этим их обвинили в агитации за таджиков».

«Узженинпрос, где учатся 32 таджички, на запрос о таджичках дал ответ: «Нет таджичек». «Главпрофобр НКПУа Н.Сеиди (узбек), таджикского работника упрекал в том, что тот считает себя таджиком и заявил: «Разве таджики не относятся к узбекам?»»

«В Бухаре кампанию против таджикских школ ведет ответственный секретарь бухарского окркома Аманов (узбек, из крупных торговцев)».

«В Бухаре – 2 персидские школы. Таджикских не было. Недовольство таджикского населения. Население с трудом добилось введения преподавания в 2 женских школах для таджиков на таджикском языке».

9. Бухара. Из разговоров узбека: «В школе Авлями – Шухада ученики, хотя узбеки, но плохо знают узбекский язык, т.к. дома они говорят на таджикском языке, и вне уроков – также на таджикском языке».

Учитель этой школы, Абдулаев, говорил: «Трудно поэтому учить на узбекском языке, непонятные слова переводятся на таджикский язык. На таджикском языке официально в школе не говорим».

Другой учитель из той же школы, А.Сеиди: «Таджикский язык нужно применять постольку, поскольку это необходимо для пояснения ученикам, но об этом не следует говорить Окроно и его инструкторам. Могут выйти неприятности».

10. Хашим – Акцентр: недоволен, что таджики проявляют интерес к просвещению и жалуется: «Бартольд и Восточный факультет последовательно ведут линию, выдвигающую таджиков».

11. Зав. Таджикского ГИЗа, Джабар Заде: «Узбеки крайне препятствовали изданию таджикской литературы и открытию таджикских школ. Когда открылись школы, Узгиз игнорирует нашими нуждами в учебниках. Единственный выход – Среднеазиатская Книга, она дала нам учебники. Но НКПУз в этом году предложил нам свои услуги, мы с ним заключили договор, однако безрезультатно, т.к. Наркомпрос хотел перекупить имеющиеся учебники по дешевой цене в Среднеазиатской Книге, а последняя взамен требовала передачи ей изданий Узгиза. Узгиз не согласился. Тогда Среднеазиатская Книга, со своей стороны, отказала от передачи НКП книг по дешевым ценам, и мы остались не при чем».

12. Мухитдин Рафгат: «Фитрат – против таджикизации школ, т.к. он хорошо не уяснил еще политику правительства в этом вопросе, иначе против не был бы, но все равно делопроизводство останется на русском языке, только газеты будут на таджикском языке».

13. На республиканском совещании редакторов газет в прениях по докладу таджика один узбекский ответственный работник говорил: «Вы, таджики, только вчера начавшие издавать свою газету, стараетесь подражать «Кзыл Узбекистану». В своей газете вы часто пишете, что вы раньше находились под колонизаторством узбеков, что вас освободил только октябрь».

Ответ таджика: «Специальных статей против узбеков не было, но местные корреспонденции отмечали конкретные факты».

«Узбекские школы сравнительно сносно обеспечены учебниками, а нацмен: деятельность ГИЗа проявляется слишком слабо, вообще мало литературы на языке нацмен, а тем более учебников».

«В Бухаре 25 таджикских школ и ни одной книжки на таджикском языке. Таджикский ГИЗ также слабо работает».

«В Самарканде на общеобразовательных курсах для таджиков ни одной книги на родном языке».

«В Ходжентском округе таджикские учителя остались за бортом. В таджикские школы назначены узбеки, ни одного слова не знающие по-таджикски. В школах этого округа преподавание на всех языках, кроме таджикского. В 9-тилетке только в этом году, и то в младших классах, преподавание на родном таджикском языке».

(Давами келгуси сонда)



Аҳмад Заки Валидий Тўғон

ХОТИРАЛАР

Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи



Мазкур нашр-тайёрлаган Ўзбекистон Миллий университети профессори, тарих фанлари доктори, асли Жалолобод вилояти Сузук туманидан Муҳаммадjon Абдурахмонов ўзининг ҳаммуаллифи М.Хўжаев билан

биргаликда хотира муаллифи ҳақида шундай ёзган эди: «Аҳмад Заки Валидий Тўғон ХХ аср жаҳон илми аҳли эътирофига сазовор бўлган таниқли шарқшунос ва туркшунос олимдир. У илмий тадқиқотларини рус шарқшунослик мактабининг ва гарб фенталистикасининг энг яхши анъаналарини уйғун ҳолда олиб борганлиги бу соҳада муҳим назарий ва амалий ҳамда методологик аҳамиятга эгадир. Заки Валидий ўз даврининг йирик рус шарқшунос олимлари В.Бартольд, В.Минорский, И.Крачковский, А.Самойлович, Б.Владимирцев, Ф.Розенберг, Н.Катанов, гарб олимларидан Г.Вейл, Ж.Дений, Корраде Во, Э.Захад, И.Мардман, Ф.В.К.Мюллер, фон Ле Кок, И.Маркварт, Т.Нольдеке, П.Пелио, Д.Рози, Д.Росс, А.Стейн ва бошқаларнинг номини келтириш мумкин.

У Туркистон жадидчилари билан ҳамкорликда фаолият олиб борган ва унинг гоёвий намоёндаларидан бири эди. Туркистон ва Бухорода олиб борилган босмачилик миллий озодлик ҳаракатининг (1921 – 1922) Туркистон жадид намоёндаларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий,

Мунаввар қори каби етакчилари сифатида курашган миллатпарвар инсондир...» Қуйида Аҳмад Заки Валидийнинг Туркистондаги миллий озодлик, истиқлолчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан икки нафари ва сўнги Қўқон хонининг невараси ҳақидаги эсдалигини бермоқдамиз.

Сўнги Қўқон хонининг невараси. Бу ерда сўнги Фаргона ҳукмдори Худоёрхоннинг невараси Исломбек Худоёрхонов Афғонистоннинг Париждаги элчихонаси котиби эди. Отаси Муҳаммадаминбекни яхши танишини, 1913 йилда Тошкентда уларнинг уйида меҳмон бўлганимни билгани учун: «Сизни кўрсам отамни кўргандек бўламан», – деб ҳурмат кўрсатди. «Миллатлар Иттифоқи»га мурожаат қилиб, фуқароси бўлмаганлар паспортини олишимда, Германияга виза (ижозат) олишимда ва бошқа ишларда ёрдам қилди. Элчи: «Афғонистон ҳам сизнинг ватанингиз, ўзимизнинг паспортни бера қолайлик», – деди. Шунда Исломбек: «Буларнинг бирор давлатга боғлиқ бўлмай, фуқароси бўлмаганлар паспортини олишлари Туркистон номидан сиёсий ташаббуслар кўрсатишларида фойдали бўлади», – деди. У бундай ташаббусларни жону дилдан қўллаб-қувватларди, бироқ элчихонадаги расмий вазифаси бу ишлар билан шугулланишига тўсқинлик қиларди.

Шермуҳаммадбек. Бу зот Фарғонада туғилган. 1915 йилда подшо ҳукуматининг фармонида биноан фронтда ишлаш учун мардикорликка сафарбар қилинган ва Польша frontiда бўлган. 1917 йилда Фарғонага қайтиб келгач большевиклар золимликларига чидай олмай, дўстлари билан биргаликда кураш байрогини



Шермухаммадбек Туркиянинг Адана шаҳрида яшаган.
1970 йил 10 мартда вафот этган



Шермухаммадбекнинг ўғли Давронбек (Нью-Йорк,
1995 йил октябрь)

кўтариб, бир неча йиллар давомида руслар билан жанг қилди. Унинг ҳаёт йўли воқеаларга жуда бой ўтган. Бу ҳақда у ўз хотираларини ёзган ва менга ҳам жўнатган.

Фаргонада курашни давом эттириш имконияти қолмагач, Анвар пошо билан Афғонистонга ўтиш ниятида юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Афғон ҳукумати Шермухаммаднинг укаси Нурмухаммад ҳамда бошқа яқинларини биз яшаётган саройга жойлаштирди. Мен 1920 йили Бошқирдистондан Элдорхон Метин исмли бир зиёлини Шермухаммад олдига Фаргонага жўнатган эдим. У Шермухаммадбек қўшинидаги аскарларга ҳарбий ишлардан сабоқ берди. Рус тилини ўрганишга ҳам кўп ёрдам қилди. Мен билан илк бор кўришганидаёқ: «Элдорхонни менинг олдимга юбориб жуда яхши иш қилдинг, ҳозир эса Кобулда учрашиш бизга nasib қилибди», – деди. У саводсиз бўлса ҳам олийҳиммат, миллатга содиқ бир мард киши эди. У башо-

ратларга ҳам ишонган ҳолда баъзан ҳаракат қиларди. «Юмалоқ» деб аталадиган фол очиш усулини кўпроқ қўллашга уринарди. Афғон ҳукумати унга рус элчихонасига бориб, ватанига қайтиб келишга рухсат сўрашни маслаҳат қилишгандан сўнг у икки марта бориб ҳам келди. Кейин афғонлар мени ўрисга жўнатиб шарманда қилишди деди. Биз кетганимиздан у ҳамроҳлари билан Афғонистонда қолди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Нурмухаммадбек бир неча йил қамоқда ўтирди. Ҳозир опа-укалар иккови Туркияда яшамоқда. Кобулда эканлигида мен Шермухаммад билан Фахри пошо ҳузурига бордим. Фахри пошо эртасига бизнинг олдимизга келди. Фахри пошо кетгач, Шермухаммад: «Одатда, одам билан одам ўртасида фарқ бўлгани каби, миллат билан миллат орасида ҳам фарқ бор. Туркия номидан буюк пошонинг келиши курашлар ниҳоясида мен учун кутилмаган, бебаҳо совга бўлди», – деди. Вазият тақозоси билан рус эл-



чихонасида бўлганлигида у ўзини дўзахнинг энг тубига тушган одам деб ҳис қилганди. Мен Россиядан қочиб, Кобулда русга ёлворибнинг не ҳожати бор? Пошо ташрифи уни руҳан бардам қилди.¹

Мустафо Чўқай ўгли. Элчихонада чиқиб Абулқодир билан бирга Чўқай ўгли Мустафонинг ёнига бордик. Оралари яқин бўлма-са-да, Ислонбек бизга шаҳар ташқарисида Ножон Сур Марн деган жойда яшаётган Чўқой ўглининг уйини топишда ёрдам берди. Ножон ҳақида ўқигандим. Чунки 1812 йили рус қўшини Парижга кирганида қўшин таркибидаги Бошқирд полки шу Ножонда тўхтаган эдилар. Бир Бошқирд полки имомининг Париж ва Ножон ҳақида Бошқирдистонга ёзган мактубини ўз вақтида ўқиган эдим. Мустафо билан биз 1913 йил Фарғонага қилинган илмий сафарим пайтида танишганмиз, эски бир дўстим эди. У бу вақтда Тошкент лицейида таҳсил олади. Кейинчалик Петербург университетиди ўқиб юрган чогида учрашиб турардик. Отаси Сирдарё қипчоқ уруги қозоқларидан бўлиб, Қўқон хони хизматида додхоҳ рутбасида бўлган, ўтган аср ўртасида рус қўшини бу ерларни ишгол этгач, генерал Перовскийнинг хизматига кирган, русча ўрганган ва сўнгра таржимонлик қилган бир киши эди. Қўқон хонлиги

даврида ўзбекларнинг буюкларига, кейин рус даврида эса дворянларга яқин бир оиладан эди. Лекин мустақил Қўқон даврини қадрлаб хотирлар эди. 1916 йилда мен Думанинг муслмон фракциясига, Уфадан Мустафо эса Сирдарё вилоятидан юборилган эдик. У кадет партияси аъзоси бўлишига қарамасдан, доим мен билан ҳамфикр эди. Ва 1917 йил инқилобидан сўнг Қўқон мухторияти ҳаракатига қўшилди. 1918 йил бошида Қўқон шўро тарафидан ишгол этилгач, Мустафо қочиб Тошкентга келди. Тошкентда кадет партиядан бир рус зобитининг уйида бўлиб хотинини қочириб, Тўғай йўли билан бизнинг Юрматидаги уйимизга келди, сўнг Оренбургга кетди. Мана энди Парижда бизни меҳмон қиладиган бўлди. Унинг Мария Яковлевна исмли аёли билан Тимасдаги учрашув вақтдан эътиборан орамиз яхши эди. Улар аввал бизникига келиб, кейин Афғонистонга ўтишимизни маъқул кўришарди.

Мустафо билан уч кун суҳбатлашдик. Мустафо камбақ эди. Миллюков ва Керенскийнинг газеталарга ёзган мақолалари ҳисобидан тирикчилик қиларди.

Германияга кетаётганимизда Туркистондан келтирилган миллий либосларни Мустафога қолдирдик. Уларни музейга сотиб, маълум бир муддат шунинг ҳисобига яшади.²

¹ Бу истиқлол курашчиси, Фарғона водийси истиқлолчи ҳаракати қўшинлари қўмондони Шермуҳаммадбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида қаранг: Боймирза Ҳайит. Босмачилар (1917 – 1934 й). – Кёльн, 1992; Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожияси. I – II қисми. Мадинаи Мунаввара. 1981. Шамсутдинов Р., Қодиров А. Шермуҳаммадбек ҳаётидан чизгилар // Фан ва турмуш. №2 – 4; Ҳўжаев М. Шермуҳаммадбек кўрбоши. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.303.

² Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар. – Тошкент: Истиқлол нури. 2014. – Б.490 – 491.



КУЙЛАЙВЕР, САНОБАР!

Абдурахмон Исҳоқов,
журналист

Атоқли давлат арбоби, шоир ва ёзувчи Шароф Рашидов истеъдодли ёшларнинг чинакам гамхўригина бўлиб қолмай, уларнинг маънавий ва моддий ҳомийси ҳам эди. Уларга оталарча меҳр кўрсатишдан сира чарчамасди. Буни андижонлик хонанда Санобар Раҳмоновага кўрсатган меҳр-мурувватидан ҳам кўриш мумкин. Ҳар гал Андижонга келганида у албатта Санобархонни излаб топтирар, ижодини ривожлантириш, халққа танитиш учун ўз ёрдами-ни сира аямасди. Санобар Раҳмонова у киши ҳақида сўз кетганида кўрсатган яхшиликларини ҳар гал кўзда ёш билан эслайди.

«Куйла, Санобар!» фильми қандай яратилган?

1973 йили Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари, таниқли давлат арбоби, ёзувчи ва шоир Шароф Рашидов меҳнаткашлар билан учрашиш мақсадида Андижонга ташриф буюради. Асакада ўтказилган учрашувдан сўнг туман ҳаваскорлари томонидан концерт дастури намойиш қилинади. Улар орасида Санобар ҳам бор эди. Унга навбат берилгач, истироҳат боғини ларзага соладиган даражада янграган «Андижоним, гўзал шаҳрим» қўшиғи минглаб томошабинлар қатори Шароф аканинг ҳам эътиборини тортмасдан қолмади. Саҳнада сочларини чамбарак қилиб ўрдирган, миллий атлас матосидан тиктирган кўйлаги эса ихчам жуссасига қуйиб қўйгандек ярашиб турган 11 – 12 ёшлардаги қизча гўё булбул каби жўшиб куйларди. Концертдан сўнг давлат раҳбари боя қўшиқ айтган қизалоқни ҳузурига олиб келишларини илтимос қилди.

Шароф ака ансамбль раҳбари Ғулумжон ака етаклаб келган қизчанинг бошини силаб, ундан сўради:

- Исмингиз нима, қизалоқ?
- Санобар...
- Яхши исм экан. Қани, менга айтинг-чи, қизим, отангиз қаерда ишлайди, онангиз ким, оилада неча кишисизлар?
- Санобар бундай салобатли инсонлар олдида биринчи бор туриши эмасми, ҳаяжонланганидан тили аранг калимага келди:
- Отам оддий чўпон, онам уйда ўтиради. Оилада саккиз фарзандмиз...
- Санъатга қизиқасизми?
- Ҳа...
- Келажакда Саодат Қобулова, Ҳалима Носирова, Ҳабиба Охуновалардек бўлишни хоҳлайсизми?
- Санобар ҳаяжонланганидан нима дейишини билмай йиглаб юборди.
- Демак, розисиз. Сизни биз ўқитамиз, халққа танитамиз. – Шароф ака шундай деб ёнида турган вилоят раҳбари Бектош акага юзланди:
- Бу қизимизни бутун Ўзбекистонга танитиш керак. Халқимиз ўзбек санъатининг келажаги борлигини билиб қўйсин.



Орадан кўп вақт ўтмай Асакага Тошкентдан режиссёр Ҳожимурод Ибрагимов бошчилигидаги ижодий гуруҳ етиб келди. Шароф Рашидов «Ўзбектеелефильм» раҳбариятига Санобар ҳақида фильм яратиш топширигини берган экан.

Эндигина 12 ёшга тўлган Санобар дастлаб Тошкентга олиб кетиб қолишади деб қўрқди. Устози давлат раҳбарининг назарига тушганини, қўшиқларини энди бутун Ўзбекистонда эшитишларини тушунтирганидан кейингина фильмда суратга тушишга розилик билдирди. Бастакор Ғуломжон Рўзибоев билан янги қўшиқлар устида иш бошлаб юборишди. Талаб ниҳоятда кучли эди. Тошкентга бориб, ҳар бир қўшиқни ҳатто ўн мартагача қайта ёздиришга тўғри келди. Керак бўлса, ҳар бир сўз, ҳар бир оҳанг устида соатлаб, кунлаб ишлаган пайтлари бўлди.

Оддий бир қизчага бўлган эътиборни қарангки, Шароф Рашидов ҳатто тайёр бўлган қўшиқларни эшитиб чиқишга ҳам вақт топади. Шундан кейингина ижодий гуруҳга суратга олиш ишларини бошлаш учун рухсат беради.

Сценарийга киритилган ўнта қўшиқнинг ҳар бири мавзудан келиб чиққан ҳолда Андижон, Асака ва Тошкент шаҳрининг энг хушманзара жойларида, боғу роғларида, пахтазорларда, Санобар қўй боқиб юрган бепоён яйловларда тасвирга туширилди. Унинг иштирокчилари ҳам оддий инсонлар эди. Фильм яратилгач, 1974 йилнинг 1 январь куни биринчи марта Ўзбекистон телевидениесига «Куйла, Санобар!» номи билан намойиш этилди.

– Шундан сўнг, ишонасизми-йўқми, мен мухлислардан қоплаб хатлар олганман, – деб эслайди ўша кунларни Санобар Раҳмонова. – Республикамизнинг турли ҳудудларидан, қўшни Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, ҳатто Россиядан ҳам хатлар ёзишган. Менинг ёшимда қўшиқ айтадиганлар кам бўлгани учунми ёки ашулаларимнинг мусиқаси оддий, сўзлари равон бўлганиданми, улар халқ орасида тезда оммалашиб кетганди. Ёш бўла туриб ўзлимни топишим, халққа танилишим замирида Шароф аканинг оталарча гамхўрлиги мужассамлашганлигини ҳеч қачон унутмай-



ман. Ҳаётим бошланишида шундай меҳри дарё инсоннинг назарига тушганлигимга шукроналар келтираман.

Шароф Рашидовнинг бевосита ҳомийлигида яратилган «Куйла, Санобар!» фильмининг эфир юзини кўрганига ҳам қирқ йилдан ортди. Шунча вақт ўтган бўлса-да, ушбу фильм катта экранларда мунтазам намойиш этиб келинмоқда. Ундан ўрин олган қўшиқларни тинглаган сайин яна тинглагингиз келаверади. Бунинг сири ундаги оҳанг ва сўзларнинг оддийлигида, халқоналигида, ўзбек халқининг миллий руҳияти билан чуқур сугорилганлигидадир. Демак, улар юз йиллар ўтса ҳам халқимиз қалбидан жой топиб келаверади.

Фильм тақдироти

«Куйла, Санобар!» фильми эфирга узатилгач, томошабинларнинг бутун эътибори Санобарга қаратилганди. Ҳамма унга ҳайрат кўзи билан қарарди. «Наҳотки, оддий чўпон қизи шунчалик қўшиқ айта олса? У билан учрашув ташкил қилиш мумкинми?».

Томошабинлар шу сингари саволлар билан телевидениега тинимсиз мурожаатлар қилаётганлигидан хабар топган республика раҳбари Санобар Раҳмонова билан томошабинлар ўртасида жонли учрашув ташкил қилишга топшириқ беради. Учрашувга фильмда айтилганлардан ташқари бошқа қўшиқларни ҳам тайёрлаш мақсадга мувофиқлигини ҳам эслатади.

Ушбу таклифдан келиб чиқиб композитор Муҳаммадҷон Мирзаев Анвар Исроилов сўзи билан айтиладиган «Онажонлар, ассалом» ҳамда «Даврага кел, дугонажон» қўшиқларини айнан Санобар Раҳмонова учун басталайди. Учрашув, ҳозирги тил билан айтганда, фильм тақдироти 1975 йили Тошкент шаҳридаги «Билимлар уйи»да бўлиб ўтади. Бир кунга мўлжалланган ушбу учрашув халқнинг талаб-истагидан келиб чиқиб тўрт кун давом этади. Ўшанда томошабинлар ўзлари учун ёд бўлиб кетган умрбоқий қўшиқларни қайта-қайта эшитишдан сира чарчамаган.

Санобарга аталган уй

Чўпоннинг ҳаёти ниҳоятда огир. Шундай бўлишига қарамай, Раҳмонали ака ўзининг бутун ҳаётини ушбу касбга бағишлади. Ёз келиши билан у отарни ҳайдаб Олой яйловларига чиқиб кетар, шу бўйи ерга қор тушгандагина яна Асакага қўйларини ҳайдаб келарди. Унга қўшилиб бутун оиласи, оиладаги саккиз нафар фарзандлари, шу жумладан, Санобар ҳам бутун ёзни сурув ортидан ўтказишарди. Қишда эса уларнинг оиласи сурув қамаб боқиладиган «қўтан»дан сира нари кетмаган. Демак, ушбу оиланинг муқим яшайдиган ҳовли-жойи бўлмаган.

Шароф Рашидов чўпонларнинг бундай машаққатли ҳаётини яхши билган. Шунинг учун ҳам ёш Санобарнинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. У ёш истеъдоднинг арзимаган сабаблар билан сўниб қолишини сира истамасди. Шунинг учун Раҳмонали акалар оиласининг яшаш шароитини ўрганиш учун вакиллар юборади. Ҳақиқий аҳволдан хабар топгач, ушбу оила учун ҳовли-жой қурдириб, Санобарнинг шугулланиши учун алоҳида хона ажраттиради. Ушбу хонани оддий стол-стулдан тортиб китоб жавонигача, ҳатто қишлоқ учун янгилик бўлган пианиногача жиҳозлаб беришади. Давлат раҳбарининг меҳр-муруввати ва оталарча гамхўрлиги туфайли яратилган бундай шароит ўз вақтида Санобарнинг ўз устида мунтазам ишлашига, ўз иқтидорини тўлароқ юзага чиқаришига хизмат қилган эди.

Мишмиш ва ҳақиқат

Машҳур одамлар ҳақида турли мишмишларнинг юриши бор гап. Санобархон билан ҳам шундай бўлган.

Ўшанда «Куйла, Санобар!» фильми янги чиққан, ҳамма уни кўришга ошиқаётган пайтлар эди. Гарчи фильм кинотеатрларда қўйилаётган бўлса-да, Санобарнинг ўзи бирдан гойиб бўлиб қолди. У на концертларда кўринарди, на учрашувларда. Бирдан мишмиш тарқалди: Санобарнинг онаси ўгай экан, қизига сурма ичириб қўйибди деган.



Мишмиш тарқалган пайтда Санобар Андижондаги ички касалликлар шифохонасида огир аҳволда ётар, меҳрибон волидаси эса унинг бошида парвона эди. Санобархон бу воқеани шундай эслайди:

– Ўшанда кечки пайт колхозимиз қошида ташкил қилинган «Машъал» ҳаваскорлик ансамбли таркибида пахта йигим-теримига чиққан ҳашарчиларга бериладиган концертларда иштирок этардим. Кундузи эса анча танилиб қолганимга қарамай, ҳамма қатори пахта терардим. «Норма» деган нарса бўларди. Белгиланган килограмми териб топширмагунча даладан кетмасдингиз. Ўша куни ансамблга эртароқ боришим керак бўлиб қолди. Тергани пахта йўқ. Ўйланиб ўтирмай шартта нариги далага ўтдим. Самолёт гўза баргини тўкиш учун заҳар сочиб кетгани учун бу картага ҳеч ким йўламаган эди. Бир зумда этақларимни пахтага тўлдирдим. Жуда чанқаган эканман, қайтаётиб зовурдаги сувдан икки марта ҳўплаганимни биламан, бошим айланиб йиқилиб тушдим. Тезда касалхонага олиб кетишди. Ич терлама касаллигига дучор бўлган эканман. Ҳатто сочларим ҳам тўкилиб кетди. Жуда узок даволанишимга тўғри келди. Ана шунда шу мишмиш тарқалган экан. У ҳатто республикамизнинг биринчи раҳбаригача етиб боргач, соғлигимдан ташвишланиб Андижонга энг кучли врачларни жўнатади. Шифокорларнинг тўғри муолажаси, Шароф аканинг оталарча гамхўрлиги, менга кўрсатган меҳр-муруввати сабаб хасталикни енгиб яна оёққа турдим. У киши фақат шу билангина чекланиб қолмай Андижонга келган пайтида мени яна йўқлатди. Мени ўз кўзи билан кўриб соғ эканлигимга ишонди. Ўша учрашувда давлат раҳбари ўқишим шартлигини, агар керак бўлса, Москвага юборишга ҳам тайёр эканлигини айтганди. Лекин тақдир экан. Ана шу учрашувимиздан сўнг кўп вақт ўтмай Шароф ака вафот этганлиги ҳақидаги хабарни эшитдим. Мен отамдек меҳрибон бўлиб қолган азиз инсонимдан айрилган эдим. Агар вафот этмаганларида, санъат соҳасида керакли билимларни олармидим, билмадим...

«Бир умрлик армон»

– Шароф Рашидовнинг вафоти, унинг шаънига отилган маломат тошлари менинг ҳаётимни, агар таъбир жоиз бўлса, тақдиримни ҳам ўзгартириб юборди, – дейди С.Раҳмонова. – Давлат раҳбарининг вафотидан сўнг кўп вақт ўтмай уйимизга нотаниш кишилар келиб, илгари ўзимизга тегишли бўлган ҳовли-жой ўрнида қурилган уйни бўшатиб қўйишимизни ёки пулини тезда тўлашимиз кераклигини айтишди. Идорама-идора қатнаб, ялиниб-ёлвориб ҳеч бир натижага эришмагач айтилган катта пулни йиллар давомида тўлашга зўрга ижозат олдик. Дастлабки тўлов учун оилани боқиб турган сигиримизни сотишимизга тўғри келди. Етмаган жойини қариндош-уруғлардан қарз-қавола қилиб аранг тикладик.

Бу ҳам етмагандек, бир куни уйга келсам, онам йиглаб ўтирибди. Ёнимиздаги болалар богчасига комиссия келаётган экан. Вақтинча қўйиб турамиз деб Шароф Рашидов совга қилган пианинони олиб чиқиб кетишибди. Шу бўйи уни ҳам қайтаришмади. Шу орада ўнинчи синфни тамомлайдиган бўлиб қолдик. Битирув имтиҳонларидан сўнг барча синфдошларимга етуклик аттестациясини топширишди. Лекин негадир мен рўйхатда йўқ эдим. Эртаси куни Андижонга чақиртиришиб, вилоятда қолиш шarti билан менга аттестация беришди. Турли хил тазйиқлардан юрак олдириб қўйгандим. Рози бўлишдан бошқа иложим қолмади. Вилоятдаги пахтачилик институтига кириб ўқишга мажбур бўлдим. Шу тариқа Шароф Рашидовга ваъда берганимдек, профессионал санъаткор бўлиш орзусига эриша олмадим. Санъат йўлида ўқий олмаганлигим менинг бир умрлик армоним бўлиб қолди.

Ижоддаги янги босқич

Гарчи Санобар Раҳмоновага профессионал санъаткор бўлиш насиб этмаган бўлса-да, унинг бутун ҳаёти санъат билан боглиқ ҳолда кечмоқда. Бунга ўз тақдирини ажойиб хонанда Илҳом Жўраев билан боглаб, у билан турмуш қурган-



ликлари ҳам сабаб бўлса ажаб эмас. Улар ўзаро ҳамкорликда ижод қилиб, туманда, вилоятда ўтказилган турли тадбирларда ўз қўшиқлари билан иштирок этиб келишди. Маълум муддат Андижон филармониясида ижод қилишди. Бугун фарзандларининг орзу-ҳавасини кўришмоқда. Ўгли Ихлосбек ота-онаси изидан бориб таниқли хонанда бўлиб етишди. Оилавий ансамбль тузиб Асака туман маданият ва аҳоли дам олиш уйи қошида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашишади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев республикада ижодкорлари, санаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, рассомлар, журналистлар билан селектор орқали ўтказган учрашувида Санобар Раҳмонова ижодига, у суратга тушган «Куйла, Санобар!» фильмига алоҳида тўхталиб, унинг юриш-туришидаги, кийинишидаги ўзбек қизи, ўзбек аёлига хос бўлган ибодатчилик, миллийлик

ни алоҳида эътироф этиб, санъаткорларимизни ундан ибрат олишга чақирган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақилликнинг 26 йиллиги муносабати билан чиқарган фармонига асосан Санобар Жўраева (Раҳмонова)га «Дўстлик» орденининг топширилиши унинг кучига куч, гайратига гайрат қўшиб юборди. Маълум танаффусдан сўнг у катта ижодга яна қайтди. Мустақилликнинг 26 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтказилган бош тадбирда Ўзбекистон халқ ҳофизи Шерали Жўраев, Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова қатори ўз қўшиқлари билан қатнашиб байрамга ўзгача миллий руҳ багишлади. Назаримизда, Санобархоннинг ижодида янги босқич бошланаётганга ўхшайди. Сергайрат ижодкорнинг саъй-ҳаракатларига қараб: «Куйлайвер, Санобар!» – дегинг келади.